www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

# ҒАФУР ҒУЛОМ

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ЎН ИККИ ТОМЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# ҒАФУР ҒУЛОМ

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

БИРИНЧИ ТОМ

**ШЕЪРЛАР**

**1923—1940**

ТОШКЕНТ — 1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уз2
Г79

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

САРВАР АЗИМОВ, ОЛМОС АҲМЕДОВА-ҒУЛОМОВА, ВОҲИД ЗОҲИДОВ, САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ, ҚОМИЛ НУЪМОНОВ — ЯШИН, МАРАТ НУРМУҲАМЕДОВ, РАҲМАТУЛЛА ОТАҚУЗИЕВ — УЙҒУН, ВАҲОБ РЎЗИМАТОВ, ЮСУФ СУЛТОНОВ, НУРИДДИН ШУКУРОВ, АЗИЗ ҚАЮМОВ, МАТЕҚУБ ҚЎШЖОНОВ, СОДИР ЭРКИНОВ

Нашрга тайёрловчилар:

*НАЗИРА ҒАНИХЎЖАЕВА*
*ДИЛБАР РАҲМАТОВА*
*ВАҲОБ РЎЗИМАТОВ*

Масъул муҳаррир

*СОДИР ЭРКИНОВ*

Ғулом Ғафур.
Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик [Масъул муҳаррир С. Эркинов]. Т., «Фан» 1983.
Сарл. олдида: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти.
I т. Шеърлар (1923—1940). 328 б.

Гулям Гафур. Полное собрание сочинений. В 12-ти т. т. I. Стихи.
Уз2

Ғ $\frac{4702570200-2352}{М\ 355(04)-83}$ 109—83

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1983 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ғафур Ғулом (1903 йил 10 май — 1966 йил 10 июль) кўп миллатли совет адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшган улкан сўз санъаткоридир.

«Ғафур Ғулом коммунизм куйчиси, янги ҳаёт куйчисидир. У шоир-гражданин сифатида, шоир-коммунист сифатида, жамоат ва давлат арбоби, йирик олим-адабиётчи сифатида халқ билан чамбарчас алоқада бўлди» (Ш. Рашидов).

Ғафур Ғулом ўз ижодини 1923 йилда «Феликс болалари», «Гўзаллик нимада» каби асарлари билан бошлади. Адиб ижодининг поғонама-поғона камол топиб боришида унинг 1926 йилдан эътиборан «Шарқ ҳақиқати», «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон» газеталари, «Ер юзи», «Муштум» журналлари саҳифаларида актив иштирок этиши катта роль ўйнади.

Ғафур Ғулом ўз ижодининг дастлабки паллаларидан бошлаб шеърлар билан бир қаторда ҳикоялар, ҳажвия ва фельетонлар яратишга ҳам катта эътибор билан қаради. 1931 йилда шоирнинг илк шеърлар тўплами «Динамо», 1932 йилда «Тирик қўшиқлар» босилиб чиқди. Адибнинг сатирик ва юмористик ҳикояларидан иборат «Ҳикоялар», «Кулги ҳикоялар» тўпламларининг мухлислар қўлига етиб бориши ҳам шу йилларга тўғри келади.

Ғафур Ғулом ўттизинчи йиллар давомида давр нафаси билан йўғрилган «Яловбардорликка», «Турксиб йўлларида» каби поэзиямизнинг катта бойлигига айланиб қолган шеърлар, «Кўкан», «Текстилькомбинат ва Миср эҳроми» каби достон ва манзумалар билан бир қаторда «Нетай», «Тирилган мурда», «Шум бола», «Ёдгор» каби муҳим ғоявий-бадиий аҳамиятга эга бўлган насрий асарлар ҳам яратди. Мазкур асарлар Ғафур Ғуломнинг ўша йилларда турли номлар билан чоп этил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган тўпламларидан, коллектив мажмуалар, хрестоматиялардан ўрин олган эди.

Адибнинг Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йилларда жўшқин совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳи билан суғорилган юксак бадиий асарлари ҳам адабиётимизнинг катта бойлигини ташкил этади.

Ғафур Ғулом фаолиятининг яна бир қирраси унинг таржимонлигидир. Йигирманчи йилларнинг охирларидан бошлабоқ бу соҳада ҳам иш кўра бошлаган шоирнинг илк таржималаридан бири В. В. Маяковскийнинг «Ҳайқириқ» («Во весь голос») поэмаси бўлди. Адиб ўз навбатида М. Ю. Лермонтовнинг «Бородино» асарини маҳорат билан она тилига ўгирди. Ўзбек ўқувчисини Д. Бедний, Ҳоди Тоқтош, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Ш. Усмонов кабиларнинг турли жанрларга оид асарларидан баҳраманд қилди.

Чет эл адабиётидан В. Шекспирнинг қатор трагедияларининг таржимаси ҳам Ғафур Ғулом қаламига мансубдир.

Шу тарзда бу серқирра фаолият соҳибининг мероси шеърлар, достон ва манзумалар, ҳикоя ва повестлар, очерк ва публицистик асарлардан, шунингдек, унинг таржима асарларидан иборат бўлиб, шу сирада адабий-танқидий мақолалар, адабиётнинг қатор масалаларига оид тадқиқот ишлари ҳам салмоқли ўринга эга.

Ғафур Ғулом ижоди ўзининг ана шу барча қирралари билан адабиётшунослигимизда изчил ўрганиб келинди. Бу соҳага дастлаб қўл урганлардан бири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳомил Ёқубов бўлди. Кейинги йилларда ҳам шоир ижодига бағишланган қатор тадқиқот ишлари юзага келмоқда.

Ғафур Ғулом асарларининг ўз даврида газета ва журналлардаги нашрлари, тўпламлар воситасида етиб келган нусхаларидан ташқари, улардан муайян қисмининг қўлёзмалари ҳам мавжуддир. Бу мероснинг бир қисми Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти фонди ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи экспозиция залида сақланади. Ғафур Ғуломнинг шахсий архивини ташкил этувчи мероснинг катта қисми адибнинг оила аъзолари томонидан асраб келинади.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда Ғафур Ғуломнинг бутун ижодий фаолияти давомида яратган асарларидан иборат қатор «Танланган асарлар» ва кўп томликлар майдонга кела бошлади. Шоирнинг 1947



www.ziyouz.com kutubxonasi

йилда чоп этилган «Танланган асарлар»и шу туркумда тўнғич тўпламлардан эди. Ғафур Ғулом туғилган куннинг 50 йиллиги муносабати билан 1953 йилда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан нашр этилган «Танланган асарлар» мукаммаллиги билан кўп томликларга асос бўлди. Натижада 1950—1959 йиллар давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг нашриёти шоир асарларининг 3 томлигини босмадан чиқарди. 1963 йилда адиб туғилган куннинг 60 йиллиги паллаларида яна унинг шеър, достон ва манзумалари 3 китобдан иборат «Танланган асарлар» сифатида нашрдан чиқди.

Ниҳоят, 1964—1967 йиллар давомида Ғафур Ғулом асарларининг ЎзССР «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилган атоқли матншунос Порсо Шамсиев томонидан тузилган 5 томлиги юзага келди. Ушбу 5 томликни тайёрлашга киришиш ва уни нашр этиш шоир умрининг сўнгги йилларига тўғри келади. Мазкур беш томликни шоир назаридан кечган энг сўнгги нашр деб аташ мумкин.

Ғафур Ғуломнинг тематик бой, жанр эътибори билан ранг-баранг адабий ва илмий меросини тўплаш ва уларнинг катта нашрларини таъминлаш соҳасида ҳам иш олиб борилди ва бунинг натижаси ўлароқ 1970—1978 йиллар мобайнида шоир «Асарлар»ининг ўн томлиги (Ғафур Ғулом меросини ўрганиш комиссиясининг секретари В. Рўзиматов нашрга тайёрлаган) чоп этилди.

Мазкур нашр Ғафур Ғуломнинг илгариги ҳамма мавжуд нашрларидан ўзининг анча тўлиқлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, ҳали шоир ижодхонаси (шахсий архивидаги оқлама, қоралама дастхатлар), ижодий ташкилотлар, кутубхона ва архивларда мавжуд материаллар тугал кўздан кечирилмагани, шоирнинг тугалланмай қолган асарлари жалб этилмагани, турли қайдлари, хусусан, турли жанрга оид асарларининг тўлиқ вариантлари ҳам берилмагани маълумдир.

Юқорида эсланган кўп томликларнинг юзага келганлиги факти эндиликда шоир «Мукаммал асарлар тўплами»ни тайёрлаш ва нашр этиш вақти етилганлигини кўрсатади. 1980 йилда республика директив органлари томонидан Ғафур Ғулом туғилган куннинг 80 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан қабул қилинган қарорда адиб меросининг худди шу тарзда мукаммал нашрини тайёрлаш масаласи кун тартибига қўйилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин



www.ziyouz.com kutubxonasi

номидаги Тил ва адабиёт институти директив органларнинг юқоридаги кўрсатмалари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг қарорига мувофиқ адибнинг 12 томдан иборат «Мукаммал асарлар тўплами»ни нашр этиш ишига киришди.

Мазкур «Мукаммал асарлар тўплами»да шоир асарларидан ҳар бирининг таянч матнини белгилаб, уларнинг қўлёзмасини, қўлёзмаси сақланмаган асарларнинг муаллифнинг ҳаётлик даврида чоп этилган нашрларини муқояса қилиб, ўртадаги текстуал тафовутларни кўрсатиш илмий нашрнинг зарурий шартидир. Ёзувчининг текст устида олиб борган иши, ижодий эволюциясини кўрсатувчи ушбу текстологик бўлим («Вариантлар» бўлими) ва ҳар бир асарнинг яратилиш тарихи, нашрлари тарихи, текстда учрайдиган мифологик ва тарихий номлар, жой номлари тўғрисидаги қайдлар, шарҳлар билан таъминланган тарихий-адабий «Изоҳ» бўлими билан бир бутун ҳолда ёзувчининг ижодий лабораториясини кўрсатишни мақсад қилиб олади.

Ғафур Ғулом асарларининг ушбу нашри учун унинг 1964—1967 йиллар давомида чоп этилган беш томлик асарлар тўплами асос қилиб олинди. Муаллифнинг ҳаётлик даврида юзага келган мазкур сўнгги нашр унинг иштироки билан тайёрланган, унинг назаридан кечган. Жумладан, II томнинг 363-саҳифасида ўқиймиз: «Томни тайёрлашда ва таҳрир қилишда шоирнинг ўзи бевосита иштирок этди. Шеърлардаги ўзгартишларнинг ҳаммаси автор томонидан киритилди». Ушбу нашрнинг повестлардан иборат IV томи «Изоҳ» бўлимида ҳам «Бу томга киритилган асарларни нашрга тайёрлашда Ғафур Ғуломнинг ўзи бевосита иштирок этди. Автор айрим асарларни қайтадан кўриб чиқди, нуқсонларни бартараф қилди, сайқал берди», (291-бет) деб айтилган.

«Мукаммал асарлар тўплами»га илк дафъа жалб этилаётган ҳамма асарлар муаллиф дастхатлари қўлёзма сақланмаган тақдирда нодир нашрлар асосида киритилди. Улар ҳақида «Изоҳ» бўлимида муфассал маълумот берилади.

Мазкур «Мукаммал асарлар тўплами» матнларини тайёрлашда, унинг «Вариантлар» ва «Изоҳлар» бўлимларини тузишда Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган мавжуд монографиялар, илмий мақолаларнинг аҳамияти каттадир. Шунингдек, бу хайрли ишни амалга оширишда шоирнинг оила аъзолари, ҳамкасблар, у билан яқин мулоқотда бўлган барча киши-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг маълумотлари, хотираларининг муҳим роль ўйнаши аёндир.

Ғафур Ғуломнинг «Мукаммал асарлар тўплами» 12 томдан иборат бўлиб, уни тайёрлаш ва нашр этиш 1983—1990 йилларга мўлжалланган.

«Мукаммал асарлар тўплами» жанрий принцип асосида хронологик тартиб билан берилади ва қуйидагича мундарижага эга бўлади:

I том. Шеърлар (1923—1940).
II том. Шеърлар (1941—1953).
III том. Шеърлар (1954—1966).
IV том. Достонлар, манзумалар.
V том. Повестлар, пьесалар.
VI том. Ҳикоя ва фельетонлар.
VII том. Очерклар, публицистика.
VIII том. Насрий баёнлар.
IX том. Таржималар.
X том. Таржималар.
XI том. Илмий-танқидий асарлар.
XII. Илмий-танқидий асарлар.

Томларда Ғафур Ғуломнинг ҳаётига оид фотосуратлар, ҳужжатлар берилади. Охирги томга эса шоирнинг ҳаёт йўли солномаси, асарларининг умумий рўйхати, уларнинг алфавит кўрсаткичлари илова қилинади.

Ғафур Ғулом меросининг ушбу тўлиқ нашри ўзбек совет адабиёти, адабиёт тарихи ва халқ оғзаки ижодиёти масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланади.

* * *

«Мукаммал асарлар тўплами»нинг қўлингиздаги I томи адибнинг 1923—1940 йиллар давомида юзага келган шеърлари, уларнинг барча мавжуд қўлёзма ва босма манбалар билан муқояса қилинган вариантларини қамраб олади. Китобхон томнинг махсус бўлимида шоирнинг санаси номаълум ва тугалланмаган асарлари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу томга оид манбалар устидаги ишда шоирнинг қизи Олмос Ғуломова ҳам иштирок этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЕЧМИШ ВА КЕЧИРМИШЛАРИМДАН

## (АВТОБИОГРАФИЯ)

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен, 1903 йил, 10 май, жума куни эрта билан соат 6 да туғилган эканман. Бу деҳқонча йил саноғи билан балиқ йили бўлади. Туғилган ерим Тошкент шаҳри, Шайховантаҳур даҳа Қўрғонтеги маҳаллада (ҳозирги Октябрь район, Профсоюз кўчаси).

Мен туғилганимда отам Ғулом Мирза Ориф ўғли 35 ёшда, онам Тошбиби Шоюсуф қизи 21 ёшда экан. Кўпинча керак бўлиб қолганда отамнинг нима иш қилиб тириклик ўтказганини аниқ айта олмайман. «Деҳқон» деб қўя қоламан. Келес атрофида 5—6 таноб ери бўлиб, унга буғдой, жўхори, мош дегандай, дон-дун экар экан. Қолган вақтларда умрини шаҳар ичида ўтказар экан. Отам дурустгина саводли, ўзбекча, тожикча яхши билар ва унча-мунча русча ҳам сўзлашар экан. Шаҳар ичида кишиларга ариза, справкалар ёзиб бериб юрар, шунинг учун ҳам исмига «Мирза» деган лақаб қўшимча бўлган экан.

Отам адабиёт билан жуда қизиқар экан. Уйимизга ўзбек шоирлари ва хаттотларидан Хислат, Шомурод котиб ва бошқалар келиб юрганини эс-эс биламан. Фарғона водийсидан келадиган шоирлар ҳам: Муқимий, Тошхўжа Асирий, Фурқат, Муҳйи ва бошқаларнинг бизникига кўп келганини айтадилар. Отам «Мирза» ва «Ғулом» тахаллуслари билан талай шеърлар ёзган. Лекин булар бир ерга тўпланиб, ё бўлмаса босилиб чиққан эмас. Сўнгги йилларда амаким (отамнинг кичик укаси) Мирза Абдулла Мирза Ориф ўғли «Мирза» тахаллусини ўзиники қилиб олиб, шеърлар ёзар эди. Унинг «Баёзи Мирзо» деган китоби 1913 (1331 ҳижрий) йилда Тошкентда «Ғуломия» босмахонасида босилган.

Онам ҳам ўзбекча, тожикча адабиётларни ўқиб, англай оладиган зеҳнли хотинлардан эди. Ўзи шеър ҳаваскори бўлганидан халқ оғзаки термалари вазнида унча-мунча шеърлар айтиб юрганини эслайман. Булардан, айниқса, отам ўлимига бағишлаб айтгани ҳали ҳам қулоқларимдан кетмайди...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Отам 1912 йилда, 44 ёшида мазкур Қўрғонтеги маҳалладаги ўз ҳовлимизда вафот қилди. Ҳовли бўлганда ҳам қандай денг?! Қўрғонтегида, яъни «на дне»да 25 квадрат саженли захкаш, тутдай тўкилай деб турган ҳовлида ўпка шамоллашидан ўлди. Унга ҳеч ким доктор ҳам чақиргани, банка ҳам қўйгани йўқ, пенициллин билан ҳам укол қилгани йўқ. Биз беш етим бола қола бердик. Мен 9 ёшда, энг кичик синглим — Баҳри 6 ойлик эди...

Мен бу ёшда аллақачон саводим чиққан, Навоий, Ҳофиз, Саъдийларни бемалол ўқир эдим, чиройлигина хатим ҳам бор эди. Бунчалик тезфаҳмликни биз ўқиган эски мактаблардан кутиш қийин эди. Масалан, бизнинг маҳаллалик Абдураҳмон Пари деган йигит 16 йилда ҳам «Ҳафтияк»дан чиқмаган эди.

Менинг саводли, хатли бўлишимга бошда отам, сўнг онам сабаб бўлдилар. Тирикчилигимиз ғоятда қийин ўтар эди. Йилига 20 сўмга приказчикликка берилган акамнинг маоши етмас эди. Шу пайтларда десангиз, биринчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Энди биздай камбағал, афтодаҳол, қўл учи билан кун кўрадиганларнинг ҳоли қандай бўлади? Катта бойлар жуда ҳам бойиб, кичик бойлар синиб турган вақт, рус пролетарларининг подшога нисбатан янада ғазаби ошиб, қоши чимирилган замон... Ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ меҳнаткашлари рус пролетарига қулоқ солади, Мочаловларнинг обрўси қолмаган... Акамнинг хўжайини ҳам синди. Акам бўш қолди, кейин ҳайтовур «Темурлан» тамаки фабрикасидан уйга иш олиб кела бошлади. Тайёр гильзага тамаки тиқиб, папирос ясар эди. Тез фурсатда бу ишни онам, мен, ўртанча синглим ҳам ўрганиб, акамга ёрдам бера бошладик. Кунига қўл билан 10 мингга яқин папирос тайёрлар эдик.

1916 йилдаги миллий озодлик қўзғолонида бизнинг маҳалламиз ҳам ўрта роллардан бирини ўйнаган, чунки у халқ ёпирилиб борган шаҳар ҳокимининг маҳкамаси жойлашган Олмазорга ёндош қўшни маҳалла бўлади.

1916 йилнинг кузида акам мени Ўқчи маҳалладаги «8-ое Самсонское русско-туземное училище»га ўқишга берди.

— Русча ўрганиш керак, русга эргашиш керак. Руснинг баридан тутсанг, ора йўлда қолмайсан,— деяр эди у.

1917 йил Февраль революциясида мен тойлоқдай бола рус мактабининг биринчи классида Л. Н. Толстойнинг «Первая книга»сидан русча алифбени ўрганар



www.ziyouz.com kutubxonasi

эдим. Пушкин, Лермонтов, Фетнинг биринчи классга хос кичик шеърларини ёд олар эдим.

Февраль буржуа-демократик революциясининг ғалабасидан сўнг ҳам аҳвол ўзгармади; уруш тўхтамади, арзончилик бўлмади, катта бойлар, катта деҳқонлар, қозию қозикалонлар ишнинг бошида, дастурхоннинг тўрида, замон-замон шуларники бўлди.

Ленин партиясининг раҳбарлиги остида рус пролетариати Муваққат ҳукуматга қарши қизғин кураш бошлаб юборди. 15 ёшларга кириб қолганман, ақлим алла жойларга етар эди. Бундан ташқари, акам «Туркестанский курьер», «Туркестанские ведомости» деган газеталарни олиб келиб, ўқиб берар эди. Петроградда ҳам, Москвада ҳам рус ишчиларининг, солдатларининг революцион ҳаракатлари бўлиб тургани маълум эди. Хулласи, кузакка бориб, Февраль революцияси туфайли ҳокимият тепасига чиқиб олган Муваққат ҳукумат йиқитилиб, рус ишчи, деҳқонлари, солдатлари Ленин, Коммунистлар партияси раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Бизлар ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркманлар — ҳамма-ҳаммамиз руслар билан баравар курашларда қатнашдик, бу революцияга эргашдик, унинг халқларни озод қилувчи улуғ кучидан баҳраманд бўлдик.

Дар қатори ёрон, дегандай, мен яшаган қашшоқ, мазлум, паррихта оила ҳам озодликка чиқди.

1918 йилда онам 39 ёшда, бу ҳам ўша фалокат босган «на дне»да ўлди. Сал ўтмай акам уйланиб, бошқа ҳовлига рўзғор ажратиб чиқиб кетди. Сингилларим билан қолдим. Энди бирор ишнинг бошини тутиш, мустақил ҳаёт бошлаш керак эди. Совет давлатининг биринчи йиллари, ички урушлар қизиб давом қилмоқда, бир томонда босмачилик халқни хонавайрон қилмоқда. Жаҳон уруши оқибатларидан очарчилик бошланган, нима қилмоқ керак? Қилмаган хизматим, тутинмаган ишим қолмади. Охири босмахонага наборшчик — ҳарф терувчи бўлиб кирдим, босма ишида устозим кекса ишчи Абдураҳмон Соҳибоев бўлади. Ўзбекча, русча маълумотим бор учун шу кишининг маслаҳати билан 8 ойлик муаллимлар тайёрлов курсига кирдим. Сингилларим ҳам совет мактабларида ўқий бошладилар.

1919 йил 19 февралда комсомол сафига кирдим. Шу йил ўқитувчилар профсоюзига аъзо бўлдим. Шу йил 23 мартдан бошлаб Ўрдадаги бошланғич мактабга ўқитувчи бўлиб кирдим. Янги, мазмунли, маданий, келажакли ҳаёт бошланиб кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бир бор экан, бир теванинг боши бор экан...» деганларидай менинг қалбим ҳам муҳаббатдан холи эмас эди. Унча-мунча ишқий ғазаллар машқ қила бошладим. Бу — албатта, уйимиз доирасидаги «адабиётчилик» — Навоий, Муқимий, Фурқатлар таъсирининг дуварак меваси эди. Комсомол ишларида актив қатнашганим, ҳар бир янгиликни жон-дил билан қувониб қабул қилганим учун жуда тез ўсиб борар эдим. Шаҳар комсомол комитети олдида яхши обрўм бор эди. Катта-катта жойларда, масъул темаларда докладлар ўқишни топширар эди. Шаҳар маорифи ҳам сийлар эди.

1923 йилларда Маориф комиссарлиги болалар боқимсизлиги билан кураш жамияти билан бирликда болалар уйи — интернатлар очиш ишини менга топширди. Ўрдада «Урфон» ўрта мактабини ташкил қилишда иштирок этдим, унинг ёнида 150 болалик интернат — боқимсиз болалар уйи ҳам очилди. Биз бу болаларни Феликс болалари деб атар эдик. Чунки боқимсиз болаларни тўплаб тарбиялашнинг бевосита ташкилотчиларидан бири ўртоқ Феликс Эдмундович Дзержинский эди.

Бир куни болалар боғчасидаги етим болалардан 15 тасини бизнинг интернатга ўтказдилар. Мен бу гўдаклар билан бирга тунаб қолдим. Кечаси ухламай, кузатувчилик қилиб чиқдим. Шу кеча ўз етимлигим, бошимдан кечирганларим ва шу етим болалар аҳволи, ҳукуматимизнинг, Ленининг шу гўдакларга ғамхўрлиги тўғрисида шеър ёздим. Шу шеъримни биринчи шеърим десам бўлади... Иккинчи шеърим «Гўзаллик нимада?» сарлавҳаси билан 1923 йил апрель ойида босилди... Қарабсизки, шоир бўлаётирман... Менинг ёзганим ҳам босилади...

1924—25 йилларда Тошкент шаҳар маориф ходимлари комсомол комитетига секретарь бўлиб сайландим. Маориф союзига раис ўринбосари бўлдим, икки мактаб, бир интернатда мудир эдим, ишим ҳаддан зиёда кўп, шоирлик аҳён-аҳёндаги эрмакларимдан эди. Бу пайтларда шеърдан кўра ҳажвий нарсалар ёзишга қизиқар эдим. Яна тўғриси, шароит шуни талаб қилар эди. «Муштум» журналининг ҳар сонида, деярли бирор асарим босилиб чиқар эди.

Асосан, мени шоир қилиб етказган Ленин комсомоли бўлди, сиз буни менинг «Қўмсаш» деган шеъримда кўра оласиз.

Хулласи, 1928 йил 15 сентябргача маориф ва комсомол соҳасида баъзан мудир, баъзан муаллим, баъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

зан союз раиси, баъзан агитатор бўлиб хизмат қилдим. Шу пайтларда комсомол умумий маршларини мен ёзиб берар эдим, маҳаллий газета ва журналларга актив қатнашиб турар эдим.

15 сентябрдан бошлаб «Қамбағал деҳқон» газетасига секретарь бўлиб хизматга кирдим. Газетачилик менинг ижодий ўсишим учун университетлик ролини ўйнади. Ерислоҳоти ўтиб, колхозлаштириш даври етган, қулоқларга қарши кураш қизғинлашган, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам синфий кураш ғоятда авжига минган пайтлар эди, бирор кун йўқ эдики, «Қизил Ўзбекистон»да, «Қамбағал деҳқон»да, «Муштум»да ё бошқа журнал, газетада бирор мақолам, фельетоним, очерким, ё шеърим босилмаса... Газета редакцияси Самарқандга кўчди. Ижодим яна-яна янги илҳомлар билан авж олиб борар эди. Рус ёзувчиларининг, шоирларининг ижоди билан яқиндан таниша бошладим. Энг севган ёзувчим А. М. Горький эди. Мен у кишининг асарларидан «Мать», «На дне», «В людях», «Мои университеты»ни, айниқса севиб ўқир эдим. Ва у кишидан кўп нарса ўрганган эдим. Пушкиндан, Лермонтовдан, Маяковскийдан таржималар қилдим. 1931 йилда биринчи шеърлар тўпламим «Динамо» босилиб чиқди, кейин кетма-кет иккита кулги ҳикоялар тўпламим босилди.

1930 йилда Тошкентга, область газетаси «Шарқ ҳақиқати»га секретарь бўлиб келдим.

Шу йиллар Маяковскийнинг «Во весь голос» поэмасини таржима қилдим. Ижодимга Маяковский кучли таъсир қилган. Мен Маяковскийни ўзимнинг устозим деб биламан. Бунинг учун «Динамо», «Тирик қўшиқлар» тўпламларимни кўздан кечириш кифоя.

1934 йилда СССР ёзувчиларининг биринчи Бутуниттифоқ съездига делегат бўлиб қатнашдим. Шу ерда Алексей Максимович Горькийни кўрдим, докладини эшитдим, ўзи билан суҳбатлашдим ва шу ерда Марказий Комитет номидан сўзлаган А. А. Ждановнинг нутқи биз учун катта йўл-йўриқ бўлди.

1942 йилгача баъзан «Қизил Ўзбекистон»да, баъзан «Муштум», «Ер юзи» журналларида адабий ходим, очеркист, фельетонист, секретарь бўлиб хизмат қилдим. Бу кезларда энди мен танилган ёзувчи эдим. Москва рус ёзувчиларининг кўпи билан яхши танишлигим, ошна-оғайнигарчилигим, ижодий ҳамкорлигим бор эди.

Рус тили орқали жаҳон адабиёти классиклари ижоди билан яқиндан танишиб, Шекспир, Мольер, Лопе де Вега, Бомарше ва бошқалардан таржималар қилдим.



1933 ГБ УзССР 39426
www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳон халқлари адабиётининг ҳозирги замондаги энг йирик вакиллари ижодини ҳам ўзбек халқига таништириш йўлида қўлимдан келганча хизмат қилмоқдаман. Иоганнес Бехер, Пабло Неруда, Анатоль Гидаш, Эми Сяо, Ленгстон Хьюз каби ёзувчиларнинг асарларини 30-йиллардан буён таржима қилиб келаман.

Улуғ Ватан уруши бошланган биринчи кунданоқ ўзимни сафарбар деб эълон қилдим. Гитлерчи-фашист босқинчиларга қарши шеърлар солдатини шайлантирдим. Бу кунлардаги ижодим ўқувчилар оммасига маълумдир ва шу йиллардаги шеърларимни тўплаб «Мен Шарқдан келаётирман» — «Иду с Востока» номли китоб қилдим. Бу китоб учун 1946 йилда СССР Давлат мукофоти лауреати деган олий мукофотга сазовор бўлдим.

1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси таъсис қилинди. Мен ҳам ўртоқларим қатори Академиянинг ҳақиқий аъзоси бўлиб сайландим.

Ҳалигача, яъни 1953 йилнинг баҳоригача таржималаримни ҳам қўшганда 100 чоғлик китоб ва тўпламларим босилиб чиққан. Жонажон совет адабиётимизни яшнатиш, ривожлантириш йўлидаги шунча йиллик холис ва ҳаққоний хизматларим учун шонли Совет давлатимиз томонидан бир неча бор олий мукофотларга эга бўлганман. Бир марта Ленин ордени, икки марта «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, бир марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан ва медаль билан мукофотланганман.

Халқдан чиққан бир коммунист шоир, халқ хизматкори сифатида Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатман.

Халқим, Ватаним кундан-кунга гуллаб, улуғ Коммунистлар партияси раҳбарлигида социализмдан коммунизм сари бормоқда. Мен ҳам шу қаторда, шу улуғ машинанинг битта зарур винти бўлиб умрим охиригача хизмат қиламан.

Улуғ ва енгилмас Ватанимизнинг халқлари жаҳон бўйлаб тинчлик бўлишини истайдилар. Мен шу саодатли тинчлик айёмларининг ва коммунизм қураётган совет халқининг камтарин куйчисиман.

Ғафур Ғулом.

5 февраль, 1953 йил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШЕЪРЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФЕЛИКС БОЛАЛАРИ

Биз одам боласимиз,
Одамнинг донасимиз,
Биз ўсиб улғаямиз,
Олим бўлиш ғоямиз.

Бизни етим қолдирган
Босмачиларга лаънат.
Фирқа бизга раҳбардир,
Шўро қилур ҳаракат.

Ленин бизнинг отамиз,
Биз сезамиз ҳаммасин:
Елкамизда қўлини,
Юзимизда нафасин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГЎЗАЛЛИК НИМАДА...

«Гўзаллик қизларда,
у қора кўзларда,
соз каби сўзларда»,
деганлар янглишар.

Гўзаллик бир гулдир,
муддати фаслдир,
яшамоқ аслдир,
сиз, биз бор, у яшар.

Гўзаллик — ишлайиш,
манглайни терлатиш,
гўзалдир унган иш,
мақтанса ярашар!



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ғафур Ғулом. 1923 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИСТАКЛАРИМ

*(Ҳуриликҳога ўхшатма)*

Бўйингдан айланай, ҳазрат эшоним,
Вужудингда бордир менинг гумоним,
Яқинлашсам сенга — кетгай имоним,
Алдамасдан бир кун турсанг, на бўлғай?

Қоқиндиқ бўлайин, червонли бойлар,
Камбағаллар дастингиздан вой-войлар,
Сиз ҳам бизга бир кунгина молларни
Ўн баҳога сотмасангиз, на бўлғай?

Садағанг бўлайин, олифта банги,
Туллак беданангнинг чиқибди донги,
Катта нашақовоқ ҳамроҳдир сенга,
Замонага бир қарасанг, на бўлғай?

Бошингда парвона бўлайин, эй эл,
Ашур оши, ҳалим учун боғланг бел,
«Етимларга кўмак» деса — юм кўзни,
Сен ҳам бир оз кўмак берсанг, на бўлғай?

Олқишларим сенга, меҳнаткаш мушти,
Ўзини англади — кимга мушт тушди.
Яша, «Муштум» почча, кўп йил ва ойлар,
Тез-тез чиқиб турсанг энди, на бўлғай?



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «МУШТУМ»ГА

Эй, сен «Муштум», фикрим иншо айладинг,
Бир нечани сиррин ошкор айладинг,
Эскиликка қарши белни боғлабон,
Мухлисларинг найзабардор айладинг.

Эшонларни элга расво айлабон,
Хотин, чўри, қулдан жудо айлабон,
Домла, сўфини ерга жо айлабон,
Муридларга дунёни тор айладинг.

Ёза бердинг эски, янги айбини,
Бу қилиқ-ла буздинг кўплар кайфини,
Айта бердинг қўрқмай сенга ҳайфини,
Ёш-ялангни анча ҳушёр айладинг.

Инсоф билан дўстлик аҳду паймонин
Маҳкам қилиб, олдинг текинхўр жонин,
Сен босмадинг ҳеч бир кишининг ёнин,
Тўғриликни ишда шиор айладинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУ ҲАМ БИР ҲАҚИҚАТ

*(Мухбир ва мухбирчилик)*

Биров мухбир бўлиб оламга изҳор айласа ҳақни,
Очиб берса ҳақиқат дунёсига эгри тўқмоқни,
Ўзин айбига иқрор айламасдан баъзи маъюблар,
Тақарлар бўйнига бўҳтон, кўролмай ҳаққи-мутлақни,
Дегайлар тўғри сўз мухбирга: «Эссиз, вой шўринг
қурсин».

Шунингдек бир кишиким тўғри йўл узра оёқ ташлар,
Узоқ ўтмай бошида ўйнагай гурзи, таёқ, тошлар,
Қўярлар айбни ёзгувчи ё журналнинг бўйнига —
Шу хилда бўлса ишлар, тўғри йўлга бизни ким
бошлар?
Деса-чи шу кишилар, ўз-ўзига: «Вой шўрим қурсин».

Бу одат бизга ота ҳам боболардан мерос қолғон,
Бутун турмушдаги қилган ишимизнинг бари ёлғон,
Қачонки аксимизни кўрсатар кўзгу бўлиб журнал,
Дегайми: «Мен эмас бу, кўрмайсанму бурни қон, қон,
қон!»
Шунинг-чун ўзга эллар бизга дерлар: «Вой шўринг
қурсин!».



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚЎРҒОНТЕГИ

Қўрғонтеги ажойиб, хўб чингилинг маҳалла,
Бири-бирига қарши, худди тарози палла.

Тўрт қадамда самовар, ана унда кўп гап бор:
«Ҳорманг, Юнусмат энди!» — «Раҳмат, ҳе баракалла!»

Уй бошида бедона, тақиб қўйдинг седона,
«Қўлингдаги қанақа?» — «Кичкина, туллак малла».

Янги масжид битибдир, жиловхона муборак,
Ўлмаса чолларимиз ғийбатни сотишалла.

Ойда-йилда бўлса тўй, қолмайди чиқмаган уй,
Катта-кичик бошида ўралган силлиқ салла.

Ўспиринлар ўтади, бай-бай, тўкилиб кетади,
Қилай деса иши йўқ, кеча-кундуз таралла.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИЗ ИККОВ...

Гердайиш улуғлик сенинг,
Ялиниш, ёлбориш менинг,
Бизнинг бу муносиб сифатлар гўзал.

Кулишлар, нозлар сенда,
Аламлар, қайғулар менда,
Бизда бу галдаги қилиқлар гўзал.

Ўсмалик қошларни ўйнатиш сенга,
Мусофир бошимни тубанлаш менга,
Бизга бу ҳар кунги юмушлар гўзал.

Ҳар дамда минг хаёл сен-ла,
Умидли туйғулар мен-ла,
Биз-ла бу янглиқ севишмак гўзал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХОН САРОЙИ

Эй, кунгираси кўкларга етиб гердайган сарой!
Туришингда нола уни, қурилишингда сирли вой,

Сенда «қирқ қиз» нашъаси-ла бир вақт яшар экан хон,
Ўша тожу тахтни энди ёш суви қилмиш вайрон.

Эй, кўз бўяшга тиккайган ялтироқ мағрур минора!
Кеккайишинг Шарқ қуллари қўлидан-ку, қулоқ осмайин зора.

Ўтгандаги эганг сенга ишонганча кетган экан,
Бугун сенинг тубинг уриб, ён-бағирларинг тўзиган.

Эй, қирқ йигит очиб-ёпган олтин занжир дарвоза!
Ҳар кун сирли остонангда неча ёзиқсиз тоза.

Машъум чеҳра фармони-ла бу дунёдан кетаркан,
Қани улар, нега айтмай, жимжит хаёл сурасан?

Эй, деворда оқ соқолли Шарқ меъмори чизган нақш!
Бир замонлар сенда экан ҳам ирганчу ҳамда фаҳш.

Бугун ўша ўтган разил гавдалардир тупроқда,
Осий қуллар шаҳаншоҳсиз эркин ҳаёт сурмоқда.

Эй, келгусидан қўрқиб сарой тубига қочган зиндон!
Бир маҳаллар зах бағрингда ёзиқсизлар бермиш жон.

Бунга қарши белин ушлаб қаҳқаҳа урган хоқон,
Энди анда қўшчи очдан ўлмасин, деб тўла нон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИШИ ҚЎРГИЛИГИ

Онадан туғмоқ:
Мусиқавий оҳанг каби аввал «тарона»дан бошлар.

Яшамоқ:
Чолғуда «даромад»дай кучли ўйлар-ла чимиртар
қошлар.

Бизни севмак:
У «авж» пардаси янглиғ кўнгилни эркалантирганга
ўхшар.
Лекин ўлмак:
Аламли «савт»дирки, барча тингловчининг кўзин ёшлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТИЛАК

Кескин тилак сенинг улуғ йўлингда,
Олға қараб ботирларча бораман.
Умидларим йўлин бўққан қора куч,
Тоғ бўлса-да парчалайман, ёраман.

Билагимда туганмас куч бор чоқда
Мумкинми бу, ўртоқлардан қоламан.
Боз хўроз қичқирган шул тонг чоқда
Чолғу олиб, «Олға» куйин чоламан.

Қоронғунинг қўрқинчини билмайман,
Кўзларимда чақнагандир кескин нур.
Қулоғимга тилагимнинг куйлари
Ҳар чоқ айтар: «Марра узоқ, илдам юр!«



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СУРНАЙ

*(Кўҳна хотиралардан)*

Мунгли булбулдай
Инграрди тинмай,
Бағрим эзарди
Борлиқни ёқиб,
йиғлоқи сурнай.

Қумрининг тўйи:
Безалган уйи,
Найнинг навоси
Қайта-қайтадан
чалиниб тинмай.

Йиғлағур кўздан,
Аламли сўздан,
Қуршашиб ўздан,
Қистоқлаб бари,
тинглашди қўймай.

— Куёв поччангиз
Келди қочингиз,
Сочқи сочингиз,
Йўлни очингиз,
тайёрланинг, ҳай!

Айвон ўралди,
Сўзлар қуралди,
Куёв сўралди,
Ҳаққи-маҳри ҳам
айтилди қолмай.

Қари-қартанг, ёш
Еяр экан ош,
Ўспиринлар қош
Ўйнатиб унга —
сўз отар қўймай.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жўнашди йўлга,
Бошларда жиға,
Зарбоф тўн бўйга
Қўғирчоқ каби
«ярашди» шундай.

...«Сарбоз» чаларди,
Қимлар куларди...
Қумри йиғларди,
Қайнар кўзёшлар
оқарди тинмай.

Тарайди сочин,
Чимириб қошин,
Ғамли бу бошин
Бало тоғлари,
босгач аямай.

Борди севгани
Қўлин бергани,
На ёмон тақдир
Бажарди ҳукмин
севгига боқмай.

Зўрлаб сотдилар,
Зарга ботдилар,
Ўтга ёқдилар,
Қумри севгисин
Назарга илмай,
назарга илмай.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУЛСИН

Эл тинч, тўқ,
Душман — йўқ,
Ҳар кимда эҳтиётга
Бир милтиқ бўлсин!

Сўзлар оз,
Ишлар соз,
Юртимизни сақлашга
Ҳар йигит ғоз бўлсин!

Аскар зўр,
Бойлар хўр,
Айниқса Чемберлен,
Чидолмай кўр бўлсин!

Гуллаб чўл
Унум мўл —
Бўлганда, тескари
Қутқуга йўл бўлсин?!

Аэроплан
Ва танклар
Эртаги курашда
Бизга қалқон бўлсин!

Чоракор,
Мардикор,
Албатта комсомол
Доим тайёр бўлсин!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЕВДИГИМ...

Севдигим пролетар, исёнлар сенинг,
Даҳр ичра тўфону туғёнлар сенинг,
Жон чеккан милёнлар-милёнлар сенинг,
Тўлқинли курашда қурбонлар сенинг.

Икки бошли бургут, олтин ва ханжар
Ҳар кун берар эди ўлимдан хабар,
Жон қайғули, ҳаёт-алам ва кадар,
Дор сенга, зулматли зиндонлар сенинг.

Ҳукмронлик қилган чоғда истибдод,
Хўжаликлар бузғун, қишлоқлар барбод,
Ҳар ёқда минг инграш, минг йиғи, минг дод,
Хароба хонумон, вайронлар сенинг.

Кенг уфққа қанот ёзган капитал,
Бир нафас эрк учун бермас эди гал,
Синфлар юзма-юз курашга маҳтал,
Уйғонинг, эй, ишчи-деҳқонлар сенинг.

Бу кураш — синф-ла синф талоши,
Капиталнинг заҳар-заққумдир оши,
Пролетарнинг баланд юксалиб боши,
Музаффар қаҳқалар, хандонлар сенинг.

Даврнинг тизгинин олиб қўлларга,
Наҳрлар оқизиб бийдай чўлларга,
Тириклик, онг, билим бериб гулларга,
Ободлик, шул гигант давронлар сенинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ДОНГЛИ» ШОИРГА

Бекзода, пошшолик дошида қайнаган,
Ёт эллар пулига ёлланган бир сотқин,
Келгинди, бош кесиб қаҳрамон саналган,
Сардор босқинчининг қонли садоғин
Ялашдан тўймаган, эй эпчил, «ширин тил!»

Бузғунлик ичида тамомлаб ўз ишин,
Гуноҳсиз мурдалар устида илжайган,
Малъун кўкракларда бир мисқол қўрғошин,
Мазлумлар номидан жойлашган эруркан,
Бир номард «ботир»-чун йиғлаган, эй кўнгил!

Ёлғончи тараннум, кўпикли ваҳима,
Фаслли ҳурматнинг эгаси, эй шоир,
Туз ичган тузлиққа тупурмоқлик нима,
Кечмишлар, «лаззатли» фурсатлар кечмишдир,
Қулларнинг исёнин ўн йили, сергак бўл!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЛҚИШ!

Жон қийратган яқин ўтган курашда,
Азаматлик кўригини кўрсатган,
Миллион сонли наърали шерларга олқиш!

Шаҳаншонинг мақбарасин ясашда,
Тахтга тобут тегизилган асқотган,
Алай, балай илғор, олғурларга олқиш!

Ер юзининг жафокаши яшашда,
Озод, эркин бўлсин, деб жон чеккан,
Жафо чеккан манглай терларга олқиш!

Тўғрида қон қайнаган курашда,
Кўпчиликнинг эрки учун курашган,
Тоймас билак, қайилмас эрларга олқиш!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

*«Марш»*

Қўлдаги қизил байроқ онтимиздир, ўртоқлар,
Елкамиздаги милтиқ юртимизни тинч сақлар,
Кўр бўлсин чидолмасдан йўлтўсар бузуқ бошлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.

Кўп туманли кулфатлар даҳшати билан барбод
Ҳолига келиб қолган хўжалик бўлур обод,
Тинмай ишласак энди, эй қадрли, йўлдошлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.

Кўп замон асоратда қолган, эй хотин-қизлар,
Бевалар, тул, ўксизлар, яйрангиз бугун сизлар,
Эмди йиғламас, чақнар шу қора кўзу қошлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.

Бой, эшон билан мулла кўзни боғламас энди,
Чунки ишни бошига қуллари қадақ минди,
Фитначи, фасодчилар кўзидан тўкар ёшлар,
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.

Ишчи-деҳқон ўғлимиз, қўлни-қўлга бергаймиз,
Ижтимоий турмушни ер юзида қургаймиз,
Лениннинг изми билан фирқа бизга йўл бошлар.
Илгарига босгаймиз биз ботир билак ёшлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФАЛАК ОНА

«Эй фалак чархинг бузилсин —
Мунча хор этдинг мени».

(Халқ қўшиғи)

Эр йигит!
Бошингда ўрнаган қайғуни,
Ошингга қўшилган оғуни
Кўрмагил ўз онанг фалакдан.
Эсда тут!
Ҳеч она бағрида яйратиб
Ўстирган ўғлига киприк тутиб
Ажратмас у қилган тилакдан.

Бир ўгит!
Курашда кўп ваҳший кучлар бор,
Чидамсиз кўкларни айлар хор!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ДУСТ, МЕНГА ИНОНМА!..»

Тинглангиз!
Севгимиз достонин сўнглари ўқилур:
Ойдин кечаларда самимий бўсалар,
Узлуксиз арзи ишқ, умидли ваъдалар
Шам каби эрийдир, хаёлдай йўқ бўлур.

Биламан, сиз чиндан биллурин кўкракда
Менга деб кўп илиқ муҳаббат сақлайсиз.
Эсизким, эшим бор икки жуфт қора кўз,
Жавдираб гинали термулар қаршимда.

«Дўст, менга инонма!» — қайси бир йигитнинг
Кимларга узрли фиғони экан-ку.
Кимларни йиғлатган оҳанги экан бу,
Бу сиздай бир қизга мен дардли тентакнинг
(айтгани) шубҳасиз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АГАР УРУШ БЎЛИБ ҚОЛСА...

Бўлиб қолса уруш,
Яна каллалардан тўпланган хирмон.
Яна кучсизни эзиш,
Яна кесик бошларнинг қонида тегирмон!

Бу, бу қандай иш?!
Азоб, ўлим, эл-юрт вайрон.
Қаҳатлик, мудҳиш
Аланга, заҳарли тутунда кўкатлар сомон!

Эй, илжайган мурдор бет,
Оқарган тиш!
Кишилик дунёсин қовурган малъун, кет!
Бизга керакмас уруш!

Эй жаҳонни чайнамак истаган
Сармоя қуллари!
Сизга жавобан пролетар сутини ичган
Азаматлар, ўн йилнинг ботирлари, доим тайёр!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УЙЛАНИШ

Кўрмасдан, билмасдан уйланиш,
Турмушдай энг ширин неъматга
аламни ўртоқлаш эмасми?

Танимай, тўсатдан бўлган эш,
Яшашда энг чуқур кулфатга
судровчи ёв тўнин киймасми?

Йигитлик умрининг ёзмишин,
«Тақдир» деб дардисар улфатга
йўлиқиш қаҳратон қишмасми?

Ҳаётга менсимай илжайиш
Кишини етаклаб ғурбатга,
бир йўлсиз гангратиб қўймасми?

Кампирлар минг десин садаф тиш,
Ёш кучнинг нотаниш савлатга
оғиши кулгироқ бўлмасми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАМПИРИМНИНГ ҲИЙЛАСИ

Аста-аста лаб ялаб ташлар эдим шашқолни,
Толеимдан айланай, кўрсатди ушбу фолни:
Саъри кавшим тескари кийдим, қўлимда зўр асо,
Пурсалобат салла, тасбеҳ, қочирардим золни,
Дилда ҳақнинг зикрин айтиб, кўчага қўйдим қадам,
Шояд учратса худо, деб бир сатанг хушҳолни.
Ногиҳон ўтди ликонглаб парда ичра бир пари,
Туртди-кетди ёнгинамдан чимчилаб мен чолни.
«Иҳ!» дедим, бир рамзи ишқи эрди бу ночиз йўтал,
Қайрилиб боқди, алифдек қилди қаддим — долни.
Турди қассобга асо, тасбеҳ, чопонни топшириб,
Орқасидан йўрта қолдим, то ялай деб, болни.
Қурғурам ширин забон, ғунча даҳон жонон экан,
Бир йўлакка кирди имлаб, сал очиб от ёлни.
Мен дедим:— Жоно, тасаддуқ тангаю червон кетинг!
— Вой ўлай, ундай деманг,— деб ўйнар эрди шолни.
Ичбиқинга қўл юбориб, ваъдасин олдим аранг,
«Эртага мен келтирай санго,— дебон,— тишқолни».
Лаб қочиб етди қулоққа, шоду хуррамлик билан,
Соддадил қассобдан олдим, тез омонат молни.
Эртанинг фикрин қилай деб, ҳовлига келган эдим,
Кирмасимдан баччағар кампир йўғон бир толни —
Келтириб бошимга урди, чиқди кўзнинг пахтаси,
Бешни урганда чиқарди миядан мисқолни.
«Воҳ!», деб ерга чўзилсам, урди шаппоти билан,
Кўп ҳақоратлар қилурди мен ғарибу лолни.
Кўчада кўрган ўшал нозик бадан билсам кейин,
Кампирим эрмиш, синармиш мен қари дажжолни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАСМ ЭГАСИГА

Шу қошлар ўйноқлаб кетсалар,
Яна кўп термулиш гуноҳи
қоплайди йигитни.
Шу кўзлар жавдираб қўзғала кетсалар,
Телбалик чулғайди сукутни.

Қора соч елларда паришон
Ҳилпираб тўлғанса,
Кўнгилни кўксига чирмашиш
Нашъаси эгаллар.

Тегишиб отишга лоладан лапарлар,
Табиат санъатин рамзими, айтингиз?
Шу нозик нигоҳнинг эгаси, чевар қиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОБАКИ ДАНДОН

Том бошида тум-так, ғат-ғут, саппону саппо,
«Алҳамд» ила «Қулё», «Бақара» «суврои Тоҳо»,
Қирқинчи арақ, кайфи тарақ, коняку вино,
Ҳим-ҳим буралиш, нозли қичиқ, қомати зебо —
Бир ой рўзада ем емаган харлар учундир.

Хонтахтада ширин-шакару қанду мураббо,
Қази-қўзию гўшти биқин, талқону ҳалво,
Шоҳи чопону ғирч-ғирч этик, чаккада лоло,
Алҳамру ҳаром, жоиз эрур шиша ликёро,
Қорни кажава, гардани ғавс нарлар учундир.

Зоҳирда ҳайитлик кўринур, аслида поро,
Извошда кетар, киссада пул, ёнда нигоро,
Дуюзламаларга чўт эмасдир икки дунё,
Билмай ўнгу сўл, атрофда қолиб бўлмоқ оворо —
Бир неча риёкор «маданий» хумпарлар учундир.

Жулдурвақа тўн, уст-боши шилта, шалаббо,
Қирда жўяк олмоқда етаклаб қўшу моло,
Меҳнатда чиниққан юзи мазут била қоро,
Артелда боқимсизларга кийим тикувчи холо,
Минг рангдаги дин анъанасин йиқмоқ учундир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГАНЖИНАИ ҲИКМАТ

*(«Муштум»нинг об-ҳаво телеграфхонасига олинган маъжун хабарларга қараганда, Ғози Юнус яна тағин иморат солиш билан овора эмиш)*

На хулулиям, на даҳрий.
На канориям, на баҳрий,
На риёзиям, на жафрий,
Ҳалалангу лангу лангам.
Саид Абулқосим Наботий

То бўлгунча Октябрь бир кун мурид, бир кун пир,
Фарқ айламай ўру қир, ҳалалангу лангу лангам.

Қачон бўлди инқилоб, гоҳ соғ эрдим, гоҳ бетоб,
Баъзан нашр айлаб китоб, ҳалалангу лангу лангам.

Ўтдим фирқага қаранг, жоду айлаб ман фаранг,
Самандардек ранг-баранг, ҳалалангу лангу лангам.

Газет муҳарририйдим, журналлар раҳбарийдим,
Кашмир бозирийдим, ҳалалангу лангу лангам.

Пештаҳам кир иборат, гонорарни айлаб ғорат,
Солдим яхши иморат, ҳалалангу лангу лангам.

Қуйдим уни ижора, нафс илкида овора,
Фирқа ҳайдаб якбора, ҳалалангу лангу лангам.

Кечди ул мойлик мози, кўчада айлаб бози,
Манким вадаванг Ғози, ҳалалангу лангу лангам.

Раҳм айлади наркомзем, «Қишлоқ» журналин миндим,
Туя кўрдингми, ҳай жим, ҳалалангу лангу лангам.

Калла пишиб чиқди ҳид, соцстрахда мунқалид,
Дар қатори инвалид, ҳалалангу лангу лангам.

Ҳозир гуллаган омад, чор тарафдан даромад,
Танга мири буромад, ҳалалангу лангу лангам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИШ ВА ШОИРЛАР

*(Ҳазил арузи)*

> **Сўнгги бир ой ичида «Қизил Ўзбекистон»нинг адабиёт ва санъат бўлимига 103 та «Қиш», «Қор» сарлавҳали шеър келди**
> ***(Газетанинг ойлик ҳисоботидан).***

Бу йилги қиш бугун-эрта бўлмас адо шекилик,
Жаҳоннинг бўйнида қордан қалин ридо шекилик.

Садоға бўлди бутун мавзуу тилак, войдод,
Қалам тутиб ҳама «Қиш», «Қор»га гадо шекилик.

Келиб ҳут ила ҳамал, қўш чиқиб яланг қирга,
Адиблар кўнглида қиш қурди чордоно шекилик.

Зерикдиму, нега «қорр, қорр» демайди қарға, қаранг,
Бугун бутун шуаро қарға жойидо шекилик.

Кўкарди майса, сочилди ерга дон, ҳалигача қиш...
«Бас энди, бўлди, етар!» деб қилай садо шекилик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПАРАНЖИ

Хотин-қизлар элига дарду бало паранжи,
Шамшод қадларини қилди дуто паранжи,
Сиқди юракларини, қилди яро паранжи,
Шўро қурултойида бўлсин адо паранжи.

Маъсумани эзарга бу бир васила эрди,
Дин исмидан қилинган найрангу ҳийла эрди,
Мунга ҳимоячилар золим қабила эрди,
Золимнинг мақсадини қилган бажо паранжи,
Мазлумаларга зиндон ул бедаво паранжи.

Қулликни ўргатурга гўё тузоғ бўлди,
Эркини олмоқ учун бошида тоғ бўлди,
Рангини заъфар этди, бағрида доғ бўлди,
Илму ҳунар олишдан қилди жудо паранжи,
Бошга бало бўлур ҳам жонга жафо паранжи.

Шўро шиор отди майдонга: эрк-ҳурлик,
Мазлумалар дилига берди руҳ ва жасурлик,
Зулм эли чидаёлмай кўп қилдилар ғаюрлик,
Отинг, опа-сингиллар, бошдан бало паранжи,
Куйсин, йўқолсин энди, топсин жазо паранжи.

Эркингизни олишга сизга лозим югурмак,
Эрлар-ла ушлашиб қўл турмушни янги қурмак,
Илму ҳунар олишга мактабга юз ўгурмак,
Сизга бўлолмагай дуч юзи қаро паранжи,
Инсонда топмагай ҳеч ўзига жо паранжи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАЛАҲУ АЙЗАН...

> Адабиёт саҳифасига баҳор тўғрисида келган шеърларнинг жуда кўпи қуёшни қуп-қуруқ мақташдан иборат.

Саҳар эрка хўроз уйғонган эрди нозли хобидан,
Қуёш маст қўзғаларди Шарқдаги ичган шаробидан.

Бутун борлиқ саломига ғивирлаб ўрнидан турди,
Ёзувчи бош чиқарди кўрпанинг иссиқ ғилофидан.

Қуёш тавсифида юз ювмайин бир шеър ёзмоқ-чун
Иякни тиззага қўйди, қаламни тутди сопидан.

«Қуёш зардир, қуёш нурдир, қуёш — заъфар кокилли қиз,
Не фарқим бор менинг, айтинг, табиат офтобидан.

Қуёш мен-мен, қуёш — санъат, қуёшда бир нафосат бор,
Яратгумдир шеърлар эркалаб қилган тавофидан».

Севинди «кучли шоир» тонгдаги ижодига мағрур,
«Бутун эл қолмасин маҳрум», деди, «шеърим савобидан».

Босилди бир газетда, бу шеърни ўқиди деҳқон,
Деди: «Бечора шоир айниган эркан-ку тобидан».

Қуёш ҳайвон, кўкат, ер, кишткорларнинг атосидир,
На зар, санъат, на заъфар қиз, узоқ шоирни лофидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТУРКСИБ ЙЎЛЛАРИДА

Бу йўллар
кўп қадим йўллардир...
Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,
Рум қайсари,
қотил Чингиз,
Боту, Жўжи,
Темурланг
қолдириб кимсасиз из.
Чиндан мўғул ўчи
борлиқни
жонлига қилиб танг,
— Қон!— дея,
— Қон!— дея,
босароқ кечмишдир.
. . . . . . . . .
Бу йўллар
кўп қадим йўллар,
Беш миллион,
ўн миллион,
юз миллион нафар
қуллар ва туллар,
Гарданда чўяндан қуйилган занжир,
Ерларда ҳашарот каби
Очликдан,
зорликдан гезариб лаби,
Ожиз,
маҳкум,
хор ва бетадбир:
— Нон!— дея,
— Нон!— дея
суриниб кечмишдир.
. . . . . . . . .
Бу йўллар
кўп қадим йўллардир,
Конфуций, шомоний, ислом ва будда,
Бут ва тасбеҳ юклаган



www.ziyouz.com kutubxonasi

карвонлар...
Худди
шу йўлдан
занг уриб,
Чилдирма қоқароқ,
Такбирлар ҳайқириб,
— Қурбон!— деб,
— Қурбон!— деб кечмишдир.
. . . . . . . . . .
Биридан хотира:
кўҳна бир девор-
ким занжир.
Биридан:
бошлардан
қурилган равоқ.
Биридан:
Балчиғи қон-ла
ийланган
кўк ўпгувчи тоқ,
Биридан:
Ўз асрин кечмиш
тумтароқ...
Ном учун,
шон учун
савлат сотароқ,
Ҳам-ма-си,
Ҳам-ма-си
Шу йўлдан кечмишдир.
Бу йўллар
кўп қадим йўллардир,
Бу йўлдан
эзилган
юз миллион нафар,
Бошда,
энг бошда
битта музаффар —
кирли тож,
Бармоғин ишорати-ла,
бир бутун ўлка
дов учун хирож
Пекиндан Румгача,
Бўмбайдан то Масков,
Қон,
суяк устига
тикилган ялов:
Енгиш довулин чалароқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғурур-ла кечмишдир.
Бу йўллар
кўп қадим йўллар—
Қани, эй тарих!
Шунчаким, бу йўлдан
зафар
қозонган фотиҳлар,
қайсарлар,
Музаффар зилли султонлар
устидан
сийнангда бирор эсдалик
ё из хабар
қолганми?—
Каҳрабо тугмадай,
бағри доғ лоладай.
Айтганларидай —
Ким,
Бир лавҳанг қон эса,
Бир лавҳангмиш зар...
Йўқ, албат,
биламан, фақат
бир тушдай
Ё тутун — хаёл
келаркан кечмишдир.
Бу йўллар
кўп қадим йўллардир...
Узала тушган чўл каби сокит.
Устидан,
шабада эсмаган
тиниқ кўл каби,
Оғзи қон бир бўри
ё оқсоқ бир ит:
Ҳайқирса,
увласа,
Ҳар тонгда
бир донг деб
бонг урса,
довуллар...
Кўлга отилган
Бир кесак парчаси сингари
Уфқлар бир карра —
Липиллаб қолар,
Янадан бир сокитлик чўкар,
чизароқ доира —
Шивирлаб жимгандай
У кўлнинг лаби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу йўллар
кўп қадим йўллар...
Бу йўлдан тарихда биринчи дафъа,
Тарихда энг порлоқ —
Ўлароқ бир сафҳа
қолдириб бир ботир:
Фақат эзгувчи эмас,
Бир фотиҳ,
Ўлкалар бузғувчи,
эллар қирғувчи,
ўч олғувчи эмас.
Қуллардан, туллардан,
Ўн миллион,
Юз миллион ва миллиард нафар,
Ер куррасида бўлган пролетар
бирлашган мускул,
мускулли қўл,
Тарихнинг чиркин лавҳасин
ёрароқ
Болға ва ўроқ —
Нажот туғроси,
Қонли варақлар
устига сурғуч уриб
Бу йўлдан
биринчи ва энг сўнг дафъа
Шукуҳ-ла
Ҳайқириб кечмишдир.
Бу йўлда,
шу қадим йўлда
У фақат ҳукмрон,
Пекиндан Румгача,
Бўмбайдан то Масков,
Сибирдан Туркистон —
ҳаммаси бир яйлов —
ким, ҳалигача
Бу йўллар бўйича чўзилган
ҳайкаллар,
Обида ва хотиралар,
ёш ва қон
Номига қурилган экан.
Биз
шу йўллар тизгинин
қўлга олароқ,
Ақлимиз ва шууримиз —
Госплан
Миямиз — глобус,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Миллиметраси — минг километр.
Ҳар чизги
Қурилишдан бир белги —
Ютуқлардан плюс
Биз,
Ер куррасин бошини танғидик
Ва тарихнинг томирларига қуйдик
                                                            эриган темир.
Бу йўллар,
                шу қадим йўллар
                                        устидан энди
                                                            паровоз
Уз
Уфқининг кўксига ханжар соларок
Ғалаба наърасин қичқириб
Донглар, шонлар,
                        шуҳратлар устидан,
Шпаллар ўрнига —
                        хурофий бир қонун
                                                босиб,
Кўкракда бронза —
Юлдуз,
Фахр ила
Келажак,
Бу йўллар,
                шу қадим йўллар
                                        устидан
Чин — Эрон,
Рус — Афғон,
Ҳинд — Туркистон
                        ва жумла жаҳон,
Ўн миллион,
        юз миллион
                        ва миллиард нафар.
Ер куррасида бўлган пролетар
Саломи,
            дўстлик илҳоми
                    пўлат карвонларда
            ҳайқириб кезажак.
Бу йўллар,
                бу қадим йўллар
Устига бу биздан обида,
                                        абадий хотираки, бундан
                                                    тўхтамай бир нафас,
Қон —
Қатрон ҳидимас,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Озодлик
шамоли эсажак.
Сўнгги сўз
Ўртоқ Шатовга,
— Бу йўллар,
бу қадим йўллар
Устига
Даёшь
Краснопутиловский
паро-
воз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

## АЛКОГОЛЬ

Алкоголь
бизнинг қонларга
ва рўзғорларга,
дин аҳкомлари,
феодал арконлари,
капитал қонунлари-ла,
урф-одатларга
уйланиб,
ичкуёв,
яъни ёв
бўлиб
кирмишдир.

Алкоголь —
бизлар қул,
руҳан тушкун,
узван тутқун,
ризқимиз жигархун,
ҳаёт хумори — банг
бўлганда,
нозли бир бузуқ,
созли бир сатанг,
инжиқ бир келин
сингари,
ўз ҳукмин
ўтказиб,
маишат — чимилдиққа
кирмишдир.

Алкоголь,
ҳей, сунъий,
хаёлий,
қалбаки сурур,
юзаки ғурур,
фаҳшга олий,
номусга тубан
температура.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Алкоголь
кўзига
қурилиш — йиқиқ;
ҳар рюмка арақ
улуғ бир дарё,
тўлқин — пўртана
олдида
ичувчи тана
ўпирилмиш қирғоқ.
Алкоголь —
етти бошли,
заҳар тилли
аждарҳо
Улуғ кемалар изидек судралиб
ҳаётлар ютмоқчи.
Човут солиб,
карвонларни
дарёга тўкмоқчи.
Алкоголь —
бир қултум сувки,
унда,
бир, икки
фабрика ва завод
бурқитолмай дуд
бўғзидан
тўфонга ботирилмоқчи.
Алкоголь
плюс прогул,
мудрайди,
ўлик эътибор,
станок
унга тирак,
суръат,
оқим —
ток
бекорга оқмоқда.
Кўз косаси қизарган
майдан тўлиқ,
оёққа босиб
туролмаганнинг
ишида подъём йўқ.
Натижа
бир тоқим брак,
тубан сифат,
Ҳей, сен,
бўл ҳушёр!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Беш йилликнинг учи
эшикни қоқмоқда.
Алкоголизм —
ёв,
унга ўлим!
У улуғ темпалар
олдида
чалчиқ сув —
ғов.
Ҳар беш қадамда,
бир кайф.
Ҳей, сен,
жамият!
Сенга кучлар ҳайф
бўлса фақат;
беш зарб саккизни —
қирқ,—
пивной ларёкни — йиқ.
Партия шиори
қалқиб борлиққа,
Ҳаммамиз,
ҳаммамиз
оммавий
ҳушёрликка!!!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТУҚИНИШ

Бугун биринчи август — урушга қарши жаҳон меҳнаткашларининг намойиш кунидир.

Ёради,
Қизил шафақ
Чексиз суръатлар-ла,
Донгдор —
Музёрар кема сингари,
Ивишиқ бўҳронларни.

Солади
Жар
«Фашисти цейтунг» тоғдай —
Шиор
Ва шиддат-ла:
«Зийрак бўлинглар,
Бор
Бир ваҳиманинг
Буюк сигнали!»

Капитал — суфлёр
«Дейли экспресс»
Томидан —
Мистер Троцкий
Хўрозланади!..

— Дод!— дейди.
— Иқтисод,— дейди,
— Барбод,— дейди.

Бекорга унниййди —
Рим папаси,
Фаранг чодирхаёлининг
Овунчоғи

Жоврайди —
«Лига наций ботирлари»нинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўғирчоғи
Кўради:
Ўсмоқда,
Ишсизлардан китла —
Қизил шафақ,
Миллионлардан тоғ,
Капитал рационалига —
Қарши баррикада.

Кўради:
Компартияда
Виқор ва эътибор.
Шўроларга
Самимий латофат
Ва ишонч бор.

Капитал тикланишдан нўноқ,
Бироқ:
Бошдан-оёқ чириш,
«Давоси,— деб ўйлайди,—
СССР билан уруш».

Капитал —
Бир-бирини ютмоқчи,
Муддао бозор,
Худди —
Оч қолган боа,
Фашистланароқ буржуа.
Билмайди—у,

Жаҳон пролетариатидан
Жамланган эскадрилья-эскадрон
Кўрсатиб парад —
Саноғи миллион
Ва миллиард
Зарбдор —
Акси ҳужумга тайёр!

Маҳкам ушладик
Меҳнат — яроқни,
Ўзганинг бир вершок
Ери керакмас.
Бизнинг бир энлик
Асл тупроқни
Ҳеч қачон ёт куч
Эгаллаёлмас!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёв босса қадам
Ошиб чегара,
Очамиз кўксидан яра,
Ўтказмасдан дам.
Капитал муғомбир,
Билмайдики,
Сақланажак Октябрь!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ВОЙДОД, БОРМАЙМАН», ДЕДИ

Округ идораларида ўтириб, бюрократликка ўрганиб қолган баъзи бир хизматчилар районларга боришдан бош тортиб дейдиларки:

Бўлса ҳам гарчанд район обод, бормайман, деди,
Ўлдиринг, судга беринг, войдод, бормайман, деди.

Кўзларин жовдиратиб сузган сатангларни қўйиб,
Қўсқи қишлоқи менга кўп ёт, бормайман, деди.

Каттакон округда катта портфель, катта маош,
Автомобиль йўқ, яғир бир от, бормайман, деди.

Мен ким-у қишлоқи ким, чумчуқ билан аэроплан,
Туртта батракдан ейиб шаппот, бормайман, деди.

Мен шаҳар обу ҳавосига чиниқдим неча йил,
Унда бўлгайман тумов ё бод, бормайман, деди.

Хотиним, бола-чақам мен бўлмасам ичикгуси,
Ким қилар оилага овқот, бормайман, деди.

Шунча йиллар тер тўкиб, кимсан — фалончи бўлсаму,
Энди қишлоқ менгами работ, бормайман, деди.

Қани менинг ҳурматим, пастдан юқорингиз шуми?!
Борса бўлмасми Шариф, Боймот, бормайман, деди.

Мен қачон қишлоқиларнинг феъли атворин билай,
Билмаса ҳурмат нима, шафқот, бормайман, деди.

Майли, текширсин КК, олсин билетни, мен фақат,
Алданиб «Нуртой» бўлиб, ҳайҳот бормайман, деди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯЛОВБАРДОРЛИККА

1

Айтинг,
нега менинг онам
туғмадикан илгари,
Миллион-миллион
партизанлар — кўнгиллилар сингари?
Мен ҳам бир тан,
безиб «мен»дан,
этик билан сув кечиб,
Арғумоқни гижинглатиб,
Сўлиқ-ла сув ичириб
Курашларнинг дабдабасин шимириб,
Қайиш билан бел сириб,
Будённийдай серсавлат,
Фрунзедай эр...
Фақат,
кўп афсус!
Бухоро бир олтин коса
қон-ёш билан лиммо-лим,
қонхўр
амир Олим,
Қусуғига ёнбошлаган
бир бадмаст,
разил-паст.
Дин эса,
тиз ачомлаб алёрчи.
Жажжи-жажжи
қизларимиз канизак,
Гўдакларимиз бачча —
қандай ҳақорат, мазак!
Шу фараҳли тонггача
ҳей, сен йўқол,
ҳей, сен банги!
Биз от сурдик майдонга,
ўлдирилган
миллион ишчи,
миллион-миллион деҳқонга



www.ziyouz.com kutubxonasi

интиқом деб,
яъни қон, деб,
Ут очилган кунларинг
Тумтароқин кўролмайин қолганмен.

2

Ҳей, айтингиз,
нега онам туғмадикан илгари,
Ромба таққан қўмондонлар,
қаҳрамонлар сингари?
Диёр-диёр
ер киндигин,
зириллатиб Ҳазарга
От солганда,
Мот қолганда —
бўзиб лаби
ҳуркович эшак каби
ёв қолиб «алҳазар»га.
Асфандиёр,
қочоқ Жунайд,
пистирмачи Абдуллоҳ,
Ҳар ён тўлқин,
ҳар ён исён,
туғён,
Душман тополмай паноҳ.
Ғарбдан малъун босириққа
кафан танли инглиз,
Така-туркман
рўзғорига кўз олайтирган иблис,
Бир ҳамланинг шиддатидан,
тумтарақай қочганда,
Ҳар қадамда туман зафар
қучоғини очганда,
Бир яловдор,
Бир байроқдор,
Бир рядовой сингари,
Қизил қўшинлар қатори —
туғилмадим илгари.

3

Майли,
ўтмиш ўн йил менга
шуур берди, онг берди.
Гўдакликдан йигитликка кўтарди.
Куч-қон берди.
Мен улғайдим,
курашларнинг нашъаларин эмарак,
Келгусига мендайлардан



www.ziyouz.com kutubxonasi

миллион-миллионлар керак.
Иқтидорим
муроббийси — ВКП(б) даҳоси
шуълалари тагида,
Гавризангар чўққисидай
виқорли,
Қизил аскар шлемидай
дағдағали муқтадир.
Аҳён-аҳён:
— Нега, дейман,—
эрта кунги Октябрь
жаҳон бўйлаб инқилоб
туғилгувчи кун бўлмас?
Мен курашда,
мен қамалда ўлган
Номсиз
Рядовой —
бир аскардай сафбастамен,
ўзлигига иловсиз.

4

Ҳе Осиё, Европа,
кўҳна дунёнинг,
Африка,
У қора танларинг сенинг,
Афғоннинг, Эроннинг,
жумла жаҳоннинг қуллари,
Дамашқнинг, Басранинг
етим, туллари,
Марокаш эрлари,
Сиём шерлари,
Раъдвор наъралар
тортмоқлик галинг.
Қўй жаҳон уфқида,
ҳилпираб шу қизил яловки,
бирлашсин ер узра
барҳаёт йўқсил!
Бу умид шуурим —
омолим менинг.
Миллиардларча пролетар
дўстлар билан тенг,
беш мингча йилларнинг
Занжири —
Садди Искандар
бузармиз
битта ҳайбатдан,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Хитойни қутқазиб асоратдан.
Америка кўк ўпар
шаъни-шукуҳи,
Фаҳшнинг,
қалбаки сурурнинг кўриги.
Монте-Карлолар
ўрнида қурармиз
ёруғ дунёни,
Курашга мосланмиш
синфий ҳурликка,
Ҳар ишчи,
ҳар деҳқон
яловбардорликка...

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

*(Умумий мажбурий таълим муносабати билан)*

Шу ёшгина ўспиринга қарангиз:
«Ёш бошидан кашанда,
қандай орсиз, шарманда,
бобосидай кўксовланар,
кўп эсиз!» деярсиз.
Мурғаккина ўпкасидан бир парча
Махорканинг тутунига қўшилиб,
Ўткир ханжар сингари,
Бош устидан кўк тилиб,
Қанотли бир аждарча
Ёки зангор илон каби буралиб,
Соғлиқ деган муаммога чирмалиб,
Шу «гумбази даввор» ичра сингади.
Кўзларида маъносиз бир илтифот,
Гўёки у
Аллакимдан ранжибди;
Ҳалигача
Мактаб, ўқиш унга ёт.
Машғулоти:
«Тойди» билан «Ачипти».
Биз бошданоқ шимиб олдик
Ленининг
«Саводсиз бир ўлкада —
Социализм тузилмас!»,—
деган ўтли шиорин.
Дилга чўккан
Анъанавий омиликнинг ғуборин
Юз ҳам минг
Техникумлар, мактаблар
Ювмоқда, олмай нафас —
Кишилар фабрикаси.
Комсомол ҳам пионер —
Миллионлаб соғлом кадр,
Қаторланиб чиқмоқда,
Келар киши ҳаваси,
Ҳар биттаси азамат —
Беш йилликни тўрт йилда
Битказишга муқтадир.
Албат:
Шу бола ҳам



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пионердай гумбурлатиб барабан,
Шу қаторда қалам, дафтар қўлтиқлаб
Юрмаганга аламланиб —
бурнб лаб,
Аччиғини олар, балки
Махоркадан, ошиқдан.
«Партиямиз ўқимоқни ҳаммага
мажбурий деб қўйса ҳам,
Айтинг нега
Маорифда ўлтирган акам
бепарво?»—
деб балки чекар ғам?
Бир Тошкентнинг ўзида,
Ўзбекистон марказида — кўзида
Рўйхатдан ўтмай қолган
Шунча жон!
Маорифнинг вакиллари
Қаландардай тентираб,
Эшикларни қоқади —
Расмият
Фақат,
Минглаб Мишка, минглаб Ванька,
Минглаб-минглаб Аҳмаджон
Расмиятдан ишга ўтиш
Муддатига боқади.
Омилиги тугатилган
Кекса гуруҳ ўрнига,
Янги бошдан саводсизлик
«Кадр»лари ўсмасин,
Ижтимоий бурроликнинг йўлини
Бепарволик,
Сансалорлик тўсмасин.
Бир қарангиз, нима сўрар
Шу боланинг кўзлари,
Бир бу эмас,
Шундайлардан минг-мингларнинг сўзлари:
— Беринг,— дейди,— интернат,—
Беринг,— дейди,— фабзауч,
Биз тарқоқ куч,
Бизга эътибор, ҳурмат!—
Дейди:
— Модомики,
Умумий мажбурий таълим —
Ўқувга, ўрганишга
Биздан бошқа
Лойиқ ким?



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЎЛҚИНЛАР ОЛДИДА

> «Булунғур район, Ривож даҳа, Қўштепа қишлоқли муштумзўр Маҳмуд Искандар ўғли чамандай очилиб турган пахтани ўриб, қамиш ўрнига томга босди ва устидан тупроқ тортиб юборди. Сабаби: чакка ўтмас эмиш. Бундан энг ози 60 пуд пахта чиқар эди».
>
> Қопқон.

> «Поп район, Шўрканд жамоа, Қайирма қишлоқдаги «Бирлашган» колхозининг раиси Абдураҳмон Юнус ўғли яшириниб колхозга кирган муштумзўр эди. Тез орада колхознинг 250 пуд унини исроф қилди».
>
> Ҳаваскор.

Жабҳа бўйлаб оғир кураш
тинмай оқади.
Қум-кесакдан кўп бемадор қирғоқлар
Ўприлади, увалади,
Даҳшат — тантана,
Ҳайқиради бўйдоқ қаҳ-қаҳ билан пўртана.
Гирдобларга учраб қолган, йиртиқ елканли
бир синиқ кема
Бир бешикдай чайқалади
пассажирларин
қалблари каби,
Эшкак қўлдан чиққан, умид қуйруққа,
Пассажирлар жавдирлатиб
телба кўзларин
солар йироққа;
У... ҳў... поёнсиз, кўринмас соҳил,
Ё нажот — илдиз.
Аллақайда бир тўда ит тўлқинга қарши
увулламоқда,
Бир яқинлик сезиб бундан, пассажир қалби
шувулламоқда.
Қишлоқларни қучоқлайди
тўлқин — қизил йўл,
Муштумзўрлик сўхта шам,
Милтирайди — сўнмоқда буткул.
Электрик нурига қарши,
Жаҳон бир боғ қамиш бўлса, ёндирса-қўйса.
«Кўпчиликда йўқ баракат —
Коллектив бўлманг,
Пахтакорлар хор»,—
дейди тинмай кеча-кундуз қилиб ҳаракат,
иғво тарқатар;
Баъзан бузар аламзада пахта майдонин,
ёқар хирмонин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Асака район «Байналминал» колхозига яширинча кириб қолган муштумзўрлардан Исҳоқбой, Сўфибек, Ботирбек, Тешабой деганлар колхозни бузишга ҳаракат қилмоқдалар. Баҳорда берилган чигит, 200 пудча кунжарани шулар яшириб, чиритиб юборганлар. 15 адад турли машина асбоблар шуларнинг иғвоси билан ишлатилмади. Ҳозир занглаб ётади. Натижада, 200 гектар пахта майдонидан 100 гектари чопилмай хароб бўлди. Район терговчиси булардан 15 кишини қамоққа олди».

Буқаламун сингари ҳар дам ранг-баранг
қилади найранг,
Коллективлар қучоғига яширинади,
заҳарли ништар —
Аста-аста ичдан туриб беради зарар:
Чигитларни чиритади қўймасдан борин;
пўпанаклар устидан
бир қўзиқорин
Муштумзўрлик насибаси униб чиқади.
Моғорлайди,
бир ўнгирда ўғит, кунжара,
Малҳамланади —
муштумзўрнинг қалбидан очилган яра.
Машиналар ишлатилмай босиб қолса занг,
Муштумзўрлик чеҳраси
Олар бундан ранг.
Жабҳа бўйлаб тўлқин — кураш оқиб боради
Мудроқ, якка қишлоқларни
колхоз — қизил нур ёриб боради.
Чиғанади,
Зўриқади
душман-муштумзўр.
Йўлга чўкиб қорабўра
тўғон бўлмоққа
Ё зару ё зўр.
Кураш кўп шўх!
Оқизади «Бир сомон парча,
бир узуқ қилча»
Иламасдан чипни ва чипбастани —
Муштумзўрнинг жийиган ўлакса тани
Аллақайси илдиз, чирик бутоққа
илинади,
— сассиғин сочиб ҳар ёққа.
Бу тўлқинлар билан оққан
ҳазор ва ҳазор
Муштумзўрлик мурдасига
қазийди мозор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БЕВИҚОР ҚОР

*(Назира эмас)*

Йигитчадан қочган қиздай буралиб,
Жин машина тароғидан таралиб,
Эркин-эркин момиқлардай «шаҳпарвоз»
Кеч куздаги япроқ билан ўйнаб ноз,
Қўл ушлашиб ерга тушган лайлакқор.

Мадҳиялар газета бўйлаб оқар,
Балки биров сенда кўрар «кўп виқор»,
Бир зериккан айтар балки «яна қор —
Заҳарли игнасин кўзларга тиқар...»

Мен шу инжиқ сезимлардан бар силкиб,
Жуда содда бир рабочий, колхозчи,
Бир пахтакор хўжаликда теримчи,
Қор ичимга ёққан каби кўз тикиб,
Дейман: «Ёвга важи-корсонлар туғар!»

Кўсакларнинг кўпи қилмамиш ханда,
Қандай бевақт бу қор айлади ҳужум!?
Биринчи сорт намланиб бўлар «нежум»,
Йиғим-терим бўлмаган кўп хирмонда —
Скуппункт беролмаган қоп-қанор.

Қор бемалол нор тевадай чўкади,
Салобат-ла шудгорни қилиб пайхон.
Оппортунист томирига кириб қон,
Пичинг билан дейди: «План бўкади,
Агар шундай шилта бўлиб ёғса қор».

Қишлоқдаги муштумзўр ҳам руҳоний
Оппоқ, сават бошли пояни кўриб,
Лаззат билан кир бармоғини сўриб,
Қилар дарров «бир саждаи шукроний»,
Деяр: «Мана қаторимиз ўсади,
Амомали малойиклар тўсади,
Ҳар қандай зўр суръат бўлса, важд, виқор».



www.ziyouz.com kutubxonasi

Поя «меҳмон ҳосил»лардан эгилур,
Севинч билан «ўнглар»- «сўллар» тикилур,
Шивирлашар «Тойпалди охири», деб.
Фақат сўнгроқ қолади... қини еб,
Ким бўлмасин ишга гар шундай боқар.

Биз шамолдай паровозни қўшамиз,
Булутлардай уюм-уюм момиқлар
Тўқимачи заводларга йўлланар.
Қуёш ўзи қилган ишга — бетамиз —
Куйинар-да, кўсак бошини чақар.

Биз планни бажарамиз ортдириб,
Шиоримиз юз йигирма процент,
Ким ўзарга Қува, Фороб, Ўш, Тошкент,
Шаккокларга бурунларин тортдириб,
Азаматлар — зарбдорлик таблин қоқар.

Ҳар бир кўсак, ҳосил берган ҳар чигит
Бизнинг кўзга илашмасдан қолмайди,
Панжасини тўлдирмасдан толмайди,
Биздаги ҳар хотин-қиз ҳам эр йигит!
Ҳей, бевиқор, душманга ён босган қор!



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ТУГАСИН ТАКЯ**

1

Талай қизил чойхоналар
қондирагина
Ташналикни бемалол,
Тортади диққатларни:
Деворларда алпи-салпи,
гаранг-лол,
От ўйинда масхарабоз,
Гижинг-гижинг отларнинг,
Ёки Тарзан аждар билан қилур жанг —
Афишалари бемаъни,
яъни:
Кўнгилларга чўкдириб,
Қатор даҳшат, ваҳима,—
Эртаги ўйиндан бир эълонномa,
ёпнасига ринг ҳам ранг.
Қизил бурчакмиш гўё,
Қаталакка қамалган
Кўп булбули ногўё,
«Ўртоқлар,
китобларга сўрамасдан
тегманглар!»
Кимдир бунда —
Гиламини қоқмишдир,
Тегирмондан гард
тўфони оқмишдир,
Баъзан-баъзан —
Панжаларнинг, бармоқларнинг
изи бор,
Қачонлардир
бу қутбда жонлилар
Саёҳат қилган чиқар.
Янги турмуш тўғрисида
ўтган гал
Ёзганимга пушаймон —
сал
Бўлса ҳам қилмайман,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўнглим мусаффо, ором;
Чойхонанинг ўзида,
Бир синиқ ром
кўзида,
Бемскийнинг ойинаси сингари,
Гарчанд телба-тескари
ёпиштириб қўйилган.
Чойхонадан бир чўнтак
пўкак йиғмиш
бир бола:
«Қармоққа жуда керак»,—
дейди менга мақтаниб.
Наматларни куядан
Сақлашга энг зўр чора —
нос талқон.
Даромаднинг озлигидан
нолийди;
«Чойхўримиз кам»,— дейди
Чойхоначи бечора.
«Пайров билан сафсата,
албатта,
Унумларнинг ўғити,
Радионинг сидирға гапи —
маддоҳдан ҳам баттарди,
Битта янги батарей
қўйишга йўқ ҳафсала»,
дейди шўрлик хўрсиниб.
«Ўлиб бўлдик димиқиб,
самоварнинг ўтини,
аччиқ экан тутуни,
эшикни сал очингиз!»—
дейди ишчи Миразиз.

II

Бир қолипга тушолмаган
Дурда-дурда фикрлар
эговлансин,
Яшайишга мослансин.
Чандишайик, қайишайик
Менинг, сенинг айблардан!
Бир номаъқул кашфиёт —
қўпол режа тинглангиз,
Ман:
пиёлага оёқлар
боғламоқни ўйлайман.
Балки сиз:



www.ziyouz.com kutubxonasi

шамларга кўзойнак,
китобларга дардарак
ихтироин сўйларсиз?
— Ҳар ҳолда қилинг кўмак,
маслаҳат, бу маслаҳат:
кенгашган тўн тор келмас.
Шу шеърнмнинг қолганин
ҳар ким тинглайман деса —
қўлларнни кўтарсин:
Аксарият!..
Афв этингиз, ўртоқлар,
Қолган қисми шеър эмас,
қисқагина расмият —
маъруза:

Қизил чойхоналаримиз бўлсин, улар ҳордиқ чиқаришда бизга ёрдамчи бўлсин, биз иш устидаги ютуқлар, янгиликлар, камчиликлардан суҳбатлашайлик, тажрибалар ўртоқлашилсин. Жўралашган ҳаётнинг йиғинчоқлари қизил чойхоналаримизда Ленин бўлсин.

Бўлсин унда радио, шахмат, қироатхона, ижтимоий кружок!

Яшасин янги шаклдаги қизил чойхоналар!

Тугасин такячилик!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУЛТИҚЛАНГАН КАЛЛА ТЎҒРИСИДА ҚОФИЯЛИ ВАЪЗ

Навбат деган ўз-ўзидан тузилмагай,
Тақсимотнинг тепасида тўғри қилмай.
Неча баднафс ўз ҳиссасин қилиб мўмай,
Балоларни бизга юклар, дўстларимо.

Газетада ёзилиб чиқди қизиқ хабар,
Англиянинг олтинига учган хумпар
Гўшт-ёғнинг саркоридан неча нафар
Қуй-қузини қирар экан, дўстларимо.

Биз илоннинг бошин янчдик бермай омон,
Энди навбат қолди унинг думи томон.
Тошкентдаги кушхонамиз душманга ён —
Тутмасмикан, ёвга лаган, дўстларимо?

Бу тўғрида Аҳмад ўғли ёзди фикрин,
Биз ҳам солдик шу тарафга кўзнинг қирин.
Машмашалар ўрмаладн бирин-сирин,
Ўйлаб-нетмай ёзавердик, дўстларимо.

Тупроққўрғон қирғоғини кўрдингизми?
Қиш келса ҳам қўраси йўқ ёки тими.
Мингдан ошиқ қўйлар ўлди чиқмай ими,
Очлигидан ем-хашаксиз, дўстларимо.

Кушхонада кўплар янги маҳалладан,
Кўпчиликнинг ҳақи ёнғоқ бир палладан,
Қўлтиқларга қисиб олиб бир калладан
Ҳадик олмай кетадилар, дўстларимо.

Ғофир ўғли Соат ўн беш қадоқ биқин,
Ундан сўнгра етти кило ёғин секин
Ўмарганда ушлаб қолдик, эсиз, лекин
Ҳайдар акам хаспўшлади, дўстларимо.

Яна янги маҳаллалик Юнус саллоҳ,
Коржомага бир думбани ўраб суллоҳ,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таги жуда сирқирармиш урсангиз шох,
Им-жим бўлди лаб тишланиб, дўстларимо.

Маҳкам, Тошмат ўғирлади салкам така,
Буни билди завком, мудир ҳам ячейка,
Лекин ўзи бир «улуқ»қа эрди ака,
Ушлаганни тишладилар, дўстларимо.

Аравакаш, еч белбоғинг кўрайлик-чи,
Бу нимади, тиш иржайтиб қилган ажий,
Қўйми, ҳўкиз, туя ёки эчки боши,
Таламаган сенми қолдинг? Дўстларимо!

Гўшт дўкони биздан сўрар забор патта,
Прилавка орқасида учта нимта,
Кўз танишинг насибасидир албатта,
Комиссия «Сондан кес» дер, дўстларимо.

Қолганлари ёзилғуси келгуси ғал,
Навбат олай, қозон қизиб, хотин махтал,
Бизга қорин, жигар, буйрак тегса — асал,
Дуо қилиб ей берамиз, дўстларимо.

Ахир бир кун суриштирар ўртоқ РКИ,
Очилғуси қолган-қутган ишлар таги,
Чораларни кўрар бирни қилмай икки,
То унгача омон бўлсин, дўстларимо!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАГДЎЗИ

Симобдай жилваланиб,
Кумушдай ялтираган,
Шу тагдўзи қайси бир
Хинали қўлнинг иши?
Қайси бир садаф сийна,
Тўзим-ла санчиб йигна,
Инжуларин бирма-бир
Бу шоҳига қадаган?
Қайси қайғули юрак,
Шу япроқлар устига
Шабнамдай ёшларини
Чатиб-чатиб қолдирган?!
Қайси бир зарурият,
Бу торгина чамбарда
Тетик, қайтмас, тийрак
Идрокларин толдирган?

Ҳар тўкисда бир тўқол,
Қўлга олиб сиз яққол
Бир текшириб кўрингиз:
Тагдўзининг бир талай
Кемтик-кўстин топарсиз.
Тўридан гўри яқин
Аллақайси чизмакаш,
Нусхаларни чизибди,
Жуда-жуда йироқдан,
Биз билмаган «ироқ»дан.
Чевар ҳам турлугини
Ўрнига қўёлмабдир:
Нуқул оқ, баргикарам,
Пистоқи, гўлос, зангор.
Шу кундаги ёшларга
Айниқса кўпроқ ёқар.
Қизилу гулнори кам,
Тикиши силлиқ эмас,
Ўгирмаси чекмага,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Санамаси йўрмага
Кундош бўлиб тургандай,
Жуда қўпол бир тепчик,
Тепаси чўққи, кичик,
Қизаги салкам сара,
Жияги ўн уч иплик,
Паранжи бандагидай,
Қаландарга жандами,—
Тўнкарилган қумғондай.

Чизмакашда нима айб,
Аёлманд бешик-белик.
Чизай деб олса пилик,
Бола йиғлар — ишлар ҳайф.
Чеварнинг йўқ тиними,
Қатимини олдими,
Адасига бир қултум
Иссиқ қилиш ташвиши.
Баъзан қучоқлар удум:
«Ҳа айланай, не қилай,
Рўзғор қурғур ғор экан,
Қайси бекач қайрилиб
Ўзгага боқар экан?»
Тепчикчининг бошида
Каттагина кўргулик,
Уйдан чиқмиш яқинда
Арслондай йигит — ўлик.
Эгнида қора билан
Қунт қилмас ўзга ишга.
Орада номус деган
Кўпроқ тегадир тишга.
Бизлар бола чоқларда
Қатор белбоғ боғлаган,
Чаккасида тагдўзи,
Мўйлабларин ёғлаган,
Ҳаккари дуранг этик,
Олифта, сатанг, тетик,
Яғрин ташлаб ҳайқириб,
Ўтганларни кўрсатиб:
«Ўлмасин, йигит экан,
Қайси азамат ўғли,
Улоқда катта тўқли
Човидан сирқиб чиқмас»,—
Деб, мақташиб бир нафас
Қолар эди бобойлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бугуннинг йигитлигин
Бошқача ўлчайдирлар:
«Ўлмасин, йигит экан,
Фалон завод зарбдори,
Қўллари қадоқланган,
Кўзлари ўтдай ёнган,
Азаматлик виқори,
Ўртоғини ҳайқириб,
Басма-басга чақирди.
Билагидан металлар
Ўқ еган арслон каби
Омон тилаб бақирди.
Ўртоқларининг кўпи
Орқасидан эргашиб,
Ўтган ойда юз берган —
«Ўпирилишни ёпдилар»,—
Деб мақташиб қолалар.
Бунга қўша бириси:
«Шу йигитдай кўп ботир
Хотини ҳам синглиси,
Ҳар иккови фабрикда
Ўқувларин шимдириб,
Зарб билан ишлаб ётир.
Шу йигитлар кўпайсин,
Қурилсин гигант-гигант,
Бўш оқмасин зеҳният,
Планлар бўйлаб сизсин»,—
Дея тўкар мақтовин.
Тагдўзи, шоҳи қийиқ
Куннинг довруғи эмас,
Гажак ва қора мийиқ
Йигитлик донғи эмас.
Йигитлик ўз билан тенг,
Тўла бийлик эгаси,
Ёлғиз уйнинг «бекаси»
Саври, Холпош, Хайрини
Тагдўзилар бағридан,
Бешик, сигир, увада,
Адасига бир қултум
Оби ёвғон ташвиши,
Аза, қора, бир тўда
Урф-одатлар, удум,
Эм-тумларнинг қаъридан
Етаклаб чиқа олишдир.
Ясла, бириккан туроқ,
Қурумсиз пок ошхона,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Билим, онг, меҳнат-яроқ,
Фабрика-завод порлоқ,
Туман-туман корхона,
Тетиклик ўчоқлари,
Кенг очиб қучоқларин
Кутар опажонларин.

Қийиқлар, тагдўзилар,
Чойшабу зардеворлар
Чакмасига чатилган
Қунт, тўзим, идрокларни,
Беш йилликка йўналган
Қурилишлар бўйича
Сирқитиб оқмоқ керак.

Қўй, торгина чамбарда,
Сиқилган минглаб юрак,
Гайкаларнинг қирқимин
Яйраб, бўрғалаб пишсин!...
Қўй, уйғотсин ҳайқириб,
Гудок кунлар наъраси,
Ҳилпиратсин рўмолин
Чин эрклик шаббодаси!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МИЖЖА ҚОҚИБ УЛГУРА ОЛМАЙСАН

Мияда қон,
кўзда, қўлда, оёқда,
Бу вужуднинг ҳар қисмида
қон томир.
Бир вужуддай СССРни қопламиш
фабрикада, хўжаликда,
оилада, ҳар ёқда
миллион вольтли Днепр,
Днепрлар бўйлаб оққан электр,
шўх қалб каби сапчиб тепар —
қон — ток сепар динамо.
«Юмшоқ» масдаридан
тамом бехабар ўткир кўзлар,
чегарада турган нишончи нафар
сингари
шуъла найзали, титроқ киприкли
Ленин чароғи!
Госплан Союздан бир счётчикки,
ҳаётдан маъданий рақамлар,
пакка михларига илинтирилган
пўлат ҳалқалар;
100% — юз фоиз!
Поезддан тез,
қалдирғочдан, ўқдан ҳам,
товушдан-да,
минганимиз эфирдан ҳам.
Биз қудрат-ла
бир суръатга миндикки,
мижжа қоқиб улгурмайсан бир-икки.
Ҳар секундда уч юз километр,
«Коминтерн» бекатидан бир нотиқ
жаҳон бўйлаб қилар нутқ!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАДАНИЙ ҚАТРА

I

Ўртоқ қизлар,
Ўртоқ ўспиринлар,
Чинин айтинг,
Кўпинча сиз,
Бир муносиб ўртоқни
Тинмай қидирасизлар...
Менга қолса,
Яққолгина медфакнинг
Студенти билан ўртоқ тутунинг,
Ёки адаш тутинг
Унинг қизидан.
Фақат дўстлик
Сизни ва адашингизни
Ҳаддан ўта
Бийрон қилиб қўяжак.
Танишликдан икки ҳафта ўтганда
Юрак шеъри —
Лирикалар, турмуш кечирмалари
Сўйлаб тугатилажак.
Суҳбат қуруқ,
Мавзулар йўқ,
Кўзлар лўқ...
Сизга ёрдам бўлсин:
Кези келганда,
Биродардан қоқлатилган кишилар
Ва уларнинг таркиб топишларидан
Қатор сўроқлар беринг,
Мавзу илмий, мавзу ҳаётий...
Дўст ҳам ортиқ
Чечовланиб кетадир.
«Одамнинг,— дер,—
Тўртдан учи оддий сув —
Турли тузлар,
Темир ва қисман кўмир...»
Дўст суҳбатин сир сақлайдилар-ку,
Бироқ эпчил,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чақимчи ел
Кўча бўйлаб зир изғиб,
Сизнинг ширин
Достоннинг бир мисраин
Исирғадай
Тақиб қочди қулоққа!
Суҳбат жонли,
Тўлин ой тентиб-тентиб,
Такя қилар
Шу кўринган тик тоққа,
Чарчоқ кўзин юмар,
Заррин кипригин
Улаштирар
Бир-бирининг устига,
Лекин уйғоқ
Дўстингиз ҳам кўп қатъий
Кимёдан бир дарс берар
дўстига...

II

Мен шахт елиб,
Ўзининг кенг
Қучоғида сақлаган
Кўп севдигим
Ишчи-деҳқон ичига —
Оиланинг керагига йўлланган
Бир югурдак
Бола каби бораман.
Қўл бўш эмас,
«Етти бошли
баччажиш»дан афсона,
Ё трамвай
Босиб ўлган кампирнинг
Фожиали ўлимидан
Бир хабар...
Ваҳималар... билан эмас,
Балки ҳақиқий лапар
Дўстлик достонида
Сўйланган сирнинг,
Одамзод эгалик қилган тананинг
Довруғини кўтарганча бораман.

III

Ким бўлса ҳам чинин айтган:
«Бизнинг умрлар ҳулол»,
Иккам юзга кирган



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таряки бир чол.
Маллахондан шу кунгача
Кўкрагида сақлаган
Кир-сўлак
(афв этасиз)
Ўқчиқланиб, букиб тиз
Шаршаракка туплади.
Бу шаршарак
Маъшуқалар чўққайган
Ҳовузчалар қирғоғидан айланиб,
Ё қўрқинчли босириқдан.
Туш тинглаб,
Натуралист бир шоирнинг
Илҳомига боғланиб
Аста жилмакда эмас.
Балки сифилис
Яраларини ялаб,
Тиф косаси орқали
Меъдаларнинг қўрғонларин олгали
Миллиардларча
Микроб қўшини билан
Жой олмоқчи
Жуда ичкарилардан.
Қуёш — парма
Тоғлар кўксин тешадир,
Чотқоллардан ҳатлаб-ҳатлаб,
Водийлардан чопадир.
Тинмай-тинмай
Вазнсиз шеър,
Яйдоқ бўз айғир каби,
Симобдай пок булоқлар
Жилваланган талотумли сиртига
Шўх кечгани манзилларнинг
Малолини илдирмай.

Табиатда қудрат борми
Биздан вазн олмасин.
Қурилишнинг ботир қўли
Унга юган солмасин.
Тоғлар улуғ, тоғлар юксак,
Фақат банди филлардай
Бинокорлик темирини, нефтини,
Кўмирини ва бошқасин ташийди.
Хартумини савол учун кўтариб,
Кучсиз қолиб
Ёнбошини қашийди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарёлар зўр,
Дарёлар куч,
Бироқ кишанладик ,биз,
Сеҳрланган аждар каби
Электрик пишқириб
Днепр ҳам чўкди тиз.

. . . . . . . .

Яйдоқ Бўз ҳам маданийдир,
Биз уни юганладик.
Унда айрим қатралар ҳам
Тақиб олган галстук.
У сифилиснинг яраларин ўпарак,
Тиф ялоғи орқали
Қўшилиб тупук, сўлак
Бизга келмакда эмас:
Балки шабнам поклиги,
Булоқлар ўйноқлиги,
Қуёш мазмуни билан
Совет табобатининг
Онгли қозонларидан
Социализм шаҳари
Томирлари орқали,
Пролетар хизматига
Кўп ҳовлиқиб келади.

Қаршингдаги бўйин эгиб,
Қўл боғлаган
Шу чумак
Техникада энг оддий
Бир формула:
Ўнгдан, «сўл»дан
Сув бермагай,
Тўғри тут,
Большевиклар қурган
Водопровод.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲЕЧ ҚАНДАЙ БИР ҚУРҒОН БОРМИКАН, БОЛЬШЕВИКЛАР ҚУЛГА ОЛМАГАН!

*(Ўзбекистон Советларининг 4-қурултойига)*

Шу содда биргина жумлада
Қурултойнинг бутун мазмуни.
Масала, қарорлар ҳам
Мундарижада бекўст-кам,
Қон каби топажакдир
Жумлалар шуурини.

Кунларимиз йиллардан салмоқли,
Йилларимиз тугал бир умр.
Бизнинг қўлларда ёғочлар
Бир мазмун оларки, темир.
Бир зумда каттакон бир муҳитдан
Чақмоқ каби учиб ўтармиз.
Йилларнинг мазмунин ойларга сингдириб
Социалистик жаҳонга кўчиб ўтганмиз.
Ўлкамиз тўғридан жуда ёш —
Ўн тўрт ёшли новда, ўспирин,
Лекин етук товушимиз ғурурин
Қурганимиз совхоз ва колхозлар,
Фабрикалар йигит бонгидан,
Днепр, Волга, Дон яратган,
Электрли порлоқ тонгидан,
Асримизнинг оддий бир батракка
Бахш этгани синфий онгидан,
Тинглата олдик бутун дунёга!
Қирқ ёшли бошларнинг ақлини
Сиқиштириб мияга жойладик.
Ер куррасин занглаган чархини
Бошқа бир давр учун мойладик.
Беш йилликнинг иккиси қалъалар
Фатҳ этган замбараклар каби,
Орқада гердайиб қолдилар.
Учинчи қатъий йил қурармиз
Социалистик иқтисод учун пойдевор.
Ҳеч қандай қарши куч бормикан
Биз билан курашда толмаган.
Ҳеч қандай бир қўрғон қолмагай



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон. 1929 йил.

Большевиклар қўлга олмаган!
Афв этасан, ўртоқ қурултой,
Ҳозирги сўз сенинг борангда.
Сен бу кун тўғридан пролетар
Ҳукмронлигига ифода.
Биз гурра кўтариб қўлларни
Топширдик кунларнинг измини.
Кунларки, йиллардан салмоқли,
Бўшашмас суръатлар тизгини.
Биз сендан шаклча кўп содда,
Мазмунча салмоқдор қарорлар:
Миллион жуфт кўз билан
Ўн миллион бармоқлар,
Туманча елкалар талабин сўраймиз.
Қарор қил, бу кўзлар ствол устидан
Марранинг биқинин пойласин.
Бармоқлар тепкини боссин тез,
Тепкики, капитал ердаги постидан
Ажралиб ўлимин чоғласин...
Кунларимиз йиллардан салмоқли,
Йилларимиз тугал бир умр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кунларимиз биздан сўрайдир
Миллион тонна металл ҳам кўмир.
Миллион тонна момиқ сўрайдир
Қурилишнинг зарбдор кунлари.
Қарор қил, қурултой,
«Бос!— деб,— илгари!»
Юракнинг ўғитин
Кўрсатсин йигитлар,
Тўғонлар чип билан боғлансин...

Пахтакор колхозчи эрларнинг
Зарбидан титрасин,
Марварид тишларин
Кўрсатсин чигитлар!
Муштумзўр ситилган
Тугмача мазмунга
Бизнинг кунларда
Бўлолмас эга.

Кунларнинг мазмуни қуюқлашадир,
Юкланган вазифа ундан ҳам.
Беш йиллик энг қатъий бир йилда
Қиз, жувон, ҳаммамиз
Бирликда бардам,
Далалар бўйича миллионлаб трактор
Рулларин бурғучи туманча кадр
керакдир!..
Шу гигант даврдан юз буркаб
Қочмоқлик уятдан-уятдир,
уятдир!
Бу тўрт йил беш йилнинг
Сиқилган мазмуни
Ишлар ҳам, сўзлар ҳам,
Шеър ҳам мазмунча
Салмоқдор — симобдай,
кўп тийрак бўлсин.
Ҳарфларнинг ўзаро мусобақаси,
Сўзларнинг зарбдор бир дағдағаси,
Жумланинг муқобил плани бўлсин.
Туришларда битсин прогулчилик,
Биз энг қатъий бир йилга кирдик,
Қайтмасмиз кучларни енгмасдан.
Ҳеч қандай қарши куч бормикан,
Биз билан курашда толмаган,
Ҳеч қандай бир қўрғон бормикан,
Большевиклар қўлга олмаган!


www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЕЛЬМАШНИНГ БИР ДЕГРЕЗ ШОИРИ

Қандай бахтли шоирнинг
Яратган ижодиким,
Тракторнинг эҳтиёт
Бўлагидай ардоқли.

Тева минганларнинг
Қуйин тингладим,
Мунгли улар,
Сўрагандим:
— Сафарларин жабдуғидан,—
дедилар
Тракторнинг шўх куйига
Шеърим жабдуғ бўла олса,
Ўзимда йўқ севинарман
Трактордай қаҳқаҳли!

Муҳаббатнинг «илоҳи»дан
Ўқ еган бир шоирни
Хазонрезгиликда кўрдим,
Ҳар япроқ бир капалак,
Мажруҳ тани.
Топган сўзи:
— Оҳ фалак!
— Тур, ҳез,— дедим.
Аранг шивирлаб лаби:
— Сен сўкишда
Бир оддий дегрез,— деди.
Ўртоқ Сельмаш,
тинглаб қўй!
Давр ўғли — яъни мен:
Шаҳид, ғози,
Ё миллатчи фашист
Хунрез эмасман,
Балки кадр:
Шу кунларни ёзолғувчи
бир шоир,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуёлғувчи мард дегрез
Сифатларин опичиб,
Сенга ишга бораман.

Сўкмайсанми, кураш куни
Йўл тўсиб қилса ғовлик,
Фалсафаси тутун каби
Узун, нордон мижғовлик?

Мен шоирми,
Ўз давримнинг гайкасин билмай нега?
Оч қолайки,
Не эканин била олмасам «сеялка».

Ҳей, қурилсин
Сельмаш кўп тез.
Мана тайёр бир кадр,
Ўзи шоир,
Шоирликдан илгарироқ
Эпчилгина бир дегрез!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НЕФТЬ

*Боку нефть булоқлари бўйича беш йиллик план икки ярим йилда бажарилди.*

«Бу саноқлар ёшайишдан
Кўп узоқ хаёл,
Қандай мумкин беш йил каби
Сиқиқ чанбарда
Босиб ўтиш,
Толиққанлар бўлур сафарда,
Келажак... у, толе синаш...»—
Каби ғайбий фол
Телбалари ситиқ тугма
Каби яроқсиз,
Пуфаклардай учмоқдалар
Қолдиролмай из.

Машиналар ҳансирайди,
Иликлар толмас,
Бўғинларга нефть —
Қон беринг,
Жон шимдирингиз,
Ер куррасин анор каби
Сиқа олдик биз.
Типирчилаб сиғолмасдан
Нефть занги — бадмаст,
Қора айғир тик ўмровли,
Яйдоқ ва тетик,
Беш йилликнинг дағдағасин
Унга юкладик.
Уқувларни ишга солдик
Эпкин ва таранг.
Зарбдорлик одатимиз,
Басма-бас шакл.
Қўрғон олган бомбалардай
Ортда икки йил,
Тийрак киприк қурумлардан
Бўлди сурма ранг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўттиз бирда ҳаво зилол —
Бир баҳор тонги,
Эфир бўйлаб
Социалистик оламнинг бонги;
— Беш йилликда нефть режаси
Ортиғи билан бажарилди,
Икки ярим йилга етмасдан.
Бу бонг ғойибдан, ё хаёлдан,
Қалбаки эмас,
Бу бир рапорт,
СССРнинг пролетари
Чин яшашдан
Йўллаётир тўлдириб ҳавас,
Узоқларни кўролган
Партия сари!

Фақатгина фол тахтасин
Кўрган фолбинлар!
Сизга «ёрдам» юзасидан
Берайлик хабар:
— Шу ютуқлар
Беш йилликнинг учидагина,
Қолган «пайғамбарлик» ҳақи
Сизларда яна!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЛҚИШ

*(ЎзАПП жумҳурият кенгашига)*

Олқиш!
Балли, олқиш.
Бир олқишки,
Олқишликдан кўра иш,
Шу салмоқдор қурилишнинг
Суръатига ета олиш!

Биз куйчилар, пролетар —
Мозолланган қўлларнинг
Кўз нурлари.
Миллий фашист,
Оппортунист,
Ишончсиз «ўнг», «сўл»ларнинг
Бош устидан
Босиб, янчиб ўтувчи
Беш йилликнинг зўрлари;

Биламизки,
Ёв лагернинг куйчилари — ёздилар...
Кўп оздилар...
Қидирдилар,
Афсонавий қаҳрамон,
Қон ялайдирган хоқон.
Фақат... пучак,
пучак!..

Сўрганлари йирингли
Бир эмчак.
Урунмасин,
Жиртакчининг қайғу қорни
бўлсин тўқ,
Ёзай десак биз ҳам ўзнинг
«Қурилиш»га ёзамиз!
«Вой миллат», деб,
«Оҳ ватан», деб,
Тиз қучоқлаш бизда йўқ,
Чунки шубҳа ботқоғининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирлигидан тозамиз.

Ўзсиз, сўзсиз,
Бузғун, фақат,
Тийрак ёвнинг борлигин
Қурилишнинг бош йилида
Эпкинликлар ўргатди.
Ғараз тўлган бисотдаги
Миллатчилик тариғин
Сепиб, арпа кутганларни
Биз фош қилдик,
Етук ақл кўрсатди.
Биз фабрикда меҳнат қилиб
Хўп чиниққан кишимиз,
Унча-мунча қўғирчоқлар
Эркин йўлдан уролмас.
Қурилишга оҳанг қўшган
Қуйчиларнинг эшимиз,
Минг уриниб қўзғатолмас
Ҳар кўринган ифлос-паст.
Биламизки, кўп ёздилар,
кўп оздилар,
йиғладилар...

Бекзода, подшолик
Дошида қайнаган,
Ёт эллар пулига ёлланган
Бир сотқин,
Келгинди, бош кесиб
Қаҳрамон саналган
Сардор босқинчининг
Қонли қиличин
Ялашдан тўймади
У «эпчил» тиллар...

Биламиз, ёздилар,
оздилар,
Ўзлари-чун ўз қўл билан
Ўлим — чуқур қаздилар.
Чиндан ўлим,
Чиндан зарба берув учун
Энди биз:
Ақлларни партиянинг
Бош йўлига соламиз.
Қаламларни кун давруғин
Ёзмоқликка қистаймиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳарфлар, сўзлар,
Жумла ва қофиялар
Мазмунларин опичиб
Беш йилликлар билан
Қатор босар из.

Биз,
Пролетар адиблигин,
Пўлат қалам ўткир тиғин,
Шу азамат қўлларда,
Ўз синфий йўл учун
Қурол қилмоқ истаймиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СУЗАН, БИГИЗДАН МАШИНАГА

Нурмат, Саври яшамоқда яккарўзғорлик
«жўра» бўлишиб.
Жўра бўлишиб —
коллективда яшамоқлик буларга «хорлик».
Нурмат қайси бир бурчакда этикдўз-косиб,
шошиб кетади.
Шошиб кетади —
Саври яккақўллик билан рўзғорда сасиб.
Кустарь Нурмат коллективлик кабн зўр ишга
аралашмайди.
Аралашмайди —
хотини ҳам Саври опа ҳеч бир кишига.
Эри кетгач қўли косов, сочи супурги —
сабру қарорсиз.
Сабру қарорсиз —
овқат қилиб тозалайди сигирнинг тагин.
Бешикдаги боласининг маржондай ёши
қуйилиб ётар.
Қуйилиб ётар —
қозондаги кичирининг очилмай моши.
Примуснинг капсулида синмишдир нина,
дам бермайди ҳеч.
Дам бермайди ҳеч —
эски турмуш ташвишлари Савригинага.
Саври хумор тарқатишга чилимни солар,
тутун бурқитиб.
Тутун бурқитиб —
хўл ўтиндан авж олмайин самовар қолар.
Арқон узиб бузоқ қурғур эмгай онасин,
«Хўш!» деёлмайди.
«Хўш?» деёлмайди —
эри Нурмат маст қайтиб сўкса онасин.
Саври ўзи хат-саводсиз — ҳеч ўқимаган:
«дод-дода» билмас.
«Дод-дода» билмас —
эри Нурмат ҳар гал урса, кўзи қуйиб қон.
Нурмат бир кун ишдан келди, жуда ҳовлиққан:
«Қулоқ сол, хотин,
Қулоқ сол хотин —



www.ziyouz.com kutubxonasi

шу яқинда жуда катта фабрик очилган.
Оёқ-кийим фабрикага энди бизлар ҳам
борар эмишмиз.
Ёзар эмишмиз,
биз ҳам энди ивишиқ оёқларимизни.
Унда ҳар иш машинада, мижжа қоққунча
тикилар экан.
Тикилар экан —
чокка эмас, балки кўзлар машиналарга».
Айтганидай, ҳафта ўтмай Нурмат фабрикка
ёзилиб кетди.
Ёзилиб кетди —
эски турмуш чигаллари бари бир йўлга.
Коммунадан уй-жой тегди, янги, покиза —
ич-тоши гумбир.
Ич-тоши гумбир —
Дилбар, Шермат онасини қилмайди изза...
Саври савод чиқармоқда, Шермат мактабда,
боғчада Дилбар.
Боғчада Дилбар —
бир кошона ясласида чақалоқ сафда.
Ош-овқатнинг бу рўзғорда қайғуси йўқдир,
баҳамжиҳатлик.
Баҳамжиҳатлик —
фаровонлик қозонидан кўп қорин тўқдир.
Саври қумғон, қозон, бешик қайғуларини
асло чекмайди.
Асло чекмайди —
чилимдаги тамакининг оғуларини.
Нурматда ҳам қайта бошдан шаҳдам тетиклик,
ёшланиб кетган.
Ёшланиб кетган —
қора кунларга қўйилмиш янги ишда чек.
У фабриканинг зарбдор, девкор уста бошчиси,
басма-басда ҳам.
Басма-басда ҳам —
биринчиликни ютажак кунлар ишчиси.
Нурмат келиб, Савринннг ҳоли аҳволин
сўраб қўяди.
Сўраб қўяди —
Дилбарчасин «қур-ба-қа» деб ўқиган тилин.
Эҳ, кунларнинг дағдағаси, сафоси, донги
тугал бизники.
Тугал бизники —
даврларнинг зарбдорлиги, шу меҳнат тонги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НОН

«Ғалла учун кураш — социализм учун курашдир».

Ленин.

Ҳей, сиз каппон тарозусин
шайини бўлиб,
Мисқол учун «ўнг» ва «сўл»га
салом берганлар,
Ит думига пайвандланган
эски челакдай
Ҳар бир содда туртинишдан
давруқ солувчи.
Отолмаган сопқон учун
уннаб толувчи
Нўноқ мерганлар!
Билингизким, сиз суянган
у чирик девор —
Муштумзўрлик омборига
ғалла берилмас.
Унинг иғво, изосидан
ҳеч бир қўрқилмас.
Куюк тўқоч каби шаккок
оғизни юмиб,
Қорамуғдай ғазаб тўлган
кўзни тикингиз,
Қозоқ, қирғиз даласининг
яйроқ кўксига:
Олтин бошоқ диёри бу,
вазмин ва текис,
Ўхшаб кетар минг товланиб
йўлбарс сиртига,
Уфқ зумрад ёнбошини
қўймишдир секин,
Олтин билан кавшарланган
ер қирғоғига,
Ел қалдирғоч қанот ёзиб
кўп эркин-эркин,
Эпкин, илдам, чалғимасдан
«сўл» ва соғига,
Қўзичоқнинг баррасидай
Орол кўксини
Майда қўнғирлаб,
совхозларнинг хирмонидан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шахдам ғириллаб,
Орол бўйлаб
Рожъ бошини тарамоқдадир.
Давр қатъий,
Йиллар қатъий,
ҳар минут қатъий.
Олтин қозиқ юлдузидай
кўп қатъий кўзлар,
Қатъиятнинг қанорини
тикламоқдадир.
Қизиқ қумга қатор-қатор
кулча из солиб,
Кунлар қизин бўйнидаги
маржони каби
Қозоқ оғам етаклаган
туя карвони,
Пахта элин мўлжал олиб
йўналмоқдадир.
Ғарамларни кавшаб ютар
машин-комбайн,
Қакрадай хўр
муштумзўрнинг
Қирқмоқда пайин.
«Ҳоп, майда»га ҳўкиз эмас,
Қўшиб трактор
планларни қувиб етиб,
Ўздириб ётир.
Кўк бағрига калла урган
Гигант элеватор,
миллиард тонна арпа, буғдой
чоч бўлиб ётар.
Ҳей, биз «очлик» сўзин кўмдик
луғат гўрига,
Пролетар баковули
Хирмон тўрига.
Унгга, «сўл»га,
Муштумзўрга,
Домла-имомга
Уч бармоқдан баҳамжиҳат
«Ҳаққулло», «капсан».
Нон —
Қуюн қон
Сенга, албат,
Ҳей, ишчи Пўлат,
Қолхозчи Ҳасан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАЛБЛАР МОЖАРОСИ

Ҳар дам
Яққол сезиб турамен
Маъниларнинг қанотланганин,
Завқларнинг тўлқинларини,
Ироданинг ҳарбга отланганин.

Сезимлар бор увоқ-увоқ,
Қалблар бор ранжиган — синиқ.
Сезимлар бор жангжў, порлоқ,
Қалблар бор сувдан ҳам тиниқ.

Кўриб-билиб, сезиб турамен
Сезимларнинг бу ғавғосини,
Қалблар ёқа бўғиб курашганда
Ўлимдан бир-бировга совғасини.

Сезимлар бор гинали шубҳа билан
Қалбларига улаган
Занглаган қилич.
Сезимлар бор диалектика томлари-ла
Қалбларига сингиб кирган Ильич!

Машъалли кенг йўлни йўқотиб,
Сезимлар бор жабҳадан четланган,
Қалбларида бир бўшлиқ ташийдир,
Кўкрагин сезадир,
Ишончсиз бутун бўш,
Таянгудай далил, тиргаксиз;
На севги, севилиш,
На савдо, на эш.

Сезимлар бор
Пўлатларга бош уриб,
Чақмоқлар яратган
Гранитлар каби
Қийинликларга кўкс кериб



www.ziyouz.com kutubxonasi

Куннинг машъалин ёқолган,
Қурилиш куйига толеин солган.
Қалблар бор қайғусиз, кадарсиз
Суръат тизгинин бўшатмай,
Қурилиш кунларин
Шукуҳи, завқи-ла
Туғилиб ўсади ва бирга яшайдир.

Бу достоннинг айрим сезимлари бор,
Бу шеърнинг шахдам қалблари,
Мисраларнинг қон томирлари,
Сезимлар шўх ва зарбдор,
Қалбларки, беш йиллик
Амр этган
Қурилишда бинокор —
Ульяновнинг комсомоллари;
Бу шеър
Шууригa Ленинни сингдирган
Йигитларнинг қўшиқларидир.
Қалбларнинг можаросида, у —
Курашчанларнинг ўқларидир —
Мен унга бириккан.

Яққолгина кўриб турамен
Маъниларнинг қанотланганин.
Завқларнинг тўлқинларини
Ироданинг ҳарбга отланганин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИЗ БАРДАМ ҲОЙ, ШОНЛИ БАЙРАМ!

Ҳар замон тийрак, тетик,
Чарчоқни билмас кўзларим.
Техника, фан, онг, курашдан
Силжимайди кўзларим.
Иш кураш, турмуш кураш,
Истар кураш жоним менинг.

Ёш умид «кўнгил ғами» деб
Четга силжиб оқмади,
Ҳис, шуурим бош чизиқдан
«Ўнг» ва «сўл»га боқмади,
Чунки қоврилди бу дошда
Қайнаган қоним менинг.

Социал олам қуришда
Бир нафас йўқ сўлти вақт,
Кўҳна дунёни буришда
Тинмасак кулгай-да бахт.
«Най навоси»н тингламоққа
Қўлда йўқ оним менинг.

Қатъий йилда қатъиятнинг
Рулларин бурмоқдамиз.
Бу шарафли Октябрдан
Ўлкамизга қўймиш из
Пролетариат янграган кун,
Шунда давроним менинг!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАЙРАМ ТОНГИДА

Бобо қуёш ухларди
Тоққа ёнбошлаб,
Ой ботарди бир гала
Юлдузни бошлаб.
Хўроз ҳали бўйнини
Толдан чўзмасдан,
Деразада кичик Мош
Юзин ювмасдан,
Яйра капалак каби
Уйда ғивирлаб,
Майин қўзғалиб лаби
Ўзга шивирлаб
Ойинанинг олдида
Бўйинбоғ тақар,
Ўқтин-ўқтин ҳовриқиб
Кўчага боқар.
Укажони Йўлдошнинг
Уйқуси зийрак,
Жиндай шовқин-сурондан
Кўз очар тийрак.
Тағин уйғониб кетиб
Йиғламасайди,
Ойижонин Яйра қиз
Жуда аяйди.
Яйра оёқ учи-ла
Қадамлар эркин.
«Дада, ҳой, дада, туринг!»—
Туртади секин.
Дада фабрика учун
Тайёрланарди.
«Кетаётирмен,
Тонгги йиғин бағрига
Етаётирмен.
Тўдамизнинг буйруғи,
Бормасам бўлмас,
Ишга зарба беражак



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қолсам бир нафас.
Опам уйғонганида
Айтиб қўярсиз!»
Бу кун бизнинг каттакон
Бир байрамимиз.
Дада дадалик билан
Юмшоқ эркалаб,
Яйра сочидан ўпди:
«Мунча эрталаб?
Кўча-кўйда ўзингни
Авайлаб юргин,
Тағин конка, автобус
Босиб кетмасин».
Яйра қувноқ чопади
Тўдага қараб,
Тонгги майин ел қолар
Сочини тараб.
Дада ўйлай бошлади
Соқол ғижимлаб,
Шу кичкина бошларнинг
Улуғ мазмунин.
Олтин қўнғиздай учиб
Кўп эркин-эркин,
Тонг йиғилган ёшларнинг
Жиддият ўйин.
Беш йилликнинг салобати
Борлиги билан,
Шу онгларга ҳам
Сингмиш кучайиб.
Ҳой, мен қандай бахтлиманким
Минглаб Яйранинг
Отасидирман,
Қурилгувчи азамат
Учинчи бўғин
Бобосидирман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИЧИҚ БИР МУШОИРА

Ғ а ф у р:

Ҳаёт йўлини топмак-чун борибсан катта Сельмашга,
Қолиб иш, бермагил кўнгил тағин бир ишчи маҳвашга.

Ғ а й р а т и й:

Кўнгил бермоқ йигитга айб эмас, дўстим Ғафур,
билсанг,
Илинсам кошки эрди дил-жигардан бир паривашга.

Ғ а ф у р:

«Онангга хат» ёзай деб ҳоли аҳволини билмак-чун,
Топиб жой суҳбат айлаб учрашибсан ўғли Тўхташга.

Ғ а й р а т и й:

Гапинг тўғри, ўшал суҳбат чоғида ул «Кўкан батрак»
Келиб қолди трактор олмак учун ерни ҳайдашга.

Ғ а ф у р, Ғ а й р а т и й:

Кўкан, Тўхташ ҳаётидан ёзайлик бир неча достон,
Икки шоир бўлиб улкан икки дўст, икки дилкашга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧЎЛЛАР БЎЙЛАБ КЕЛАЁТИРМАН

Дейдилар қуп-қуруқ
Киприкка илашган
Етим қатралар
Октябрь бошланган кунданоқ қолганлар
Узоқда...
Узоқда.

Баъзида кўраман,
Якка ёғочларнинг
Шумшук бошида
Қарғалар...
Қарғами, меҳтарми?

Сайёҳлар,
Бизлардан бегона шоирлар каби
Ўз-ўзича шивирлар
Аҳёнда лаби.
Туманли ва ишсиз уфқлар
Бағрида
Қанотин силкар,
Гўё яккалар қўлида
Ёлғиз тегирмон...

Масковдан бизгача
Симлар тортилган;
Маданий турмушнинг
Қон томирлари.
Шу симлардан
Кўзга чўзилиб оқар.
Жуда узоқларда
Бизлар билан тенг
Қурилиш куйига
Толеин солган
Миллионча мард қалбнинг
Ботир сирлари.

Ижод Чирчиқ каби
Туман тармоқли,
Айрим ўзанлардан
Душман кўзига
Ҳалқум ҳўллагудай



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сароб кўринса...

Бироқ ҳокимият
Шунча салмоқли
Тармоқларни солиб
Ғолиб изига
Днепр савлатин
Санъатга юклаб
Мулзам — асрлар...
Қаро қалбга
Ёқди машъаллар!

Йўллар бўйлаб чўзилган
Кўп панжаралар,
Пўлат йўлга босириққа
Турган оқ қорлар
Шахтини кесар...
Чегарада турган
Қўриқчи нафар сингари.

Бизнинг сатрлар
Ёв йўлин тўсар,
Қатнасин ҳадиксиз
Пўлат карвонлар...
Масков!
Биз сенга келаётирмиз
Қучоқларга сиғмас
Умидлар билан.
Пахтакор —
Коллектив қизларнинг
Саломин
Ва дўстлик илҳомин
Опичлаб,
Кенг Шарққа очилган
Социал ватан
Дарвозасидан
Қўмондонга рапортга
Келган солдатдай,
Постлар мустаҳкам.
Миллионлаб пахтакор
Амрингга боқар,
Ишимиз, кучимиз
Ва санъатимиз
Партиянинг ғолиб
Бош уза нидо
Қалам урармиз,
Амрин кутамиз



www.ziyouz.com kutubxonasi

**ЎПИРИЛИШ**

Ўртоқлар!
Зўр ўпирилиш,
Бу заводда алкоголнинг,
Прогулчи ялқовнинг,
Жағ бандаси учарнинг,
Миллатчи паст ўжарнинг,
Айшидан
Қайфгами тенг?
Бу мумкин эмас!

Ким ўзи,
Ким у —
Улуғ қурилиш
Пўлат йўлларида
Ўлик шлагбаум.
Ким ўзи,

Ким у —
Буюк узилиш —
Иркит қўлларида
Қай лагерда қавм?

Ўртоқ
Ўйла, кўр,
Мана у душман —
Номард ўлумтик
Кўк кўйлак билан ўз ичимизда.

Ўртоқ ячейка
Завком, директор,
Сиз ахир учлик,
Сизда ўпирилиш бор,
Буюк ўпирилиш,
Буйруғингиз прессдан кучлик,
Қарорингиз юксак вольтли мотор
Бўла туриб нега



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юз берди бу иш?!
— Борми ишбай?
Бор, лекин кучланмаган.
— Зарбдорликчи?
— Бор, чинакам пишмаган.
— Мана, айб қайда экан.
Ўпирилиш — уят тегар!
Ячейка,
Завком, бошлиқ
Ҳай сиз қари ишчилар —
Чиниққан, пухта моя,
Етаклангиз ёшларни.
Ёвни сира аямай
Устидан янчиб, отиб
Юксак суръат-ла олға!
Бошлайик ўпирилишга
Қарши кенг жабҳа била
Большевик юришини!
Зарбдорлик мусобақа,
Қунт ва ишонч билан,
Тинглатайик соғ шахдам
Қалбимиз уришини!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИЗИЛ КАРВОН ҚЎШИҒИ

Отим бўз айғир, ёли таралган,
Олдимда кенг қир, бахмал тўшалган,
Карвон ўтадир, бу бизнинг карвон,
Тоғдай тилакни мўлжалга олган.

Ерга қарайдир осмонда ҳулкар,
Бахтдай чарақлаб, тонг суради бар,
Карвон ўтадир, бу қизил карвон
Севги гулидан бошида чамбар.

Катта шаҳарнинг кечдик белидан,
Топ-тоза виждон, манглай теридан,
Карвон ўтадир, бу бахтли карвон,
Ватанга совға колхоз еридан.

Мардлик ғурури қайнар кўнгилда,
Юксак бинолар ўнг ила сўлда,
Карвон ўтадир, бу ботир карвон,
Эски қолоқлик оёқ тубида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОБРУ УЧУН

Мана газета,
Турли хабар, мақола,
Ўлкамизнинг —
Турли бурчакларидан,
Ҳар қандайин ваҳма, кўптиришлардан
Узоқ бўлган
Чин ҳаётдан дараклар.

Донбасс ҳазир
Миллион тонналаб кўмир,
План бўлса тўлиб ошган,
Юз ўн бир.
Сталино, Харьковда
Талай кадр,
Марра ошар
Кунда уч юз трактор,
Автомобиль, грузовой, паровоз.
— Биз тайёрмиз, янги излар устидан
Бизларга сўз,— деяр,
Чопар, ҳайқирар!

Ўзбекистон пахтакорлик истиқлолин
Ухдага олган ўлка,
Қолди орқада!
Нега?
Бугунгина план бўлган
Олтмиш уч.
Кўпрак ғайрат,
Кўпрак обрў,
Кўпрак куч!
Чўкиш —
Муштумзўрни сийлаш,
Манглайин ўпиш
Ва «қиш» деган важи карсонга
Олов
Ва зарбдор юриш!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муштумзўрни тенг бўламиз
Муштум — зўр:
Муштумимиз муштумзўрнинг бошига,
Зўримиз-ла ундирамиз,
Кўнгил қўймай унинг қалбак ёшига!
Муштумзўр у
Тулки нарса:
Унга нима!
Қалинлатар гупписин,
Индамасанг
Пахта солиб қавир, ҳатто дўпписин.

Ўзбекистон!
Ишчи-деҳқон!
Англа, билки,
Бугунгина план бўлган
Олтмиш уч.
Кўпрак ғайрат,
Кўпрак обрў,
Кўпрак куч!
Чўкишга қарши юриш,
Муштумзўрни мажбур қилиш
Пайтларнинг шиори,
Ҳамма бирдан бос илгари,
илгари!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЎКЛАМ

Кўклам
Кураш шовқинлари
Ирмоқларингдай,
Қалбимни тошувга
Қистайди ҳар дам.
Бахмал қирларингни,
Ҳаёт сирларингни,
Қувноқ ерларингни
Кутаман, кўклам.
Ғайратларим куртак ёзди
Совхоз чорвасининг
Қўзиларидай,
Тошлардан-тошларга
Тентак ҳатлаган,
Олма гулининг
Бўтана сувин
Колхоз даласига
Қўйиб юборсам.
МТС қўрасига
Иков кирсак-да,
Амр этсанг,
Трактор рулини
Буриб юборсам;
Муштумзўр «шоҳ»лигин
Қатъиян «мот» деб,
Кураш аспини
Суриб юборсам.
Кўклам,
Кураш шовқинлари
Ирмоқларингдай,
Қалбимни тошувга
Чорлайлар ҳар дам.
Ақл Цекасидан
Мандат тутқазиб
Завқимга, кучимга,
Ҳунарларимга,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Колхоз қирларига
Қилдим сафарбар.
Кўклам,
Кураш шовқинлари
Ирмоқларингдай,
Қалбимни тошувга
Қистайди ҳар дам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УЧИНЧИ ҚЎШ

Қўш чиқди
МТС қўрасидан,
«Формол», Челябин,
Харьков тракторлари,
Бир эмас, қатор ряд-ряд,
Якка эмас, қўш чиқди, қўш чиқди.

Техниканинг олдида —
Омоч ва бўйинтуруқ,
Суст қадам, сўтак, қуруқ,
Пухта эмас, бўш чиқди, бўш чиқди.

Колхоз далаларининг
Уфқини зириллатиб,
Уватларни уватиб,
Яккалик чекин бузиб,
Большевикнинг коллектив
Учинчи қўши чиқди.

Мард елкага кўтарган
Коллектив зарбдорларнинг
Тоғ чўққисидай мағрур,
Ҳансираган, кўпирган
Ўмрови — тўши чиқди.

Ўз тенгидан уяти
Курашчанлар ўлими,
Битмас бўлса нияти
Шер деганнинг ўлими.
Бу йил уятин ювинг,
Тракторлар ҳайдангиз!
Тиш кучин ерга беринг,
Тала-тошни кемиринг.

Майли, бир метрга тенг,
Соз олинг — чуқур олинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тупроқ майда — қир майда,
Шудгорлар майда-майда,
Йўқса оқ олтин қайда?

Қувноқ келар кузингиз.
Қўш чиқди,
Қўш чиқди,
Қуёшга бағрин берган
Коллектив шудгорига
МТС қўрасидан
Трактор қўши чиқди.

Ола ҳўкиз, бўз тўриқ,
Бу қўшдан қолмас қўриқ.
Қўшга кучини қўшган,
Иш севган, ваъда берган
Коллектив қўшчиларнинг
Тоғ чўққисидай мағрур
Ҳансираган, кўпирган,
Ўмрови — тўши чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЕТАР МАЙ, РУБОИЙ ВА АНЕКДОТ

Қўрина бошлади бошимда оқ туклар,
«Мўйсафид» исмини таший бошладим.
Келингиз мутлақо ичмаймиз, ўртоқлар,
Шилимшиқ тупурикдай ортиқ ташладим.

Меҳрибон ўртоқсиз, бунда шубҳа йўқ,
Меҳмонга чақирув, сийлашга қодир.
Реал фикр шиша оғзидай бўғиқ,
Шу маст ғарғарада чувалмоқдадир.

Тўғри, ҳурматингиз ҳаддан зиёда,
Бир чимдим шўх суҳбат, эрмак истайсиз,
Пешона теридай мусаффо бода,
«Қалбимдай тиниқ бу, ич» деб қистайсиз.

Сўйлаб бера бошлайман ҳар хил анекдот,
Ёлғонлар маржонин ипга тераман.
Бир вақтлар завқ билан ёд олган қўр-қут,
Хайём шеърларин ўқиб бераман:

«Чандон бихурам шаробеки, ин бўйи шароб
Ояд зи туроб, чун равам зери туроб,
То бар сари хоки ман расад махмуре
Аз бўйи шароби ман шавад, масту хароб»*.

Қандай устодона ва маънопардоз,
Ҳар сатри ҳеч ўлмас бир рубоийдир.
«Яхши шеър» десам-да, эргашсам бироз,
Мозорга ҳам бадмаст элитмакчидир.

Шеър айтар: сиз билан бирор гал ҳушёр
Сўйлашмак, ҳаттоки мумкин ҳам эмас.

---

* «Шунчалик кўп ичайки, бу шароб иси, мен тупроқ остига киргач, шу тупроқдан келиб турсин, қабрим тепасига келган ҳар бир хумори мен ичган шаробнинг исини искасин ва аввалгидан баттарроқ масту хароб бўлсин» *(Автор изоҳи)*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сизда зарур жиддий сўроқларим бор —
Тўсиқдир ўртада спиртли нафас.

Оддий кўзга содда ялтироқ танга —
Ҳали биз билмаган талай юлдузлар,
Ғафлат бадмастлари кўр каби излар
Телескоп ўрнига қўлда бутилка.

Қайда бир рубоий топсам ёд олдим,
«Алёр» бўлиб хизмат қиларди менга.
Яхши бўлар эди ёд олган бўлсам,
Бир жумла ортиқроқ диалектика.

Тилларда «Оҳ уринг, янги турмуш-чун»,
Зеҳн окуркадай оёқ остида.
«Алёр», рубоийлар кўрсатиб кучин,
Маст, иргaнч ҳаётнинг қора дастида.

Шеъримни ўқийсиз, куласиз, албат...
Таъна-ла қистайсиз, қиласиз синоқ.
Аъзоси бўлганим олий жамият
Шишган талоқ каби қилсинми талоқ?

Инониб топширилган менга дастгоҳ
Учиб қолган мастдай тўхтаб қолсинми?!
Юзида-ку сохта севинч, дилда оҳ,
Душман қармоғини қалбга солсинми?!

Мен ортиқ ҳеч қачон-ҳеч қачон ичмайман
Етар май, рубоий ва анекдотлар!
Кўнглим пионердай кўклам ва чаман,
Зеҳним ҳар пайтда ҳушёрлик тилар.

Ҳалигача қилганим баъзи ўпирилиш,
Энди ортиқ қўш норма билан битажак.
Кўзларимда рентген нуридай кўриш,
Евнинг, ҳатто қалбига нуфуз этажак.

Уй ҳавоси тоза ва бахтли ўғлим
Бу кун ҳушёр лаблардан бир бўса олди.
Демак, менинг мардларча ичган бу онтим,
Қалбдан қизил йўллар-ла изини солди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КУКЛАМ МАРШИ

*(Бугун далага оммавий чиқиш куни)*

Қаторлар-ла,
бригадалар-ла,
шеренгалар-ла,
илгари.
Зарбдор қадамлар-ла
Кўҳна қишлоқларни бузган
Харьков трактори
сингари.
Чалинди
Синфсиз жамиятнинг
Биринчи карнайи,
Қирқилди
Бомбалар-ла
муштумзўрликнинг
пайи...
Янги қалъалар олишга,
Янги қўрғонлар солишга,
Янги жаҳонлар қуришга,
Тўсиқларни ағдариб —
Мард одимлар-ла,
тайёрлан!
Большевик даласига,
Миллион тонна пахтага,
Иккинчи беш йилликка,
Бошладик қатъий юриш,
Қатъий жанг,
қатъий уруш.
Янги асрларнинг
Томирига қуйиб
қон,
Қаторлар-ла,
Тунқаторлар-ла
коллектив қишлоқлар
сари.
Фан билан,
Маданият билан,
Янги машиналар билан,
Қизил агрономдай
Юқори унум учун
Пахта далаларига қараб
илгари!..



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОТ

*(«Коммунизм» колхозидаги жийрон-тўриққа бағишланади)*

Қанотланиб учади
Айғир ва шод қаҳқаҳа
Қирғоғи уфқлар-ла
Ўпишган ялангликдан.

Баъзан ғоят асабий
Тирмашар шу тик тоққа,
Баъзан ёғар бошларга
Парчаланиб уфқдан —
Эркин пропеллердай
Кўтарилган хандалар...

Қувноқ кишновларидир
Бу қаҳ-қаҳ саманларнинг,
Тўриқ, жийрон, бурулнинг
Коллектив далаларда...
Асовлик тўлқинидир.

Симобдай сиймтанларнинг,
Бўй бермас ҳар анчайин
Якка жилов қўлларда,
Чунки улар кўп эркин
Коллектив чаманларда...

Уфқи кенгаймакдадир
Устида эгасининг
Умров кериб отларкан
Сўнгги кураш бағрига,
Жангларга киролмасанг,
Ҳаром бўлсин қамчининг,
Бахмалдай жилваланган
Шу азамат сағрига,
Ҳай, большевик кўкламин
Аскари бўлган ботир!...

Бу от эгаси каби,
Социалистик Ватанни



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўриқлашга бор кучин
Сафарбар қилган ботир.
Бугун тинч турмуш билан
Пахталар майдонини
Трактор ёнбошида
Уч қайта ҳайдаб ётир,
Судрагани тўп эмас,
Темир омоч сўнгудай.

Қанотланиб учади
Айғир ва шод қаҳқаҳа,
Қирғоғи кўринмаган
Коллектив ялангликдан...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУМСАШ

*(Комсомоллик йилларимга бағишлайман)*

Шахсий архивимнинг яқин кечмиши
Ёшлик йилларининг ишқи-ла тўла.
Мана порлоқ балоғат гувоҳномаси
Тўрт минг беш юз йигирма номери ила.

Бу номер остида саҳифаланиб,
Ҳаётнинг бошланғич йўллари ётар:
Ҳаётки, кураш, онг, сезги, қуршов, чип,
Қалъалар забт этган қўшиндай қатор...

Бир бомба шўхлиги кўзларимизда,
Чақин чақнар эди товонимиздан.
Қуёш ўзин кўриб юзларимизда,
Олов исинарди шўх жонимиздан.

Шу гигант бинода ким айта олур
Ўсмир билагимиз кучи сингмаган?
Ёшлигим ҳаваси ҳар дам қайталар,
Юрак ўти умрлар ёнар, сўнмаган.

Ота соқолининг изи иякда,
Юрак вазмин ишга боғлиқ бўлса ҳам,
Кечмишда, ҳозирда ва келажакда
Машъал бўлиб қолдинг, ҳей, комячейка.

Ёшлигим ўтмаган, олдда кўраман
Миллион юрак билан маҳкам қаторда,
Лениннинг шуурин зеҳнига шимган
Онамиз туққандир шу тонг отарда.

Коллектив, синфсиз шу мард турмушнинг
Қаторига синган ботир комсомол,
Бизларда акс этар зўр Октябрнинг
Ёп-ёруғ истиқболи кенг — оламшумул.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОВЕТ ҚАҲРАМОНЛАРИГА

Эсар еллар, гувуллар қонли тўфондай заҳарханда,
Булутлар қоп-қора чойшаб каби ёзган қанотини.
Табиат чеҳрасини қоплаган минг йил қаро парда,
Ўлим — тош қалбли бир аждар каби очган қулочини.

Улуғ музлар-ла девори кўк ўпган замҳарир қалъа,
Шовуш устидаги маскан кўчар, судрар ҳалокатга,
Оёқ сув устида, занжирли музлардан унга ҳалқа,
Илашгай кўз қарашлар ҳар қадамда бир фалокатга.

Шу муз тоғларки, ютди биз яратган мард «Челюскин»ни,
Қилич қайралди, чақмоқлар чақинди қаҳратонлардан.
Оширди ишга бадбахт қалбида ётган ғазаб-кинни;
Ўч олмоқ бўлди, енгмак касби бўлган қаҳрамонлардан.

Улуғ денгизда, кўчкин устида бошланди жанг-турмуш,
Қаро ҳам муттасил кеч, кучли тўлқинлар, табиатда...
Асирларда яшаш — бирлик, давом қилмоқда эркин иш,
Ишонмоқ нури порлар кучли олмосдай бу зулматда.

Ўтар кунлар, эсар еллар, қутбда бир заҳарханда,
Бироқ мард большевиклар зарра қўрқмасдан, яшар мағрур.
Узоқ, даҳшатли музлар устида қолганда ҳам бандда,
Унутмас қаҳрамон фарзандларин бир элки, ғоят зўр!

Бу биз — тоғларни қул этган, бу биз — осмонни забт қилган,
Бу биз — чўлларга гул эккан, бу биз — денгиздан банд тортган.
Бу — бизнинг ўлкамиздир, қаҳрамон миллион ўғил туққан,
Кураш — одат, енгув — оддий ҳунардай кўксида оққан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эсар ел, йиртилур қутб чеҳрасин босган қаро парда,
Бўронлар қирқилур тинмай, қанотлар худди бир шамшир.
Агар куйлар эсам, ширин жимирлаш бошланур танда,
Бу биз — ботир, бу биз — ғолиб, бу биз — ҳар ишда оламгир.

Қутб бўш, унда йўқ энди совуқ муз банди қилганлар,
Қутулди қаҳрамонлар — қаҳрамон дўстларнинг илгида.
Шараф сизга, ёғар миллион дудоқдан кучли олқишлар,
Бугун Ленин нишони порламиш мардларни кўксида.

Ўтар кунлар, кечар йиллар, юракда муттасил ханда,
Бу бизлар — большевиклар янги қўрғонлар олиб мағрур.
Узоқ, даҳшатли музлар бизни қудратга бўлур банда,
Шунингдай қаҳрамонларни туғолган ўлка — бизнингдур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТОШКЕНТ

I

Тошкент Осиёнинг кўркли ўрнида,
Мақталса арзийди, оз эмас — анча.
Тошкентнинг ложувард тоза кўкида
Шаббода тинмайди тонгдан кечгача.

Узоқ Ҳинд, Хитойда юрт кечган қуёш
Тошкент осмонида ҳордиқ олади.
Озод ўлка устига нур тўкиб ёввош,
Улуғ қурилишларга кўзин солади.

Тошкентнинг сувлари шунчалар тоза:
Чирчиқ, Оҳангарон, Бўз, Анҳор, Солор.
Беқасам жилоли шу буюк фазо
Рангини, тўғриси, Тошкентдан олар.

Бу ернинг меваси шунчалик асл,
Кумуш бутоқларда ёқутдай кўркам.
Бу ерда узун йил билмайди фасл,
Тошкентни ватан деб билади кўклам...

II

Тошкент қўшни Шарқнинг кўркли ўрнида,
Мақталса арзийди қанчадан-қанча.
Муқаддас Ватаннинг юрак тўрида
Мазлум Осиёга порлоқ дарича.

Узоқ Ҳинд, Хитойда юрт кечган қуёш
Тошкент осмонида ҳордиқ олади.
Озод ўлка устига нур тўкиб ёввош
Улуғ қурилишларга кўзин солади.

Тошкент ўзбекларнинг гўзал маркази,
Катта оилада тенг ҳуқуқ аъзо.
Бунда меҳнаткашнинг эркин нафаси,
Ҳаво миллий, ирқий ғубордан тоза.



www.ziyouz.com kutubxonasi



«Тошкент» шеъри дастхати. 1934 йил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлимда паспорт бор, совет паспорти,
Номер ўн уч миллион етти минг қирқ беш.
Демак граждани Советлар юртин,
Бир юз етмиш миллион қардошларга эш.

Шоир ё санъаткор бўлмаслик мумкин,
Бироқ бўлмоқ граждани шундай ўлканинг,
Унда фикр, меҳнат, ҳаётдир эркин,
Қандай ғурур, мақтаниш бу сифатга тенг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аввал баҳор эди, ер эрди сабзапўш,
Тоғ лола жомида шабнам қиларди нўш,
Сир чайқалиб оқар эди, тўлқинда минг хуруш,
Олам китобин оқтариб мен кезор эдим.

Уфқимда ранглардан юз талош эди,
Ўнгимда наъмалар-ла диллар харош эди,
Ҳар бир чечакни[1] менга бугун сири фош эди,
Энг яхши шеър учун кўп интизор эдим.

Ишқ тешаси увалмиш бу Фарҳод тоғида,
Бир катта шаҳри Ширин бор тоғ соғида,
Бу шаҳар Хўжанддир, у тарих дудоғида,
Мадҳиясига шеър учун тоғлар қазор эдим.

Аввал баҳор эди, мен тоғда дарбадар,
Гуллар ари оёғига тўкмакда эрди зар,
Бир водийга чиқиб қолибон анда бехабар,
Андешадан ақлға маконлар тузор эдим.

Дарё оқарди чайқалиб, қирғоқда қўй-қўзи,
Ўлчак эмас эди санамоққа саноқ сўзи,
Мен билмадимки, номи нима чорва колхози,
Бу бизники ва сизники, яхши сезор эдим.

Билмадимки, тоғу шаҳру наҳру бу қўтан,
Меҳнат элига совға қилибсан улуғ Ватан,
Бир нашъага кўмилди бу тан бирла бу бадан,
Олдим қаламни, шаънига бир шеър ёзор эдим.

---

[1] Чечакнинг (*автор изоҳи*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚЎРИНУР

Қумуш қанот билан учсанг, товланиб тубан кўринур,
Севимли, кенг, азамат социал Ватан кўринур.

Хаёл кўзи ета олмас шу тоғ этаги
Текис бўлиб, ерида пахтадан чаман кўринур.

Бу ўлканинг эгаси шон-шарафли колхозлар,
Ботир йигитлари бир жону бир бадан кўринур.

Қанотларингни ёзиб, эркин уч улуғ элда,
Бу ўлкада на зулм, на жабру кишан кўринур.

Бинолари кўкўпар муҳташам шаҳарлар кўп,
Совет шаҳарларидир бу, бунда илму фан кўринур.

Қатор бу янги гигант ишчи қудратин кўрки,
Бу ерда миллий туман йўқ, на алам, фиғон кўринур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОҒ

Бир ватаннинг ўғлименким, ҳар тараф гул, лола, боғ,
Қалб кўзидай энг қоронғи кечада порлар чароғ,
Ҳар йигит мағруру ҳар қиз кўкраги қўш чўққи тоғ,
Сув десанг шарбат оқар, иқлим десанг қаймоғу ёғ,
Ўз-ўзини мақтаганда, мақтамай қолғайми мен?

Лола жоми тўлса кўклам шабнамидан эрталаб,
Ёзги чилла шўх хаёлдай ўтса куртакни ялаб,
Эр қуёш қандли қозон остига қўйса ўт қалаб,
Билмадим, чиллик, даройи қилғуси қандай талаб,
Лабларидан қанд томарса — сўрмайин қолғайми мен?

Қўз сузилган, лаб чўзилган, севги уйғонган чоғи,
Билмадим дўндиқ бу қизнинг қанча эрмиш бармоғи,
Ютқиниб олган ўпишларнинг йўқотдим салмоғин,
Ҳар буток зумрад каби кўк, осмон ранг япроғи,
Қистаса «сев!» деб ҳусайни, севмайин қолғайми мен?

Кўз қаросидай кўчирдинг юзга боғнинг аксини,
Хол каби ишком қошин, бу ҳуснини — бу кўркини,
Бир умр хумморда ўлсин севмаса ҳар ким сени,
Тарқатар шингилларинг райҳон, ифорнинг бўйини,
Чорласа ширин чарослар — бормайин қолғайми мен?

Соғ қуёш, муздай ҳаво, топ-тоза сувларнинг қизи,
Ким тегишди, юзларингиз қон талашган қирмизи,
Сиз ярашган бу чаманнинг бўлмагай ҳеч бир кузи,
Яхши ўртоқлар билан улфатчилик бўлган кези,
Келсангиз қувноқ кулиш-ла — қувнамай қолғайми мен?

Яхши қизлар, ўртангизда ким йўқотди лабда ранг?
Бир келиб бу боғдаги «ўғри» шивирғондан сўранг,
Доналар бўлғин, тўлалиқдан тиқиндир, пўсти танг,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Учраганда ҳар киши ҳам истагин босгай аранг,
Ул мени «ёрим» деганда — «йўқ» дея қолғайми мен?

Дил хуш-чун бир тотай деб боғ аро кирсанг атай,
Ялтирар, сапчиб тепар, ҳуркар кабутар қалбидай,
Соҳиби сен бу чаманнинг, яшна қурбонинг кетай,
Куз кези энг яхши дўстларга саватлаб тарқатай,
Сен саховат қўлни очсанг — қимтиниб қолғайми мен?

Биз кўкартирган бу боғнинг исми бўлсин гул-асал,
Шинни-шарбатдан соғайгай ҳар нучук эски касал,
Тер тўкиб, ҳордиқ олувчилар гурунг қурган маҳал,
Навбати жомим тўла тут, боғбон, ўтказма гал,
Қўнғироқ қаҳқаҳли дўстлар базмидан қолғайми мен?

Кимда бордир бу чамандан гул узишнинг нияти,
Қайси лабларга томар бу севгили боғ шарбати,
Бу тўлиқ жом бир умрга ишчиларнинг навбати,
«Бода бар ҳар табъ мебахшад жудо хосияте»*,
Боғчанинг ҳар кимсага бор ўзга бир хосияти.
— Ишладинг, кел, тот,— деганда, тотмайин қолғайми мен?

---

* Мирзо Абдулқодир Бедилдан *(Автор изоҳи.)*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЯНГИ ИШҚ

*(Бутуниттифоқ совет ёзувчиларининг Биринчи қурултойида)*

Умримда бир минут ҳам бўш пайт кўрмадим,
Ўтган бўлсин дардсиз, ўтсиз, севгисиз,
Кўзим қорачиғида тамғаланганми
Сўнмас севгилардан жилвалар сўнгсиз.

Ҳунарим, маълумингиз — ғазаллар ёзиш,
Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна.
Давримни севганимдай, ҳунаримга ишқ,
Ташбиҳ, қофияларни севаман яна.

Баъзан этак тутқизмас шеър — севимли ёр...
Ҳунаримга бўламан шунда кўнгилсиз.
Аразлашиб қоламан, бироқ бу қилиқ —
Ошиқнинг истиғноси каби мантиқсиз.

Мен зўр гурунгда бўлдим, жуда зўр гурунг —
Дунё бўйлаб йиғилган эди ошиқлар.
Устоз Горький кўтарилди юксак тоққа тенг,
Минбар оша янги ишқдан беради хабар.

Шунда бир кичик ошиқ лаблари чанқоқ
Тизин чўкиб қилар эди ёрига тавба...
Истиғноли ошиқман, севгили бироқ
Ўша эски ҳунарим: байт, ғазал яна.

Кўзимнинг қорачиғи, ўтли ёшлигим
Тўла мазмуни билан шеъримга кўчсин.
Ҳе, мени қучоғида ўстирган даврим,
Шу қадарли шеърлар шаънингга бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎРДАК ВА ТЎРҒУН

Бир бор экан, бир ёввойи ўрдак бор экан,
Қўм-кўк қуюқ ўрмончада яккаю ёлғиз.
Шу яқинда бир анҳорча, қирғоғи кўркам,
Ўрдак шунда чўмиларкан кечаю кундуз.

Оппоқ гажак қанотлари елканли кема,
Шаббодада ўйноқлаган шўх пирпиракдай.
Унга ўйин — мазақ экан бунда ҳар нима,
Билмас экан қайғу нима, муҳтожлик қандай.

Анҳорчада кичик мурғак балиқлар тўла,
Очиққанда тумшуқ билан тута олади.
Парво қилмай қилтаноқдан ютиб бир йўла,
Яна қўшиқ — «ғақ-ғақ»ларин куйга солади.

Тўлин ойли кеча экан, ҳаммаёқ ойдин,
Теваракда эсар экан совуқ шаббода.
Қўзичоқнинг баррасидай сувдаги тўлқин
Ой нурида эрмак экан икки қирғоқда.

Анҳорчада яна бир оз сузмоқчи бўлди,
Гўзал оқшом, ўрдак кўзи севинч-ла порлар.
Кеза-кеза очиққанин хўп яхши билди:
«Нима қайғу, анҳорчада кўп-ку балиқлар».

Ҳаво совуқ бўлгани-чун ҳамма балиқлар
Иссиқ булоқ томонига жўнаган экан.
Ой нурида майда-майда узун тўлқинлар
Ўрдакчага балиқ бўлиб кўринган экан.

Тутмоқ бўлиб, ҳар тўлқинга бўйин чўзаркан,
Тумшуғига илинмасдан қола берибди,
Балиқлардай ялтираган тўлқинлар титрак
Ўрдак кўзин жовдиратиб қоча берибди.

Бу оқшомда ўрдак шўрлик ҳеч қандай овсиз
Қайтибди очлигича ўз катагига.



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ғафур Ғулом Бутуниттифоқ совет ёзувчилари I съезди делегатлари орасида. 1934 йил.

Ташқарида шамол юрар, совуқ аёвсиз,
Ҳорғин бошин қайирибди қанот тагига.

Эртасига ҳаво ҳам тинч, кун иссиқ экан,
Балиқчалар ўйноқларкан эски ўринда.
Ўрдак шўрлик балиқларни ойдин деб билган,
Ов қилмаган, оёқларин сақлаб қўйнида.

Бизнинг Турғун ўрдак каби умидсиз эмас,
Қийинликни енголувчи яхши феъли бор.
Бир умтилиш янглиштирса тинмай ҳар нафас
Қайта-қайта ғайрат билан яна умтилар.

Ўтган йили бир синфдан ўтолмай қолди,
Симобдай шўх ўйинқароқ эди ўзи ҳам.
Бу мавсумда бутун кучин ўқишга солди,
Дўстларидан қолоқ экан, етолди кам-кам.

Шундай улуғ, зўр байрамда ўқувчи Турғун
Бир синфдан ошганлигин рапорт беради.
Бошқа ялқов, камҳафсала ўртоқларини
Ўзи билан тенглашувга шахт чақиради:

— Ўрдак каби бўлманг,— дейди,— ҳай, ёш ўртоқлар,
Бир зўр берсак ҳар қолоқлик орқада қолар!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДИКТАТУРА

Ҳали Урал лабида мард Чапаевнинг
Қонлари томирида совуб битмасдан,
Ҳали Сибирда ур-йиқит, кеснинг
Жаранги қулоқлардан учиб кетмасдан,
Ҳали оталарин Эргаш ўлдирган
Фарғона етимлари бўйига етмасдан,
Ҳали дунё бойларин гўри устида
Синфий жангдан сўнгги тор чертилмасдан,
Тамом янги бир дунё ўртага қўйдик,
Мақтасак арзийди, тилимиз бурро,
Буни бизга сен бердинг, эй диктатура!

Узоқ Хоразмнинг тўқ қучоғидан,
Қанотландик, Аму бўйлаб учиб келдик биз,
Пахталар водийсига шунчалик овоз,
Шунчалик иродани берган ўзимиз.
Оғир саноатдан: Сельмаш, Шўрсувдан,
Текстилькомбинатдан келган кўпимиз.
Бу Ватан бизникидир, бунда яшнади
Бизнинг ҳар бир фикримиз, ҳар ҳуқуқимиз,
Арслонлар ўкиргандай ҳайқиринг «Ура!»
Сен бизнинг жонимизсен ва ижодимиз,
Сен бизда ҳар нарсасен, эй диктатура!

Агар кўриш кучидан қолмаган бўлиб,
Юксакдан ўлкамизга назар ташласанг,
Бу ер Ўрта Шарқ эди ва мустамлака,
Ҳатто эркин ўйлашга доираси танг.
Энди бу ўлкаларни қоплаган чаман,
Энди бизнинг ўлкада енгмиш синфий жанг.
Энди мазлум халқларнинг севган ўлкаси
Маданий мамлакатга бўлди ҳамоҳанг.
Айниқса, ҳайқирсак биз арзийди «Ура!»
Қўлимизга ихтиёр, юзга қондан ранг —
Барисин бизга бердинг сен, диктатура!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаторлар бузилмайди, сафлар занжирбанд,
Юракларда вулқонли севги гурлайди.
Энг севимли доҳимиз — Лениннинг ўзи,
Унинг номи қалблар оша кўкка ўрлайди.
Қадамимиз зарбидан эски дунёнинг
Чириган пойдевори паст, дириллайди.
Курсилар қўзғалди, қоматлар баланд,
Бизлар сўзлаганда кўк гумбурлайди.
Арслонлар ўкиргандай ҳайқиринг «Ура!»
Сен бизнинг қонимизсен ва ижодимиз,
Сенсан бизнинг қудратимиз, эй диктатура!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АППАРАТ БОШИДА

*(Ўртоқ Куйбишев вафотига)*

«ЭКЛ»нинг қулоғин нега ҳам бурдим,
Яна мотам мунгларими тўлди уйимга?
Нега ахир тез эргашдим, нега мен сенга,
Дайди ҳавас, сенгагина бўлсин лаънатим.

Қоп-қоронғу кечаларнинг бахил қўйнини
Ҳавас бесабр жиддият-ла тинтув ясайди,
Ер куррасин узоқ мажҳул нуқталарини
Радио бўйлаб эфирларда кезарак дайди.

Ҳавасим шахт қуролланган, бунга чўт эмас
Ўн-ўн беш минг километр секунднинг йўли.
То Бўмбайдан — Лондонгача, Сибирдан — Одесс,
Бир мижжада коинотнинг ўнги ва сўли!

Ҳар тараф жим, фазо ҳам жим, қора кеча жим,
Жимжитликда қиров қўнса келар овози.
Радио бўйлаб эфир кезган тентак ҳавасим
Тингламоқчи бўлар балки Гавайнинг созин.

«Алло, алло...»
Калькуттадан келадир овоз,
Занжир, қафасларнинг маъданий саси,
Аламзада фиғонларда қилувчи парвоз
Кишанланган ҳинд йўлбарсин мунгли нафаси.

«Алло, алло...
Акнун Теҳрон сухан мезанад!»
Ризохоннинг ҳарамидан Эрон қизининг
Кўз ёшлари ҳаволарда қоқадир қанот,
Ғурур — ғамга, фараҳлари — тубанликка тенг...

«Алло, алло...»
Анқарадан келар мусиқий,
Онатўли оч деҳқони ўғир янчадир.
Очиқ айтар рубоблардан учгувчи йиғи,
Шу қалбаки тақлидларнинг кучи қанчадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Алло, алло...»
Қоҳирадан — Арабистондан
Шу ёлғончи табассум-ла кулган сотқин қиз,
Шу «маданий» кийим-бошга ўралган бадан,
Мазлум Шарқнинг титроқ лаби куйлар тинглангиз.

«Алло, алло...»
Будапешт — бу можор ишчисини
Ҳамда маҳкум курашчининг хароб ватани.
Қон ҳиди-ла жиққа тўлди эркин нафасим
Нутқ айтаркан қайси монах, қайси мўлтони.

«Алло, алло...»
Берлин чалар фокстротни,
Гитлер қонли этик билан танца тушадир.
Ҳар тараф жим, фазо сокит, қора кеча тин,
Ҳавас қўрқиб, бу теградан дарров кўчади.

Қоп-қоронғу кечаларнинг бахил қўйнини
Ҳавас яна жаҳду жадал тинтув ясайди,
Ер куррасин узоқ мажҳул нуқталарини
Радио бўйлаб эфирлардан кезарак дайди.

«Алло, алло...
Қизил Масков, «Коминтерн» бу!»
Бутун дунё ишчиларин ботир нотиқи...
Тинглолмадим. Енгди мени кучли ўкирув,
Бўғозимдан бўғди ўксик ва қонли йиғи.
Аппаратнинг қулоғини нега ҳам бурдим,
Яна мотам мунгларими тўлди уйимга?
Дайди ҳавас, сенгагина бўлсин лаънатим,
Нега ахир кўр эргашдим, нега мен сенга?

...Ҳали миллион қора, чақноқ, тетик кўзларда
Кўринмасдан бир ўлимдан фалокатли ёш,
Ҳали қалблар тимдаланган, дил аламзада
Иккинчи бир қайғу ёзди қанотин юввош.

«Алло, алло...
Қизил Масков, «Коминтерн» бу.
Бу аламдан дунё бўйлаб бергувчи хабар».
Аппаратни тинглолмадим, кучли ўкирув
Бўғозимдан бўғди. Ҳушим бўрондаги пар.

Кўз косаси қип-қизарган, ёшли доира,
Атрофимда бутун нарса шаклин йўқотган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишонмайман фан-техника, радио минг карра
Бари ёлғон, бари ёлғон, бариси ёлғон.

«ЭҚЛ»ни шахт кўтардим мен ерга ургали:
— Тўхта, балки янглишганман, эфир чайқалган...
— Ҳар ўксукка мададкорим бўлган тасалли...
— Ҳамма жойда ўша мудҳиш ҳақиқий ёлғон.

«Алло, алло...»
Ҳамма жойда — Боку, Уролда,
Харьков, Одесс, Астрахань, Олмаотада
«Коминтерн» хабаридан минг акси садо
Шу мотамнинг мазмунини қилур ифода.

«Алло, алло...»
Тошкент сўйлар — унинг ватани,
Йигитлигин у бу ерда жангларга берган.
У бу ерда босмачининг бошин янчгали
Ҳам большевик бир комиссар, ҳам қизил мерган.

Тошкент сўйлар, ўз севгани ва йўлбошчиси
Куйбишевнинг ўлимидан оламга хабар.
Шу Тошкентми, ишонмайман, шу унинг лаби?
Шу лабданми учар бу ўт фиғонли лапар.

Ҳали унинг босган изи Фарғонамизнинг
Кенг пахтакор даласида чангга кўчмасдан,
Ҳали унинг топширмалар берган сўзининг
Жаранглари қулоқлардан тамом ўчмасдан,

Шу Тошкентнинг радиосими, йўқ, ишонмайман
Нега у ўз раҳбарига ўлим тилайди?
Бироқ афсус, шунча аччиқ ҳақиқатда ман
Бир япроқдай қалтирайман, таним титрайди.

Аппаратнинг қулоғини нега ҳам бурдим,
Яна мотам мунгларими тўлди уйимга?
Дайди ҳавас сенгагина бўлсин лаънатим,
Нега ахир, кўр эргашдим, нега мен сенга?



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОҒДА

*(А. С. Пушкин номидаги истироҳат паркида)*

Ям-яшил саҳни билан осмон каби кенгдир бу боғ,
Ерга кўк тушган каби юлдуз қатор минглаб чироғ,
Ўн Қамар, юз Зуҳра, минг Ҳулкар юзидин ёруғроқ,
Ҳей, кўзи чақмоқ йигит, қизлар, қилай сиздан сўроқ,
Тоғ, қуёш, ёшлик бу ерни ўзга қилмишми ватан?

Бунда соғлом кулгилар тинмас бутун тонг отгуча,
Севгилар занжирига боғлиқ қолар ҳар шом-кеча,
Ҳей, умр, тўхта гаров боғлай, қўлингни бер пича,
Сен мени ёшлик билан таъмин қиларсан ўлгуча,
Мен сенга сайқал берарман сўнмаган ишқим билан.

Бу чаман шонли Ватаннинг узви бўлгандан кейин,
Бунда эркин ҳар граждан бошқага эгмас бўйин,
Бунда чиндан ҳам одам ўғлига шафқатдан қўйин,
Бундадир соғлиқ яратган минг туман шодлик-ўйин,
Бундагилар фил қадам, арслон юракли, шер бадан.

Эй шамол, қўзғол, исингни тарқат, эй сен тоза гул,
Эй булоқ, тош, кўлка сол, эй сарв, сен бир оз эгил,
Тарқасин уйқу — тумандай шунча диллардан чигил,
Ййра, эй сен иш, муҳаббат, эркка ўрганган кўнгил,
Чунки бу парк ўз билак, ўз куч билан бўлган чаман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КОЛХОЗ ҲАНГОМАСИ

### УДАРНИК ТЕРИМЧИ ОНАГА САМИМИЙ ҲАЗИЛ

М а д ғ о ф и р

— Шундай ўлкамизки, унда иш, ижод,
Фикр, тилак ва турмуш жўра шаклида.
Шу азамат қурилиш ва шундай равот
Энг илгари чизилган миллионлаб дилда...

М а с о в и р

— Кўп қора кечмишлардан тизмай афсона,
Талай янгиликларга бўлсак сафарбар,
Шундай мавзуларким, туғдирар яна,
Чексиз далаларда пахталар дилбар...

М а д ғ о ф и р

— Дўстим Собир Абдулла, чунончи иков,
Унча-мунча шоирлик даъво қиламиз,
Манга айт, нега ахир ижодда кўркам
Бир коллектив қурмоқни ўйлаб кўрмаймиз?

М а с о в и р

— Ғафур Ғулом, дарёдай тотдим сўзингдан,
Қайнамоқда кўнгилда коллектив ҳаёт,
Эсон бўлса ўртоқлар ҳаммамиз бирдан,
Ишлаймиз бирга-бирга, талай маҳсулот.

М а д ғ о ф и р

— Жонга тегди кундалик оғир жиддийлик,
Кел бир оз кулишайлик, Масовир ука,
Ўпкаларни яйратиб қаҳ-қаҳ солайлик,
«Кулмасин» деган қонун маълуммас менга.

М а с о в и р

— Шуҳратпараст эмасман, лекин талант бор!
Чин турмушни ойнадан тиниқ кўраман.
Жамият учун ёзган ожиз сатрлар,
Оз бўлса-да, кулдирса, ийиб кетаман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мадғофир

— «Илдам» колхозидаги Рўзи холанинг
Иштиёқи, ишқини иков эшитдик.
Етти мучал ёши бор, бироқ таланинг
Қарри чинорларидай барно ва тетик.

Масовир

— Колхозчилар ичида пешво кўринган,
Гапга тетик, дали-ғули Рўзибиш хола,
«Биби Марям»лар билан шовла ейишган,
Лекин қилиқлари тантиқ қиз бола...

Мадғофир

— Унинг ҳаёт йўллари мавзуга тўла,
Бир дюжина шоирга бисот бўларлик.
Собир, тажриба учун майли, бир йўла
Коллектив ижод учун пешвозимга чиқ.

Масовир

— Яшил увотларда завқли қўшиқлар,
Шавқли ҳангомалар бўлар кўп шинам,
Поёнсиз кўкатлардан баланд чўзиқлар
Яшнар эрта тонгда тушганда шабнам.

Мадғофир

— Ундаги эр йигитлар, ишчан жувонлар
Қаторини тўлдирган Рўзи холам-ла,
Эрмак, ҳазил бошланар, дўндиқ хандонлар,
Рўзи кампир-ла бўлган ҳар муомала...

Масовир

— Йигитлар назаридан юзни яширмай,
Кўз қири билан нозу ғамза истайди.
«Хола» деганга истиғно қилиб гапирмай,
«Отимни тўлиқ айт», деб сени қистайди.

Мадғофир

— Кампир ёш-яланг билан қилган басма-бас,
Яхши териш, мўл териш, тез битиришга.
Кампир йигитлар каби олади нафас,
Хўроз қичқирмасдан тушади ишга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Масовир

— Тиш ўрнига жағ билан бурун ўпишган,
Қампир холадир, лекин кўнгли келинчак,
Колхоздаги ёш-яланг унга тегишган,
«Хола» деб сўзлагувчи наздида тентак.

Мадғофир

— Қарриларнинг юраги чидамли, оғир,
Ивирсиб кўринса-да, сўнгги унумли,
Ёшлар қалби сапчиган шўх-шотир, айғир,
Қуён каби қўндирмас вазмин қўнимли.

Масовир

— Қампир жўякка чўкса нортуя каби,
Тахта-тахта пахталар ямлаб терилар.
Алланималарни сўзлаб шивирлар лаби,
Тарозивон олдида сўнгра керилар.

Мадғофир

— Табелларда ёзилса «Рўзибиш кампир»
Табелчига хўмрайиб аста қарайди...
«Қампир» деган исноддан ҳафсаласи пир,
«Қампир»ни ўчиринг», деб шахдам сўрайди...

Масовир

— «Қампир» деган исодни судга бергудай,
Ё бир жонивор бўлса-ю, бўғиб қўйгудай,
Тегишқоқлар «хола» деб гапирганда-чи,
Ишни йиғиштириб, қарғар ўлгудай.

Мадғофир

— «Қампир» деб тегишса, ҳазилкаш кимса,
Ё койиш эшитади, ё аччиқ сукут,
Бошлайди жуда узоқ қотириб энса,
«Ўртоқ Ёқубова» деб чорлашга ўгит!..

Масовир

— «Ўртоқ Ёқубова» қандай чиройли,
Қайси сўтак чиқарди «хола» сўзини.
«Хола» деган сўзлар мен учун ғайрий,
Шундай ҳазилкашларнинг кўрмай юзини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мадғофир

— Колхозда тунов кун концерт ўтказдик,
Рўзи хола талашиб беш номер олди,
Яллалар қилиб берди, белин ушлаб тик,
Қош билан бармоқларни муқомга солди.

Масовир

— Қизлар айтса қўшиқни авжни талашиб,
Маставага қатиқдай гапга тиқилар.
Сочидан номус қилиб, яширар шошиб,
«Қуёв»дан сўз чиққанда дарров суқилар.

Мадғофир

— Ойна Юсуф эди, мен Зулайхоси,
Ёки мен Ширин бўлсам, аксимдир Фарҳод.
Сочимдан буруқсар эди сунбулнинг иси,
Ўз-ўзимга ишониб боқсамки, войдод.

Масовир

— «Жиним», «ялмоғизим» ўртадан чиқиб,
Ойнакни тўсибон қараб турибди.
Қўйлагин ёқасидан калласин тиқиб,
Оппоқ сочларин тараб турибди!

Мадғофир

— Лаб эмас, ҳамёза тортган туядай,
Гўр каби оғизда тишлари кемшик.
Пўстакка дуг билан суққандай атай,
Кўз бурун ўрнида бир неча тешик.

Масовир

— Шундан сўнг ойнакдан астойдил ҳуркиб,
Бир умр қарамай яшаб келаман.
Қолхозчилик дегандай жуда ишим кўп,
Пардоз ишини орқага ташлаб келаман.

Мадғофир

— Ёшимни санамоққа ботинмас дилим,
Ўттиздан адоғиси келмас ёдимга.
Меҳнатимдан орттирган бир талай пулим,
Оби ҳаёт қаерда, айтингиз менга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Масовир

— Қампир ўз-ўзидан афсус еб дейди:
Нега онам мени кеч туғмадикан?!
Комсомол қизларга пар бўлса эди,
Бўйнида қизил бўйинбоғ, «Бўл тайёр!» деган.

Мадғофир

— Эри билан қўлтиқлашиб ўтса барнолар,
Раҳматлик чолгинамни қўмсаб йиғлайман.
Э муллойи забардаст, комил донолар,
Баҳоси қанча бўлса, майли, тўлайман.

Масовир

— Ўтган кўп ёшини кўраркан увол,
Шу ёш давримизнинг зарбдор кексаси,
Қари аъзо бўлишни билиб балким ор
Ёш бўлишни ўйлаб, қотар энсаси.

Мадғофир

— Чиндан айтсак Рўзибиш холанинг дарди,
Кўп ёшлардай атиги ёш бўлиш эмас.
Бирор қудрат мабодо ёш қилолсайди,
Унда туғилар эди минг турли ҳавас.

Масовир

— Ёшлар билан бирга-бирга саводли бўлиш
Тилаги жўш урар кекса қалбида.
Тезроқ мулла бўлув билан ишга ўтириш,
Гоҳо-гоҳо жазмланар унинг табъида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАРСИЯ ЭМАС

Бу унинг марсияси эмас, ўртоқлар,
Бу — Париж жангларида коммунарларнинг
Қонли бўғизларида сўнган ғарғара.
Бу — давоми тугамаган
Оташин қўшиқ.
Эски дунёнинг
Дарвозаси тубида алангаланган
Синфларнинг ўзаро
Зўр курашида
Бирлашган фронт сари
Кета беришда
Айтилган «Марсельеза»
Ва оташин ишқ.
Кеча газет ўқиркан
Унинг ҳарфлари
Туташ қора занжирдай
Бирлашиб кетди.
Шу занжир ҳукмига бандидай тушган,
Париж коммунасининг сутини эмган,
Афсуски,
Курашчи у — Барбюс эди.
Афсона китобларни кўп ўқиганман,
Унда бир қаҳрамон — ўлимни билмас.
Агар боши кесилса ҳар қатра қони
Ўзидай бир қаҳрамон бўлиб унармиш,
Ўзидай тирик, ботир,
Олармиш нафас...
Инонув мумкин эмас,
Мумкин эмас инонув ўлим сўзига,
Бу порлоқ бир умрни якунлашгина.
Шу нуқтада бошланур сўнмас яшамак,
«Ўт»лар оша миллионлаб
Дилнинг тепиши.
Бу — унинг иши,
Кураши, чақириғи ва иссиқ қони
Қаҳрамонлар қўли-ла ясар пўртана.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳали дунё, капитал йиғган ахлатдан
Бир умрга мусаффо бўлиб битмасдан,
Ҳали кўкдан булутлар кўчиб кетмасдан,
Ҳали тахтлар тубига «олов» етмасдан,
Оралиқдан бир шов-шув чиқса тўсатдан
Инонув мумкин эмас,
Мумкин эмас инонув ўлим сўзига.
Бу фақат бошланиши тоза умрнинг,
Бу — курашларга тўлган
Шу кекса ерни
Қайтадан қуриш учун
Галдаги қурбон.
Тобути қаршисида миллионча юрак,
Миллионча ботир, дадил курашчан кўкрак,
Эгиб байроқлар,
Кураш иштиёқи-ла
Оларкан нафас.
Бу — унинг, курашчининг —
Анри Барбюснинг
Мутлақо марсияси эмас,
Ўртоқлар!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## С. АЙНИЙГА

*(Экспромт — мажлис залида)*

Бу оқсоқоллик сенга субҳи содиқдай,
Шу ёшда бошланади тонг каби йигит бир умр.
Умрки, ишқ ила, ижод ила, ғурур-ла тўла,
Умрки, бунда йигит эҳтироси, завқу сурур.

Зулм йўлин оша келмиш бу ерга Дохунда,
Оғир кишанли ғуломлар оларди қонли нафас.
Ғуломлар аламин сезгувчи қолур зинда,
Бу қуллар куйчиси ҳурмат билан яшар — ўлмас.

Ўсар севимли ва бахтли бизнинг шонли Ватан,
Ҳаётимиз ҳали минг «Шоҳнома»лар бўлади.
Ёзишда шоҳ асарингни сенинг билан бир тан,
Қалам сафи азамат новдалар билан тўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИККИ ЁШЛИК

Кўклам. Нега шамол келмас юксак тоғлардан,
Толбаргакдан жевак таққан майса боғлардан,
Хаёл қули қучоқламас йироқ ёқлардан,
Қанотланган умид учар ёш дудоқлардан:
«— Шамол,
бахринг камол,
чўлоқ кетмонингни
олиб кет!»
Шамол келмас, кўтарилмас дака варрагим,
Дардаракдай типирчилар, тошар юрагим,
Кўкка томон кўтарилган мурғак билагим,
Қизғалдоқли пастак томда ёлғиз тилагим:
«— Шамол,
баҳринг камол,
чўлоқ кетмонингни
олиб кет!»
Ёшлигимнинг хазинасин ахтарсам қанча,
Муҳаббатли эсдаликлар топилмас анча:
Қамиш томлар, пилта чироқ, сасиган танча,
Яланг оёқ, йиртиқ иштон, товшим борича:
«— Шамол,
баҳринг камол,
чўлоқ кетмонингни
олиб кет!»

II

Уфқлардан қаҳ-қаҳ солар шўх пропеллер,
Ўн минг метр тубанликда айланади ер,
Кўзи билан кўкни ютган ўйноқ пионер,
Қўлда қоғоз аэропланча — учқур планер:
«— Аэроплан,
Низомжон
планерин
олиб кет!»
Улуғ ўлка харитадай кўринар пастда,
Яшиндай тез масофалар босар нафасда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳатто Ҳукумат уйининг томи устида,
Қанотланган умид учар лабдан оҳиста:
«— Аэроплан,
Низомжон
планерин
олиб кет!»
Бу ёшликда на пастак том, на танча, фиғон,
Янги ёшлик кўкламларга, тонгга чулғанган
Бу ёшликка онг-билимдан қанот боғланган,
У юксакка учмоқ учун дадил чоғланган:
«— Аэроплан,
Низомжон
планерин
олиб кет!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХОЛДОРОЙНИНГ НАКАЗИ

Холдорой Нор тоғанинг
Севимли кенжа қизи,
Бу ишчи оиланинг
Кичик порлоқ юлдузи.
Нор тоға кўн заводда
Пардозчи бир ударник,
Терини буғлар ўтда,
Дазмоллар бардам, тетик.
Теваракни илк саҳар
Нури чулғаб оларкан,
Кўздан уйқу — пардалар
Оҳиста тарқаларкан
Заводнинг шўх, чинқириб
Чалинади гудоги,
Ишчи танда қон юриб,
Турмуш қайнар эртаги.
Нор тоға кийинадир,
Ювиниш ва нонушта,
Заводга йўлланадир,
Холдор ухлар оҳиста.
Нинни-нинни қўлига
Олиб жажжи бошини,
Нима кўрар тушида
Чимиртадир қошини.

* * *

Нор тоға кўн заводнинг
Толиқмас ударниги.
Кечикиш, прогуллик
Унда кўринмас таги.
Ўн икки йил ишлайди
Социал ватан учун.
Ўн икки йил бирма-бир
Бериб ёшлигин кучин.
Ўн икки йигит кўркам
Қунт бериб ҳунарига,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туртинса, қийналса ҳам
Эгаллайдир техника.
Ортиқ унга энг қийин
Машиналар ҳам таниш.
У тутингандан кейин
Ҳал бўлар ҳар қандай иш.
У ишлаган терилар
Билмайди асло брак.
Сифат учун берилар
Ундаги қунт ва идрок.

* * *

Тунов куни заводда
Бўлди катта йиғилиш,
Ишчилар ўртасида
Ударникча умтилиш.
Чини билан бу ерда
Борлиғин кўрсатар эди,
Ҳар ишчи навбатида
Минбар кўтарилларди.
Советларга сайловнинг
Бу қизғин йиғилиши,
Чиндан ҳар ударникнинг
Бўлмишди ўзин иши.
Энг яхши Совет учун
Энг яхши депутатлар,
Ишчилар ишига чин
Куч берган азаматлар,
Ишчи диктатурасин
Олдинги штабига,
Ударниклар сарасин
Сайлар Совет сафига.
Ўт олди кучли танқид,
Мақталди бир неча от.
Фахрли ном, қизил бет
Ва Нор тоғага навбат.
Клуб тўлди қарсакдан
Номи ўқилар экан;
Узоқ-узоқ бурчакдан:
— Тўғри, сайлаймиз!— деган
Овози ишчиларнинг
Барала кўтарилди,
Нор тоға Советларнинг
Сафига ўтказилди.
Қалбида севинч тўла
Нор тоға кулар эди,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғурурланиб йўл-йўла,
Уйига кетар эди.
У энди оддийгина
Зарбдор Нор тоға эмас,
Чин зарбдорнинг номига
Депутатлик қандай мос!
Йўлкада қарши олди
Кенжа қизи Холдорой,
Адасин ачомлади
Ипакли галстукдай.
— Қизим, ҳали билмайсан
Аданг ким бўлганини,
Кел, бир севиб ўпайин
Жажжи юзинг холини.
Мен Советга депутат,
Биласанми, оппоғим!
Холдорни ўпар қат-қат,
Бу бахтга лойиқ ким!
Холдор қўйиб юборди
Адасининг бўйнини,
Бир ўйчанлик қоплади
Ёш ва эсли юзини:
— Сен депутатми, ада?
Мен бу сўзни биламан,
Опам кеча боқчада
Айтиб берган барчасин.
Наказнинг ҳам мен, ҳатто,
Маъносини ўргандим.
Мен айтай битта-битта,
Мана менинг наказим:
Бизда холос боқча бор,
Клуб ҳам йўқ музика.
Мени, ўйна, дейдилар
Қуппа-қуруқ чапакка.
Иннайкейин, қўғирчоқ,
Фартуқлар етишмайди.
Опамга айтсак ҳар чоқ,
Кулади, индамайди.
Жон ада, наказимни
Эсингдан чиқармагин!
Қизчасининг нозини
Тинглаб олгандан кейин
Нор тоғанинг кўзлари
Олмосдай ярақлайди,
Холдоройнинг сўзларин
Кўкрагига қатлайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гарчанд Холдор наказн
Қисқа ва кичик эди,
Жаранглаган овози
Эрка ва тетик эди.
Нор тоға Холдоройни
Бағрига босди маҳкам.
Зарбдор ота, пок бўғин —
Бу туриш қандай кўркам!
Холдорой кичик эди,
Ундан кичик наказн.
Бироқ, унда тингланар
Келажакнинг овози.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КУКЛАМ ШАМОЛИ

Чимён тоғларидан қўзғалган шамол
Тошкент боғларидан ҳилпиллаб ўтди.
Шафтоли гулига қўнган арининг
Қанот тагларини сийпалаб ўтди.

Бақатерак тебраниб, ташлар кучала,
Ўрик ерга гул тўкиб, пистон қадайди.
Тўрғай кўкда минг мақом билан машқ қилиб,
Шамолдан тароқ қилиб, думин тарайди.

Чучмўмали тепанинг кўм-кўк бошида
Бир тўда шўх болалар — тўзимсиз юрак —
Қулгисидан осмоннинг жоми жаранглар,
Тентак шамол йўлини пойлар варварак.

Қаникул пайти ўтди, қани, болалар,
Поёндоз бўлсин сизга бинафша, сунбул.
Варракдан — планерга, китоб, қаламга,
Жиддий дарсларга бошлар кўниккан кўнгил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАРИ СЕНИКИ

Мунча ҳам чиройликсан, азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан севар баданим,
Сенсан аввал-охир, сенсан севганим,
Жоним, юрак қоним, ҳатто шу таним
бир бутун ҳолида бари сеники.

Лоладан пойандоз ҳар бир қадамда,
Узлуксиз кулгилар доим даҳанда,
Олтин тупроғингни ўпганим дамда,
Нафасинг сезилур эди баданда,
гул, сунбул чаманда бари сеники.

Баланд-баланд тоғларинг минг пиллапоя,
Арчалар бахт бошига ташлайди соя,
Шеър ўқий, шеър тўқий билониҳоя,
Сен минглаб азамат, ботирга доя,
арслон йигитларнинг бари сеники.

Иссиқ қучоғингда унган пахтазор,
Энг баланд ҳосил билан топди эътибор,
Олтин тупроғингда жумла олам бор,
Дунёлар мазмуни мазмунига зор,
шу обрў, шу виқор бари сеники.

План, чўт-ҳисобдан ошиб ўтдик биз,
Илм нормасидан ўзиб кетдик биз,
Кунда беш юз кило терган эркин қиз,
Гектаридан ўн тонна берган эрлар биз,
баримиз, баримиз, бари сеники.

Иссиқ қуёш бошлардан силаб буютган,
Бу ерда оёқларга кирмайди тикан,
Киприкларга қўнган зарринкор чангдан,
Алқисса, шаббода чолган оҳангдан,—
рақс этган шу гулшан бари сеники.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир вақт ёв забтидан кўзларинг тинди,
Бағримиз қонидан лолалар унди,
Ленининг шуури ҳар дилга сингди,
Қандай бахтиёрсан Ватаним энди,—
ёп-ёруғ келажак бари сеники.

Севган Партиямиз чақирса агар,
Баримиз жон-тандан бўлиб сафарбар,
Постда турган рядовой бир қизил аскар
Сингари ҳайқириб арслонлар қадар,—
бизнинг тақдир ва қадар бари сеники.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЎК БЎСАҒАСИДА

*Чкалов, Байдуков, Беляков ўртоқларга*

Осмон қатламлари сизнинг зинангиз,
Тонгдай ёра олиб шафақ этагин,
Шунчалик юксакликка кўтарилдингиз,
Тинглаиди Зуҳронинг тепган юраги.

Сиз кўкнинг қопқасин қоққан соатда,
Қуёш кўз уқалаб уйғонар эди,
Сизнинг қанотларга ботир тонг кўзин
Заррин киприклари илғонар эди.

Оралиқ — вақт бўлди тезликка банда
Москва тонгидан — шу тонг қутбга,
Шу тонг Камчаткага, шу тонг маррага,
Бир тонгда Ғарбу Шарқда битта тантана.

Кўриб Чкаловнинг самолётини
Гўё қуёш қотди таажжубидан,
Қўрқув, даҳшатларни сезиб ичидан,
Унутди кундалик саёҳатини.

Қўрқ, қуёш, яқиндир сени юганлаш,
Миллион йил ўзбошимча кезувинг етар.
Биз тунлар душмани, бизнинг ўлкага,
Ёппа кундуз учун бўлдинг сафарбар.

Арктика чигали ўлкам кафтида
Бир буртак дўл каби осон эриди.
Чўллар саркашлиги ҳужумимиздан,
Қум соатдай низомга бошини эгди.

Истасак нур миниб ярим секундда
Учармиз фазонинг бурчдан-бурчига,
Истасак бир атом энергияси
Ғалаба қилажак олам кучига.

Помир чўққилари биз юксаларкан,
Этик пошнасидай кичик поядир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Саҳро қуюнлари биз қўзғаларкан,
Елпуғичдай эринчоқ бўш шаббодадир.

На дарё, на тўфон, на вулқон, на кўк
Қесар билгимизнинг ёруғ мўлжалин.
Техникамиз ернинг ажинин санаб,
Қоинотнинг ўрганди аниқ мучалин.

Чкалов учиши узоққа қараб,
Ер суръатин қувишга бир воситадир.
Чунки Ватанимиз ботирларининг
Муаллими таълимга ғоят устадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШЕЪР ҲАМ СОБУН

*(«Мулланур Воҳидов» заводи ишчиларига)*

Жонга, қонга, онгга сингиб киролган
Жондош, қондош, эй буюк Ильичимиз,
Қоп-қоронғу кечаларни чақмоқдай
Сен орқали кесди мард қиличимиз.

Чиркинликлар тўлган эски дунёдан
Учмохлар ундириш бизнинг ишимиз.
Чаманларга бурканган улуғ Ватаннинг
Ҳар бир кирпичида қон ҳам кучимиз.

Кўп узоқ ўтмишдан мерос бу дунё
Ҳали мутлақ тозаланиб битмаган.
Баъзиларнинг юраклари шубҳа-кир,
Баъзиларда оддийгина пичроқ тан.

Шоир билан чиндан сизнинг ўртада
Юрак томиридай бир боғланиш бор.
Биз, қолдиқ шу пичроқ, шу кирликларни
Ювишда биргамиз, бирга сафарбар.

Шоир — юракларга ҳукм этади,
Ул рентген нуридай ўта кўрувчи.
Юрак пучмоғинда қолган кирларни
Қалам билан тозалов шоирнинг иши.

Киши ич билангина яшай олмайди,
Киши деган ич ҳам тишдан тузилган.
Ич ёғини биз ёрита олурмиз,
А, тиш ёғи сиз дўстларга юкланган.

Колхоз овулина бориб киргандай
Сизнинг ифор исли собунларингиз,
Менинг ифор маъноли шу шеърларим
Ватаним ҳар бурчида қолдиражак из.

Жонга, қонга, онгга сингиб киролган
Жондош, қондош, эй буюк Ильичимиз,
Биз ҳам Партиямиз байроғи остида
Дунёни оритувга етар кучимиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СТАДИОН ОҚШОМИ

Қуёш юмалаб кетди футбол тўпидай,
Лолаларга кўмилди уфқ қопқаси.
Нурларга чўмиб ётган стадионда
Бошланди йигитликнинг мард дағдағаси.

Томошабин кўзларидай бунда чироғ кўп,
Темир кекирдакларин чўзар радио.
Юрак ҳовуч ичида, тепади гуп-гуп,
Фирдавсий мисрандай томирда ғулу.

«Полвонлар келишмоқда! Ана полвонлар!»
Йигирма минг дудоқда шу қисқа хабар.
Яғрин ташлаб, елвагай мағрур, бепарво,
Бир қур йигитлар келар енгил, худди пар.

Ҳамма жим, шитир этмас гугурт қутича,
Ҳаттоки кашандалар тутун бурқутмас.
Стадион жон кўзин мардларга тикиб,
Салқин оқшом елидан олмоқда нафас.

Ҳукмин юргизади ҳукм минбари,
Ҳукмга қирқ минг қўлдин қарсакки, имзо.
Полвонлар қадамига осмон поя,
Жаранглар бош устида нилгун фазо.

Кеча фабрикада, кеча қўшинда,
Кеча бахтлар даласида шонли қаҳрамон,
Бугун мана бунда — стадионда,
Миллионлар севган ўғил, машҳур паҳлавон.

Ясов, дадилланар шу йигит секин,
Балки тақдир ёзгандир шу кенг манглайга;
Шахмат тахтасида муҳра сургандай,
Эртанинг ботирлигин — Чапаевлигин.

Чироқларга кўмилган улуғ майдонда
Ўнгга, сўлга синчиклаб аста қарайман.
Тингланар юрак зарби, асаб жунбуши,
Зотан, ҳамма қаҳрамон, ҳамма паҳлавон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КОНСТИТУЦИЯМИЗ

Яша, шонли раҳбаримиз — Партиямиз,
Жону танда доим сену биз — биттамиз.

Сен ўргатдинг бизга — бизнинг кимлигимиз,
Сен орқали кетди бутун камлигимиз.

Қамситилган, хўр тутилган бечоралар,
Қадру қиммат шон-шарафсиз оворалар.

Қуллар, туллар, хона бардўш, бепадарлар,
Бир парча нон гадолари, дарбадарлар.

Сен орқали бугун қаддин кўтаролди,
Қаҳру ғазаб занжирини узиб солди.

Қалбимизда севги ҳиссин сен қўзғатдинг,
Ғазаб ўтин юракларда сен тўзғатдинг.

Биз танидик дўсту душман кимлигини,
Сен йўқотдинг «қул юраги жим»лигини.

Қора зулмат пардаларин йиртиб ташлаб,
Сўнмас чироғ нури томон бизни бошлаб.

Бошимизга бахт қушини қўндиролган,
Қалбимизда сурур-роҳат ундиролган.

Аввал-охир яша, шонли Партиямиз,
Биз — сеники, сен — бизники, биз — биттамиз.

Умид ўқин ҳар маррага ота олган,
Биз чўлларда чаманзорлар яратолган.

Осмонда қуш ўрнига учмоқ бўлиб,
Коинотнинг сирларини қучмоқ бўлиб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарёларда балиқлардай суза олган,
Миллион йиллик жимжитликни буза олган.

Табиатнинг ваҳший кучин эгарлаган,
Еру кўкда нима бўлса эгаллаган.

Энг ҳурматли, энг қимматли шу одамзод
Ўз умрида кўрди чексиз зулму бедод.

Агар тарих саҳифасин босиб ўтсанг,
Қонли кўзга бўлур, ҳатто бу жаҳон танг.

Ҳалқумидан минг жаҳаннам ҳазар қилган,
Кўзларидан миллион шайтон назар қилган.

Тубанликнинг тубан оғир занжирида,
Ўлим, вабо, фаҳш, разолат шамширида

Нобуд бўлган миллионларнинг фарёдида,
Минглаб оқил, минглаб фозил қилур нидо.

Сен беролдинг одамзодга чин баҳони,
Сен тополдинг бизда идрок ва даҳони.

Мадҳиянгда фалсафадан қилсам поя,
Шеърлардан бошинг узра солсам соя.

Шу меҳрибон қучоғингда олсам нафас,
Афсус, умрим минг йил эмас, миллион эмас.

Яша шонли мураббиймиз, Партиямиз,
Биз — сеники, сен — бизники, биз — биттамиз.

Ғариб ўтмиш, йўлсиз кеча, қора мозий,
Мард елкалар, яғринларда қамчин изи.

Бизнинг ўтмиш синиқ мунчоқ қадрига тенг,
Бизни ёққан ғазаб ўти муҳитдан кенг.

Биз бировга бахт яратиб карахт қолган,
Биз ўзгага тахт ясатиб бадбахт қолган.

Бу биз кеча увадабанд отбоқарлар,
Шўр пешона, гўлахилар — ўтёқарлар.

Бир бурда нон насибамиз, сўкиш-изо,
Мана бугун қилиб кўрсак мулоҳаза:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалб тўлқини тилга ёрлиқ қилажакдир,
Мақтанишга олам торлик қилажакдир.

Эй муҳтарам, минбар оша сўйловчи сўз,
Эй нотиққа тикилувчи минглаб жуфт кўз.

Қайдан келдик, ким эдик, биз, бугун ҳоким,
Шу кенг Ватан қучоғида ҳукмрон ким?

Тонг нурига тўлган чақноқ кўзимиздан,
Ҳатто қуёш исинади юзимиздан.

Меҳнат, билим, истироҳат шараф иши,
Қораланмас ҳеч граждан шод ёзмиши.

Бу ўлкада одамзод ҳур, фикр, ижод ҳур,
Синфсиз жамиятимиз, йўқ заиф, зўр.

Шундай эркин, ҳур ва қувноқ Ватанимиз,
Ҳар биримиз Искандардан баланддамиз...

Ленин билан Партиямиз бизга устод,
Ҳур одамзод ҳар нафасда қилажак ёд.

Сен ўсдириб одамият ўз меҳрини,
Бизга бериб ҳокимият зўр муҳрини.

Сен орқали олдик қўлга диктатура,
Жигарлардан чиқсин овоз, тортинг «Ура!»

Сен беролдинг одамзодга чин баҳони
Ва ўсдирдинг бизда идрок ва даҳони.

Шарафингни йўқотмасга онт этамиз,
Чироғимиз, йўлбошчимиз — Партиямиз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НОРТОЖИНИНГ КУРАК ТИШИ

Нортожининг ҳозир ёши олтида,
Бироқ чоллар каби кемшик бечора;
Бир парча гўшт ёки нон еб қўйдими,
Кечгача тиш кавлаб бўлар овора.

Олдидаги тўртта курак тишининг
Соғи йўқ — ҳаммаси чирик, дарз кетган.
Баъзиси жуда паст, баъзиси баланд,
Баъзиси лаб юлар — мисоли тикан.

Болалар тегишиб, «сўйлоқ», дейдилар,
Шишган милклари жуда хўримсиз.
Шунча ёш Нортожи нимага бундай,
Нега тиши тушган шўрликнинг, эсиз.

«С» билан «Ш» ҳарфин айта олмайди,
Сўз ўрнига тили ҳуштак чалади,
«Шўрва», «Шамол» дегин, деса болалар,
Яхшилаб айтолмай, ҳайрон қолади.

Нортожи ўзи шўх, эринчак бола —
Юзини ҳафтада аранг ювади.
Кўча ҳам кўйларда чанг-тупроқ кечиб,
«Олапар», «Тўрткўз»ни доим қувади.

Оғзидан узилмас хўрозқанд, ўрик,
Данакни қўрқмасдан тишда чақади.
— Тишингни ювсанг-чи,— деса онаси,
Илжайиб, бепарво унга боқади.

Бир кун Нортожининг тиши оғриди,
Лунжлари олмадай шишган, осилган.
— Вой тисим, вой тисим, вой тисгинам-эй,
Айтингиз, ўртоқлар, не қилсам экан?

Дўстлари, болалар уни қуршашиб,
Оғзига қилдилар экскурсия:



www.ziyouz.com kutubxonasi




«Мукофот» тўпламининг муқоваси. 1940 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани оч оғзингни, биз текширамиз,
Тишингнинг оғриши нимага?— дея.

Нортожи «шошмангиз», демоқчи эди,
Сўз эмас, ҳуштаги чалиниб кетди.
Карнайдай оғзини очиши билан
Сассиқ ҳид ҳаммага билиниб кетди.

Болалар бирма-бир текширадилар,
— Вой баёв... бунисин қаранг, ўртоқлар!
Тишларда истаган нарса топилар:
Жийдами, ўрикми, писта пўчоқлар.

Айниқса олдинги курак тишида
Бир ҳафта бурунги овқат қолдиғи.
Ёнида, бошида, оралиғида
Сақич бўлаклари, тухум сариғи.

Бир бола сўрайди:— Ўртоқ Нортожи,
Умрингда тишингга чўтка текканми?
Нортожи айтади:— Бет юволмайман,
Тисимни ювисми, энди бир ками.

Дўстлари етаклаб, олиб кетдилар,
Мактабга қатновчи доктор ёнига.
Доктор тишни кўриб, бир «дори» ёзди,
Жуда фором келди оғриқ жонига.

Биласизми, ўртоқлар, бу дори нима,
Бир қути порошок, кичкина чўтка.
Нортожи эринмай ҳар кун тиш ювар,
Қизиллик югурган кулча юзига.

Энди Нортожининг тишлари дурдай,
Оғриқни, сасишни билмайди, тоза.
Ҳар кимки, тишини тозалаб турса,
Жони ором олур, ўзи покиза!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАДРИД ҚЎШИҚЛАРИ[1]

Қайхусрав ўлганда уни одамлар:
— Умрингда қон ичиб тўймаган мия,
Мана энди абадул-абад тўй,— дея
Бош косасин қонга чўмган эканлар.

Тарихий бўлсин деб қонга тўлдирмай,
Сотқин генералларнинг бош косасида
Мадрид милислари қичқириб нидо
Халқнинг соғлиғига ича олур май.

Ровийлар сўзича, чаён боласи
Ўз онасин туғилган пайтда ошармиш.
Модомики, Франко — иргaнч модаркуш,
Қалбига йўл тополмас ўксиз ноласи.

Ҳеч қачон ит боши турмас табақда,
Ит хушнуд овчига қилган хизматда.
Бир итга икки ит берган мададдан
На табақда из қолур ва на тарихда.

Ўрта денгиз калиди Жабалториқдир,
Очар кўксин Африқо, Қибрис, Мисрлар.
Ўтди йиллар, даврлар, учди асрлар...
Андалуснинг кунида янги тарихдир.

Очажак Испаниянинг ибрат калиди
Европанинг тилсимли эшикларини.
Замбараклар уйғотар бешикларини,
Оналарнинг шавқ билан порлар умиди.

Икки севишганга ўқилди никоҳ,
Бомбалар гулхандай ёнган чоқда.
Алҳумро саройи емирилган чоқда
Тарихий обидалар тортди қалбдан оҳ.

---

[1] Автордан: Бу шеър ҳурматли биродарим Шайхзода билан бирга ёзилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ошиқ маъшуқдан бешта ўқ олди,
Бу никоҳнинг умрли олтин узуги.
Қон уфқига термулди кўзнинг сузуги,
Ҳатто бўса қолди, васли ёр қолди.

Эй гўзал Испаниянинг шўх дилбарлари,
Қонингизга чўкдирди қазо аламни.
Бахмал кўзингиздаги ўт — жаҳаннамни
Уфлагандир Франконинг нодон лаблари.

Жаллодлар қиличининг кесолмас дами,
Нафратдан қоя бўлса, ғазабдан қўрғон.
Испан харитасини ўчиролмас қон,
Ернинг қалбига ботар марднинг қадами.

«Құртоба, Ғарнотанинг[2]
Келиб қолди нажоти.
Мажолсиз қолди душман
Бургутининг қаноти.

Боқиб қолди ботирнинг
Орқасидан нигорлар.
Хайр, сизга алвидо,
Қўрқув билмас шунқорлар.

Йўлингиз қутли бўлсин,
Шер қадамли қаҳрамон.
Лекин асло, эй арслон,
Қайтмагил бу йўлдан...»

Самовот муттасил қузғундай учса,
Агар қутблар ҳам чанбардан кўчса,
Агар булут бошларга қон — ёш тупурса,
Агар дарё тўфондай тинмай кўпирса,

Агар ўн-ўн беш ит карвонга ҳурса,
Агар кимдир: Муссолини, Гитлер қутурса,
Юрагимиз бирга урган ватанимиз бор,
Юз етмиш миллион жонли бир танимиз бор.

---

[2] Кардова ва Гренада *(Автор изоҳи).*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧАМАН

*(Машқ шеърларидан)*

Бу Ватан мақтовларин ҳар қанча ёзсанг оз экан,
Дилга тил, тилга кўнгил, албатта жўр овоз экан,
Боғлар гулгун, чаманлар қўйни базми ноз экан,
Келди кўклам, лола, насрин бир-бировдан соз экан,
Жўр билан сож, қарқуноқ, қумри баланд парвоз экан,
Куйла, шоир, улфати чор бирлашиб ҳамроз экан.

Бойчечак юз сарғайиб, қишдан қутулганда аранг,
Янгидан тушса назардан, энди инсофга қаранг,
Чучмома, раъно, бинафша кўзни боғловчи фаранг,
Кўзга оққай бу чаманнинг гулларидан мингта ранг,
Ғунчаларнинг кулгисидан қалб қулоғида жаранг,
Ёз экан, танноз экан, серноз экан, дамсоз экан.

Қатма-қат алвон кийиб мақтанганида арғувон,
Чирмовуқ карнай чолиб, тортмасми куйгандан фиғон?
Пора-пора барг тўкиб лола ҳасаддан бағри қон,
Томда ёлғиз ўксинур бечора қизғалдоқ ҳамон,
Ер чизиб гулхайри мотамлик тўнин кийган замон,
Шоҳигул атлас қанотли, гердайишда ғоз экан.

Ерда қолган, парваришсиз бунда гулбеордир,
Бўй чўзиб, ҳатто чечакка етмайин ҳам зордир,
Тугмадек чўпга чизилмак иштиёқи бордир,
Битта гултожихўроз шўрликка жиндак ёрдир,
Садарайҳон хуш қилиқ, бечорага дилдордир,
Бу чаман атрофида сафбаста бир сарбоз экан.

Тилла қўнғиз ҳид ўғирлаб яширинур барг остига,
Тушмасин ҳеч гул мабодо саъва, булбул дастига,
Шеър ўқир тинмай чаманнинг ҳар баланду пастига,
Бу томоша, айшу ишратдан кечиб, чумчуқ нега,
Чўп кўтарганча югурмакда теракнинг устига,
Баъзилар айтар, дурадгор, баъзилар, дорбоз экан.

Кенг Ватаннинг боғу бўстон қиссаси бўлмас тамом,
Қайга борсанг мингта қувноқ юз кулиб бергай салом,
Бахтли, эркин умримиз миллионча йил қилсун давом,
Бу чечаклардан муҳаббат аҳлига гулдаста — ком,
Энди ялқовликни ташлаб, мутлақо Ғафур Ғулом,
Тўхтамай шеър ёз экан, шеър ёз экан, шеър ёз экан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САНЪАТИМ

*(Ўзбек санъатининг нишонли ўғил, қизларига)*

Эй асрлар асираси, зулмат қурбони,
Тарихларнинг гарданида ёқут маржони,
Исёнларнинг сут эмизган онаси — қони,
Кишиликнинг тенг ярими, шериги, жони,
Одамликнинг бир булаги, мазмуни — жони,
Юрагимнинг «Гулсара»си бўлган санъатим.

Ичкарининг соқовланган тили сўйларкан,
Қайғу-алам эртакларин мунг-ла куйларкан,
Жон димоғи зулмнинг заҳар гулин бўйларкан,
Ҳасрат кўзи чимматларда қонга тўларкан,
Чўриларнинг, канизларнинг йўлин ўйларкан,
Жигаримнинг бир пораси бўлган санъатим.

Ичкарининг даричаси — порлоқ кўзисан,
Шўх қизларнинг мусиқавий қувноқ сўзисан,
Озод ўзбек-хотинлигин кулган юзисан,
Минг Зебининг, минг Қумрининг худди ўзисан,
Ҳалимаси ҳам Сораси бўлган санъатим.

Олам томи устидаги чолинган бу соз,
Дунёларнинг санъатига бўлди жўр овоз,
Ўзбек қизин овози бу — эркин сарвиноз,
Ҳар мақомда минглаб ғамза, ҳар пардада ноз,
Чолинг, дўстлар, чолинг, ёрлар, чолингиз бир оз,
Чол, кўнгилнинг сетораси бўлган санъатим.

Бахт қўшиғин қичқирганда осмон янграр,
Озодликнинг қадрин билган бу куйни англар,
Юксалишга пойандоздир муттасил тонглар,
Устоз ўзбек санъатидан тузгун оҳанглар,
Гулзор элнинг ҳар уйида авжинг жаранглар,
Ишқ бўстонин гулнораси бўлган санъатим.

Бу санъатда ҳур ўлкамнинг юраги яшар,
Бу санъатда на мунг-қайғу, на гард, на ғубор,
Бу санъатнинг мураббийси ғолиб пролетар,
Шунинг учун дағдағаси дунёларча бор,
Халқимизнинг олқишига лойиқ, сазовор,
Ватанимнинг кўз қораси бўлган санъатим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НОМЗОД — МАШИНИСТ

*(Емцов номзодига)*

Темир излар босиб чопади,
Ўтган йўлин тутун ёпади,
Юракда йўқ шубҳа офати,
Паровозда Емцов суворий.

Минглаб жоннинг посбони у,
Ухлар чоллар, ёшлар беқўрқув.
Фақат унинг ўзи беуйқу,
Масофанинг темир сардори.

Ватан унга берган сифориш,
Йўлни билар қаричма-қарич,
Ҳорма ўртоқ, ҳорма товариш!
Қадам ташла манзиллар сари.

Чарчаш билмас қора паровоз,
Порлар унда икки олов кўз,
Чопар худди отилган юлдуз,
Ўзбекистон пахта қатори.

Пишқиради Шарқдан, Шимолдан,
Ҳайиқмайди қордан, шамолдан,
Ошиб ўтар ҳар бир довондан,
Қора йўрға аждар сингари.

Ҳамма тенгқур, қондош, улфатмиз —
Кривонос мард Емцовимиз,
Улар билан тўла сафимиз,
Ватанимнинг мард ўғли бари.

Ўтилади, дала, кўприк, сув,
Дурбин кўзли, ватаннинг ўғли
Тизгинларни ўйнатиб дер:— Чу!
Уни қутлар тонг уфқлари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Элга керак пўлат билаклар,
Феълида жонланган тилаклар,
Темир асаб кийган юраклар,
Худди ўрток Емцов сингари.

Сенга лойиқ шарафли мандат,
Сен ҳам элдан лойиқ номзод,
Сайлаяжак сени депутат,
Эркинларнинг улуғ диёри.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАВЖУДА

Тўрт етим, бир бева баримиз бирдек,
Ёшлигим эсимда, ғўза чувирдик,
Кундалик заҳматдан толмас эди енг,
Энг оғир замон, Мавжуда, жуда.

Дунё айланарди онам чархидай,
Бир калава ғўдир ип ош, насиба, пай,
Юпун, сағирваччалар, узуқ тандадай,
Ҳасрат тўла армон авжида жуда.

Қўшнимиз кекса чол отарди моки,
Мокидай қоқ эди озғин билаги,
Етмасди турмушнинг чокига чоки,
Дилларда қайғу, қон мавжида жуда.

Бахмалга бурканган қозининг қизи,
Онам унга оқсоч кеча-кундузи,
Биз — тўрт етим — шўрлик тўнолган қўзи,
Шафқатсиз, беомон ёв жуда, жуда.

Сенга бегона бу эски ҳикоя,
Бошингга эрк сарви ташларкан соя,
Октябрь тенгдоши, ҳур ўсмир моя,
Партиям меҳрибон, Мавжуда, жуда.

Ҳурларга нурларни сепар офтоб,
«Эркни сев!» деб қилар карвонга хитоб,
Бу нурнинг файзидан душманлар бетоб,
У қуёш — осмон бурчида жуда.

Мавжуда эплайди бир талай машин,
Толеин манглайи билмайди ажин,
У сурур, ғурур-ла кўзлари яшин,
Оқар ишчан тўфон мавжида жуда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Текстиль тўқиган мато худди сут,
Йигитлар, келинлар, қизлар усти бут,
Бахт куйин куйлашда билмайди сукут,
Қўшиқ, ялла даврон авжида жуда.

Сиз чархин тоблаган текстиль ипи,
Бир ипга боғламиш дилларнинг кўпин,
Меҳнаткаш Ватаним сендай синглисин,
Қадрлаб кўтарган ҳавчида жуда.

Оталар танласа фарзандга ҳусн,
Таъкидлар сайловда бу қатъий сўзин,
Номзод деб кўтарди Ватан ўз қизин,
Муносиб бу чаққон Мавжуда жуда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САРАЛАНГАН ЎҒИЛ

*(Ўртоқ Усмон Юсупов кандидатига)*

Йигирманчи аср тонг отган чоғи,
Аланга оларкан ўчнинг ўчоғи,
Эй, ўзбек халқининг қондош ўртоғи,
Туғилдинг кулбада, Юсупов Усмон.

Қоронғи, сафолат, зулм орқасида,
Турарди халқимиз жар ёқасида
Ва лекин қаддини кўтариб аста —
Зафар учун жангга бошларди туғён.

Ёддадир тўққиз юз бешинчи йили,
Бешигинг тебратди кураш довули,
Юсуфжон батраклар букчайган бели,
Қувғинди, дарбадар, ишсиз карвон.

Замоннинг бағрини чок этди йиллар,
Хўжалар устига қўзғалди қуллар,
«Қасос!» деб бақирди етимлар, туллар,
Қасрлар устидан гурлади исён.

Элимга бош бўлди халқлар Ильичи,
Енгди адолатнинг ўткир қиличи,
Зафарга эш бўлди минглар севинчи,
Қилди халқ қўлида эрк туғи жавлон.

Бир-икки сотқинди ялоқхўр, малай,
Гуллаган юртимда қирқмоқчийди пай,
Товон билан эздик биз ҳам аямай,
Жангимиз забтига қойилдир жаҳон.

Ушланди душманнинг пичоқли қўли,
Вафонгга шоҳиддир курашнинг йўли,
Сенсан Ватанимнинг бир камтар ўғли,
Партия сазовор бахтга посбон.

Туғишган халқимиз сенда мақталар,
Бергандай шоирга ғазал ифтихор,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишига севинса устоз ҳаққи бор,
Чунки давр бизники, бизники даврон.

Бу сайлов асоси на фол, на қуръа,
Ё сўнгак талашмас рангго-ранг фирқа,
Синфсиз жамият манзил шу йўлга,
Чунки бу ўлкада меҳнат ҳукмрон.

Яхшилар жашнида бири ҳам сенсан,
Мардона эрларга лойиқсан, тенгсан,
Кеккайиш сенда йўқ қанчалик енгсанг,
Шу учун шаҳримдан саралан, сайлан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАХШИНИНГ ХОТИРАСИ

Ўша кекса лабда чўпон қўбизи,
Бахмал тоғ этаги унинг маскани,
Эслатар Доғистон харитасини,
Асрдийда чизиқлар қоплаган юзи.

Ёдида жилвали мингларча мисра
Учади Доғистон лочини каби.
Қанотлар салмоқли, ўткир асабий,
Парвознинг вазнини ёзар дўмбира.

Лазгилар севинчи, тоғлилар бахти,
Қуйилар бахшининг шан куйларида,
Бахтиёр ўлканинг ҳой-ҳойларида
Оқади бу кекса шоирнинг вақти.

Севинмоқ ва кулмоқ ҳунарларини,
Улуғ замонадан ўрганди чўпон.
Замона Гомери — кекса Сулаймон,
Ватанга атади шоҳ асарини.

Авжларда учаркан саодат, ижод,
Қанотни қайириб, йиқитди ажал.
Лабда битмай қолди энг сўнгги ғазал,
Депутат бўлмасдан, ўлди кандидат.

Вужудин элитди ўлимнинг сели,
Шеърида жуфтланмай қолди қофия
Ва лекин ғазални тўлдирай дея,
Давомин ёзажак эл шоирлари.

Эй воҳки, мангулик эмасдир ҳаёт...
Турмушга ташна бу кўзлар юмилди,
Бир тоғнинг тўшида бахши кўмилди
Ва лекин қўшиғи қоқмоқда қанот...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУТБДА САЙЛОВ

*(Папанин кандидатига)*

Теварак жим... Қора кеча... Зулумот,
Қоқмайди, ҳаттоки чайкалар қанот,
Тўртта қондош юрак уради фақат,
Йўқ ўзга ҳаёт.

Ҳамма ёқни сақлар муз тоғидан ғов,
Жимликка тикилган бир танҳо ўтов,
Дарчадан ярқирайди нур олов,
Ўтовда тўртов.

Коинот қўйнида ел бениҳоя,
Чопади на турақ бор, на бир поя,
Курранинг бошидан солар фазога,
Бир фонарь соя.

Бош устида осмон қуёшсиз, тип-тин,
Хилватдан ҳайиқар афсонавий жин,
Ватан ўғиллари даҳшатдан устун,
Мисли Папанин.

Кўчманчи музларда ажиб, ғалати,
Совет қитъасининг бир вилояти,
Бенафас денгиздан босиб ўтади,
Кўприк абадий.

Мангулик ҳукмида музнинг оқиши,
Нотинчдир қутбнинг ёзи ва қиши,
Ботирлик қудратин гулхан ёқиши —
Ҳар қайда яхши.

Радионинг эфир тили чўзилар,
Қутбларнинг соқовлиги бузилар,
«Алло... Алло... Сизга Москва сўзлар!»
Порлайди кўзлар.

«Эй дунё томида сипоҳ посбон,
Кимёгар, қутбчи сайёҳ, қаҳрамон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Булардан ҳам аввал буюк граждан,
Эшитгин эълон.

Яхшилар сафида сен ҳам бир аъзо,
Шонли васиқангга эл қўйди имзо,
Эфирга отлансин сен берган ризо,
То билсин фазо».

Теварак жим... Қора кеча... Зулумот...
Қоқмайди ҳаттоки чайкалар қанот,
Яшар тўрт нафарли чексиз вилоят
Ва бир кандидат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САЙЛОВ ҚАСИДАСИ

Осмонда юлдузлар бесаноқдир,
Ҳисобига на сон етар,
на рақам.
Худди шундай эмасми бу Ватанда
Юлдуз каби порлаганлар
сони ҳам?!
Гумбаз бўйлаб ёйилган ҳур нуқталар
Пориллайди ҳар бири
яққол, равшан.
Худди элим боқчасида гуллаган
Рангин гулли,
серчечак,
хушбўй гулшан.
Йўқдир кўкда юлдузларнинг ҳисоби,
Элимдаги талантлар ҳам бесаноқ.
Ватан очиқ осмондир,
биз эсак —
Унда порлоқ
миллион-миллион дўст-ўртоқ!

* * *

Қани энди у қоп-қора кечалар?
Гўрга кетди,
қуёш уни совурди!
Зўр нафаслар ловуллатган ёнғинлар —
Ҳаромхўрлар товонини қовурди.
Йиллар йилни қувлаб чопди,
ўзишди,
Баҳор чоғи
тўп-тўп учган қуш каби,
Қора кунлар,
оғир ойлар,
ҳафталар,
Наслларнинг ёдидадир туш каби.
Дағдағали сўзлар совун кўпиги —
Сочиларди мунофиқлик
ва риё,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жавҳар билса ким уларнинг лафзини:
Гарданига минарди
                                        ҳар беҳаё.
Ёв ҳийласин кўрсатай деб қанча ҳам,
Шоир ёзса битиролмас ташбиҳни,
Закончилар камлик қилса,
                                                    майдонга
Қози чиқар ушлаб қўлда тасбеҳни.
Тилда ёлғон,
                            дилда манфур ниятлар,
Юзда кулги,
                            қўлда қуръон, рисола,
Виждонларнинг софлигига мисолдир:
Чўлда қолган бир қон юқи пиёла.
Фисқу фужур дарёсида сузганлар,
Тўғриликдан йўқ эди бир томчи ҳам.
Ким, тизгинин топширмаса ўзича
Ғувилларди бош устида
                                            қамчи-ғам.
Бош эгмаган каллаларнинг бўлмишди
Усти чўкич, ости эса сандонлар,
«Осий қуллар —
                            оқпадарлар» жазоси —
Дор сиртмоғи,
                            бадарғалар,
                                            зиндонлар,
Йиллар йилни қувлаб чопди,
                                                    ўзишди,
Баҳор чоғи тўп-тўп учган қуш каби,
Қора кунлар,
                            оғир ойлар,
                                            ҳафталар —
Наслларнинг ёдидадир туш каби.
Қани энди у қоп-қора кечалар?
Гўрга кетди,
                            қуёш уни совурди!
Зўр нафаслар ловуллаган ёнғинлар
Ҳаромхўрлар товонини қовурди.
Лекин ҳали кўп қисмида дунёнинг
Ҳукмдордир
                            бўри кўзли капитал,
Давом қилар муаллақбоз ўйини
Ўша ҳай-ҳой, шовқун,
                                    қуръа, соққа, фол!
Ўша ёлғон,



www.ziyouz.com kutubxonasi

очкўзлар ва талашув,
У алдамчи,
маккор сайлов қутиси,
Сайраётир ёлланган бўш бўғозлар,
Қаҳ-қаҳ урар дасисанинг тўтиси...
Бироқ бу ҳам у элларда тансиқдир,
Бу ҳам бўлди у ерда
амримаҳол
«Демократик» ниқобларга — истеъфо,
Лофчиларни учирди
қонли шамол.
Тўзон янглиғ совурилди парламент,
Парламентки, «гапхона»дир лақаби,
Буржуазия йиртиб четга ташлади,
Эскиб қолган кераксиз кўйлак каби.
Энди фашист жаллодлари олгандир,
Ўрта аср болтасини қўлларга.
Сайлов эмас,
фармон билан машҳурдир:
«Амри ҳақ-ла» Гитлер номли
ит дорға.

* * *

Мен граждан,
мен эркин эр,
мен ўртоқ.
Овозимни эшитсин бутун дунё,
Овозимни қоплаёлмас тўфонлар,
На зилзила,
на қутурган бир дарё.
Менга элим берган овоз — қайтмас,
Мен Ватанга ҳам эга,
ҳам посбон.
Мен одамман:
хоҳ ёш бўлай, ё кекса,
Хоҳ машинист,
хоҳ командир,
хоҳ чўпон.
Ана, қандай тўлқинланар аламон,
Ана қувват,
ана мардлик,
ирода.
Бир «ҳа» деса қўпорғуси тоғларни....
Бир оила ҳамма қардош-биродар.
Қўлимдаги бюллетендир васиқа,
Асрларнинг менга берган мандати!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу ҳуқуқ деб,
шу мандат деб кўп замон
Хаёлланди кишиликнинг авлоди.
Боқ, нақадар салоҳият бор менда!
Мен энг олий ҳукуматни сайлайман.
Истаганим бўлур улуғ бир нарком —
Ҳаммани бу сайловга ҳай-ҳайлайман.
«Мен» деганим — миллионлардан бир нафар,
«Мен» деганим — миллион «биз»дан бир ўрнак.
Ҳар «мен» буюк жамоатнинг фарзанди,
Ҳар «мен» берар миллион-миллиондан дарак.
Қайси даврон кўрди шундай бир асар?
Ким ёзолди,
шундай гўзал бир достон?
«Асос қонун» номидир бу китобнинг —
Ҳар сатрига илҳом бермиш
чин виждон.
Чақиришар вилоятлар, ўлкалар,
Уларга жўр овоз берар шаҳарлар,
Халқлар—халққа,
эллар—элга қўшилар,
Қўшилгандай шафақларга саҳарлар.
Жим турмайди маҳаллалар,
қишлоқлар,
Ҳар уй сайлар,
ҳар ким сайлар,
ҳар кўча.
Давр олдида Ватан берар имтиҳон,
Ҳар дақиқа, ҳар соат, ҳар кун-кеча,
Жим турмайди музда ётган қутблар,
Овоз берар шимол ёқнинг довули,
Сўлмас жануб боқчалари, водийси,
Кўчма юртлар, тоғликларнинг овули.
Сайлар тўлқин яратаётган кемалар,
Тутун сочган паровозлар ҳам сайлар,
Эҳтиром-ла хушнуд турар табиат:
Юксак тоғлар, кенг увалар,
муз сойлар...
Мен истайман халқимнинг мард эрлари!
Олий мажлис чашнида
бўлсин аъзо,
Чексиз элнинг шаҳарлари,
кентлари,
Яхшилар-чун овоз берсин ва имзо.
Сараланган ўғилларга тўлажак
Буюк Совет давлатининг штаби,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Номларини шон ва шараф қоплаган,
Ботирлар-ла ёзилгуси китоби.
Албат олур депутатлик дафтарин,
Нишонлар-ла кўкси тўлган илк Маршал.
Яна сўзлар ойнагини тўғрилаб,—
Халқлар дўсти —
у меҳрибон Оқсоқол.
Буюк йўлда билмаган шак ва шубҳа,
Идеални буюк манзил қилганлар;
Ҳужум вақти олдинги саф тортганлар,
Қалъаларни,
қўрғонларни олганлар,
Орқа эмас, кўксидан ўқ еганлар,
Ёвга ўлим хабарини элтганлар.
Қўли мажруҳ бўлганида,
тишида —
Қилич тутиб,
ёвни хароб этганлар.
Қалб қонини аямайин эл учун
Этик ечмай сув кечолган жасурлар,
Совет элин неъматларга,
гулларга
Ғарқ қилай деб ором билмас ботирлар.
Ўз кўзининг уйқусини қочириб,
Дам олмайин тер оқизган ўғлонлар,
Бешикларда беғам ётган болага
Ҳаёт,
иқбол тайёрловчи инсонлар,
Ватанимнинг қопқасида бу элнинг
Саодатин сақлаб келган соқчилар,
Фан уфқини
зеҳни ёриб очганлар,
Хуллас калом:
яхшилардан-яхшилар...
Мана элнинг мажлисига лойиқлар,
Мана буюк кенгашманинг эрлари.
Ботирлардан, донолардан намуна —
Йўлдан тоймас,
буюк зафар шерлари.
Биз қўймаймиз душман ўтсин сарҳаддан,
Ёв кўксини
ўпирамиз беомон,
Чархимизга таёқ суқмоқ истаган
Қаллобларни —
супурамиз тамоман.
Юринг, юринг, эй қадрдон дўстларим,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Овозингиз титратади кўкларни,
Бирга оёқ тепсак
бўлур зилзила,
Кўрган эмас тарих шундай ҳунарни.
Елкаларга елка тираб
қўлма-қўл,
Қадамимиз ерни боссин — оёқдош,
Ғазабимиз нобуд қилғай ёвларни,
Биз маслакдош,
биз ватандош,
биз йўлдош!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТУРСУНАЛИ НЕГА ВАРРАКДАН АЙНИДИ?

Кўклам келди, учиб ўтди ғозу турналар,
Жамиланинг жамалаги сингари қатор.
Ғув-ғувуллаб шамол келиб дилни тимдалар,
Шундай кезда қайси бола индамай ётар.

Кўклам келди, оқ булутлар ўтади сузиб,
Гўё варрак дардараги кўк гумбурлаши.
Ўқишдан сўнг томлар ошар майсада кезиб,
Турсунали ўйнамоқда, совуган оши.

Айт-чи, нега осмоннинг шундай варраги?
Турсунали табиатга ҳасрат қилади.
Чидармиди ёш устанинг ўйноқ юраги,
Қоғоз бўяб, савоғични тинмай йўнади.

Тол чивиқлар ёш бошига ташлар кўланка,
У қунт билан безамоқда қоғоз ялтироқ.
Турсунали ясаб олди ўзига дака,
Катта, бутун тахта қоғоз, ранго-ранг қуроқ.

Чиллак тўла чийратма ип, қўйди ҳаммасин,
Қуроқ учар осмоннинг қоқ ўртасида.
Келиб қолди бу варракка кўкнинг ҳаваси,
Узиб кетиш, олиб қочиш бўлар пайида.

Йўқ, узилмас, варрак учар кўкда ҳайқириб,
Гўё олам боғбонига бўлиб тартарак.
Турсунали чийратмага қулоғин қўйиб,
Осмоннинг сирларидан тинглайди дарак.

Варрак айтар: «Кўрасанми, мен баланддаман,
Ҳатто қушлар тенглашолмас оқ қанотимга.
Турсунали, сен ҳам юксал, дунё кўп чаман,
Кўп кучсизман, тортар эдим сени ёнимга».



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу пайтда учиб ўтди битта аэроплан,
Турсунали ҳайрон қолиб унга термулди.
У дариллаб, «Турсунали, қани укажон,
Мен кучлиман, тезроқ юксал, менга мин», дерди.

«Гўзал дунё, бахмал боғлар, улуғ шаҳарлар,
Зўр гигантлар, шу колхозлар, шу олий бино,
Шўх тўлқинли, тиниқ сувли катта наҳрлар,
Улуғ Ватан бори менинг қанот остимда.

Тезроқ ун, ўс, тезроқ юксал, келиб менга мин,
Мен учирай сени фаннинг энг чўққисига...»
Турсунали бу сўздан сўнг олди бир оз тин,
Ёш юрагин тимдаларди ҳавас-дағдаға.

Кўкка қараб салют берди хандон пионер:
«Тез фурсатда мутлақ ўқиб сени минаман».
Гир шох урди аразлаган варраги дир-дир,
Ерга тушди ранги кетган, ўзи тирналган.

Қайта бошдан қоғоз олди, тахта, чўп олди,
Ясай кетди аэропланнинг кичик нусхасин.
Резинкали паррагини бураб қўйворди,
Модель кетди эгаллашга кўкнинг қопқасин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГУЛДАН ЧАМБАР УРДИ БОШИНГГА ВАТАН

Булбуллар йиғлаган оҳу зоридан,
Қумрилар ҳувлаган мунг озоридан,
Тўтилар айрилган чаманзоридан,
Кулган бойўғлининг акси садоси.

Зебуннисо сўларкан кўп интизорда,
Не хуш айтибдурким: «Гарчи бозорда,
Ҳар молга мижоз бор, шеъримнинг аммо,
Ривожга минмади асло савдоси».

Ўн етти ёшдаги шоира Меҳри,
Саксон беш ёшдаги чол эди эри,
Зиндонда чириди ижоди, умри,
Гул экан — тиканнинг бўлди фидоси.

Ҳарамхоналарнинг ханжари, тиғи,
Қирқ қизлар оҳидан ўрлаган йиғи,
Хонлар қулоғига эрди мусиқий
«Баёт»у «Муножот», «Ушшоқ», «Наво»си.

Сени тириклайин кўмдилар ерга,
Отдилар Амуга, отдилар Сирга.
Сотдилар хонларга, бекка, амирга,
Бунга фатво берди дину худоси.

Сенинг туғилишинг уйга фоли бад,
Гўё бир меҳмонки, келмиш бедаъват,
Исмингни қўйдилар «Бастихон», «Таммат»,
Сен эдинг кулгининг, бахтнинг жудоси.

Сен нелар кўрмадинг, мазлум, бечора,
Бош тубан ирғитди қонли минора,
Йиллар шундай ўтди, сарсон, овора,
Ҳавода осилди ўлим нидоси.

* * *

Лолалар, гулларга бурканган чаман,
Гулдан чамбар ўрди бошингга Ватан,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишчансан, қувноқсан ва билимдонсан,
Қўлингда ёшликнинг бахту сафоси.

Энди сен қиласан оқудай жавлон,
Тоғларнинг каклиги янглиғ хиромон,
Озодлик, шодликка, ижодга томон
Элтмиш партиянинг эрк қўмондаси.

Минора отолмас ўлим қўйнига,
Чунки сен осилиб вишка бўйнига,
Дўст бўлдинг кўкламнинг ишва, ўйнига,
Сенга бўйсунади элнинг самоси.

Уфқ кенг, қанотлар уфқдан ҳам кенг,
Қизларнинг юраги қирқ йигитга тенг,
Яша, минглар яша улуғ ўлканинг
Гризодубова, Осипенкоси.

Сиз кўкда учганда рашк этди Зуҳал,
Сиз сувда юрганда нур тезлиги ҳал,
Ерда, сувда, кўкда раҳнамо ҳар гал
Кремль соатин бурган устаси.

Жиловин топширди сенга трактор,
Сен нарком, инженер, машинист, доктор,
Сени йиқадирган ҳеч қувват йўқдир,
Сен Ватан қизисан, насл онаси.

Гўзалга лойиқдир энг гўзал ғазал,
Чунки даврим гўзал, қизлари гўзал,
Ҳар бир мижжа ўтган асрдан афзал,
Яшайди ва яшар халқлар отаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МЕҲНАТ ВА ҲУРМАТ

*(Қишлоқ хўжалик зарбдорларининг республика кенгашига)*

Гуллади Ватанимиз боғу бўстони
Қалб устида порлаган нишонингиздек.
Унумлар-ла ўлканинг колхозистони
Еруғ истиқболлидир пешонангиздек.

Ватанимиз бахти учун тўкилган тернинг
Ҳар дуридан Аторуд юлдузи кичик.
Қул ҳам эмас, ҳоким ҳам, эркин ҳар эрнинг
Меҳнат нони оналар сутидай сучук.

Гурс-гурс босиб келганда осмон поя,
Қадамингиз остида водий пойандоз.
Бошингизга мардликнинг шуҳрати соя,
Меҳнат, садоқат тўла қилиғингиз соз.

Ақлу билим, шижоат одамлардики,
Виждон билан гўзалдир ҳар ҳалол меҳнат.
Бу беш билан бошланган юришнинг таги
Стахановчиликдир мисоли албат.

Кетмон тутган қўлларнинг ҳали иши кўп,
Ҳатто ҳар бир бармоқнинг бор вазифаси,
Балки план кўрсатар, балки отар тўп...
Ўз ерида душманнинг тугар нафаси.

Бугун сиз ўмров кериб, зеҳн ишлатиб,
Бир якун, бир бошланғич арафасида,
Толедан қанот тақиб, қувонч юклатиб,
Сизга томон тонг чопар аравасида.

Ҳурмат — чин меҳнат билан, меҳнат бу — ижод,
Меҳнат оша ҳурматни сақлангиз маҳкам.
Бизга меҳнат ҳурматни бахш этган устод,
Улуғ Ленинимиз биз билан ҳар дам.

Гулласин Ватанимиз боғу бўстони
Қалб устида порлаган нишонингиздек.
Унумлар-ла ўлкамнинг колхозистони
Гулласин бахт ёритган пешонангиздек.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЯША, ДЕЙМАН, ЎҒЛИМ!

— Дада, мен осмонга учар бўлсам,
Чеки йўқ кўкни ҳам қучар бўлсам,
Юлдуздан-юлдузга кўчар бўлсам,
Сен тубанда қолиб не дейсан?
— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада мен танкка отлансам-да,
Истаган ўлкага етсам дамда,
Эсизки ҳозирча ёшим кам-да,
Кўзинг йўлда толиб не дейсан?
— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада, мен кетсам агар Москвага,
Москва йўлласа душман-ёвга,
Савасам мен бўз отимнинг човига,
Сен тўзонда қолиб не дейсан?
— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада, мен жўнадим Арктикага,
Битта ортиқча путёвка санга,
Эътибор бермай совуқ осмонга,
Сен туманда қолиб не дейсан?
— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада, мен сўрасам қаламингни,
Тўлдирсам шеърда кўп-камингни,
Юволсам хижолату ғамингни,
Ёзганимни ўқиб не дейсан?
— Яша, дейман, ўғлим!


www.ziyouz.com kutubxonasi

## АЗИЗНИНГ ДАДАСИ НОС ЧЕКИШНИ ТАШЛАДИ

Азиз ифлос кийиниб
Кеча виговор олди,
Буни текшириш керак.
Нима учун, нимага
Азиз балога қолди?
Текшириб билиш керак.
Вали аканинг ўзи
Рабочий бўла туриб
Носвой ҳам чекар эди.
Уйдами, кўчадами
Парво қилмай, тупуриб
Ахлатин тўкар эди.
«Туф» дедию кечаси
Носвой аралаш ахлат
Пальтога келиб тушди.
Афв этингиз болалар,
Рангин айтаман фақат:
Кўку зангори, пушти.
Азиз пальтони кийиб
Виговорни олса ҳам
У ёғини айтмайман.
Вали ака айтади:
— Чекмайман, дедим, болам!
Ахир, энди чекмайман!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУТЛУҒ КУН ҚЎШИҒИ

Ёқутдан юлдузли улуғ Кремль
Балоғат паспортин берди қўлингга.
Ленин ордени олдинг, бахтингга кафил,
Нур сочар ҳамиша сенинг йўлингга.

Бошқа миллатларга ҳам сабоқ бўлди
Улуғ устозимиз дорилфунуни.
Имтиҳон қоғози сенга берилди,
Аъло, аъло, аъло — барча мазмуни.

«Инсон тупроқдандир», дердилар бироқ,
Тош-тупроқ тақдири инсондан экан,
Она юрт ишқи-ла канал қазган чоғ,
Тоғу тош барчаси бизга берди тан.

Пахтага устамиз, еру сув бўлиқ,
Мингдан ошиқ янги орденимиз бор.
Юракда севгимиз доимо тўлиқ,
Яша улуғ Партия, бердинг эътибор!

Чалинди завқ билан бахтнинг карнайи,
Улоқчи отларнинг изи янги ой.
Йигитлик жомида толенинг майи,
Билак қўндоғида шунқору хумой.

Инсон роҳатини сезмаган киши
Бизнинг бахтимизни иқрордан маҳрум.
Ҳаё бриллианти тушган кўз — шиша,
Ким бўлсанг бу кўзни очмасликка юм!

Ҳатто ер шаклини чизган бола ҳам
Паргарнинг тинч қўлин Москвага таяр.
Унга ким кўз тикса ҳаёти барҳам,
Уни қўриқлашга барчамиз тайёр.

Бировга бош эгиш суратин чексанг —
Мункиган эшакнинг расми чиқади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Душман ўғирлайди хамелеондан ранг,
Бу мункиш бошингни гўрга тиқади.

Номард қилич тақса қобирғаси тоқ,
Мақол бор: «Тулкининг думи арғамчи».
Париж шантанидан Маннергейм, бироқ
Оина синдириб, аккорд олмоқчи.

Ўзбекнинг манглайи порлаган куни,
Бутун ўлка билан бирликда, бирдам,
Сақлашга бу улуғ она-Ватанни
Доҳийнинг номи-ла ичади қасам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САРҲИСОБ

Гомердан бошланиб тамом бўлмаган
Одамзод ақлининг дурдоналари;
Миллиард сатрларда занжирбанд сўзлар,
Ўзингиз шоирга юпанч берингиз
Ва шоирлигига ишонч берингиз.

Навоий байтидай тўлқинли ёшлик,
Бедилнинг шеъридай фалсафий умр,
Вазну қофияси мустаҳкам ҳаёт
Роман ўқилгандай ўтиб бормоқда,
Этаги қўллардан кетиб бормоқда.

Пайти келди энди қилсам сарҳисоб:
Нималар ёзибман, нима куйлабман,
Тонглар жилосидай уфқимга зийнат,
Жилғалар ранг олди ўйноқ дилимдан,
Покиза шеърлар оқмиш тилимдан.

Андишага жавоб юрак овози,
Ақлида бутлиги зўр истироҳат,
Тонг отар пайтида ичилган қасам
Ватан хизматидир, юракка хитоб,
Енгил тортиб кетдим, мана сарҳисоб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАСИДАИ ШАМСИЯ

*Собир Абдулла ғазалига мухаммас*

Фалак юғурди анинг нур ила зуволасини,
Ер аҳлидин ёритиб ишқибозу воласини,
Тутиб қўлимда шароби ҳазорсоласини,
Кел, эй қуёш, уриштир жаҳон пиёласини,
Жаҳон пиёласи бирлан бу жон пиёласини.

Яқинда учрашажакмиз фазо йўлакларида,
Ватан йигитларининг шунқори билакларида,
Сенга етгайми ҳавас ҳар юракнинг рагларида,
Элим йўлингга чечаклар сочиш тилакларида,
Безатди гулга кўмиб боғи бирла доласини.

Қуёш кусуфи бу куйган юракка ўз эмас,
Жаҳонда шеър ўқиб ўтдим, бу сўз сўз эмас,
Юракнинг қадри баланд, ҳамма сўз сўз эмас,
Чаманда гул уза булбул ўқурда ёлғиз эмас,
Қўшилди яллага тўти ёзиб гул кулоласини.

Ҳунарларингга тасанно фалак садаф чекишиб,
Замонга нуру заминга ажаб алаф чекишиб,
Фазилатинг сенинг эй офтоб даф чекишиб,
Олов юз ила йигит-қиз шаҳарда саф чекишиб,
Хижолат этди кўку ер юлдуз ила лоласини.

Сенга тўярму назар кўзнинг йўқлиғи бирлан,
Кўзинг қароғида киприк ўсуқлиғи бирлан,
Отилди зулмати шом нур ўқлиғи бирлан,
Тун эрди қиз юзи чиммат тўсиқлиғи бирлан,
Бу кун ҳарир тўқур нур тола-толасини.

Ўзинг бир ишни қилиб, сўнгидин савол этма,
Бўйинға чўлғагали нуру зар увол этма,
Бу танга — тангача соя холу хол этма,
Кўришда кўксида ипни тумор хиёл этма,
Тақибди ҳурлигу тенглик ҳуқуқ рисоласини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқарди мусиқаи нур, ётар қуруқ тинглаб,
Ҳамиша ҳажр мақомини лаби қуруқ тинглаб,
Бу тонгда энг улуғ элдин йўлу йўруқ тинглаб,
Бу эл эски қақир чўл аро қўшиқ тинглаб,
Ажабга қолма, сувидир канал шалоласини.

Юракда зарраи хумро бўлиб қон кезасен,
Бани башарга бўлиб ишқ ҳамон-ҳамон кезасен,
Заминга дурбину авж осмон кезасен,
Кўрурмисенки қуёшсен мудом жаҳон кезасен,
Ҳаёти биз каби бахтли кишининг боласини.

Нечук ажиб тонг отмишки, дилда шамс эрур зоҳир,
Ҳаво, фалак, бутун олам юраккача тоҳир,
Қуёшу ой ҳама ўз касбида бўлиб моҳир,
Жаҳон машъали сен, мен Ватанга бир шоир,
Икковининг ҳам ўз иши билгай ўз ҳаволасини.

Қуёшни мен қадаҳ айлаб ичайми қон, Собир,
Ғазалларинг ўлар ўлсам бўлармди жон Собир,
Ғуломиймен тўла нур майға меҳрибон, Собир,
Қадаҳга нур бағишлаб юз арғувон Собир,
Кел, эй қуёш, уриштир жаҳон пиёласини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АҲМАД ЁМОН БОЛА ЭМАС-КУ, АММО...

Яқинда бир қизиққина иш бўлди,
Кўклам эмас, кеча ўтган қиш бўлди.

Аҳмад ёмон бола эмас, биласиз,
Ёш бошига иш тушди эсиз-эсиз.

У дарслардан «аъло», «яхши» бўлса ҳам,
Интизому тозаликдан яхши кам.

Йўқ-йўқ, у шўх эмас эди классда,
Ёввош эди ҳам баландда, ҳам пастда.

Интизомнинг бошқа бир маъноси бор.
Биздаги қўл, бурун, қулоқ, оёқлар,

Ўпка, меъда — бадандаги аъзонинг
Интизоми, иши бордир теппа-тенг.

Аҳмад бузган интизом ҳам мана шу,
Унга бир оз ётроқ эди совун, сув.

Аъзоларин тежаб ишлатмагандай,
Ювмас эди ҳафта ўтса ҳам атай.

Ана шундай қилиб бир кун, ўртоқлар,
Аҳмаддаги қўлу кўзу оёқлар

Йиғилишиб бир-бирига ҳасратлашди,
Ҳасрат анча чўзилиб ҳаддан ошди.

Сўз бошлади тикка туриб оёғи,
Қора чармдай ифлос эди ҳар ёғи:

— Мен нимаман. занглаган болтаманми,
Аҳмаджонда бир эмас, олтиманми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирин қуйиб, яна бирин ишлатса,
Чўлоқ кетмон эмасманки пешлатса!

Олиб бордим ҳар истаган жойига,
Култепами, ўрми, қирми, сойига.

«Сакра», деса сакрадим, чопса чопдим,
Лой тепдим, тезак тепдим, чалма ёпдим.

Мен шўрликни шиша тилди, мих кирди,
Инсоф билан кўринглар ҳамма кирни.

Сув келмайди, ахир, қурдим дарёдан,
Шарақ-шарақ оқмоқда ҳар бир ёқдан.

Қадрим йўқми бир обдаста сувча ҳам,
Валижоннинг оёғидан нимам кам?

Уйда оёқ кийими бир неча пар,
Чувак, маҳси, сандал, калиш, туфлилар,

Ҳаммаси ҳам первой сорт, «Скороход»,
Биронтасин кийса бўлмасми ёхуд?

Қоқилишдан яра-чақа ҳар ёғим...—
Шу гапдан сўнг йиғлаворди оёғи...

Секин туриб сўз бошлади қўл тикка:
— Мендай қўлни сотса бўлмас юз мингга.

Ҳали ёшман, юракда кўп тилагим,
Мен улғайиб, чиниққанда билагим,

Аэропланнинг штурвалин ушлашга
Ва душманнинг жиғ-жиғига муштлашга,

Сафларини йириб-ёриб, итариб,
Ғалабанинг шон байроғин кўтариб,

Ернинг баланд ўрнига ўтқазишга,
Сўнг энг яхши поэмалар ёзишга,

Мендай қўлнинг соғлиғи жуда керак,
Ҳозир эса қўл эмасман — белкурак.

Биласизки, аёлмандман — ўн бола,
Ҳар бир болам қилар Аҳмаддан нола.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай ишлар буюради уларга,
Номус эмас, айтиб берай сизларга:

Бош бармоқдай ўғлим бурга овлайди,
Қорамалдоқ доим бурун кавлайди,

Кичкина нозик қизим жимжилоқ,
Тозалайди эринмасдан кир қулоқ.

Қолганларин ишин айтсам, кўп уят,
Оиламиз эмас, ахир, беният.

Мана кўринг болаларнинг ўзини,
Ўсиқ тирноқ сирини, ич, юзини.

Қўл хўрсиниб бармоқларин кўтарди,
Ўпка унинг аҳволига йўталди.

Меъда:— Тўғри,— деди қўпол ҳам йирик,
— Тўғри,— деди, ғулдурлади кекирик.—

Бу ҳасратдан бизда ҳам етарли бор,
Бўлиб қолдим сўнгги пайтда мен омбор.

Аҳмад еган овқатларда тартиб йўқ,
Гоҳ аралаш, гоҳ қуралаш очу тўқ.

Ер ёнғоғу қурт, хўрозқанд, семичка,
Хом сувлардан ичак бўлди ингичка.

Инсоф қилинг, бу қанақа иштаҳа,
Ҳам кечгача йўталар «аҳа-аҳа».

Ҳолвайтарни улгурмайсан ҳазм этиб,
Орқасидан келар морожний етиб.

Устига устак тухум еган нимаси,
Тухумдан сўнг яна бир кафт монпаси.

Бу ҳам камдай, сельтер суви, мармелад,
Мен нимаман, эмасман-ку, искалад.

Тасдиқлади юрак меъда сўзини,
Дук-дук уриб билдирди ўз-ўзини.

Сўз қисқаси, шундай қилиб, ўртоқлар,
Ўпка, жигар, тилу жағу қулоқлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Узоққина бир-бирила ҳасратлашди,
Мажлисдаги танқидлар ҳаддан ошди.

Кўз ачишиб шивирлайди сирини,
Бурун эса кўрсатар ўз кирини.

Ҳамма аъзо айтади: «Афсус-афсус»,
Бадан қизиб бўлди қирқ бир градус.

Бу мажлисда раис эди ақлу бош,
Гарангсимон ўрнидан турди ёввош:

— Мажлисимиз кўп узоққа чўзилди,
Кўп аъзонинг бунда нерви бузилди.

Ўзимни ҳам оғригандай сезаман,
Шунинг учун бир таклиф киргизаман:

Аҳмаджондир хўжайин ҳаммамизга,
Интизомга, тозаликка ва бизга,

Бундан кейин бермас экан эътибор,
Ишламаймиз, мана кўндаланг қарор.

Бош сўзига қўшилди барча аъзо,
Бу иш эди Аҳмадга яхши жазо.

Юрай деса оёқлари бемадор,
Қўли буйруғига бермас эътибор.

Ўқий деса кўзи тиниб кетади,
Тил босринқи алжишларни айтади.

Ҳеч қандай овқатга иштаҳаси йўқ,
Муттасил ўқчийди қуруқдан-қуруқ.

Худди мисдай қизиган пешонаси,
Ўрнига ётқизди суяб онаси.

Докторга югурди рабочий ота,
Аҳмаджон ётади бўшашган латта.

Икки соат ўтгандан сўнг отаси
Кириб келди, орқасида биттаси.

Аъзолари шивирлашиб олдилар,
Келувчига секин назар солдилар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўз — лампочка, қулоқ — репродуктор,
Билдиларки, келаётибди доктор.

Доктор қўйди қўлтиққа термометр,
Ҳар аъзони текширди у бирма-бир.

— Аҳа!— деди, охирда ўз-ўзига,
Терс ётқизиб яғринига қўйди банка:

— Қасал унча қўрқинчли ҳам эмас,
Бузуқ меъда, иссиқ-совуқ, кирлик, бас.

Ўзин тежаб манов дори ичилса,
Ажаб эмас, касал бадандан жилса,

Яна ўзим хабар олиб тураман,
Текшираман, назар солиб тураман.

Доктор кетди, шўрлик Аҳмад ўн беш кун,
Қасалликнинг аламин чекди бутун.

Эринмасдан дори ичиб, парҳездор,
Доктор ундан бўлиб турди хабардор.

Бош оғриғи ўзга кела бошлади,
Тил ҳам энди сўзга кела бошлади.

Иштаҳаси кирган, овқат сўрайди,
Кўз очилиб, баданга мўралайди.

Қўл оёқ кучга кириб ғивирлашар,
Бутун аъзо ўзаро шивирлашар:

— Аҳмаджонга шу жазонинг ўзи бас,
Эсли бола қадримизни унутмас,

Иш бошлайлик, етар энди ўртоқлар,
— Маъқул,— деди юрак, жигар, талоқлар.

Сўнгги марта доктор келди кўргали:
— Тузалибсан, ўғлим Аҳмаджон, балли,

Мен ёзаман сенга яна бир дору —
Ҳаммом, совун, мочалкаю иссиқ сув.

Бу гаплардан Аҳмад жуда уялди,
Отасининг елкасига суялди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота-бола жўнадилар ҳаммомга,
Сув югурди мурғаккина ёш жонга.

Аҳмад хурсанд, бошдан оёғи хурсанд,
Юзи тоза, бурни худди хўрозқанд.

Юрак текис дук-дук этиб уради,
Оёқлари қайга деса юради.

Қўллари ҳам севинчидан чапакда,
Бутун аъзо бир-бирига кўмакда.

Энди Аҳмад соғлом, тоза, аълочи,
Меъда кучли, тишлари мисли инжу.

Чунки унинг ҳар ишида интизом,
Ҳикоясин тугатди Ғафур Ғулом.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ДОНГДОР ЧЕВАР ҚУЛЛАРИГА — УДДАБУРОНЛАРИГА «МУШТУМ» САЛОМИ

*(8 Март хотин-қизлар куни муносабати билан)*

### ҲАЛИМА НОСИРОВА

*(СССР халқ артисткаси, икки орденли)*

Бир ёқадан бош чиқарди, деган сўзини
Кимга айтсанг, жавоб айтар — биламан деб,
Бир оғиздан куйлагувчи миллион қизнинг
Овозига сен беролдинг зийнату зеб,
Бахтли ўзбек қизларининг қўлида соз —
Давом қилар Ҳалимадан кўчган овоз.

### ШАРИФА ҲОМИДХОНОВА

*(Чирчиқ қурилишида химик-инженер)*

Бизда шундай қизлар бор — химик-инженер,
Улар билан қувонар Чирчиқстрой,
Бу қизнинг ғайратидан қалтирайди ер,
Кўп йигитлардан ҳам эпчил, боевой.

### ТОЖИХОН АСҚАРОВА

*(Донгдор теримчи, орденли, СССР Олий Советининг депутати)*

Икки юз миллионли, юздан кўп миллат
Тожихон опани танийди яхши.
Миллатлар Советига машҳур депутат,
Минг килолаб терган донгдор теримчи.

### ОЙДИН СОБИРОВА

*(Ёзувчи, «Ёрқин ҳаёт» журналининг масъул секретари)*

Ўзи ёзган асари ўз-ўзининг ҳужжати,
Уни мақтамоқликнинг керак бўлмас ҳожати,
Қурбон ота айтгандай, сўзни бошлаб кўрайлик:
Ҳикоялар ёзувчи Ойдин опам чиройлик.
Ва ҳоказо...



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Е. К. ПАВЛОВА**

*(Тошкент аэроклубидаги аълочилардан)*

Кўк қизи, деб сенга мадҳия ёзсам,
Ер қизлари устимдан кула бошлайди.
Ватаним кўкида ер қизлари кўп,
Чунки кўк бош эгмиш бизга абадий.

**МАҲБУБА АБДУЛЛАЕВА**

*(Тошкент область ижроия комитетининг раис ўринбосари)*

Маҳбуба опажон, менга,— тез бўлинг,—
Узоқ станцияга бир билет керак.
Ватаним азамат қулоч етмас кенг,
Илгари мен бориб сиғай-чи тезрак.

Ўлкамизнинг шуҳратли қизи,
Донғингиз мендан ҳам илгари кетди.
Ватанга кўрсатган хизматингизнинг
Узоқ-узоқларга довруғи етди.

**О. И. ТУРОВСКАЯ, МУҲАББАТ НОСИРОВА**

*(100 станок учун мусобақага қўл қўйганлар)*

Ўриш-арқоқ каби бу икки қизнинг
Юздадан станок дастгоҳидир.
Текстиль қизларин юзи қизармас,
Ваъдада туришлик зўр гувоҳидир.

**МУСЛИМА БЕГИМОВА**

*(Машҳур «Муслимка» буғдойининг кашфиётчиси)*

«Жаннатдан эр-хотин қувланган экан
Худонинг буғдойин еб қўйган киши»,—
Афсона шундай деб хабар беради,
Муслима холанинг «Муслимка» деган
Буғдойин нонидан еб тўйган киши
Дунё жаннатига мутлақ киради.

**САВРИ НИЁЗОВА**

*(Орденли ўқитувчи)*

Чорак аср умрда катта бир бўлак,
Минглаб шогирдларни ўқитувчи,



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ғафур Ғулом қардош адабиётлар намояндалари билан. 1939 йил.

Шаънига мадҳия ёзмоқлик учун
Ҳурматдан ўзга сўз бўлмаса керак.

СОРА ЭШОНТУРАЕВА

*(СССР халқ артисткаси, икки орденли )*

Кишилик ақлининг юксак хаёли,
Хотинлар тимсолин яратар экан.
Луиза, Офелия, Дездемонада
Барча яхши хислатни тажассум этган.
Тўғри, бу хотинлар ўзига айрим:
Севгида, вафода, ишда сарадир.
Бироқ ҳамма хислатни бирга жам этган
Халқимнинг санъаткор қизи — Сорадир.

М. Е. ЯЦЕНКО

*(Тошкент муз фабрикаси ишчиларидан)*

Қирқ ёшнинг зеҳни бор бу кексамизда,
Қирқ филнинг чидами унда устивор.
Партия тарихин у ёддан билар,
Бошдан охиригача белос, беғубор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

Улуғ байрам, энг олдинда жасур байроқдор,
Ёмғир ювган лола юзи каби беғубор.
Гердайиб мен ҳам,
Колонналар қобоғида кетгум келади.

Арғумоқлар ўмров кериб майдондан ўтар,
Қўшиқлардан бутун шаҳар гулдираб кетар,
Қўшилиб мен ҳам,
Ғалабанинг маршин бирга айтгум келади.

Танкларнинг туёқлари ерга ботаркан,
Командирга суқим кириб қараб қоламан,
Тезроқ улғайиб,
Шу қаторда бўй ўлчашни қиламан орзу.

Ҳавасларим қанотланиб кўкка учади,
Баъзан ётиқ, баъзан текис, тикка учади.
Баъзида ғойиб,
Самолёт кумуш ғозу осмон — океан сув.

Замбараклар аждар каби чўзар ҳалқумин,
Тинчлигини сақлаш учун улуғ халқимнинг,
Гаров ҳар бири,
Ҳар бир ўқи ёв кўксида чалиб ўтар марш.

Бошланади, тайёрланинг, азамат парад,
Бўйлар бўйга, сафлар сафга текис бўлсин ряд:
Раз, два, три
Колонналар илгарига, қани, шагом марш!

Халқ ўтади, улуғ совет халқи ўтади,
Унинг севган ботирлари, унинг отряди,
Унинг дўстлари,
Ўтар Улуғ Партиянинг эрлари қатор.

Ёш юракнинг қувончини айта олмайман,
Эй қаторлар, мен ҳам сиздан кетда қолмайман.
Ватан постлари,
Ёшман, аммо ўғлонингман, мана мен ҳам бор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИЛИБ ТУРИБМАН

*(Қўқон пионерларига атайман)*

I

— Чунончи,
Кўм-кўк осмон бошингда зонтик,
Ер заррину амиркон этик,
Сен қора кўз эркин кийикдек,
Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
— Байрамни айтяпсиз, билиб турибман.

— Сени севганимни яшириб турмасдим,
Ҳамма мисраларни қизилда ёздим,
Сен — йигит қадамда, мен — одим-одим,
Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
— Байрамни айтяпсиз, билиб турибман.

— Битта лола сенинг чаккангда эди,
Ўсар от ўйинда арслонга минди,
Келиб-келиб ёдимга тушибди энди,
Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
— Байрамни айтяпсиз, билиб турибман.

— Сен менинг бўйнимдан қучоқлаб эдинг,
Низомий, Хисравга қилиқ бирла тенг,
Сен: «Ўзим Навоий бўламан» дединг,
Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
— Бугунни айтяпсиз, билиб турибман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИЛИБ ҚУЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

Сен бу кун синфда шод юрак билан
Синов навбатини кутиб турасан.
Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Глобусда бўлган ҳар кичик нуқта
Миллионлаб қондошга ватан албатта.
Бахтиёр халқимиз яшар абадий,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Жабрда масала қўш муаммодир,
Худди шунда бир улуғ қурилиш жодир.
Сен катта инженер эртами, индин,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Шеърдир, лирика, балки оддий тил,
Халқларнинг тиллари бир хил эмас, бил!
Дипломат бўларсан, шу бугун, энди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Фанлар кўп, фанлар бор ўрганишга куч:
Ерда юр, сувда суз, осмонда уч.
Ҳаммасидан аъло, барчадан олдин,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Ўтмишни ўргансанг, келажак порлоқ,
Партия тарихи йўлингда чароқ.
Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАВҚИРОН НАСЛИМИЗ СИНОВ ОЛДИДА

Ёзажак шеъримга бўлсин деб асос
Кечмишни ҳозирга айладим қиёс.
Сиз бугун довюрак, қайнаган қон-ла,
Аъло баҳоларни кутасиз жон-ла,
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу!

Жаҳолат фикрни минг йил куттирди,
Суқротга фалсафа заҳар юттирди.
Улуғ Маркс, Лениннинг зўр фалсафаси
Навқирон наслимиз олган нафаси,—
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу!

Ҳамма халққа «Қонун», шахсига заҳар
Синони ўз асри қилди дарбадар.
Бизнинг ўлкамизда йўқолур офат,
Ўлимни енгишга сизлар кандидат,
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу!

Севимли Ҳамзамиз, Ҳозиқ-ла, Турди
Халқимиз санъати учун бош берди.
Эртанинг, эй адиб ва шоирлари,
Кишилик руҳининг инженерлари.
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу!

Қора ерга яқинроқ келсин деб қуёш,
Улуғбек йўқотди кўкдай улуғ бош.
Сиз осмон илмини сувдай ичасиз,
Юлдуздан-юлдузга зумда кўчасиз.
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу!

Сиз билган фанларни қилмайман такрор,
Фақат салобатли бир ҳақиқат бор.
Отамиз Лениннинг ҳурмати учун,
Кўрсатинг навқирон наслимиз кучин!
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СИЗНИКИ

Эҳ-ҳе...
Умрингизда юзталаб ёз бор,
Ҳали қўл тегмаган гуллар сизники.
Шафақлар пойандоз: муттасил баҳор,
Ёзу куз бариси сизники, чунки:
Порлоқ келажакнинг ўзи сизники!

Аҳмад қилди гилосин олчага пайванд,
Али ўз найига ўймоқда ғаров;
Ҳаммангиз Ватан деб ўқиш, ишга банд,
Қилиғингиз ўзи барига гаров.
Шулар ўзи сизсиз, бари сизники!

Кечалар телмириб кўкка қарайсиз,
Ранг-баранг юлдузлар учгандай бўлар...
Икки йил бурунги аълочи бир қиз
Юлдуздай учади ҳатто кечалар...
Ўша сизсиз, бари сизники!

Оламнинг ўзи ҳам каттакон китоб,
Фалсафий умрлар унда бир поя...
Дам олинг: Чимёнми, майли, Арслонбоб,
Бошингизга арчалар ташларкан соя —
Билингки, шу Ватан бари сизники.

Биринчи сентябрь: поку тетик, соғ,
Аълочи фарзанддан севинар кўзим!
Сизга топширилди шу шаҳар, шу боғ,
Наркомпросга ҳам буюрган ўзим,
Бариси, бариси, бари сизники!

Эҳ-ҳе...
Отангизнинг сочи оқариб,
Сизга осмондан тополди мақом,
Қапитал оламин ўлдирдик қарийб,
Бунга гувоҳингиз дўст Ғафур Ғулом —
Ростгўй шоирингиз ўзи сизники!



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЛОВА



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МЕНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

1903 йилнинг 10 май куни Тошкент шаҳрининг Шайҳовантаҳур даҳаси Қўрғонтеги маҳалласида онадан туғилдим. Отам думахонанинг маҳаллий бўлимида мирзалик қилар экан. У бу хизматида 1908 йилгача бўлиб, сўнг Қоратош овулида, Қоплонбек мавзеида бўлган 5—6 таноб (бир ярим гектар миқдорида) ерга деҳқончилик қила бошлаган. Деҳқончиликни холис ўз қўли билан эмас, балки корандага шерикликка берган, ўзи узоқ турмай, 1912 йилда ўлган. Турмуш кечиришимиз оғир эди. Отамдан қолган мерос олтита еярман, ичарман етимчалардан иборат эди. Онам отамга эрга чиқишда ўзи билан илгариги эридан қолган бир ўғилни эргаштириб келганки, менинг асосий мураббийим ҳам шу саналади. Отам ўлганда ўгай акам ўн саккиз ёшларга кирган бўлиб, машҳур бойлардан мулла Муборак Сиддиқмуҳамедовнинг универсал магазинида ҳар йилига 20 сўм маош билан приказчилик қилар эди. Онам ва опам дўппи, қийиқ тикиб, акамга ёрдамлашар эдилар.

Йиллар оғир ва аста ўтар эдилар. Мен ҳам энди маҳалламиздаги Ҳасанбой домланинг мактабида Бедилдан «Маслак»га ўтиб, тугатган эдим. Бўйим чўзилиб қолган. Айниқса, мендан тўрт яшар катта бўлган опамнинг қадди камолга етган ва мулла Мубораккнинг тамаъгир кўзларига нишон бўлаётган эди. Мулла Муборак икки мақсадни кўзда тутиб, биринчи — опамни ўз жиянига олиб бериш учун онамнинг кўзига иссиқ кўриниш, иккинчи — келажакда мендан содиқ бир қул тайёрлаш учун мени ўз тарбиясига олади. Жадид мактаби бўлган «Ҳаёт» мактабига ўз ўғиллари қатори қатнай бошлайман. Бу ерда бир йилча ўқийман.

Октябрь кунлари келади. Мулла Мубораккнинг давлати билан бирга мақсадлари ҳам барбод бўлади. Октябрни мен 14 ёшимда қаршилайман. Акам энди ишсиз қолганидан, «тинчгина» ўқиб юриш чўт бермай, акам билан бирликда тириклик ўпқонига ямоқ қидира бош-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лаймиз. Мен мана шу кундан бошлаб чин ҳаёт кўчасига кираман. Акам билан Самарқанд дарвозадан ўрик, олма, бодринг кўтариб янги шаҳарнинг кўчаларини айланиб сота бошлаймиз. Куз келиб, бу ҳам фойдасиз бўлади. Акам «Темурлан» хусусий тамаки фабрикасига ишга кириб, мени ҳам ёнига олади. Мен гильзага тамаки тўлдиришни ўрганиб, ишлай бошлайман. Аста-аста бу ҳунар бизнинг уйга кириб, онам, опам, укаларим ҳам гильзага тамаки тўлдириб, акамга ёрдамлаша бошлаймиз. Очлик, қимматчилик йиллари бошланади. Онам ҳам ўлади. Акам касалланади. Бутун тирикликни рўзғор керак-яроқларини сотиб ўтказишга тўғри келади. Опамни ўраб-чирмаб олиш шарти билан ўзига анча тўқ бўлган бир кишига эрга берамиз. Рўзғорда ҳарна бир егувчининг камайиши енгиллик туғдиради. Бизнинг бахтимизга акам тузалиб, ҳар икков тириклик кўйига туша бошлаймиз. Акам ўзга бир ишга тушиб кетганидан менга ундан ажралишга тўғри келади. Мен маҳалламиздаги уста Миразиз деганга шогирд тушиб, косибчилик ўргана бошлайман. Акамнинг ҳам, менинг ҳам янги ишларимиз манфаатсиз бўлганидан ҳар икков михчагарликка ўргана бошлаймиз... Бу юпқа тунука парчасини қирқиб, қалпоқ чиқаришдан иборат бўлиб, ўзи оғир, миёна даромадли бир касб эди. Оилада овқат тайёрлаш ва бошқа уй ишларини қилишга эсли-ҳушли бирор хотин-халаж бўлмаганидан (қолган икки қиз укам жуда ёш эдилар) акам бир камбағалнинг қизига уйланади. Мен Орқа кўча маҳаллалик Исахон Шоюсуф ўғлига арава минишга ишга кираман. Аравакашликда ҳам бир ярим йилча ишлайман...

...Ҳаётимнинг янги даври бошланади. Илгари вақтларда ўқув-ёзув чегарасида маълумотга эга эдим. Бу саргардончиликдан бир иш чиқишини умид қилмай, яна бир йил оғирликни гарданга олиб, уйдаги майда-чуйдаларни сотиб-совуриб рўзғор ўтказишга, ўзим бўлсам муаллимлар тайёрлаш курсларига (фабрика ҳам десам бўлади) кириб ўқий бошладим. Ҳаш-паш дегунча 1919 йилнинг 3 мартида Бодак маҳалласидаги «Чўлпон» мактабига муаллим бўлиб тайин қилиндим. Маошим 32 сўм 50 тийин эди. Шу йили комсомолга кирдим. Ишларим гуриллаб олдинга қараб жила бошлади. Рўзғорим жойида, ишим жойида, ўқий бошладим. Укаларимни мактабга бердим. Жуда тезлик билан комсомолнинг фаол аъзоси бўлдим. Райкоммолда обрў жойида, икки-уч ўрта мактабларда комсомол нагрузкаси ўлароқ сиёсий дарс олиб бораман. Райкоммол мени комсомол ташкилоти ту-



www.ziyouz.com kutubxonasi

зиш учун районларга чиқаради. Казанский, Горний, Турбат, Оқжар (ҳозир булар Қозоғистон) районларида комсомол ташкилоти тузиб келаман. Маориф ёшлари ячейкаси ташкил топиб, бунда масъул котиб бўламан.

1924 йил августда «Ҳаёт»га муаллим бўламан, ундан «Умид» музика техникумига кўчаман. 1926 йилда 3-боқимсиз болалар уйига мудир тайин қилинаман. Союз ишларида ҳам фаол бўлганимдан 52-групкомга раис белгиланаман. Бу икки вазифа устига «Урфон» етти йиллик мактабининг мудирлигини ҳам берадилар. Бу вазифада 1928 йилнинг 15 сентябригача туриб, сўнг «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга, «Камбағал деҳқон» газетасининг масъул котиблик вазифасига белгиланаман.

Менинг матбуот ишларига бўлган ҳавасим 1924 йилдан бошланади. Шу йиллардан бошлаб мен газетага хабарлар ёзиб юраман. Кўпинча «Муштум»га ёзсам ҳам босилмас эди. Шеърлар, ҳикоялар ва уларнинг ёзувчилари менга улуғ кишилар, уларнинг мартабасига ета олиш, ҳеч қачон мумкин бўлмайдиган даражада кўринар эди. Мен ёзаверган билан босмадилар. Ҳафсала совиди. Яна бир мартаба тажриба қилиб кўрмоқчи бўлиб кўрдим. Шу пайтда «Маориф ва ўқитувчи» журналида «Ўзимга ўзим» деган бир бемаза шеър босилган эди, шунга жавоб тарзида «Шоирлик носқовоғидан бир отим» деган бир нарса ёзиб, «Муштум»га бердим. Бир адабиёт ҳаваскори бўлганим учун Тошкент ёзувчиларининг уюшмасига қатнашиб турар эдим. Бир куни Зиё Саидни учратиб, бояги асаримнинг нима бўлганини сўрадим. У менга ўша мақоланинг «Муштум»да чиқажагини сўйлади. Кутдим. Не кўзим билан кўрай... ёзганим бош мақола бўлиб чиқибди. Ана энди ёзишни биздан кўринг. Мен ёзавердим, «Муштум» ёрдам ва тарбия юзасидан босаверди. Ниҳоят, газета ишига — қайсики менинг бутун тилагим эди — ўтдим.

«Камбағал деҳқон» газетасига масъул котиб бўлиб 1929 йилнинг май ойигача турдим. Шу масъул котиблик вазифаси билан бирга «Қизил Ўзбекистон» газетасида технический муҳаррирлик ҳам қилар эдим. Ундан «Шарқ ҳақиқати» газетасига масъул котиб бўлиб белгиландим. Бу газетада ҳам фаол ишладим... Бунда бир йил, яъни 1930 йил 15 майгача ишладим. Ундан яна «Қизил Ўзбекистон»га фельетончи бўлиб кирдим. Ундан (сўнг) «Аланга»да ишладим. Ҳозир «Ер юзи» журналининг муҳаррирларидан бириси бўлиб ишламоқдаман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг ёзганларимнинг тарихи ва қайди тубандагичадир (Албатта хотирда қолганлари):

Ҳалигача 500 дан кўпроқ хабар, 100 дан ошиқроқ фельетон ёздим.

Менинг биринчи ҳикоям 1929 йилда май ойида «Йигит» сарлавҳаси билан чиқмишдир. Ҳалигача 30 га яқин ҳикоячалар ёздим.

«Муштум» журнали бўйлаб 50 тага яқин кулги шеърларим босилмишдир. Турли газета ва журналлар бўйича 25 тага яқин бадиий очеркларим бор.

Босилиб чиққан асарларим қуйидагичадир:

1. «Кулги ҳикоялар» тўплами.
2. «Жиддий ҳикоялар» тўплами.
3. «Динамо» исмида шеърлар тўплами.
4. Демьян Беднийнинг «Тупуришга ҳам вақт йўқ» деган асарининг таржимаси.
5. Маяковскийнинг «Во весь голос»ининг таржимаси.

Бугун-эрта чиқажак, матбаадаги асарлар:

6. Шомил Усмоннинг «Помирдан радио»сининг таржимаси.
7. «Эгалари эгаллаганда» деган достонлар тўплами. Ўз асарим.
8. Адабий хрестоматия.
9. «Нетай». Катта бир ҳикоя. Ўз асарим.
10. II шеърлар тўплами. «Буюк қурилиш қомуси» номида.

Партиямиз раҳбарлиги остида кундан-кунга ижодий кучим бақувватланмоқдадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МЕН, СЕВАМАН ЮЛДУЗЛАРНИ!

Мен севаман юлдузларни!
У юлдузларки, доим порлар.
Ўксизларни
Эркка чорлар...
Мен, севаман юлдузларни!
У юлдузларки,
Қуёшдан қочмас;
Дард сочмас!..
У юлдузлар, қизил амал
Чечаклари...
Оҳ! Гўзалдир, гўзал, гўзал
Пролетар тилаклари!..



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚУРУЛТОЙНИ ТИНГЛАРҚАН...

Чаман-чаман чечаклар,
Шонли зафар излари,
Шонли зафар қизлари.

Бу изларнинг дилида,
Бу қизларнинг тилида,
Порлоқ оти кўринур,
Кўзлар нурга
Бурунур
Чаман-чаман тилаклар.
Эй, сиз ботир
Қаламлар!
Келажак порлаб ётир,
Чақноқ каби ёзингиз.
Зор қолсинлар булутлар,
Ҳеч тинмасин созингиз,
Тарқалсинлар сукутлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧАҚИРУВ

**1919 йилнинг ёзи**

Жаҳонни қўрқитиб, даҳшатли ўйнар гулдурос — чақмоқ,
Баланд, паст сайргоҳидур, бўрондан қалтирар ҳар ёқ,
Ёнар машъал каби кўк, қалблар япроқ каби титрак,
Асрлар ухладинг юртим, гўзал Африка бўл тийрак.

Тонг отмиш, Шарқнинг уфқи ол, булутлар қўйнида порлар,
Сочар Ғарб осмони қип-қизил олтин каби нурлар,
Асрлар ухладинг юртим, гўзал Африка бўл тийрак,
Етар, қўзғал оғайни, сингил кўзларни очинг зийрак.

Жаҳон буткул яшарди, ҳам ўлуклар турди қабридан,
Хаёллар гавдали, тобутга махсус банд бағридан,
Бугун ҳар кичик оддий озча ҳушёрлиқ шиоридир.

Дуруст, тун уйқуга яхши, бироқ кун иш билан чақнар
Қора танлар, сочилсинми болангиз бошидан бахтлар?
Очинг кўзни гаранг, вазмин шу ўрмонларнинг бағридан!
Кўтар мазлум қабоғингни юқори!
Занжилар уйғон!

Очилмиш янги уфқлар, янги олам лолазоридир,
Етар, бас, ухладингиз кўп оғир йилларни ўртоқлар,
Боқингиз Шарқда ким, ундан қувилмиш асрий мудроқлар!



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Милтиллар кўр қолипдай ҳужрангда нобино чароғ,
Гунг кишини ҳам қилур ғашлик ила доно чароғ.

Қолгуси кўҳсол чароғи зулмати ялдогаким,
Ёнса махдум ҳужрасида шип-шивит барно чароғ.

Кўз қисар ҳар танг минутда беваи бокир каби,
Шунча шилқим ишқдан англолмадим маъно чароғ.

Кўр қори бўлса бадтар кўр қилғай шуъласи,
Бўлмаса кўзида ё ойина, ё латто чароғ.

Нур бар ҳар табъ мебахшад жудо хосияте,
Билмадим бу нурдан кўнгилдадир сармо чароғ.

Бўлсангиз гар бу чароғ остида сиз бир-икки кун,
Бергуси кўз докторига «кўр» деб патто чароғ.

Билмадим, аъроб қўнди сурап нур устига,
Мен Ғуломий чин чароғдан, жин чароғ аъло чароғ.

Мақтағай махдум чароғин: «Эй сайд бу барқ» деб,
Ор келтирди электрга, бу ранг ихфо чароғ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳасан кўли-ку жуда кичик кўл эди,
Лекин унда ботир ўғлон мўл эди,
Самурайлар оқибати шул эди,
        Айрилди кўп бебошлар ўз бошидан.

Шогирд деган бир оз ўргангани хўб,
Энди билсак самурайда аҳмоқ кўп,
Аэропландан тушган бомба, отган тўп
        Кўпрак эди солдатларин ёшидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ассалом, э шаҳри Сим, баҳри муҳаббат Марғилон,
Шошдин бир ўқ отилди, каж фалак тортиб камон.

Ҳовлиқиш, зўр интилиш, кўп иштиёқ сақлаб бу кун,
Қалб қушига болу пар тоқиб учирдим сен томон.

Уфқи хандонингда кулсин ҳар замон хуршид бахт,
Ҳар тараф тахти равонинг топмасин чуғз ошён.

Сарбаландинг узра файзи қудс бирла ҳилпираб,
Валвала солсин жаҳонга шонли байроқ, ранги қон.

10 Ҳиндикуш тоғларининг занжирсиз арслони каби
Мардликнинг наърасин тортсин туманча фабриканг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўзбекистон шабчароғи, олмоси Фарғонадир,
Ерда юлдузлар каби ҳар ерда гавҳар ёнадир,
Ҳар тараф боғи Эрам, ҳар манзили кошонадир,
Қувнаган халқнинг лабида ханда бўлмай ёнадир,
Чунки унга бахту иқбол ҳар замон дилдору ёр.

Водиймиз танбурки, ҳар бир вақт овози соз, жаранг,
Бир канал очдинг кумуш тордек унга монанд таранг,
Халқи жўр бўлса бу танбурга бўлур олам гаранг,
Ер зумуррад, кўк забаржад, ҳар тарафда мингта ранг,
Яшна халқим, яшна водий, яшна эй сетор, тор.

Биз канал очмоққа чиқдик бир севимли тонг чоғи,
Бизни олқишларди водийнинг қуёшли ер, тоғи,
Бу каналдан гуллагай ўлкамнинг бўстону боғи,
Сув қуйилган чоғ кўринди меҳнатимиз салмоғи,
Шеър ўқиймен шоиринг Ғафур Ғулом, мен бор, бор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУШОИРА

Зумуррад чамбар ичра қатра олмосдир қулоғида,
Суман баргида шабнам аксидир, ё кўз булоғида.

Демам шабнам, қамар атрофида зийнатли кавкаблар,
Иқомат тузмиш ул юлдуз ики абру қироғида.

Шивирлаб сўйламакка дилдаги ҳасратларин гўё,
Риҳи ишқ заргари солмиш камандин шом чоғида.

Каманд эрмаски, банд ўлмиш ўзи дори муҳаббатга,
Осилмиш ҳалқа-ҳалқа севгининг заррин тузоғида.

Гўзаллик Зуҳрасидек кўкка учса ўрнидир аммо,
Халойиқ ошиғидир, сирғаси юк ер оёғида.

Шарафли бахт эрурким, ҳар нафасда ёр юзин ўпгай,
Агар тун бўлса нозик ҳалқалар икки яноғида.

Ҳамиша мен Ғуломий сирғага соҳиб у дилбарнинг,
Неча кундирки Чустий икки балдоқнинг сўроғида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бўлсин муборак сенга шараф ила шон дўст.
Ҳаммисрау ҳам касби биру ҳамзабон дўст.

Қўксим кўтарди кўкка мени ёдлаган чоғи,
Қўксингда барқ урса ўшал Зарафшон дўст.

Жонга вужуд сингари даркор дўстга дўст,
Ёки ватанни жисмига даркор бу жон дўст.

Дўстликда шарт шулки, экан ҳар қаерда у,
Ажралмагай йироқдаги ҳар меҳрибон дўст.

Гарчи йироқу гар яқинму худди жону дил,
Чунким вужуди кенг эрур то омон дўст.

Тинмай ташаккур айласак албатта оз эрур,
Бўлди шарофат илан чин меҳмон дўст.

Ҳар дам ҳамиша қалби муборак жон сенга,
Булбулга бургут ўрни каби ошён дўст.

Гарчанд бир жаҳонда яшаб ўлғимиз ахир,
Ким дўст санар сени бир жаҳон дўст.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ошиқи маст хушга келмас умрлар ўтмак билан,
Қатра кам келмас бу тақдир косаси тўкмак билан.

Қанча хатлардан муаммо битта чанбардир бу йўл,
Худди паргор айланурсан муттасил кетмак билан.

Севги шундай зўр эрурки, худди денгиз тўлқини,
Кам бўлурми меҳру севги ғарқ бўлиб чўкмак билан?

Севги ўчмас шуълаким, йўқ бошқа ўтга эҳтиёж,
Офтоб манглайда порлар моҳтоб ўчмак билан.

Ишқ бирлан бу қаламнинг қалби пайванддир азал,
Айру солмас кимса анга қанча қўрқитмак билан.

Оқ қўлинг менга узанди севгига мазҳар каби,
Муҳр босди унга ошиқнинг лаби ўпмак билан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳар фараз
Фикрларгадир иноқ,
Қайғу унга,
Ҳаргиз бўлмабдир қўноқ.
Агар эрта жала қуйса,
Ишлаймизми
Мирфайзи?
Нима ўзи,
Эсинг борми
Керак бўлса тош ёғсин,
Пайт ўтмасин
Бир пайтки, ўз билак кучи билан
Социализм қурамиз.
Балли:
Мана қайда экан кишилар,
Тошдан қуйган иродалар,
Тошдай маҳкам мускуллар.
Буларгина ёзажакдир
Куннинг қаҳрамонлигин.
Бурғалаб, турлантириб
Тўла тушумлар билан.
Агар
Қашқирбой урушса,
Лойқалатиб қишлоқни,
Уни албат ўлдиражак
Партячейка,
Комсомол,
Камбағаллар тўлқини,
Мактаб, тозалик ини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Майизу туршаккина,
Фолбин, қўшноч ип-нина,
Қоқиндиқ қилманг гина —
Халча бувидан таван.

Бир лаганда Ҳалвойтар,
Баркаш қилмай ул меҳтар,
Русми, ўзбекми, татар?—
Серовно Хитдан таван.

Қалондимоғ, лаб чўққи,
Тўрага тайёр ўқи,
Виставканинг лақ-луқи —
Субой ибдашдан таван.

Аччиқ ичакдай назм,
«Равнақи, арши азим»,
Губчак қорин, бадҳазм,
Мағзавадан бир таван.

Гоҳ жиртагу, гоҳ ҳазил,
Баъзида кетказиб зил,
Тиш остидан чиқиб тил —
Илжайиш биздан таван.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧУПОН

Яна мен бўриларни ҳой-ҳойлаб,
Чорвангизда чурук чопон чўпон,
Ётамен кечалар тонготар пойлаб,
Кўкда ҳулкарга телмуриб қолдим.

Тағи мен қирда қирғовул овлаб,
Чўлда тун қотган қарчиғай қўшиғин,
Ёппа ёлғизлиғинда ёв чоғлаб,
Уволимдан кўмак сўраб қолдим.

Энди мен аста-аста кун, ойлаб,
Изингизни Сомончининг йўлидан
Қидириб, ишларим-ла сой-сойлаб,
Қўйчивонликка ўрганиб қолдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Биз ишчимиз, меҳнатчимиз, дунё бизники
Қўлимизда қизил байроқ, туздик инқилоб.
Ватандошлар, қон-қардошлар босиб илгари
Қўлимизда болға-ўроқ, туздик инқилоб.

Большевиклар раҳбаримиз, Ленин отамиз,
Ер бизники, сув бизники, давлат бизники.
Партияга бутун халқлар раҳмат айтамиз,
Ҳуқуқимиз ва эркимиз ҳар вақт бизники.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу кун мен, дўстлар, дил малҳами дилбарни изларман,
Юзи гул, қомати сарв, сочлари анбарни изларман.

Чаман булбуллари шаънига юз оҳанг билан сайрар,
Муҳаббат бошига мен лоладин чанбарни изларман.

Анинг бахти учун тонг чоғида шаббодалар ўйнаб,
Қуёш нури юзига сочмоғи-чун зарни изларман.

Қадам қўйган ери гулзор ила бўстони жаннатдир,
Бўйига тенг бўлолмас боғ аро ар-арни изларман.

Анинг васлига бир савғо билан бормакни чоғлаб мен,
Ажаб гулдаста тердим энди нилуфарни изларман.

Анга мен соядек йўлдош бўлмакни қилиб орзу,
Енгилтак бир вужуди зарралар парварни изларман.

Юрак тўлқинларидан шаънида бир шеър ёзмакка,
Сиёҳига эзишга уд ила заъфарни изларман.

Ғуломингман кўзинг ҳаққи, десам ҳам қилмайин парво,
Демаским кўп замондан берли бу бепарни изларман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўн бир, ўн уч ҳижоли кенг қофияли
Жўн маснавий шеърдан кўплар зерикди,
Созга тушатурган «фаулотун»ли
Қийинроқ йўлларни бошлайман энди:

Шоирлик нима-ю заргарлик нима,
Олмос ўтказишга квартир эмас,
Бир узук қоши ҳам қилур кифоя.
Ғафурни ўқувчи билониҳоя
Халқимнинг ҳурмати — шунинг ўзи бас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бахт қилмасин ҳужум деб юзда ниқоб эди,
Дин оғуси шароб анга, толе сароб эди.

Чиммат кичик тешиклари улуғ офтоб эди,
Қалбинг иши сумоб каби сериэтироб эди.

Ҳасрат ҳисоб сўрмас эди, ҳоли хароб эди,
Алқисса, бу қисса ўзи талай боб-боб эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аввал баҳор эди, ўзи туймас эди назар,
Гуллар ари оёғига тўкмакда эди зар.
Осмон тиниқ, бамисоли дўкон шиша гар,
Гулдасталар қиёқ ўтдан боғлаган гуҳар.
Дил тоза, асаб шўху мусаффо юрак, жигар,
Ким тингламайди шунча ширин пок хуш хабар,
Ўзбек қизи озод, фарёд кўмилди,
Фарёд ила дод умрбод кўмилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УПАЙ

Мен ғарибон мунча банд этган хаёлингдан ўпай,
Тонг ели ўпган каби сарви ниҳолингдан ўпай.
Истадим озғин чибиннинг толеин афсуским,
Ўйлагандим лабларинг мазмуни болингдан ўпай.
Ҳар нафас кўзгудагидай гул юзинг қалбимда жо
Майли аксинг бўлса ҳам рухсори олингдан ўпай.
Рангчи туссиз, гавдачи енгил ҳавои туш каби,
Завқли хуммор кўзларингда бахтли фолингдан ўпай.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Йигирма уч йилинг билан қутлайман халқим,
Йилларингни аср десам ошмайди чини.
Астойдил сўйлаганда чўзилар ҳалқум,
Бамисоли қўлим шамшир, бўғозим қини.

Мардона ҳимматнинг ўзи камардир,
Ватан хизматига йўлга чиққанда.
Бизда толе офтоб билан қамардир,
Юлдуз пешонали она туққанда.

Муждан роҳатинг қутб юлдузи
Ўрмаловчи аждарга насиба эмас.
Биринчи маршалнинг бир дона сўзи,
Ким осмонда кучли у зўравон бас.

Эру хотин икки улуғ мард оилада,
Чкаловдай ибратнамо ўғил соҳиби.
Етукликнинг юзидан ниқоб кўтариб,
Парвозларнинг қудратини кўрсатган дамда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВАРИАНТЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар бир ижодкор меросини текстологик ўрганиш дастлаб қўлёзма манбаларни аниқлашдан бошланади. Шоир ижодхонасида сақланаётган оқлама, қоралама дастхатлар, улар учун ўрганиб чиқилган материаллар ҳар бир асарнинг яратилиш тарихини белгилашга, ижодкорнинг ўз асарига сайқал бериш устида олиб борган изланишларини тадқиқ этишга восита бўлади. Бундан ташқари, ижод жараёнини ўрганишда асарларнинг дастлабки нашрлари, уларнинг шоир томонидан қайта ишланиши, таҳрир этилиши натижасида нашрдан нашрга такомиллашиб борувини кузатиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ғафур Ғуломнинг шахсий архивида унинг турли йилларда яратган кўплаб шеър ва манзумалари, достон ва пьесалари, очерк ва ҳикоялари ҳамда тадқиқот ишларининг оқлама, қоралама ва машинка нусхалари билан танишиш мумкин. Қўлингиздаги «Мукаммал асарлар тўплами»нинг I томидан ўрин олган 1923—1940 йилларга оид поэтик асарлардан аксариятининг қўлёзма ёки машинка нусхалари сақланган. Бу ўринда «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка», «Тугасин такя», «Нефть», «Совет қаҳрамонларига», «Тошкент», «Боғ», «Диктатура», «Икки ёшлик» каби асарларнинг қўлёзма ва машинка нусхаларининг ҳам сақлаб келинаётганлиги факти ниҳоятда мароқлидир.

Шулардан «Таклиф қиламан», «Бари сеники», «Сельмашнинг бир дегрез шоири» каби шеърларнинг бир-бирини жуда кам миқдорда такрорлайдиган вариантлари мавжуддир. Ғафур Ғуломнинг «Бари сеники» шеъри устида олиб борган ижодий ишини кузатиш шоирнинг ижод услубини ўрганишда мароқли материал беради. Ғафур Ғуломнинг шахсий архивида сақланаётган оқлама ва қоралама дастхатлардан кўринишича, шоир дастлаб бу асарни «Едимга тушди» сарлавҳаси остида бошлаган. Шоир кейинча уни «Бари сеники» сарлавҳаси билан қайта ишлайди ва натижада асарнинг ҳаётий мундарижасини бениҳоя оширишга эришади. Шеърларга ғоявий ва бадиий жиҳатдан сайқал бера боришга бўлган бундай ижодий изланишни яна бошқа қатор қўлёзмалар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ўз навбатида шуни ҳам айтиш керакки, шоир яратган қатор асарларнинг қўлёзмалари сақланмаган. Айрим қўлёзмаларда шеърларнинг яратилиш санаси қайд этилмаган. Архивда тугалланмаган, бошланиши ёки хотима варақлари сақланмаган шеърлар ҳам мавжуд.

«Мукаммал асарлар тўплами»нинг ушбу томидан ўрин олган асарларнинг таянч матнларини қиёсий ўрганишда газета ва журналлар, шоир шеърларидан иборат тўпламлар, коллектив мажмуа ва антологиялар муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Томда асос қилиб олинаётган Ғафур Ғуломнинг 1964—1967 йилларда чоп этилган 5 томлик «Асарлар» тўплами I томига кирмай



www.ziyouz.com kutubxonasi

қолган шеърлар шоир архивидаги мавжуд қўлёзмалар, машинка нусхалар, илк нашрларга таянган ҳолда чоп этилмоқда.

Айрим илк қўлёзмаларни аниқлашда шоирнинг рафиқаси Муҳаррам Хайруллаеванинг ҳиссасини айтиб ўтишни ҳам лозим деб биламиз.

Адибнинг асарлари ўрин олган газета ва журналлар ҳамда алоҳида тўпламлар, кўп томликларни қайд этишда қуйидаги шартли қисқартишлар қабул қилинди:

«Динамо» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Динамо. Шеърлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1931.
«Эгалари эгаллаганда» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Эгалари эгаллаганда. Ўздавнашр, Тошкент, 1931.
«Тирик қўшиқлар» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Тирик қўшиқлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1932.
«Турғун ва ўрдак» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Турғун ва ўрдак. Ўздавнашр, Тошкент, 1935.
«Сизга» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Сизга. Ўздавнашр, Тошкент, 1935.
«Сайлов қўшиқлари» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Сайлов қўшиқлари. Ўздавнашр, Тошкент, 1938.
«Чашма» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Чашма. Шеърлар, Ўздавнашр, Тошкент, 1939.
«Мукофот» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Мукофот. Болалар ва ёшлар адабиёти нашриёти, Тошкент, 1940.
«Янги шеърлар» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Янги шеърлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1946.
«Шеърлар» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Шеърлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1946.
«Шеърлар-47» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Танланган шеърлар. Ўздавнашр, 1947.
«Тонготар қўшиғи» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Тонготар қўшиғи. Шеърлар. Ўздавнашр, 1949.
«Бари сеники» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Бари сеники. Шеърлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1953.
«Асарлар-53» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Танланган асарлар. Тўпловчи *П. Шамсиев.* ЎзССР Давлат нашриёти. Тошкент, 1953.
«Асарлар-63» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Танланган асарлар. Уч томлик. Биринчи том. Шеърлар. Редактор *Сарвар Азимов.* Ўздавнашр, Тошкент, 1963.
«Асарлар-64» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Асарлар. Беш томлик. Биринчи том. Шеърлар. Тузувчи *Порсо Шамсиев.* Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1964.
«Асарлар-70» — Ғ а ф у р Ғ у л о м. Асарлар. Ўн томлик. Биринчи том. Шеърлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1970.

Китобда асос қилиб олинган матнлар мисраларига қўйилган рақамлар уларнинг «Вариантлар» ва «Изоҳлар» бўлимларидаги ўринларини кўрсатади.

ИСТАКЛАРИМ

(24-бет)

*Дастхат:*

4 Вужудингдан бордир менинг гумоним,
10 ва 11
орасида Бойваччажон, сендан тоғанг ўргилсин,
Отангни топгани сени кўр қилсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Инахону Марусяхон, Сора деб,
Бир кунгина маст бўлмасанг, на бўлғай?
16 Ашур оши, халим учун боғла бел,
17 Етимларга ёрдам деса — кўз юминг,
21 Яша, «Муштум» почча, кўп ою йиллар
22 Фақат тез-тез чиқиб турсанг, на бўлғай?

## СУРНАЙ

(32-бет)

*Маориф ва ўқитувчи, 1928, № 7:*

1 Эски турмуш
2 йўқ
4 Ингларди тинмай,
12 Чалинди тинмай.
16 Қистоқлаб орий,
21 Деди йигитлар,
36 Куёв поччага
37 Ярашди «гул»дай.
43 Сочлар ёзилди,
44 Чимирди қошин,
47 Босди аямай.
54 Ўтга ёқдилар,
55 Ёлғиз Қумрини

## УЙЛАНИШ

(42-бет)

*Янги йўл, 1928, № 6:*

8 Йигитлик умрнинг ёзмиши,
15 Ёш кучнинг гавдасиз савлатга

## ОБАКИ ДАНДОН

(45-бет)

*Қўлёзма:*

15 Билмай ўнгу сўл, аъроф қолиб бўлмоқ оворо —

## ҚИШ ВА ШОИРЛАР

(47-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1929, 15 март:*

10—11 орасида
Қалам элига «Қиш» у «қор» мода шекилик

## ТУРКСИБ ЙЎЛЛАРИДА

(50-бет)

*Қўлёзма:*

41 Табриклар ҳайқириб,

*Қўлёзма; Аланга, 1930, № 5—6; Динамо:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

80 Енгиш таблини чалароқ
85 Қатордан бошлаб қўлёзмада йўқ.

*Қўлёзма; Аланга, 1930, № 5—6; Динамо:*

59 Савлат ошароқ,
196 Кечди,
211 Ҳайқириб кечажак.

*Аланга, 1930, № 5—6; Асарлар-63:*

123 Янадан сокитлик чўкар,

*Аланга; 1930, № 5—6; Динамо; Асарлар-63:*

1—2
орасида Достон

*Шеърлар-47; Асарлар-53:*

179 Ва тарих томирларига қуйдик
43—44
орасида
Бу йўллар
Кўп қадим йўллар.
87 Қилғувчи фотиҳлар,
132 Қолдирароқ бир ботир:
148 Қонли варақ
149 Устига сўрғич урароқ
153 Ҳайқирароқ кечмишдир.
183 Устидан
192 Босароқ,

*Асарлар-53:*

104 келарак кечмишдир

*Аланга, 1930, № 5—6; Динамо; Шеърлар-47; Асарлар-56 (1-том):*

92 Ё изсиз хабар.

АЛКОГОЛЬ

(56-бет)

*Машинка нусха:*

17 Узувон тутқун,

*Машинка нусха; Динамо; Қизил Ўзбекистон, 1930, 31 июль; Асарлар-56 (1-том):*

49 Акула

ТЎҚИНИШ
(59-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Машинка нусха; Динамо; Қизил Ўзбекистон, 1930, 1 август; Асарлар-53:*

6 Қизил доғ
34 Румон қироли,

*Қизил Ўзбекистон, 1930, 1 август:*

7 Чексиз суръат-ла,
9 Музёрар сингари,
36 Қўғирчоғи,
44 Миллиардлардан тоғ,
49 Виқор эътибор.
52 йўқ
59 Бир-бирин ютмоқчи,
71 Аксил ҳужумга тайёр!
77 Қора тупроқни
78 Ҳеч қандай ёт куч
80 Ёв қўйса қадам
85 Билмайди,

«ВОЙДОД, БОРМАЙМАН», ДЕДИ

(62-бет)

*Муштум, 1930, № 20:*

6 Районингиз бўлса ҳам обод, бормайман, деди,

ЯЛОВБАРДОРЛИККА

(63-бет)

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1930, 7 ноябрь; Динамо; Асарлар-53:*

41 Ўт очилган кунларнинг

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1930, 7 ноябрь; Шеърлар-47:*

120 Бу фармон шуурим —
136 Ёруғ ва боқий дунёни,

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1930, 7 ноябрь; Динамо:*

138 Синфий қилиққа,

*Қизил Ўзбекистон, 1930, 7 ноябрь:*

122 Миллиардча пролетар

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

(67-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қўлёзма:*

Ҳали жуда-жуда
гўдак бўлса ҳам
Елкасига юкланмишдир
Яшаш — ғам.
Қорин тўқлик қайғусида
Ола хуржин бўйнида,
Ёш чеҳраси чоллар каби
Кулфат — ажин қўйнида.
Ҳали қувноқ бир саъвадай чаманда
Ўйнар чоғи,
Шарманда —
Тўрва илган тиланади,
Нинни-нинни қўлларин —
«Сахий»ларча чўзади.
Гадой топмас кўчаларни кезади
Ёш бошидан кашанда,
Уҳ... дейди.
Махорканинг тутунига қўшилиб,
Мурғаккина ўпкасидан бир бўлак,
Зангори бир илон каби буралиб,
Соғлиқ — деган муаммога ўралиб,
Шу гумбази даввор ичра сингади.

Кўзларида маъносиз бир илтифот;
Пилталари ўйнаб кетган тўппича,
Бошпана йўқ борлиққа —
Шиква билан телмурар
Ҳей қадрдон кўча
Одамзоднинг қиммати йўқ асфальтча.
Комхознинг,
Кўз-кўз билан мўм эритган қозони,
Бу кун унинг
Ётар учун кўзлаб қўйган маскани.
Юмшоққина бўлсин дейди,
Хазонларни тўплайди.
Шох-бутоқдан чўпчак териб
Бир қултуқ
Қумғончани илади,
Қайнаб чиққунча ҳордиқ.

Комиссарлар қазиларни
Япроқ-япроқ-япроқлаб,
Перед обед ошқозонга
Жиндай «оқ кўмир» қалаб,
Ҳазмнинг ташвишида
У ҳам ўз ишида.
Қайноқ сувга қотган нонни бўктириб,
Бир қулт иссиқ ҳўплайди.

Олазак бир муштипар қарғадай
Ҳали замон ҳайдаб қолса
Милиционер, пожарной,
Билмам қайга яна дайди қадамини тезлайди
Мантипазнинг ўти сўнган
Ўчоғини кўзлайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маорифнинг улуғлари
Кўчаларни чанглатиб,
Автомобиль шоферини гангратиб,
Умум таълим мояларин қуваdи.
Бу ҳам моя,
Лекин унинг юзига
Шу чанглардан бир энликча қўнади.
У ҳам ортиқ четга чиқмай навбатдан
Арабакаш Бойматдан
Ўргангани сўкишни
Бирин-кетин тизади.

У сезади:
Дадасининг олтин узук таққан
Ўрта бармоғин
Маҳкам ушлаб, пилдироқлаб
Юрган болалар каби,
Кино нима, театру нима, яшамоқ нима,
Тағин
Аллакимдан ранжийди.
Кино унга «тойди» бўлса,
Театру «ачипти»
Бир Тошкентнинг ўзида,
Ҳукуматнинг марказида — кўзида
Рўйхатдан ўтмай қолган қирқ минг жон.
Маорифнинг вакиллари
Қаландардай тентираб,
Эшикларни қоқади —
Расмият.
Фақат
Минглаб Мишка, минглаб Ванька
Минглаб-минглаб Аҳмаджон
Расмиятдан ишга ўтиш
Муддатига боқади.

— Беринг,— дейди,— интернат,
— Беринг,— дейди,— фабзауч,
Биз унутилган тарқоқ куч
Энди ҳурмат
Бизга.
Модомики;
Умумий,
Мажбурий таълим
Ўқийтурган
Ўрганатурган
Қуратурган
Бизлардан бошқа
Айтинг
Ким!!!

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1930, 19 ноябрь.*

58 Қирқ минг жон!

*Машинка нусха:*

60 Капалакдай гул танлаб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

61 йўқ
63 йўқ

*Машинка нусханинг четига қуйидаги сатрлар ёзилган:*

Лоторей бу
Бундан келган фойда
Биз ўзлингизга
Биз-чи жуда
Тез кунларда
Салмоқ ва сифатлар билан
Ёш олимлар бўлиб
Келамиз қаторингизга.

*Қизил Ўзбекистон, 1930, 19 ноябрь:*

86 Ўқишга, ўрганишга

ТЎЛҚИНЛАР ОЛДИДА

(69-бет)

*Машинка нусха; Динамо; Қизил Ўзбекистон, 1930, 4 декабрь:*

35 Тўлқин — қизил доғ,
36—37
орасида Сўник бир чироғ
37 Милтирайди
43 Деб тинмай кеча-кундуз қилиб ҳаракат,
47 Зелинский район «Байналминал» колхозига

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1930, 4 декабрь; Динамо; Асарлар-56 (1-том):*

65 Муштумзўрлик луқмасига униб чиқади.

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1930, 4 декабрь; Асарлар-56 (1-том):*

70 Муштумзўрнинг қалбига очилган яра.

*Қизил Ўзбекистон, 1930, 4 декабрь:*

21 Бир бешикдай чайқади
27 Иғво тарқар;

БЕВИҚОР ҚОР

(71-бет)

*Машинка нусха; Динамо; Асарлар-56 (1-том):*

51 Паккасини тўлдирмасдан толмайди,

*Камбағал деҳқон, 1930, 16 декабрь:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

28 Оппоқ, сават бош пояни кўриб,

ТУГАСИН ТАКЯ

(73-бет)

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1930, 28 декабрь:*

98 Улар бизнинг меҳнат ҳордиқларини чиқаришда ёрдамчи

ҚУЛТИҚЛАНГАН КАЛЛА ТЎҒРИСИДА ҚОФИЯЛИ ВАЪЗ

(76-бет)

*Қўлёзма:*

34—35
орасида
Қўчқор Ғофурбоев билан Боқи ака,
Рабочийлар қаторида сиз бир пакка,
Гўшт-ёғларни ҳеч нормасиз оласиз нега?
Биз бу ишга жуда ҳайрон, дўстларимо.

ТАГДЎЗИ

(78-бет)

*Қурилиш, 1931, № 1—2:*

67 Биз ёш бола чоқларда

*Қурилиш, 1931, № 1—2; Тирик қўшиқлар; Асарлар-56 (1-том):*

85 Қўллари мазулланган,

*Қурилиш, 1931, № 1—2; Тирик қўшиқлар:*

88 Бир цехни ҳайқириб,
103 Зарбдор ишлаб ётир,
112 Йигитлик доғи эмас.

*Қурилиш, 1931, № 1—2:*

108 йўқ
113 Йигитлик ўз билан енг,
114 Тўла билик эгаси,
115 Ёлғиз унинг «бекаси»
123 Эм — тумларнинг қаҳридан

МАДАНИЙ ҚАТРА

(83-бет)

*Ер юзи, 1931, № 3—4; Тирик қўшиқлар:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

20 Лирикалар, турмуш кечиришлари
30 Мавзу илмий, мавзу ҳаётий куннинг...
77 Одамзод эгалик қилган тана
77 ва 78
орасида
Тўртдан учи сувнинг
145 Шўро табобатининг

*Тирик қўшиқлар:*

0 водопровод учун
2 йўқ
120 Унга занжир солмасин.
135 Биз уни кишанладик.

## ҲЕЧ ҚАНДАЙ БИР ҚЎРҒОН БОРМИКАН, БОЛЬШЕВИКЛАР ҚЎЛГА ОЛМАГАН

(87-бет)

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль; Тирик қўшиқлар:*

4 Шу содда тўртгина жумлада
17 Социал жаҳонга кўчиб ўтганмиз.
20 Лекин бўлиқ товушимиз ғурурин
40 Большевиклар қамал қилмаган!

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль; рик қўшиқлар; Асарлар-53, 56 (1-том):*

45 Биз гурра кўтариб билакни

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль:*

58—59
орасида
Ортмоқлаб кунларнинг савлатин
Кетмонга чиниққан елкалар
Милтиқ-ла ўпишсин,
Пишсин!
66 «Марш!»— деб,— «илгари!»

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль; Тирик қўшиқлар; Асарлар-53:*

69—70
орасида
Чивинзор шоликор, тўқайлар қурисин,
Майдонлар пахтага ҳақли

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль; Тирик қўшиқлар:*

3 Ўзбекистон шўроларининг қурултойига

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

31 Янги бир давр учун мойладик.
35 Учинчи қатъий йил қурамиз
39 Ҳеч шундай бир қўрғон бўлмагай
100 Қайтмасмиз кучлар енгилмагунча
101 Ҳеч қандай қарши куч бормики,

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль; Тирик қўшиқлар:*

103 Ҳеч шундай бир қўрғон бормикан,

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 20 февраль; Тирик қўшиқлар:*

104 Большевиклар қамал қилмаган!

## СЕЛЬМАШНИНГ БИР ДЕГРЕЗ ШОИРИ

(90-бет)

*Қўлёзма:*

Арпа, буғдой ош,
Пахта кийим бош
Бўлармиди қурилмаса
Бир қатор сельмаш!
Бир қатор саноқни санаб ўтдилар.

Тракторнинг эҳтиёт
Бўлаклари қаторига ўтолган
Ҳар бир шеър қандай бахтли
Шоирнинг ижодидир.
Ман тева минганларнинг ашуласин тингладим —
қандай мунгли улар,
Бу нима дедим, сафарда бу ҳам бир жабдуғи дедилар,
Тракторнинг шўх куйлари учун шу шеърим, бир жабдуғ
бўлсалар,
Севинарман қаҳ-қаҳа билан трактор сингари.
Муҳаббат риштасидан ўқ еган бир шоирни хазонрезгиликда
Учратдим, ҳар япроқ соврилган тиллалар каби бошида
капалак эди.
Шу давр ўғли, яъни ман ўртоқ сельмаш эшитиб қўй!
Ё шаҳид, ё ғозий, ё миллатчи фашист бир унсур эмас,
балки бир кадр,
Кунларни ёзолган бир шоир, қўйилган бир дегрез,
Сифати билан сенга хизматга бораман.
Сўкишга тўғри келади, кураш кунлари
Йўл устида узола ётиб, нордон мижзовлик сотувчиларни,

Мен қандай шоирки, даврнинг
Пайкалларин булар нега, деб сўрасам.
Мен оч қолайки, нималигин билмасам сепаратор ҳам
сеялка.
Сельмаш қурилсин тез.
Мана тайёр
биргадир
ҳам шоир эпчил дегрез.

*Ёш ленинчи, 1931, 15 апрель:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

1 Бир дегрез шоир Сельмаш эшигида
10 Сафарларнинг жабдуғидан,—
36 Қуёлғувчи бир дегрез
44 Даврларнинг гайкасин билмай нега?
51 Шоирликдан кўра аввал

НЕФТЬ

(92-бет)

*Машинка нусха; Қизил Узбекистон, 1931, 5 апрель*; ***Ти-рик қўшиқлар; Асарлар-53:***

40 Социал оламнинг бонги

*Қизил Узбекистон, 1931, 5 апрель:*

4 Қандай беш йил каби
11 Деган ғойибий фол,
21 Ер куррасини анор каби
29 Ўқувларни ишга қўйдик
30 Эркин ва таранг
41 Беш йилликнинг нефть режаси
50 Узоқларни кўрган

ОЛҚИШ

(94-бет)

*Еш ленинчи, 1931, 10 апрель:*

1 Ўртоқ Ғафур Ғуломнинг чиқиши
2—3
орасида
«Шеърдан парчалар»
41 Қурилишнинг бош йўлида

*Машинка нусха; Еш ленинчи, 1931, 10 апрель:*

46 йўқ
47 ГПУ миз кўрсатди.

*Машинка нусха; Еш ленинчи, 1931, 10 апрель; Тирик қў-шиқлар:*

48 Биз фабрикда эмгак тортиб
51 Эркни йўлдан уролмас.
58—59
орасида
Қулдан сўқғон қуёшларнинг
Ботувини хўрсиниб
Чин қуёшдан —
Шаппаракдай кўз тиниб

Ёлғончи тараннум,
Кўпикли воҳима,
Фасилли ҳурматнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эгаси шоирлар.

*Ёш ленинчи, 1931, 10 апрель:*

70 ва 71
орасида
Энди биз ёзамиз!
71—75 йўқ.
79 Чизмакликка қистаймиз.

*Машинка нусха; Ёш ленинчи, 1931, 10 апрель; Тирик қўшиқлар:*

83—84 Беш йилликнинг
Оёғига қуйган юз.
85 Биз ҳар ҳолда

СУЗАН, БИГИЗДАН МАШИНАГА

(97-бет)

*Муштум, 1931, № 7—8:*

13 Хотини ҳам Саври пўнқуш ҳеч бир кишига.

41—45
қаторлар ўрнида
Маъносини айтай бу кун местком ўқиган
«Фомин» деган фабрикага энди бизларни
Узатар эмиш,
Узатар эмиш.
Котиблар ҳам кўп ивишиқ оёқларини
50 Айтганидай, ҳафта ўтмай Нурмат «Фомин»га
53 Эски турмуш чигиллари уйдан бир йўлга
57 ва 58
орасида
Сигир, бузоқларни Нурмат яқин колхозга бағишлаб келди.
Бағишлаб келди.
Ҳалигача бу жуфт жонивор юкни рўзғорга
Нега керак? Коммунада сут, қатиқ деган
Истагандан мўл,
Истагандан мўл.
Эрта билан ҳар кишига бериб тураркан
65 Коммунанинг ошларидан кўп қорин тўқдир.
82 Эҳ, кунларнинг дағдағаси, савлати, донги

НОН

(99-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 7 август:*

19 Ғалла бермаймиз,
21 Ҳеч бир қўрқмаймиз.

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 7 август; Тирик қўшиқлар:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

24 Қорамуғдай ғараз тўлган

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 7 август; Тирик қўшиқлар; Шеър-лар-47:*

30 Панд урмоқда минг товланиб

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 7 август; Тирик қўшиқлар:*

58 Қозоқ акам етаклаган

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 7 август:*

74 Соч бўлиб ётир.

*Қизил Ўзбекистон, 1931, 7 август; Шеърлар-47:*

85 Қуюқ қон

ҚАЛБЛАР МОЖАРОСИ

(101-бет)

*Ёш ленинчи, 1931, 6 сентябрь; Асарлар-56 (1-том):*

11 Кўриб ва бир тан бирикиб турамен

*Ёш ленинчи, 1931, 6 сентябрь:*

16 Қалбларга улаган

*Ёш ленинчи, 1931, 6 сентябрь:*

35 Қалблар бор қайғу, кадарсиз

*Тирик қўшиқлар, Асарлар-56 (1-том):*

57 Ироданинг ҳарбга отланганин.

ҚУКЛАМ

(114-бет)

*Машинка нусха:*

8 Хаёл сирларингни,
9 йўқ
20 МТС курсига
23—24
орасида
Далага томон
25 Қулоқлар «шох»лигини
27 Қураш дулдулини

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1932, 14 февраль:*

33 ва 34
орасида



www.ziyouz.com kutubxonasi

Трактор қаҳқаҳа солган
Шудгор қирингга,
Сеялка завқимдай
Чигит қадаб,
Тирмалаб, пайпаслаб
Ўтган ерингга
Уйқашиб кетсам,
Куклам.

## УЧИНЧИ ҚЎШ

(116-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1932, 18 февраль; Асарлар-56 (1-том):*

25 Бўлмас, бўлса нияти,
27 Бултур уятин ювинг.

*Қизил Ўзбекистон, 1932, 18 февраль:*

23—24 ∾
25—26 ∾

*Танланган асарлар-56 (1-том):*

14 Уватларни увалатиб
24 Шер деганнинг ўлими,

## ЕТАР МАЙ, РУБОИЙ ВА АНЕКДОТ

(118-бет)

*Машинка нусха; Ўзбекистон шўро адабиёти, 1933, № 4; Асарлар-56 (1-том), 63:*

5 Чириган тупуриқдай ортиқ ташладим.
6 Меҳрибон ўртоқларсиз, бунда шубҳа йўқ,
10 Бу тўғри ҳурматингиз ҳаддан зиёда,
12 Пешона терингиздай мусаффо бода,

*Машинка нусха; Асарлар-56 (1-том):*

22 Қандай устодонадир ва маънопардоз,
25 Мозоргача бадмаст элитмакчидир.

*Машинка нусха; Ўзбекистон шўро адабиёти, 1933, № 4:*

31 Ҳали бизлар билмаган талай юлдузлар
32 Хайёмга иярганлар кўр каби излар
36 Қани энди яна кўп, ёд олган бўлсам,
37 Икки жумла ортиқ диалектика.

*Машинка нусха; Ўзбекистон шўро адабиёти, 1933, № 4; Танланган асарлар-56 (1-том):*

42 Шеъримни ўқийсиз-да, куласиз, албат...



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Машинка нусха; Узбекистон шўро адабиёти, 1933, № 4; Асарлар-56 (1-том), 63:*

44 Бир аъзоси бўлганим олий жамият
48 Юзида-ку қалбаки севинч, дилда оҳ,
56 Кўзларимда бор рентген нуридай кўриш,
60 Демак, менинг мардларча берган бу онтим.

КУКЛАМ МАРШИ

(120-бет)

*Янги Фарғона, 1933, 15 март:*

16—17
орасида
Минглар-ла,
Миллионлар-ла
Пўлат ўмров-ла
Қизил қўшиндай —
илгари!
Ёвлар қалбига отилган
Оташ қоршун —
Сингари!

ОТ

(121-бет)

*Қўлёзма:*

8—13
ўрнида
Баъзан дардли қўшиқдай
Урилиб шу тик тоққа,
Кўнгулларга қуюлур
Эркаланиб ҳар ёқдан,
Эркин қизлар лабидан
Кўтарилган кулкудай.
33—34
орасида
Бу от дул-дул насаби
Ғазот чопқири эмас.
Тоғ бардош туёғини
Уриб олса-да нафас,
Мазлум кўкрак устига
Эгаси елдирмаган,
Қамишдай қулоқларин
Чимирса-да бир умр.

*Узбекистон шўро адабиёти, 1933, № 5—6:*

2 «Коммунизм» колхозининг ишчи от — жийрон тўриғига бағишланадир
21 Чунки улар кўп озод

*Шеърлар-47:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

30 Шу азамат бағрига,

## ҚУМСАШ

(123-бет)

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1933, 29 октябрь; Ёш ленинчи, 1933, 29 октябрь; Шеърлар:*

5 Мана порлоқ кабирлик гувоҳномаси
9 Ҳаётки, кураш, онг, сезим, кўриш, чип,

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1933, 29 октябрь; Ёш ленинчи, 1933, 29 октябрь; Шеърлар; Шеърлар-47; Асарлар-53, 56 (1-том), 63:*

21 Ёшлик ҳаваси ҳар дам минг қайталайди,
22 Юрак ўти бир умр ёнар, сўнмаган.
24 Юрак вазмин ишлар-ла боғлиқ бўлса ҳам,
26 Бир машъал бўлиб қолдинг, ҳай комячейкам.
30 Бизнинг онамиз туққан шу тонг отарида.
32 Жабҳаларига синган ботир комсомол,

## СОВЕТ ҚАҲРАМОНЛАРИГА

(124-бет)

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1934, 18 апрель:*

1 Қутб қаҳрамонларига

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1934, 18 апрель; Асарлар-53, 56 (1-том):*

2 Эсар еллар, гувиллар, қонли тўфондан заҳарханда,

*Қизил Ўзбекистон, 1934, 18 апрель:*

13 Уч олмоқ бўлди, енгув касби бўлган қаҳрамонлардан.

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1934, 18 апрель:*

15 Улуғ денгизда кўчкин устида бошланди шўх турмуш,

*«Ўзбекистон» шеърлар тўплами, 1935:*

15 Улуғ денгизда кўчкин устида бошланди тенг турмуш,

*Машинка нусха; Шеърлар-47:*

27 ва 28 орасида
Учар фан белги аэроплан, учар қудратли дирижабль,
Учар энг мард ўғиллар кучли умид қалбда бардам.
Сузар ғолиб «Красин» ҳам йиғиб қудратни тез, эпчил,
Қутб фотиҳларига социал ўлка қилур ёрдам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Машинка нусха; Қизил Узбекистон, 1934, 18 апрель:*

33 Бўронлар қирқилур тўзмай, қанотлар худди бир шамшир.

*Машинка нусха; Шеърлар-47; Қизил Узбекистон, 1934, 18 апрель; Асарлар-53 (1-том), 56, 63:*

42 Бу кун порлар улуғ доҳий нишони мард кўксларда.

*Қизил Узбекистон, 1934, 18 апрель; Шеърлар-47; Асарлар-56 (1-том):*

44 Бу бизлар большевиклар янги қўрғонлар олиб мағрур.

ТОШКЕНТ

(126-бет)

*Қўлёзма; Қизил Узбекистон, 1934, 1 август:*

4 Мақтаса арзийди кўп эмас пича.

*Қўлёзма; Машинка нусха; Қизил Узбекистон, 1934, 1 август; Шеърлар-47; Асарлар-56 (1-том):*

6 Шаббодалар тинмайди тонгдан-кечгача

*Қоралама; Қизил Узбекистон, 1934, 1 август:*

11 Тошкентнинг сувлари зумраддан тоза:

*Қоралама; қўлёзма; Қизил Узбекистон, 1934, 1 август; Шеърлар-47; Асарлар-56 (1-том):*

13 Беқасамдай товланган шу буюк фазо
14 Рангинликни, тўғриси, Тошкентдан олган.
15 Бу ернинг мевалари шунчалик асл,
16 Кумуш бутоқларда ёқутдан кўркам.
17 Бу ерда узун йиллар билмайди фасл,
18 Узига ватан билмиш Тошкентни кўклам.

*Қоралама; қўлёзма:*

21 Мақталса арзийди кўп эмас пича.
22 Ижтимоий ватаннинг юрак тўрида

*Қоралама; қўлёзма; Шеърлар-47; Асарлар-56 (1-том).*

28 Тошкент Узбекистоннинг қизил маркази,
29 СССР оиласида ҳуқуқли аъзо.
30 Бу ўлкада меҳнат элин эркин нафаси,
31 Ҳаво миллий, кундошликнинг чангидан тоза.

*Қоралама; қўлёзма; Шеърлар-47; Асарлар-56 (1-том):*

32 Мен яқинда паспорт олдим совет паспорти,
33 Унда номер ўн уч миллион етти минг қирқ беш,



www.ziyouz.com kutubxonasi

34 Демак мен ҳам граждани Советлар юртин,
35 Бир юз етмиш миллион сонли улуғ кучга эш.
36 Майли шоир ё санъаткор бўлмаслик мумкин,

*Қоралама; қўлёзма*; *Асарлар-56* (*1-том*):

38 Унда фикр, меҳнат, озод яшамоқ эркин,

Дастхат:

Тошкент шаҳрининг тарихи узоқ,
Искандар, Доролар билан ҳамнафас.
Узоқ минг йилларнинг мазмуни бироқ,
Бизнинг кундуз каби ёриқроқ эмас.

Қуёшли Ўзбекистон бахтли Тошканди,
Ўлкам пойтахти, ўлкам кўзидир.
Ҳар қанча мақтасам сўз етмас энди,
Танни ҳам, жонни ҳам айни ўзидир.

Ер олтин, сув зумрад, кўки забаржад,
Асфальт кўчаларинг чети хиёбон.
Кўк ўпган бинолар бу ерда беҳад,
Олти тараф тузгун, ҳар бир ободон.

КЎРИНУР

(130-бет)

*Қўлёзма:*

Темир қанот билан учсанг товланиб тубан кўринур:
Севимли, кенг, азамат социал Ватан кўринур.

Сариқ денгиз-ла Қора денгизу қутб-ла жануб,
Пўлат метинга ўралган катта битта тан кўринур.

Кундузлари-ку қуёш нур олур бу тупроқдан,
Кеча чироғлари кўк юлдузи каби шан кўринур.

Қанотларингни кериб эркин уч улуғ элдан,
Саодати азали чулғаган чаман кўринур.

Бинолари кўкўпар мунтазам шаҳар кўп,
Совет шаҳарлари бу, бунда илму фан кўринур.

*Машинка нусха:*

1—2
орасида йўқ/қўшиқ

*Қўлёзма*; *Машинка нусха:*

9 Бу ўлкада на зулм, жабру, кишан кўринур.
10 Бинолари кўкўпар мунтазам шаҳарлар кўп,

БОҒ



www.ziyouz.com kutubxonasi

(131-бет)

*Қўлёзма; Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Шеърлар-47; Асарлар-53:*

3 Қалб кўзидай энг қоронғи кўчада порлар чароғ,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Машъала, 1934, № 2; Ўзбекистон чироғлари; Шеърлар-47; Асарлар-53, 56 (1-том):*

5 Сув десанг шарбат оқар, иқлим десанг қаймоқли ёғ,
36 Қалтирар, сапчиб тепар, ҳуркар кабутар қалбидай,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Ўзбекистон чироғлари; Асарлар-53:*

47 Кимда бўлса бу чамандан гул узишнинг нияти,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Машъала, 1934, № 2; Ўзбекистон чироғлари; Шеърлар-47; Асарлар-56 (1-том), 63:*

45 йўқ

*Қўлёзма; Ўзбекистон чироғлари:*

51 Боғчанинг ҳар кимсага бор ўзгача хосияти.

ЯНГИ ИШҚ

(133-бет)

*Ёш ленинчи, 1934, 17 сентябрь:*

2 Ёзувчилар биринчи қурултойига
4 Ўтган бўлсин дарди ўтли севгисиз.
17 Устоз ошиқ Горький юксак тоққа тенг,
18 Минбар оша янги ишқдан берар эди хабар.

ЎРДАК ВА ТУРҒУН

(134-бет)

*Машинка нусха; Ленин учқуни, 1934, 7 ноябрь:*

6 Оппоқ гажак қанотли елканли кема,
17 Ой нурига эрмак экан икки қирғоқда
40 Бир умтилиш яхшидир тинмай ҳар нафас.

*Ленин учқуни, 1934, 7 ноябрь; Мукофот; Шеърлар; Ўрдак ва Турғун (1955):*

3 Кўм-кўк қуюқ ўрмончада ёппа-ю ёлғиз.

*Ленин учқуни, 1934, 7 ноябрь; Мукофот:*

20 Кеза-кеза очиққанин яхши сезибди:
29 Ўрдак кўзин шамғалатиб қоча берибди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Машинка нусха; Ленин учқуни, 1934, 7 ноябрь; Мукофот; Ўрдак ва Турғун (1955); Бари сеники:*

31 Ҳорғин кепти очлигича ўз катагига.

*Машинка нусха; Ленин учқуни, 1934, 7 ноябрь; Мукофот; Ўрдак ва Турғун (1955):*

42 Ўтган йили бир классдан ўтолмай қолди,

*Ленин учқуни, 1934, 7 ноябрь; Мукофот:*

46 Шундай улуғ зўр байрамда ударник Турғун

*Ленин учқуни, 1934, 7 ноябрь; Мукофот; Шеърлар; Ўрдак ва Турғун (1955); Бари сеники:*

48 Бошқа ялқов ва умтилишсиз ўртоқларини
51 Бир умтилсак ҳар қолоқлик орқада қолар!

ДИКТАТУРА

(136-бет)

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1935, 13 январь; Асарлар-53 (1-том), 56, 63:*

11 Мақтасам кўп арзийди, тилимиз бурро,

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1935, 13 январь; Асарлар-53, 56 (1-том):*

17 Оғир саноатдан: ҳам Сельмаш, Шўрсувдан,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Шеърлар-47; Асарлар-53:*

19 Бу Ватан бизники, бунда яшади

*Асарлар-63:*

31 Маданий мамлакатда бўлди ҳамоҳанг.
32 Айниқса, ҳайқирсак арзийди «ура!»
34 Барисин сен бердинг, ҳей диктатура.
35 Қаторлар бузилмас, сафлар занжирбанд,
36 Юракда вулқонли севги гурлайди.

*Қўлёзма; Асарлар-53:*

38 Номинг қалблар оша кўкка ўрлайди.

*Қўлёзма; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1935, 13 январь:*

41 Курсилар қўзғалади, қоматлар баланд,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1935, 13 январь; Шеърлар-47:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

45 Сен бизга ҳар нарсасен, эй диктатура.

БОҒДА

(141-бет)

*Гулистон, 1935, № 7; Асарлар-56 (1-том):*

14 Бундаги эркин ҳар граждан бандга эгмайди бўйин,

ҚОЛХОЗ ҲАНГОМАСИ

(142-бет)

*Муштум, 1935, № 15—16:*

3 —/Ғафур Ғулом ва Собир Абдулла
4 Шундай ўлкадамизки, унда иш, ижод,
32 Оз бўлса-да, кулдирса, илиб кетаман.
141 Комсомол қизларга пар бўлсам эди,

МАРСИЯ ЭМАС

(147-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1935, 2 сентябрь:*

6—7 орасида
Бу — сингирлар, уюшиқ

*Қизил Ўзбекистон, 1935, 2 сентябрь; Асарлар-56 (1-том):*

12—14 ўрнида
Умтилиш, ишқ
32 Шу нуқтада бошланур сўнмас яшайиш,

С. АЙНИЙГА

(149-бет)

*Қўлёзма:*

3 Бу оқсоқоллик сенга субҳи козибдай,

ИККИ ЁШЛИК

(150-бет)

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1935, 8 январь; Мукофот; Шеърлар; Асарлар-53, 56 (1-том):*

4 Толкучукдан жевак таққан майса боғлардан,
22 Пастак томлар, пилта чироқ, сасиган танча,

*Машинка нусха:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

47 У юксакда учмоқ учун дадил чоғланган:

## ХОЛДОРОЙНИНГ НАКАЗИ

(152-бет)

*Қўлёзма:*

53 Борлиғин кўрсатарди,
67 Сайлаб совет сафига.

*Қўлёзма:*

61 Энг яхши делегатлар,
87 Делегатлик қандай мос!

## БАРИ СЕНИКИ

(157-бет)

*Қоралама 1:*

Мунча ҳам соғинтирдинг азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан интизор таним,
Қанот қоққан жўжадай титраб баданим,
Иштиёқ ҳижронида қолдим севганим,
Чаманлар, гулбоғлар ёдимга тушди.

Лоладан пойандоз ҳар бир қадамда,
Узлуксиз кулгуга доимо банда,
Олтун тупроғингни ўпганим дамда,
Нафасинг сезилар эди баданда,
Ҳароратли қучоғлар ёдимга тушди.

Иссиқ қуёш бошимдан силаб ўсдирган,
Оёғимга устингда кирмаган тикан,
Кипригимга қўнган зарринкор чангдан,
Алқисса, шаббода чалган оҳангдан,
Мусиқавий жумбоғлар ёдимга тушди.

Баланд-баланд тоғларинг минг пилла поя,
Арчалар ёнбағрига ташлайдир соя
Мен ошиқ шаббодая, қуёша, оя,
Шеър ўқиб — шеър ўқиб билониҳоя,
Чулдироқ ирмоқлар ёдимга тушди.

*Ерқин турмуш, 1937, № 4—5:*

1 ва 2
орасида
(Иброҳим Раҳматовга)

*Қоралама 1:*

2 Мунча ҳам соғинтирдинг, азиз Ватаним,
3 Бодомдай минг кўз билан интизор таним,



www.ziyouz.com kutubxonasi

4—6
ўрнида

Қанот қоққан жўжадай титраб баданим,
Иштиёқ ҳижронида қолдим севганим,
Чаманлар, гул боғлар ёдимга тушди.

*Қоралама 1; Ерқин турмуш, 1937, № 4—5:*

8 Узлуксиз кулгуга доимо банда,

*Қоралама 1:*

13 Арчалар ён бағрига ташлайди соя,

*Бари сеники:*

13 Арчалар қуйига ташлайди соя,

*Қоралама 1:*

14—16
ўрнида

Мен ошиқ шаббодая, қуёша, оя,
Шеър ўқиб биланиҳоя,
Чулдуроқ ирмоқлар ёдимга тушди.
*Қоралама 2:*

17 Иссиқ қучоғингда унган лолалар,
24 Кунда беш юз кило терган дўндиқ қиз,

*Қоралама 1; Машинка нусха; Ерқин турмуш, 1937, № 4—5; Шеърлар; Бари сеники:*

27 Иссиқ қуёш бошимдан силаб ўсдирган,
28 Оёқларга устингда кирмайди тикан,

*Қоралама 1:*

31 Мусиқавий жумбоқлар ёдимга тушди.

*Қўлёзма: Ерқин турмуш, 1937, № 4-*

34 Лениннинг шуури ҳар онгга сингди,

*Қоралама 2:*

37 Севган Партиямиз чақириб агар,
38 Баримиз бутун бир жон бўлиб сафарбар,

*Қоралама 2; Ерқин турмуш, 1937, № 4—5:*

40 Сингари ҳайқирамиз арслонлар қадар,—

*Бари сеники:*

40 Сингари ҳайқирган арслонлар қадар,—



www.ziyouz.com kutubxonasi

41 Бизнинг иқболимизда — бари сеники.

## КУК БУСАҒАСИДА

(159-бет)

*Қўлёзма:*

2 йўқ
3 Осмон қатламлари бизнинг зинамиз,

*Қоралама; қўлёзма; Машинка нусха; Гулистон, 1936, № 7—8:*

5 Шундай юксакларга кўтарилдингки,

*Қоралама; қўлёзма:*

6 Тингладинг Зуҳронинг урган юрагин.
7 Сиз осмон қопқасини қоққан соатда.
9 Сизнинг қанотларга бокир тонг кўзини
11 Масофа, узоқлик сизга афсона
12 Тонгда Москвада, тонгда қутбда.
13 Тонгда Камчаткада, тонгда маррада,

*Қўлёзма:*

19 Қўрқ, қуёш, яқинлашди сени юганлаш,
21 Биз тунларга ёв: бизнинг ўлкага,
22 Муттасил кундуз учун бўлдинг сафарбар.
31—34
ўрнида
Этик пошнадай
Помир чўққилари биз юксаларкан,
Сингари юксалишга бир воситадир;
Чунки бу ўлканинг ботир эрлари,
Муаллими толеимга ғоят устадир.

*Қоралама:*

39—42
ўрнида
Чкалов учиши қуёшга қараб,
Ер шари тан қувватига бир воситадир.
Бу бўлур ватанимиз ботирларининг муаллими
Пропеллерингизга боркашон қизин
Олов кокиллари чулғанар эди.

## ШЕЪР ҲАМ СОБУН

(161-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1936, 24 октябрь:*

2 («Мулланур Воҳидов» номидаги собун заводи ишчиларига)



www.ziyouz.com kutubxonasi

8 Учмохлар яратув бизнинг ишимиз.

*Машинка нусха:*

11 Жуда эски ўтмишдан мерос бу дунё

*Қизил Ўзбекистон, 1936, 24 октябрь:*

20—26 йўқ
27—34
қаторлар газетада 18—19 қаторлар орасида келган.

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 24 октябрь:*

34 Дунёни тозалашга етар кучимиз.

СТАДИОН ОҚШОМИ

(162-бет)

*Қўлёзма:*

6 Томошабин кўзидай чироғлар ёнар,
10 Ана полвон келади, Полвон келади!»

*Бари сеники; Комсомол:*

12 Яғрин ташлаб елади, мағрур бепарво,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Комсомол; Шеърлар:*

18 Ҳукмини юргизади ҳакам минбари,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Бари сеники; Комсомол:*

19 Ҳукмга — қирқ минг қўлдан қарсакли имзо.

*Бари сеники; Комсомол; Шеърлар:*

21 Жилваланар бош устида кўм-кўк фазо.

*Қўлёзма; Машинка нусха; Бари сеники; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 сентябрь; Комсомол; Шеърлар:*

26 Ўсар, дадилланар шу йигит секин,

*Бари сеники:*

32 Тингланар юрак зарби, асаб жўшқини,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 сентябрь:*

33 Гўё, ҳамма қаҳрамон, ҳамма паҳлавон.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ

(163-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қўлёзма:*

1—21
ўрнида

Одамият бахти учун бўлган асос,
Бу партия режа солган қонун асос,
Бу ўлкада одамзод ҳур, фикр, ижод ҳур,
Синфсиз жамиятмиз — йўқ заиф, зўр.

Меҳнат, билим истироҳат шараф иши,
Қоралланмас ҳеч граждан шод ёзмиши.

*Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 ноябрь:*

1 ва 2
орасида:

Қурултойнинг 17-нчи ноябрь кечки мажлисида чиқиб сўзлаганида айтиб берилган.

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 ноябрь:*

2 Миллион йиллар яша, шонли Партиямиз,
9 Бир парча нон асирлари, дарбадарлар.
17 Сўнмас чироғ нури сари бизни бошлаб.

*Қўлёзма; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 ноябрь:*

23 Бўз даладан чаманзорлар яратолган.

*Қўлёзма; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 ноябрь:*

46 Сўнгсиз яша мураббиймиз, партиямиз,

*Қўлёзма; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 ноябрь:*

48 Қўрқинч ўтмиш, йўлсиз кеча, қора мозий,

*Қўлёзма:*

62 Отамиз ким, ким эдик биз, бу кун ҳоким,
64 Тонг нур тўкгач чақмоқ кўзимиздан,

*Машинка нусха:*

64 Тонг нурида тўлган чақноқ кўзимиздан,

*Қўлёзма:*

66—69 йўқ

*Қўлёзма; Машинка нусха:*

70 Шундай эркин, ҳур ва қувноқ Ватандамиз,

*Қўлёзма; Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 ноябрь:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

74 Сен ўстирдинг одамият ўз меҳрини,
75 Бизга бердинг ҳокимият зўр муҳрини.

*Қўлёзма:*

78—79 йўқ

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 18 ноябрь:*

79 Сен ўсдирдинг бизда идрок ва даҳони.

*Қўлёзма:*

80 Шу шарафни йўқотмасга онт ичамиз.

НОРТОЖИНИНГ КУРАК ТИШИ

(166-бет)

*Ленин учқуни, 1936, 6 декабрь; Ёрқин турмуш, 1937, № 5; Мукофот:*

4 Бир парча гўшт ёки нон ея қолдими

*Ленин учқуни, 1936, 6 декабрь; Ёрқин турмуш, 1937, № 5:*

57 Қизиллик югурган нозанин бетга.

*Ёрқин турмуш, 1937, № 5:*

58—61 йўқ

МАДРИД ҚЎШИҚЛАРИ

(169-бет)

*Машинка нусха; Шеърлар-47:*

24 Замбараклар тебратар бешикларини.

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1936, 7 ноябрь; Шеърлар-47:*

27 Бомбалар гулхандай ёнган ўчоқда.

*Қўлёзма; Машинка нусха; Шеърлар-47:*

44 Мажолсиз бўлди душман
60 Юрагимиз бирга қурган ватанимиз бор,

САНЪАТИМ

(172-бет)

*Қўлёзма:*

2 (Ўзбек санъатининг нишонли ўғилларига)

*Қўлёзма; Гулистон, 1937, № 5; Ёрқин турмуш, 1937, № 5:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

17—18
орасида:
Опа-сингил саодати, бахт юлдузисан

НОМЗОД — МАШИНИСТ

(173-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1937, 29 ноябрь:*

1 Қандидат машинист
2 йўқ
15 йўқ

МАВЖУДА

(175-бет)

*Ёрқин турмуш, 1937, № 10—11:*

1 ва 2
орасида
(Миллатлар Советига кандидат)
5 Эди оғир замон, Мавжуда жуда.
31 Етимлар, бевалар, туллар усти бут,

САРАЛАНГАН ЎҒИЛ

(177-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1937, 26 ноябрь:*

16 Хўжалар устида қўзғалди қуллар,
27 Ўз бошига етди ноқулай сопқон.

*Ўн иккинчи:*

32 Туғилган халқимиз сен-ла мақталар,

*Қизил Ўзбекистон, 1937, 26 ноябрь:*

37 Бир синфсиз тилак бошларда жиға,

БАХШИНИНГ ХОТИРАСИ

(179-бет)

*Машинка нусха; Сайлов қўшиқлари:*

1 Қандидатнинг хотираси

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1937, 26 ноябрь; Сайлов қўшиқлари; Асарлар-53-63:*

19 Қанотни силкитиб, йиқитди ажал,

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1937, 26 ноябрь; Сайлов қўшиқлари; Асарлар-53:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

27 Турмушга ташналаб кўзлар юмилди,

*Машинка нусха; Қизил Ўзбекистон, 1937, 26 ноябрь; Сайлов қўшиқлари:*

29 Ва лекин қўшиғи қоқажак қанот...

## ҚУТБДА САЙЛОВ

(180-бет)

*Машинка нусха; Еш ленинчи, 1937, 5 декабрь; Сайлов қўшиқлари:*

4 Қоқмас ҳаттоки чайкалар қанот,

*Машинка нусха:*

8 Жимликка қадалган бир қора ўтов,

11 Коинот қўйнида ер бениҳоя,

*Машинка нусха; Еш ленинчи, 1937, 5 декабрь; Сайлов қўшиқлари:*

25 Ботирлик ҳуснининг элга ёқиши —

*Машинка нусха; Сайлов қўшиқлари:*

40 Қоқмайди ҳаттоки чайкалар қанот,

*Еш ленинчи, 1937, 5 декабрь:*

28 Қутбимизнинг соқовлиги бузилар,

## САЙЛОВ ҚАСИДАСИ

(182-бет)

*Сайлов қўшиқлари:*

8 Гумбаз бўйлаб ёйилган нур нуқталар
20 ва 21
орасида
Бўлса эди юлдузларнинг овози,
Кимни сайлаб қилар эди
Кўкка бош?
Албат кўкнинг рўйхатида якдил-ла
Нур машъали сайланарди ул қуёш!
75 Зўр нафаслар ловуллаган ёнғинлар
80 Давом қилар муаллақбоз ўйинин

## ТУРСУНАЛИ НЕГА ВАРРАКДАН АЙНИДИ?

(188-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Машинка нусха; Мукофот; Шеърлар:*

1 Турсуналининг варраги

*Машинка нусха; Мукофот; Ленин учқуни, 1937, 3 апрель; Шеърлар; Асарлар-56 (1-том):*

16 У қунт билан безамоқда қоғозни оппоқ,
17 Катта бутун тахта қоғоз ўзи ҳам қуроқ.

*Машинка нусха; Ленин учқуни, 1937, 3 апрель:*

31 Турсунали варрак қилиб унга термулди.

*Мукофот:*

35 Зўр гигантлар, шу колхозлар, шу олий баҳо

МЕҲНАТ ВА ҲУРМАТ

(192-бет)

*Қизил Ўзбекистон, 1939, 5 февраль; Асарлар-56 (1-том):*

2 Қишлоқ хўжалик стахановчиларининг республика кенгашига

*Қизил Ўзбекистон, 1939, 5 февраль:*

5 Унумлар-ла ўлкамнинг колхозистони

*Қизил Ўзбекистон, 1939, 5 февраль; Асарлар-56 (1-том):*

6 Ёруғ келажаклидир пешонангиздан.
16 Виждон билан номланур ҳар ҳалол меҳнат.

ЯША, ДЕЙМАН, ЎҒЛИМ!

(193-бет)

*Машинка нусха; Ленин учқуни, 1939, 20 ноябрь; Шеърлар:*

16—17
орасида
Дада, мен ёвга қараб отсам тўп!
Дада, нега соқолингизнинг оқи кўп!
Душман ўлсин, маслаҳат қилгин хўп,
Бошинг ерга солиб не дейсан?
— Яша,— дейман ўғлим!
22—23
орасида
Дада, мен кирсам агар беш юзга
Умрлар гаровдир орзумизга,
Уйлансам битта эскимос қизга,
Сен бу ёнда қолиб не дейсан?
— Яша!— дейман ўғлим!

*Машинка нусха; Ленин учқуни, 1939, 20 ноябрь:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

25 Ёзганимни олиб не дейсан?

АЗИЗНИНГ ДАДАСИ НОС ЧЕКИШНИ ТАШЛАДИ

(194-бет)

*Машинка нусха:*

17 Афв этинг болалар,

ҚУТЛУҒ КУН ҚЎШИҒИ

(195-бет)

*Қоралама:*

5 Нур сочар ҳамиша энди йўлингга.

*Қўлёзма:*

5 Нур сочар бир умр порлоқ йўлингга.

*Қўлёзма:*

8 Имтиҳон қоғози қўлингга тегди,
9 Аъло, аъло, аъло — бутун мазмуни.
10 «Одамни тупроқдан», дердилар бироқ,
11 Тош-тупроқ тақдири одамдан экан.
16 Сенинг ишқинг билан қалбимиз тўлиқ.
18 Чалинди шодликнинг ғолиб карнайи,
20 Йигитлик жомида ғалаба майи,

*Қоралама; Қўлёзма:*

22 Инсоф лаззатини сезмаган киши

*Қўлёзма:*

28 Унга душман қасд қилса топажак барҳам,
30 Кишига бош эккан суратин чексанг —
33 Бу мункиш бошни ерга тиқади.
37 Бутилка синдириб, аккорд олмоқчи.

*Қоралама; Қўлёзма; Машинка нусха:*

39 Бутун халқлар билан бирликда, бардам,

АҲМАД ЁМОН БОЛА ЭМАС-КУ, АММО

(200-бет)

*Қўлёзма:*

6 Бошқа дарслардан «аъло», «яхши» бўлса ҳам,

*Шеърлар; Бари сеники; Асарлар-56 (1-том):*



www.ziyouz.com kutubxonasi

7 Интиқому тозаликдан унда кам,

*Шеърлар; Бари сеники:*

35 Шарақ-шарақ оқмоқда-ку ҳар ёқдан,

*Бари сеники:*

39 Чувак, этик, сандал, калиш, туфлилар,

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

(209-бет)

*Мукофот*; *Шеърлар; Асарлар-53, 56 (1-том):*

17 Самолётлар кумуш ғозу осмон — океан сув.
21 Ҳар бир ўқи ёв кўкида чалиб ўтар марш.
25 Қолонналар илгарига, қани, шагом арш!

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЗОҲЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғафур Ғулом адабиётимизнинг ёрқин сиймоларидан биридир. Унинг ижоди Коммунистик партия раҳнамолигида халқимиз босиб ўтган тарихий йўлнинг бадиий солномаси сифатида китобхон эътиборини ўзига жалб қилади.

«Ҳар бир талантли ёзувчи адабиётга қандайдир ўз темаси ва программаси, ўз мақсади ва эътиқоди, ўз мушоҳадаси ва қарашлари билан, қисқаси, ўз орзуси билан кириб келади. Бу «орзу»ни эса ўша ўзи яшаб турган қайноқ ҳаётдан олади, унда шу ҳаёт, унинг ранг-баранг кўринишлари, қонуниятлари, йўналишлари ва тенденциялари, инсоний муносабатлар ва унинг ҳис-туйғулари ҳақида қандайдир янги фикр айтиш эҳтиёжи туғилади. Ғафур Ғулом адабиёт майдонига мана шундай ўз «орзу»си ва эҳтиёжи билан қадам қўйган ёзувчидир. У ўзи яшаган давр вазиятини, ҳаёт оқимини, давлат, партия ва халқ олдида турган улуғвор вазифа ва масалаларни, ҳар хил мураккаб воқеалар, тўсиқлар ва имкониятларни чуқур тушуниб, ўз ижодини шу янги илғор, прогрессив кучни ҳимоя қилишдан, социалистик воқеликни тасдиқлашдан, янги эстетик идеал учун курашишдан бошлади». (С. Мамажонов, Шоир ва замонавийлик, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1953). Шоир шеърларининг яратилиш тарихи билан яқиндан танишган китобхон улардан ҳар бирининг социалистик қурилиш йилларининг энг характерли ҳаётий лавҳалари асосида юзага келганлигининг шоҳиди бўлади.

Қуйидаги изоҳ бўлимида мазкур томдан ўрин олган шеърлар ҳақидаги тарихий-библиографик маълумотлар келтирилади.

## ҚЕЧМИШ ВА ҚЕЧИРМИШЛАРИМДАН

(11-бет)

Дастхати шоир архивида сақланади. Дастлаб «Асарлар-53»да, сўнг «Асарлар-70»нинг I томида эълон қилинган.
Томга дастхат асос қилиб олинди.

13-бет, 10 *Келес* — Тошкент область Калинин районидаги шаҳар посёлкаси. Тошкентдан 13 км шимоли-ғарбда жойлашган.

19 *Хислат* (1880—1945) — ўзбек шоири, таржимон. «Ҳадяи Хислат» шеърлар тўплами маълум. «Армуғони Хислат», «Савғоти Хислат» баёзларини чоп эттирган.

21 *Муҳаммад Амин Муқимий* (1850—1903) — ўзбек демократ шоири. Чуқур ҳаётий мундарижага эга бўлган ғазал, мухаммас, мураббалар автори. Муқимий ўз сатираларида маҳаллий амалдорлар, судхўр бойлар ва риёкор руҳонийларни аёвсиз фош этади ва меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

22 *Фурқат Зокиржон Холмуҳаммад ўғли* (1858—1909) — ўзбек демократ шоири, маърифатпарвар. Ҳаётий муҳаббатни куйлаган лирик асарлари билан бир қаторда рус халқининг илғор маданияти, фан-техникаси ютуқларини ижобий баҳолаган ва асарларида уларни юқори пафос билан куйлаган сўз санъаткори.

22 *Асирий Тошхўжа* (1864—1916, Хўжанд, ҳозирги Ленинобод) — тожик ва ўзбек шоири. Шеърларида энг яхши инсоний фазилатларни улуғлаб, илм-маърифатни тарғиб этган. Асирийнинг риёкор руҳонийларнинг кирдикорларини фош этиб ёзган сатирик асарлари ҳам кўпгинадир.

14-бет, 10 *Алишер Навоий* (1441—1501) — улуғ ўзбек шоири. Адиб ўзининг тўрт мустақил девондан иборат «Хазойинулмаоний», беш достонни ўз ичига олган «Хамса»си билан ўзбек адабиётида инсонпарварлик темаларининг кенг пландаги талқинларини берди. Асарларида пок инсоний муҳаббат, дўстлик, меҳнатга рағбат ғояларини юксак маҳорат билан куйлади. Ўз ижоди билан ўзбек насрининг энг яхши намуналарини яратди. Алишер Навоий ижоди асрлар давомида бўлганидек, ҳозир ҳам ёзувчиларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб қолди. Ғафур Ғулом ҳам Навоий меросини ўрганишга жуда эрта киришган эди.

11 *Ҳофиз, Хожа Ҳофиз Шерозий* (тахаллуслари; асл номи Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад, тахминан 1325—1389) — форс-тожик шоири. Ҳофизнинг адабий мероси лирик шеърлар девонидан иборат. Ҳофиз «Девон»и, ғазаллари Европа ва Осиёнинг кўпчилик халқлари тилларига таржима қилинган.

11 *Саъдий, Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муширифиддин* (1203—1292) — форс-тожик шоири ва мутафаккири. Саъдий «Бўстон» (1257), «Гулистон» (1258) асарлари билан Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида машҳурдир.

15 *Ҳафтияк* — революциядан олдин эски мактабларда ўқитилган «Қуръон»нинг еттидан бир қисми.

45 *Толстой Лев Николаевич* (1828—1910) — буюк рус ёзувчиси, «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Ҳожимурод», «Тирилиш» каби асарлари билан шуҳрат қозонган.

15-бет, 1 *Пушкин Александр Сергеевич* (1799—1837) — улуғ рус адиби. Янги рус адабиётининг асосчиси. «Руслан ва Людмила» (1820), «Кавказ асири» (1820—1821), «Ака-ука қароқчилар» (1820—1821), «Боқчасарой фонтани» (1823) романтик поэмалари шоир ижодида алоҳида ўрин тутади. Пушкиннинг «Евгений Онегин», «Полтава», «Мис чавандоз», «Дубровский», «Капитан қизи» поэма ва повестлари бадиий реализмнинг юксак намунаси бўлиб қолди.

1 *Лермонтов Михаил Юрьевич* (1814—1841) — атоқли рус шоири. Машҳур «Шоирнинг ўлими», «Ўйлар», «Асир полвон», «Булутлар», «Ҳаво кемаси», «Алвидо, Русия, эй нопок макон» шеърлари, «Мцири», «Демон» поэмаларини яратган. «Замонамиз қаҳрамони» романи адиб ижодининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил қилади.

12 *«Туркестанские ведомости»* — Туркистондаги илк даврий матбуот, тўнғич босма газета. 1870 йил 28 апрелдан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкентда, 1872 йил июлдан 1873 йил февралгача Петербургда рус тилида нашр қилинган. Туркистон генерал-губернаторлиги органи. Дастлаб ҳафтасига бир марта, 1903 йил декабридан ойига 3 марта, 1907 йил мартидан эса ойига 4 марта ва 1907 йил июлидан кундалик газета бўлиб чиқа бошлади. Газетада, асосан Туркистон генерал-губернаторлигининг буйруқ ва фармонлари, турли хил расмий материаллар босилган. Шунингдек, ўлка тарихи, хўжалиги, табиати ва бу ерда яшовчи халқларнинг оғзаки ижоди, адабиёти, урф-одатларига доир қизиқарли материаллар ҳам ёритиб турилган.

25 Дар қатори ёрон — дўстлар қаторида.

17-бет, 5 *«Камбағал деҳқон»* — Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва Қўшчи союзи Марказий Комитетининг органи. 1925 йилдан Тошкентда нашр этила бошлаган. 1931 йилдан бошлаб «Колхоз йўли» номи билан чоп этилган.

18 *Максим Горький* (1868—1936) — улуғ совет ёзувчиси, социалистик реализм адабиётининг асосчиси. М. Горький асарлари ўзбек тилига кўплаб таржима қилинган. Адибнинг ўзбек тилида ўн жилддан иборат «Танланган асарлар»и чоп этилди.

22 *Маяковский Владимир Владимирович* (1893—1930) — атоқли совет шоири. «В. И. Ленин», «Жуда соз», «Ҳайқириқ» поэмалари, «Мистерия-буфф», «Қандала», «Ҳаммом» пьесалари, «Сўл марш», «150 000 000», «Мажлисбозлар» шеърлари билан машҳур. В. В. Маяковский асарлари ўзбек тилига кўплаб таржима қилинган. Ғафур Ғулом шоирнинг «Ҳайқириқ» асарини ўзбек тилига маҳорат билан таржима этган эди.

36 *Жданов Андрей Александрович* (1896—1948) — совет партия ва давлат арбоби. 1915 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1944 йилдан ВКП(б) Марказий Комитети секретари.

39 *«Ер юзи»* — ижтимоий-сиёсий, адабий-танқидий, оммабоп журнал. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг нашри, икки ҳафтада бир марта чиққан. 1925 йил 7 ноябрдан 1931 йил декабричага Тошкентдан чоп этилган. «Ер юзи» ўрнига «Ўзбекистон қурилишда», сўнгра «Машъала», «Гулистон» журналлари нашр этилди.

45 *Шекспир Вильям* (1564—1616) — буюк инглиз шоири ва драматурги. Шекспир «Юлий Цезарь» (1599), «Гамлет» (1601), «Отелло» (1604), «Қирол Лир» (1605) каби трагедияларнинг автори. Октябрь революциясидан кейин СССРда Шекспир асарларининг янги таржималари пайдо бўлди. Ғафур Ғулом Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир» трагедияларини ўзбек тилига таржима қилди.

45 *Мольер* — тахаллуси, асл исми ва фамилияси Жан Батист Поклен (1622—1673) — француз драматурги, актёри ва театр арбоби.

45 *Лопе де Вега* (1562—1635) — испан драматурги. Миллий драматургиянинг асосчиси.

46 *Бомарше Пьер Огюстен Карон* (1732—1799) — машҳур француз драматурги.

18-бет, 4 *Бехер Иоганнес Роберт* (1891—1958) — немис революцион шоири.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4 *Пабло Неруда* — тахаллуси; асл исми Нефтали Рикардо Рейес Басуальто (1904—1973) — Чили шоири, жамоат арбоби, 1945 йилдан Чили Компартияси аъзоси. Неруда ижодидаги энг салмоқли «Башарият қўшиғи» эпик асари (1950) жаҳон поэзиясининг гўзал намуналаридан бири сифатида шуҳрат қозонди. Неруда бир неча марта Совет Иттифоқида, жумладан Тошкентда ҳам бўлган. Неруда 1950 йилдан умрининг охиригача Жаҳон тинчлик кенгашининг аъзоси бўлган. У халқаро тинчлик мукофоти (1950), «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти (1953) ва Нобель мукофоти лауреати (1971).

5 *Сяо Сань* (Эми Сяо) — 1896 йилда Хунань вилоятида туғилган. 1983 йил 6 февралда 87 ёшида вафот этган. Хитой адиби, таржимон ва жамоат арбоби. 1921 йилдан ХКП аъзоси. 20—30-йилларда маълум вақт СССРда яшаган. «Интернационал адабиёт» журналининг хитойча нашрига муҳаррирлик қилган. Тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракати иштирокчиси. Совет шоирлари асарларини хитой тилига таржима қилган.

6 *Ленгстон Хьюз* (1902) — негр ёзувчиси. Хьюзнинг СССРга саёҳати унинг ижодига катта таъсир кўрсатди.

## ФЕЛИКС БОЛАЛАРИ

(21-бет)

1928 йилда ёзилган ва «Асарлар-70»да чоп этилган. Қўлёзмаси сақланмаган.

Шеърнинг ёзилиш тарихи ҳақида шоир ўзининг «Кечмиш ва кечирмишларимдан» автобиографик асарида қуйидагича ёзади:

«Бир куни болалар боғчасидаги етим болалардан 15 тасини бизнинг интернатга ўтказдилар. Мен бу гўдаклар билан бирга туниб қолдим. Кечаси ухламай, кузатувчилик қилиб чиқдим. Шу кеча ўз етимлигим, бошимдан кечирганларим ва шу етим болалар аҳволи, ҳукуматимизнинг, Лениннинг шу гўдакларга ғамхўрлиги тўғрисида шеър ёздим. Шу шеъримни биринчи шеърим десам бўлади».

«Асарлар-70» тексти асосида томга киритилди.

1 *Феликс — Дзержинский Феликс Эдмундович* (1877—1926) — совет партия ва давлат арбоби. В. И. Ленин таклифи билан 1917 йилдан Бутун Россия Фавқулодда комиссияси (ВЧК) раиси. 1921 йил январдан Бутун Россия МИК ҳузуридаги болалар ҳаётини яхшилаш бўйича комиссия раиси бўлиб ишлаган.

## ГЎЗАЛЛИК НИМАДА...

(22-бет)

1923 йилда ёзилган ушбу шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси сақланади. Шеър дастхатда «Гўзаллик қидирганда», «Динамо»да ва машинка нусхада «Гўзаллик қидириб» сарлавҳаси билан берилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр қилинмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИСТАҚЛАРИМ

(24-бет)

1924 йил 28 сентябрда ёзилган ушбу шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади. Шеър биринчи марта «Муштум» журналининг ўша йилги 11-сонида «Кўса серсоқол» имзоси билан чоп қилинган.

Авторнинг шахсий архивидаги оққа кўчирилган нусха охирида асарнинг нашр тарихи ҳақида қуйидаги маълумот мавжуд: «Бирдан қарасамки, босилиб қолибдир, оғзим қулоғимга етиб, қўлимни бигиз қилиб кўкрагимга қўйдим-да «Аканг, яша ўзим!» деб қўйдим. Қаерда одамлар «Муштум» ўқиб турганини кўрсам баданим жимирлашиб, ҳузурланиб кетаман-да, ичимда: «Мен ҳам чакки эмасман»,— деб қўяман. Қалам тебратувчи камина ўзим».

Шеър, «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида, «Биз куламиз» тўпламида ва «Асарлар-70»нинг 1-томида нашр этилган.

Томга «Муштум» журнали тексти асосида киритилди.

11 *Туллак* — зўр маъносида.

15 *Ашур оши* — диний маросимда қилинадиган таом.

15 *Ҳалим* — сувга буғдой ёрмаси ва гўшт солиб узоқ қайнатиб пишириладиган мавсумий таом.

## «МУШТУМ»ГА

(25-бет)

1924 йил 9 октябрда ёзилган ва ўша йили «Муштум» журналининг 23-сонида «Кўса» имзоси билан босилган. Сўнг «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»да ҳам нашр қилинган.

Шоир архивида сақланаётган «Қаламимга» сарлавҳали дастхат «Муштум»га шеърининг матнидир. Қўлёзма сўнгида қуйидаги сўзлар қўшиб қўйилган: «Бас, маълум бўлдики, ёзсам босиладир.— Мен ҳам каттагина кулдиргич».

Томга «Муштум» журнали матни асосида киритилди.

1 *«Муштум»* — ҳажвий журнал. «Совет Ўзбекистони» газетасининг нашри. «Муштум»нинг 1-сони 1923 йил 18 февралда «Туркистон» газетасига илова сифатида нашр этилди. 1924 йил охиридан «Қизил Ўзбекистон» газетаси нашри. 1951 йил сентябрдан ойда бир марта, 1958 йилдан эса икки марта чиқади.

## БУ ҲАМ БИР ҲАҚИҚАТ

(26-бет)

Шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади.

Шеър «Муштум» журналининг 1925 йил 17-сонида «Кўса» имзоси билан босилган. Кейинчалик «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида қайта чоп этилган.

«Муштум» журнали тексти асосида нашр қилинмоқда.

6 *Ҳаққи мутлақ* — чекланмаган ҳуқуқ.

## ҚЎРҒОНТЕГИ

(27-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир архивида сақланади.

1925 йил 13 октябрда ёзилган. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида чоп этилган.

Дастхат асосида босилмоқда.

1 *Қўрғонтеги* — ҳозирги Тошкент шаҳар, Октябрь райони, Профсоюз кўчаси.

9 *сотишалла (сотишади)* — қофия талабига кўра шу формада қўлланилган.

## БИЗ ИККОВ

(28-бет)

Шеър 1926 йил 22 майда Андижон шаҳрида ёзилган. Дастхати шоир архивида сақланади.

Дастхат асосида биринчи марта нашр қилинмоқда.

## ХОН САРОЙИ

(29-бет)

Шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир архивида сақланади.

1926 йил 13 июлда ёзилган ва биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида, сўнгра «Асарлар-70»нинг 1-томида босилган.

Томга шеърнинг дастхати асос қилиб олинди.

11 *Ёзиқсиз* — гуноҳсиз.

17 *Осий* — гуноҳкор, исёнчи.

## КИШИ КУРГИЛИГИ

(30-бет)

Шеър қўлёзмаси сақланмаган.

1926 йил 17 августда ёзилган. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

«Асарлар-70» тексти асосида босилмоқда.

3 *«Тарона»* — ашула, мақом.

*«Савт»* — куй, мақом.

## ТИЛАК

(31-бет)

Шоир архивида шеърнинг қўлёзма ва машинка нусхалари сақланади.

1926 йилда ёзилган ва ўша йили «Янги йўл» журналининг 11—12-сонларида эълон қилинган. Шеър «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1973 йил 18 май сонида ва «Асарлар-70»нинг X томида қайта босилган.

Томга «Янги йўл» журнали тексти асосида киритилди.

## СУРНАЙ

(32-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

1927 йилда ёзилган, шоир архивида «Эски турмуш» сарлавҳали дастхати сақланади. Илк дафъа «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1928 йил 7-сонида «Эски турмуш» сарлавҳаси билан эълон қилинган. Шеър кейинча «Эгалари эгаллаганда» тўпламига «Сурнай» сарлавҳаси билан киритилган. «Асарлар-56, 63»да, «Асарлар-64, 70»нинг I томларида қайта нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» тексти асосида киритилди.

26 *Ҳаққи маҳри* — куёв мулкидан келинга белгилаб қўйиладиган ҳисса.

38 *Сарбоз* — сурнай маъносида.

## БУЛСИН

(34-бет)

Шеър қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

1927 йилда ёзилган ва ўша йили «Ёш ленинчи» газетасининг 2 сентябрь сонида «Илғор» имзоси билан босилган. Кейинчалик «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асосга олинди.

12 *Чемберлен Остин* (1863—1937) — Буюк Британия молия министри, 1903—1905, 1919—1921 йилларда Ҳиндистонга боғлиқ масалалар бўйича иш юритиш министри, 1915—1917, 1924—1929 йилларда ташқи ишлар министри. Консерватор, СССР билан дипломатик алоқаларни бузишда қатнашганлардан бири (1927 й.).

17 *Тескари қутқу* — тескари ташвиқот.

## СЕВДИГИМ

(35-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Шоир архивида унинг йили номаълум машинка нусхаси мавжуд. «Шарқ юлдузи» журналининг 1966 йил 11-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилган. Шоир «Кечмиш ва кечирмишларимдан» автобиографик асарида 20-йилларнинг охирларидаги ижоди ҳақида гапириб: «Шу пайтларда комсомол умумий маршларини мен ёзиб берар эдим», деб хотирлайди.

Шеър «Асарлар-70» матни асосида нашр қилинмоқда.

6 *Икки бошли бургут* — чор ҳокимиятининг герби.

8 *Кадар* — ғам, ғусса.

21 *Қаҳқа (қаҳқаҳа)* — вазн талабига кўра шундай қўлланган.

23 *Наҳр* — канал.

23 *Бий* — яланг, очиғ

## ДОНГЛИ ШОИРГА

(36-бет)

Шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир архивида сақланмоқда.

1927 йил 13 декабрда ёзилган. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг I-томида нашр этилган.

Томга дастхат асосида киритилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2 *Дош* — хумдон.
5 *Сардор* — йўлбошчи.
5 *Садоғ* — ўқ соладиган тўрвача, ўқдон.
9 *Мисқол* — эски оғирлик ўлчови бўлиб, бир қадоқнинг 84 дан бир қисми (тахминан 4,1 гр.).

## ОЛҚИШ

(37-бет)

Шеър 1927 йил 2 августда ёзилган, дастхати шоир архивида сақланади.
Дастхат асосида илк дафъа босилмоқда.

## ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

(38-бет)

1927 йил 17 августда ёзилган. Шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир архивида сақланади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг 1-томида чоп этилган.
Томга дастхат асос қилиб олинди.

## ФАЛАК ОНА

(39-бет)

Шеър 1928 йил 10 январда ёзилган, дастхати шоир архивида сақланади.
Шеърга халқ қўшиқларидан

«Эй фалак чархинг бузилсин
Мунча хор этдинг мени»

байти эпиграф сифатида келтирилган.
Томга дастхат асосида жалб этилди.

## «ДЎСТ, МЕНГА ИНОНМА!»

(40-бет)

Шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади.
1928 йил 12 январда ёзилган. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.
Шеърнинг сарлавҳаси йигирманчи йиллардаги халқ ашуласидан олинган.
Дастхат асосида чоп этилмоқда.
9 *Эш* — ўртоқ, ҳамдам.

## АГАР УРУШ БЎЛИБ ҚОЛСА...

(41-бет)

Шеърнинг машинка нусхаси шоир архивида сақланади.
1928 йил 15 февралда ёзилган ва биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилиб чиққан.
Нашрга «Асарлар-70» асосида киритилди.
10 *Мурдор* — нопок.



www.ziyouz.com kutubxonasi

15 *Сармоя* — пул, маблағ.

## УЙЛАНИШ

(42-бет)

Шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир архивида сақланади.

1928 йилда ёзилган, илк дафъа «Янги йўл» журналининг 1928 йил 6-сонида «Нуртой» имзоси билан эълон қилинган. Кейинчалик «Асарлар-56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида босилмоқда.

## КАМПИРИМНИНГ ҲИЙЛАСИ

(43-бет)

Шеър қўлёзмаси шоир архивида сақланади. 1928 йилда ёзилган. Биринчи марта ўша йили «Муштум» журналининг 15-сонида «Нуртой» имзоси билан чоп этилган. Сўнгра «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 7-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилган.

Томга «Муштум» журнали тексти асосида киритилди.

2 *Шашқол* — текис ерга ташлаб ўйналадиган, куб шаклидаги, холли тош кубик.
4 *Саър кавуш* — саър теридан тикилган кавуш.
5 *Пур* — тўла.
5 *Зол* — маккор маъносида.
14 *Даҳан* — оғиз.
15 *От ёл* — чачвон.
17 *Шол* — попукли шерсть рўмол.
19 *Тишқоли* — тишни бузилиш, касалланишдан сақлаш мақсадида суртиладиган махсус қора бўёқ.
29 *Дажжол* — эски тушунчада ёмонлик рамзи.

## РАСМ ЭГАСИГА

(44-бет)

1928 йил 2 июнда ёзилган. Шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир архивида сақланмоқда. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 9-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

Дастхат асосида босилмоқда.

## ОБАКИ ДАНДОН

(45-бет)

1928 йилда ёзилган. Шеър қўлёзмаси шоир архивида сақланади. «Муштум» журналининг 1928 йил 5-сонида «Нуртой» имзоси билан босилган. Кейинчалик «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 7-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида қайта нашр қилинган.

«Муштум» журнали тексти асосида томга киритилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3 *«Алҳамд», «Қулё», «Бақара», «Сувраи Тоҳо»* — «Қуръон» сувралари.
10 *Алҳамру ҳаром* — ичкилик ҳаром.
11 *Гардани ғавс нарлар* — бўйни йўғон эркаклар.
12 *Зоҳир* — сирт, сиртқи кўриниш.
14 *Дуюзлама* — иккиюзлама.

## ҒАНЖИНАИ ҲИКМАТ

(46-бет)

Шеърнинг қўлёзма ва машинка нусхалари шоир архивида сақланмоқда.

1928 йилда ёзилган ва биринчи марта ўша йили «Муштум» журналининг 15-сонида «Мирза Нуртой» имзоси билан эълон қилинган. Сўнг «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 7-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилган.

Автор кўрсатишича, бу асар йигирманчи йилларда танилган журналист ва ёзувчи Ғози Юнусга бағишланган.

Нашрга «Муштум» журнали тексти асос қилиб олинди.

5—8 қаторлар мазмуни: На бирор нарсага киришганман, на даҳрийман, на риёзат мазҳабиданман, на жафрий мазҳабиданман, на қирғоқданман, на денгизданман (XIX асрда яшаган озарбайжон шоири Саид Абулқосим Наботий, Асарлар, Боку, 1968, 290-бет).
14 *Фаранг* — ҳар бир иш қўлидан келадиган моҳир уста маъносида.
17 *Кашмир бозирийдим* — Кашмир фокусчиси эдим.
18 *Пештаҳам* — оғзига келган ножўя сўзларни қайтармай айтаверадиган шахс.
22 *Мози* — Болут дарахтининг баргида баъзи паразитлар таъсирида ҳосил бўладиган ёнғоқсимон ўсимта.
22 *Бозий* — ўйнатувчи, ўйновчи маъноларида.
23 *Вадаванг* — барваста, лекин ишёқмас одам.
24 *Наркомзем* — Ер ишлари халқ комиссарлиги.
27 *Дар қатори* — қаторида.
28 *Чор* — тўрт.
29 *Танга мири буромад* — бир мири танга (йигирма тийинга тенг) чиқим бўлди.

## ҚИШ ВА ШОИРЛАР

(47-бет)

Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 15 март сонида «Кўса» имзоси билан босилган.

Кейинчалик шеър «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида чоп этилди.

«Асарлар-64» матни асосида нашр қилинмоқда.

8 *Ридо* — бўйинга ўраб елкага ташланадиган оқ чодир.
11 *Ҳут* — қишнинг охирги ойи.
11 *Ҳамал* — баҳорнинг биринчи ойи.
12 *Чордана* — оёқларни тиззадан букиб, бир-бирига чалиштириб ўтирмоқ.
14 *Шуаро* — шоирлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ПАРАНЖИ

(48-бет)

1929 йилда ёзилган ва дастлаб ўша йили «Янги йўл» журналининг 4-сонида босилган. Кейинчалик «Асарлар-56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр қилинмоқда.

3 *Шамшод* — хушқомат дарахт.
3 *Дуто* — икки букилган, эгик.
6 *Маъсума* — гуноҳсиз, пок.
18 *Ғаюрлик* — душманлик.

## ВАЛАҲУ АЙЗАН

(49-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган, 1929 йилда ёзилган бу юмористик шеър ўша йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 5 апрель сонида «Қўса» имзоси билан эълон қилинган.

Шеър «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида қайта нашр қилинган.

Нашрда «Асарлар-64» тексти асосга олинди.

1 *Валаҳу айзан...* — яна тағин ўшандай маъносида. Шоир бу ерда «яна ўша хилда», яъни яна ўша темадаги шеър қабилида ишлатган.
5 *Хоб* — уйқу.
9 *Тавсиф* — мақтов.
16 *Тавоф* — айланиш, юз-кўз суртиш.
23 *Кишткор* — деҳқончилик.

## ТУРКСИБ ЙЎЛЛАРИДА

(50-бет)

Шеър қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

Биринчи беш йилликнинг тўнғич қурилишларидан Туркистон — Сибирь темир йўлининг очилиш маросими муносабати билан 1930 йил 1 майда ёзилган. Шу куни темир йўлнинг Ойнабулоқ станциясида бўлиб ўтган тантанада шоир Ўзбекистон ССР делегацияси составида матбуот мухбири сифатида қатнашган эди.

«Турксиб йўлларида» дастлаб «Аланга» журналининг 1930 йил, 5—6-сонларида босилган. Сўнг «Динамо», «Шеърлар-47», «Ўзбек поэзияси антологияси-48», «Асарлар-53, 56, 63», «Ўзбек шеърияти антологияси-62», «Шеърлар-69» тўпламларида ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр этилган.

«Асарлар-64» асосида нашр қилинмоқда.

1 *Турксиб* — Туркистон — Сибирь темир йўли.
4 *Фотиҳ* — забт этувчи.
4 *Искандар* — македониялик Александр — милоддан аввалги 336—323 йилларда Македонияда йирик монархия барпо қилган, босқинчилик урушлари олиб борган подшо ва лашкарбоши.
5 *Рум қайсари* — Искандар Зулқарнайн кўзда тутилади.
6 *Чингиз* — асл номи Тэмужин, Темучин (тахминан 1156—1227) — мўғул феодал империяси ҳукмдори.
7 *Ботухон Саинхон* (1208—1255) — Чингизхоннинг набира-



www.ziyouz.com kutubxonasi

си, Жўжининг ўғли, мўғул хонлари юришларида қатнашган саркарда.

7 *Жўжи, Жўчихон* — мўғул ҳарбий ҳукмдори. Чингизхоннинг тўнғич ўғли.

34 *Конфуций* (Кун-цзи, милоддан аввал 551—479) — қадимги хитой мутафаккири, сиёсий арбоб, конфуцийликнинг асосчиси.

34 *Шомоний* — ибтидоий диний эътиқод шаклларидан бири.

34 *Будда* — буддизм — дин номи.

41 *Такбир* — ҳар қайси диннинг ўзига хос махсус тантана ва маросимларига ишора.

45 *Кўҳна бир девор* — Чин деворини Искандар қурган деган афсона мавжуд. Бу ерда улуғ Хитой девори маъносида келган.

49 *Равоқ, тоқ* — аслда катта биноларнинг олд томонидаги кўринишли ва юксак қисмлари (портал) бўлиб, бу шеърда баланд чўққи маъносида.

70 *Музаффар* — ғалаба қозонган.

74 *Хирож* — босиб олинган мамлакатдан олинадиган катта солиқ.

76 *Бомбей* — Ҳиндистондаги шаҳар. Маҳараштра штатининг маъмурий маркази.

76, 158 *Бўмбай, Масков (Бомбей, Москва)* — қофия ва вазн талаби билан шу формада қўлланилган.

79 *Ялов* — байроқ.

80 *Довул* — икки ёғига тери қопланган чилдирма, дўмбира.

89 *Зилли султон* — Эрон шоҳларидан баъзиларининг унвони.

94 *Қаҳрабо* — сарғиш тусли тош, янтарь.

118 *Довул* — ноғора.

131 *Сафҳа* — саҳифа.

146 *Болға ва ўроқ* — нажот тўғроси — шеърдаги бу мисраларда Совет давлати гербидаги болға билан ўроқнинг халоскорлик белгиси (тўғроси) экани қайд этилади.

152 *Шукуҳ* — савлат, дабдаба, тантана.

164 *Обида* — ёдгорлик, ҳайкал.

170 *Шуур* — онг, фаҳм.

190 *Шпал* — темир йўл рельслари остига солинадиган кўндаланг ёғочлар.

218 *Қатрон* — аравамой, қорамой.

222 *Шатов* — Турксиб темир йўли қурилиши бошлиғи.

227 *Краснопутиловский* — Ленинграднинг С. М. Киров номидаги икки марта Ленин орденли, Қизил Байроқ ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли машинасозлик ва металлургия заводи. СССРнинг йирик саноат корхоналаридан бири. СССРда тракторни оммавий ишлаб чиқаришни бошлаб берган. 1924 йил 1 майда завод дарвозасидан биринчи трактор чиққан. Биринчи бешйиллик охирига келиб 38 минг трактор ишлаб чиқарган. Ҳозир С. М. Киров номидаги завод.

## АЛКОГОЛЬ

(56-бет)

Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1930 йилда ёзилган ва даставвал «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1930 йил 31 июль сонида эълон қилинган. Сўнг «Динамо», «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида ҳам чоп қилинган.

Нашрга «Асарлар-64» тексти асос қилиб олинди.

5 *Аҳком* (бирл. ҳукм) — қонунлар, фармонлар.
6 *Аркон* (бирл. рукн) — устунлар, таянчлар.
17 *Узван* — узв — аъзо, гавда бўлакларидан бири.
32 *Сурур* — шодлик, севинч.
42 *Пўртана* — тўфон.

## ТЎҚИНИШ

(59-бет)

Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади.

1930 йилда ёзилган ва ўша йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1 август сонида босилган.

«Тўқиниш» шеъри кейинча «Динамо»га, «Асарлар-53, 56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-64» тексти нашрга асос қилиб олинди.

2 *Биринчи август* — биринчи жаҳон уруши 1914 йил 1 августда бошланган эди.
10 *Бўҳрон* — кризис, танглик.
13 *«Фашисти цейтунг»* — реакцион немис консерватив газетаси.
15 *Ҳиддат* — шиддат, аччиқ.
21 *«Дейли экспресс»* — инглиз реакцион консерватив газетаси.
23 *Мистер* (инглизча сўз) — ғарбда эрларга нисбатан, одатда исм ёки фамилия олдига қўшиб «жаноб» маъносида қўлланадиган сўз.
34 *Папа* (юнон. ота) — Рим папаси — католик черкови ва Ватикан давлатининг раҳбари.
35 *Фаранг чодирхаёли* — Франциянинг қўғирчоғи маъносида.
38 *«Лига наций»* — миллатлар иттифоқи, халқаро ташкилот (1919 йилда тузилган), уставга мувофиқ халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва «тинчлик ва хавфсизликни» таъминлаш мақсадида тузилган бўлса ҳам, амалда империалистик давлатлар, биринчи навбатда Буюк Британия ва Франция (Америка Қўшма Штатлари бу ташкилотга кирмаган эди) сиёсатига қурол бўлиб хизмат қилди.
42 *Китла* — гуруҳ, тўда, тўп.
45 *Капитал рационали* — капитал манфаати, мақсади.
62 *Боа* — катта илон.
74 *Вершок* — 4,4 см.га баробар узунлик ўлчови.

## «ВОЙДОД, БОРМАЙМАН», ДЕДИ

(62-бет)

1930 йилда ёзилган, илк дафъа ўша йили «Муштум» журналининг 20-сонида босилган. «Асарлар-64, 70»нинг I томларида ҳам нашр қилинган.

Шеър қўлёзмаси сақланмаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

9 *Қўсқи қишлоқи* — обивателлар, мешчанлар, умуман буржуа идеологиясидаги кишилар қишлоқ аҳолисига паст назар билан қараб, уларни шундай атар эдилар. Шоир ўз сатирасида ўшандай кишиларни фош этади.

10 *Округ* — Давлат территориясининг бир қисми. Бошқаришнинг муайян соҳаси.

19 *Работ* — туражой маъносида.

24 *КК* — контроль комиссияси.

25 *Нуртой* — Ғафур Ғулом сатирик шеър ва фельетонларида қўлланган тахаллус.

## ЯЛОВБАРДОРЛИККА

(63-бет)

Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланмоқда.

1930 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 13 йиллигига бағишлаб ёзилган ва ўша йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 7 ноябрь сонида босилган. Сўнг «Динамо», «Шеърлар-47, 69», «Асарлар-53, 56, 63»да ва «Асарлар-64, 70»нинг 1-томларида чоп этилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр қилинмоқда.

1 *Яловбардор* — байроқдорлик.

15 *Будённий Семён Михайлович* (1889—1973) — гражданлар уруши қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

16 *Фрунзе Михаил Васильевич* (1885—1925) — совет давлат, партия ва ҳарбий арбоби, ҳарбий назариётчи. 1904 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Октябрь революцияси қатнашчиси. 1919 йил июлдан Шарқий фронт, августдан Туркистон фронти қўмондони, октябрдан Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ва РКП(б) МКнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси аъзоси. 1920 йил сентябрдан М. В. Фрунзе Жанубий фронт қўмондони. 1920—1924 йилларда Украина ва Қрим қўшинлари қўмондони. 1924 йил мартдан СССР Ҳарбий революцион кенгаши раиси ўринбосари, Ҳарбий ва денгиз ишлари бўйича халқ комиссари, шунингдек 1924 йил апрелдан Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси штаби ва Ҳарбий академия бошлиғи. 1921—25 йилларда РКП(б) МК аъзоси, 1924 йилдан МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

22 *Амир Олим* — энг сўнгги Бухоро амири.

31 *Мазак* — *мазах* — қофия талаби билан шундай келтирилган.

32 *Фараҳли* — севинчли, шодлик келтирувчи.

39 *Интиқом* — ўч, қасос.

41 *Ут очилган кунларинг тумтароқи* — революция учун кураш кунларининг тантанаси.

46 *Ромба таққан қўмондонлар* — шоир бунда Совет Армияси командирларини кўзда тутади (Олий комсостав ромба тақар эди).



www.ziyouz.com kutubxonasi

50 *Ҳазар* — Каспий денгизи. Бу ерда Ашхобод (гражданлар уруши йилларидаги Закаспий) фронти кўзда тутилади.
55 *Ёв қолиб «алҳазар»га* — ёв қўрққанидан «ўзинг сақла» дейишга тушиб қолади маъносида.
56 *Асфандиёр* — Хоразмнинг сўнгги хонларидан.
57 *Жунайд Қурбон Муҳаммад* (1862—1932) — Хоразм воҳасидаги реакцион феодаллар, оқгвардиячилардан иборат аксилинқилобий кучларнинг ташкилотчиси ва бошлиғи.
58 *Абдуллоҳ — Абдулла* — Хоразмда бош кўтарган босмачилар бошлиғи.
63 *Босириқ* — ҳужум.
86 *Иқтидор* — куч-қудрат.
89 *Гавризангар* — Ҳиндукуш тоғларининг энг юксак чўққиларидан бири.
91 *Шлём* — дубулға, учувчи ва танкчиларнинг махсус бош кийими. Бу ерда мовут шлём маъносида.
92 *Муқтадир* — куч, қудратли.
103 *Ўзлигига иловсиз* — ўзидан кечган, сафда турувчи.
111 *Дамашқ* (араб. Димишқ) — Сурия Араб Республикасининг пойтахти.
111 *Басра* — Ироқ республикасининг жанубидаги шаҳар.
113 *Марокаш — Марокаш қироллиги* — Африканинг шимоли-гарбидаги давлат. Пойтахти — Работ шаҳри.
114 *Сиём* — Таи қироллиги (Таиланд) 1939 йилгача ва 1945 йил сентябридан 1948 йил августгача Европа давлатлари билан расмий муносабатларда ўзини Сиём деб атаган.
— Таиланд — Жануби-шарқий Осиёдаги давлат, асосан Ҳиндихитой ярим ороли ва унинг жанубида жойлашган. Жанубда Сиём бўғози билан чегараланади. Пойтахти — Бангкок.
115 *Раъдвор наъра* — момақалдироқсимон ҳайқириқ.
122 *Омол* — тилак, орзу.
128 *Садди Искандар* — Искандар қурган деб шуҳрат топган баланд девор.
135 *Монте-Карло* — Ўрта денгиз бўйидаги Монако князлигида жаҳон миқёсидаги қиморхона шаҳар.

## ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

(67-бет)

Шоир архивида шеърнинг «Унинг илтимоси» сарлавҳали дастхати ва машинка нусхалари сақланади.

1930 йилда ёзилган ва ўша йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1930 йил 19 ноябрь сонида эълон қилинган. Сўнгра «Динамо»да, «Асарлар-53, 56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида босилган.

Нашрда «Асарлар-64» тексти асос қилиб олинди.

4 *Кашанда* — чекишга одатланган, чекувчи.
6 *Кўксов* — кўп ва қаттиқ йўталадиган.
15 *«Гумбази даввор»* — «айланувчи гумбаз», яъни осмон.
22 *«Тойди» билан «ачипти»* — ўтмишда ошиқ ўйинларидан.
29 *Анъанавий омилик* — эскидан давом этиб келган саводсизлик, билимсизлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

80 *Фабзауч* — фабрика-завод таълими мактаби, шундай мактаб шогирди.

## ТЎЛҚИНЛАР ОЛДИДА

(69-бет)

Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади.

1930 йилда ёзилган ва ўша йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 4 декабрь сонида босилган. Кейинчалик «Динамо»да, «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида қайта нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

13 *Жабҳа* — фронт, соҳа.
25 *«Пассажирлар»* — бу ўринда муштумзўрлар маъносида.
57 *Буқаламун* — хамелеон — муҳитга мувофиқ тусини ўзгартирувчи, калтакесаклар тоифасига мансуб жонивор.
78 *Чиғанади* — чиранади, мақтаниш.

## БЕВИҚОР ҚОР

(71-бет)

1930 йилда ёзилган. Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Илк дафъа «Камбағал деҳқон» газетасининг ўша йил 16 декабрь сонида босилган. Кейинча «Динамо»да, «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида чоп этилган.

«Асарлар-64» тексти асосида босилмоқда.

4 *Жин (Джин) машина* — пахтани чигитдан ажратадиган машина.
5 *«Шаҳпарвоз»* — баландпарвоз, юқори учувчи.
16 *Важикорсон* — ўринсиз, беҳуда баҳона.
19 *«Нежум»* — паст навли пахта.
21 *Скуппункт* — пахтани сотиб олувчи пункт.
30 *«Саждаи шукроний»* — хурсандлик юзасидан сиғиниш.
32 *Амомали малойик* — саллали фаришталар.
33 *Важд, виқор* — завқ, шавқ, шодлик маъносида.
34 *«Меҳмон хосил»* — қорга кинoя.
46 *Қува* — Фарғона областидаги шаҳар.
47 *Шаккок* — иккиланувчи, гумонсировчи.
48 *Зарбдорлик таблин қоқмоқ* — зарбдорликка чақирмок

## ТУГАСИН ТАКЯ

(73-бет)

1930 йилда ёзилган. Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Биринчи марта ўша йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 28 декабрь сонида эълон қилинган. Сўнг «Динамо»га, «Асарлар-56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

1 *Такя* — одамлар тўпланиб гурунглашадиган жой.
7—10 мисралар мазмуни: Чойхона деворига сиёсий-ижтимоий мазмунли агитацион расмлар ўрнига от ўйин (цирк) ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

кинода кўрсатадиган олди-қочди картина афишалари ёпиштирилган.
17 *Ринг* — бокс мусобақаси ўтказиладиган жой.
43 *Бемский ойинаси* — биринчи сорт ойна.
73 *Дурда* — сариёғ эритилганда ҳосил бўладиган қуйқа. Бу ерда қуюқ фикр маъносида.
81 *Пиёлага оёқлар боғламоқ* — чойхонага стол-стул киритмоқ.
84 *«Шамларга кўзойнак»* — электр чироғи.
85 *«Китобларга дардарак»* — чойхонада овозли ўқиш.

## ҚЎЛТИҚЛАНГАН КАЛЛА ҲАҚИДА ҚОФИЯЛИ ВАЪЗ

(76-бет)

1930 йилда ёзилган. Шеърнинг тўлиқ бўлмаган қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Даставвал «Муштум» журналининг ўша йил 19-сонида босилган. Кейинроқ «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 7-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

«Муштум» журнали матни асосга олинди.
1 *Ваъз* — насиҳатомиз нутқ.
18 *Тупроққўрғон* — Тошкент шаҳрида Анҳор сувининг Бешёғоч (Комсомол майдони)га оқиб киришида унинг юқори қисмига жойлашган қадимги қўрғонлар номи билан аталувчи мавзе.
26 *Қадоқ* — қадимги масса ва оғирлик бирлиги. 409—512 гр. га тенг.
36 *Завком* — касаба союзларининг завод маҳаллий комитети.
41 *Забор патта* — озуқа карточкаси.
49 *РКИ* — Рабоче-крестьянская инспекция, Ишчи-деҳқон назорати.

## ТАГДЎЗИ

(78-бет)

1930 йил ноябрда ёзилган деб тахмин қилинади. Унинг шоир архивида машинка нусхаси сақланади. Шеър биринчи марта «Қурилиш» журналининг 1931 йил 1—2-сонида босилган. Кейинчалик «Тирик қўшиқлар» тўпламига, «Асарлар-56, 63»га, «Шеърлар-69»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига киритилган.

«Асарлар-64» тексти асосида босилмоқда.
1 *Тагдўзи* — сидирғасига тикилган каштa. Одатда, ироқи дўппиларнинг таги бир хил рангдаги ипак билан сидирғасига тўлдирилиб, у ер-бу ерига гул — сидирға кашта тикилади. Бундай дўппилар «Тагдўзи» дейилади.
18 *Тўқол* — бу ерда нуқсон маъносида.
31 *Гўлос* — тўқ қизил.
44 *Жанда* — дарвиш-қаландарлар тўни.
71 *Хаккари дуранг этик* — пошнаси баланд, рангдор бахияли этик.
111 *Мийиқ* — мўйлаб маъносида.
114 *Бийлик* — хўжайинлик маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МИЖЖА ҚОҚИБ УЛГУРА ОЛМАЙСАН
(82-бет)

1931 йилда ёзилган. Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Илк дафъа «Ер юзи» журналининг ўша йилги 1-сонида чоп этилган. Кейинчалик «Тирик қўшиқлар» тўпламида ва «Асарлар-70»нинг 1-томида қайта нашр қилинган.

«Ер юзи» журнали тексти асосида босилмоқда.

9 *Миллион вольтли Днепр* — Днепр ГЭСи кўзда тутилади.
12 *Динамо* — қўшма сўз бирлиги. Бу ерда кучга, қувватга, энергияга алоқадорликни билдиради.
13 *Масдар* — асос, манба.
21 *Пакка* — мўлжал.
32 *Коминтерн* — ўша йилларда Москва шаҳрида Бутуниттифоқ радиоси «Коминтерн» бекатида жойлашган эди. Шеърда шунга ишора бор.

## МАДАНИЙ ҚАТРА
(83-бет)

1931 йил бошида Тошкент шаҳрида водопровод қурилиб, ишга туширилиши муносабати билан ёзилган, қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Ер юзи» журналининг ўша йили 3—4-сонларида босилган. Кейинчалик «Тирик қўшиқлар»да, «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр қилинган.

«Асарлар-64» матни асосида томга киритилди.

27 *Қоқлатилган кишилар* — медицина тажрибаси учун махсус сақланаётган жасадлар кўзда тутилади.
32 *Чечовланиб* — тезланиб, ғайратга кириб.
68 *«Етти бошли баччажиш»* — ёш болаларни қўрқитиш учун айтиладиган ваҳимали сўз. Гўё «баччажиш» етти бошли бўлиб, ёш болаларни нобуд қилар эмиш.
81 *Ҳулол* — беҳуда.
83 *Таряки чол* — қора дори (афюн) истеъмол қилувчи чол.
84 *Маллахон* — Қўқон хонларидан Шералихоннинг ўғли, 1858—1862 йилларда Қўқонда хон бўлган.
114 *Талотумли* — мавжли, тўлқинли.
135 *Бўз* — Тошкентдаги Бўзсув анҳори.

## ҲЕЧ ҚАНДАЙ БИР ҚЎРҒОН БОРМИКАН, БОЛЬШЕВИКЛАР ҚЎЛГА ОЛМАГАН!
(87-бет)

Шеър Ўзбекистон ССР Советларининг IV қурултойига бағишлаб, 1931 йилда ёзилган, лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1931 йил, 20 февраль сонида босилиб чиққан. Кейинчалик «Тирик қўшиқлар»га, «Асарлар-53, 56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига киритилган.

Нашрга «Асарлар-64» тексти асос қилиб олинди.

54 *Ствол* — қурол мили.

## СЕЛЬМАШНИНГ БИР ДЕГРЕЗ ШОИРИ
(90-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган. 1931 йилда ёзилган. «Ёш ленинчи» газетасининг ўша йил 15 апрель сонида «Бир дегрез шоир Сель-



www.ziyouz.com kutubxonasi

маш эшигида» сарлавҳаси билан босилган. Сўнгра «Тирик қўшиқлар»да, «Асарлар-53, 63»да ва «Асарлар-64, 70»нинг 1-томларида чоп этилган.

Шеър биринчи беш йилликда социалистик Ўзбекистон индустриясининг тўнғич гигантларидан Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи қурилишига бағишланади.

«Асарлар-64» матни асосида босилмоқда.

1 *Сельмаш — Ташсельмаш* — Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи. Пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган, СССРда ягона йирик машинасозлик заводи.

1 *Дегрез* — қозон қуювчи. Дегрез шоир — бу ерда пролетар шоир маъносида ишлатилган.

46 *Сеялка* — экин уруғини керакли чуқурликда бир текис экиш ҳамда экинларни ўғитлаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик машинаси.

## НЕФТЬ

(92-бет)

1931 йилда ёзилган. Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланмоқда. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1931 йил 5 апрель сонида босилди. Кейинчалик «Тирик қўшиқлар»да, «Асарлар-53, 56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида чоп этилган.

«Асарлар-64» тексти асосида нашр қилинмоқда.

11 *Ғайбий фол* — ғойибдан, йўқ ердан фол очиш.

30 *Эпкин* — салмоқ, залвор, силтов.

37 *Ўттиз бирда* — 1931 йилда.

## ОЛҚИШ

(94-бет)

1931 йилда ёзилган. Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланмоқда. ЎзАПП республика кенгашига бағишлаб ёзилган ва дастлаб «Ёш ленинчи» газетасининг ўша йилги 10 апрель сонида эълон қилинган. Сўнг «Тирик қўшиқлар»га, «Асарлар-56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига киритилган.

Нашрда «Асарлар-64» тексти асос қилиб олинди.

2 *ЎзАПП* — Узбекская ассоциация пролетарских писателей — Ўзбекистон пролетар ёзувчилар уюшмаси.

10 *Мозолланган* — қадоқли.

14 *«Ўнг», «Сўл»* — халқаро ишчилар ҳаракатида марксизм-ленинизмга, Коммунистик партия сиёсатига қарши, майда буржуазия моҳиятига эга бўлган ўнг ва сўл оғмачилар.

32 *«Қурилиш»* — ЎзАППнинг ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнали.

## СЎЗАН, БИГИЗДАН МАШИНАГА!

(97-бет)

1931 йилда ёзилган, дастлаб ўша йили «Муштум» журналининг 7—8-сонларида «Нуртой» имзоси билан чоп этилган. Сўнгроқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Асарлар-56»га, «Асарлар-64, 70»нинг I томларига ҳам киритилган.
Нашрга «Асарлар-64» тексти асос қилиб олинди.

## НОН

(99-бет)

1931 йилда ёзилган, қўлёзмаси сақланмаган, биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1931 йил 7 август сонида босилиб чиққан. Кейинчалик «Тирик қўшиқлар», «Шеърлар-47», «Асарлар-53, 56, 63»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр қилинган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

6 *Қаппон* — ғалла бозори.
7 *Мисқол учун «ўнг»га, «сўл»га салом берганлар* — арзимаган кичик бир нарса учун ҳар ишни қилувчилар.
13 *Отилмаган сопқон учун уннаб толувчи* — қўлидан келмаган ишга уринувчи.
47 *Рожь* — жавдари, жавдари буғдой.
50 *Олтин қозиқ юлдузи* — шимол юлдузи.
65 *«Ҳоп, майда»* — илгари деҳқонлар хирмонда ғалла янчиш пайтида айтадиган қўшиқ нақорати.
72 *Чоч* — кўп маъносида.
80 *«Ҳаққулло, капсан»* — эски вақтда текинхўр дин пешволарининг хирмон тепасида деҳқонлардан ундирадиган ўлжалари.

## ҚАЛБЛАР МОЖАРОСИ

(101-бет)

Шеър 1931 йилда ёзилган ва «Ёш ленинчи» газетасининг ўша йилги 6 сентябрь сонида эълон қилинган. Сўнгра «Тирик қўшиқлар»да, «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр қилинган.

«Асарлар-64» асосида босилмоқда:

7 *Сезим* — сезги маъносида.
9 *Жангжў* — жанговар.
38 *Шукуҳ* — шавкат, савлат, улуғлик.

## БИЗ БАРДАМ, ҲОЙ, ШОНЛИ БАЙРАМ!

(103-бет)

Шеър 1931 йилда ёзилган, қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Илк дафъа «Ер юзи» журналининг 1931 йил 13—14-сонларида, сўнгроқ «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

«Ер юзи» журнали матни асосида чоп этилмоқда.

## БАЙРАМ ТОНГИДА

(104-бет)

1931 йилда ёзилган. Қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Дастлаб «Ленин учқуни» газетасининг ўша йили 6 сентябрь со-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нида «Ипакнинг адаси Ғафур Ғулом» имзоси билан эълон қилинган. Кейинчалик «Асарлар-70»нинг IV томига ҳам киритилган.

Шеърга Коммунистик болалар ҳаракати тўғрисида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қароридан қуйидаги парча эпиграф қилиб келтирилган: «Пионерлар чинакам Ленин интернационализми руҳида тарбия қилинсинлар».

«Ленин учқуни» газетаси тексти асосида босилмоқда.

35 *Тўда* — пионер отряди.

49 *Конка* — трамвай, трамвайга от қўшиладиган вақтдан қолган ибора.

75 *Учинчи бўғин* — пионерлар.

## КИЧИК БИР МУШОИРА
(106-бет)

Шеърнинг қўлёзма ва машинка нусхаси шоир архивида сақланмоқда. 1931 йил сентябрида ёзилган, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1973 йил 18 май сонида ва «Асарлар-70»нинг X томида босилган.

Қўлёзма асосида нашр қилинмоқда.

10 *«Онамга хат»* — Ўзбекистон халқ шоири Ғайратийнинг асари.

11 *Тўхташ* — «Онамга хат» асарининг бош қаҳрамони.

13 *Кўкан батрак* — Ғафур Ғуломнинг коллективлаштириш темасида ёзилган машҳур «Кўкан батрак» (1931) достони ва унинг бош қаҳрамони Кўкан кўзда тутилади.

## ЧЎЛЛАР БЎЙЛАБ КЕЛАЁТИРМАН

(107-бет)

Шеър 1931 йил 27 октябрда ёзилган. Дастхати шоир архивида сақланади.

Дастхат асосида нашр қилинмоқда.

12 *Меҳтар* — элчи, сурнайчилар бошлиғи.

34 *Ижод Чирчиқ каби* — Чирчиқ Сирдарёнинг ўнг ирмоғидан иборат, Ғарбий Тяньшань тоғларидан бошланувчи бу дарёнинг қуйи оқимида индустриал Чирчиқ шаҳри жойлашган. Шоирлар ўз ижод мавжларини кўпинча шу дарёнинг мавжланиб оқишига қиёс қиладилар.

## ЎПИРИЛИШ
(109-бет)

1932 йил баҳорида Ўзбекистон ССР Ёзувчилари союзининг бир группа аъзолари бригада бўлиб Фарғона шаҳридаги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш билан танишган эдилар. Жумладан, Ғафур Ғулом 1 Май номидаги ёғ заводида бўлган. Шоирнинг у ердан олган таассуротлари асосидаги «Ўпирилиш» шеъри «Янги Фарғона» газетасининг 1932 йил 29 апрель сонига илова қилиб босилган эди.

Нашрда газета матнига асосланилди.

## ҚИЗИЛ КАРВОН ҚЎШИҒИ
(111-бет)

1932 йилда Қўқонда ёзилган. Шоир архивида лотин графикасидаги машинка нусхаси мавжуд. Шеър «Ўзбекистон маданияти»



www.ziyouz.com kutubxonasi

газетасининг 1973 йил 18 май сонида, сўнг «Асарлар-70»нинг X томида эълон қилинган.

«Асарлар-70» тексти нашрга асос бўлди.

ОБРУ УЧУН

(112-бет)

1932 йилда ёзилган. Шоир архивида шеърнинг қўлёзма ва машинка нусхалари сақланмоқда. «Колхоз йўли», «Қизил Ўзбекистон» газеталарининг ўша йил 27 январь сонларида, сўнгра «Асарлар-70»нинг I томида босилган.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси тексти нашрга асос қилиб олинди.

9 *Донбасс* — Донецк — Украина ССР территориясидаги йирик кўмир ҳавзаси.

13 *Сталино* — Украина ССР Донецк областининг 1961 йилгача маркази.

13 *Харьков* — УССР Харьков области маркази. 1934 йилгача УССР пойтахти, йирик транспорт узели.

21 *Пахтакорлик истиқлоли* — мамлакатимизнинг пахта етиштириш бўйича мустақиллиги.

ҚУКЛАМ

(114-бет)

1932 йилда ёзилган. Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша йил 14 февраль сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр этилган.

«Асарлар-64» тексти асосида босилмоқда.

УЧИНЧИ ҚУШ
(116-бет)

1932 йилда ёзилган, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1932 йил 18 февраль сонида, сўнгра «Асарлар-56»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр қилинган.

«Асарлар-64» асосида босилмоқда.

1 *Учинчи қўш* — биринчи беш йилликнинг учинчи қишлоқ хўжалик йили.

4 *Челябинск* — В. И. Ленин номидаги Челябинск трактор заводи (ЧТЗ) қишлоқ хўжалиги учун гусеницали тракторлар ишлаб чиқарувчи корхона.

22 *Умров* — кўкрак.

ЕТАР МАЙ, РУБОИЙ ВА АНЕКДОТ

(118-бет)

1933 йил 7 февралда ёзилган. Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланади. «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг ўша йилги 3—4-сонларида босилган. Кейинчалик «Асарлар-63»га ва «Асарлар-56, 70»нинг 1-томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-56» асосида чоп этилмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

40 *«Алёр»* — давра қўшиғи. Ўтмишда ўтиришларда айтилган.

45 *Шишган талоқ каби қилсинми талоқ* — бу мисрада хасталанган қора жигарнинг операциясини кўзда тутиб, мени ҳам жамият ўз қаторидан чиқариб ташласинми, демоқчи.

## ҚЎКЛАМ МАРШИ

(120-бет)

1933 йилда ёзилган ва илк дафъа «Янги Фарғона» газетасининг 1933 йил 15 март сонида босилган, сўнгра «Асарлар-56, 64, 70»нинг 1-томларида чоп этилган.

Нашрга «Асарлар-64» тексти асос қилиб олинди.

## ОТ

(121-бет)

Шеър 1933 йилда ёзилган. Қўлёзма ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланмоқда. Дастлаб «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг ўша йилги 5—6-сонларида босилган. Кейинчалик «Шеърлар-47» ва «Асарлар-56»да, «Асарлар-64, 70»нинг I томларида чоп қилинган.

«Асарлар-64» асосида нашрга киритилди.

11 *Пропеллер* — ҳаво винти — самолёт, вертолёт, дирижабль ва бошқаларнинг учиши, аэрочана, глиссерларнинг ҳаракатланиши кучини ҳосил қиладиган паррак.

15 *Бурул* — холдор, кўкиш тусдаги от.

43 *Темир омоч сўнгудай* — темир омоч — деҳқончиликда ер ҳайдаш учун ишлатиладиган темир тишли мослама. Темир омоч сўнгудай — темир омочнинг пўлатдан ясалган тишидай.

## ҚЎМСАШ

(123-бет)

Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланмоқда.

1933 йилда ёзилган, биринчи марта ўша йили «Қизил Ўзбекистон» ва «Ёш ленинчи» газеталарининг 29 октябрь сонларида босилган. Сўнг «Шеърлар-46, 47, 69», «Тонготар қўшиғи» тўпламларида, «Асарлар-53, 56 (I том), 63»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр этилган.

Нашрга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

5 *Мана порлоқ балоғат гувоҳномаси* — комсомол билети.

6 *Тўрт минг беш юз йигирма* — 4520 — комсомол билети номери.

22 *Комячейка* — комсомол ячейкаси, комсомол ташкилоти.

## СОВЕТ ҚАҲРАМОНЛАРИГА

(124-бет)

Шеър 1933 йилда ёзилган. Қўлёзма ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланмоқда. «Қизил Ўзбекис-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тон» газетасининг 1933 йил 18 апрель сонида «Қутб қаҳрамонларига» сарлавҳаси, «Ёш ленинчи» газетасининг 1937 йил 3 декабрь сонида «Қутбда сайлов» номи билан эълон қилинган. Кейинчалик «Ўзбекистон», «Ўн иккинчи», «Сайлов қўшиқлари», «Шеърлар-47» тўпламларида, «Асарлар-53, 56 (I том), 63»да ва «Асарлар-64, 70» нинг I томларида чоп этилган.

Томга «Асарлар-64» тексти асосида киритилди.

6 *Замҳарир* — қаттиқ совуқ.

7 *Шовуш* — муз парчаси.

11 *«Челюскин»* — 1933 йили «Челюскин» кемасида биринчи марта Мурманскдан Владивостоккача сузиб ўтиш мўлжалланган. Пароход 1934 йил 13 февралда Чукотка денгизида чўкиб кетган. Челюскинчилар совет учувчилари томонидан қутқарилади.

17 *Қаро* — вазн талабига кўра шундай қўлланилган.

## ТОШКЕНТ

(126-бет)

1934 йилда ёзилган, дастхати ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша йил 1 август сонида «Юртим» сарлавҳаси билан босилган. Сўнгра «Шеърлар-47», «Асарлар-56 (I том), 64.(III том), 70 (I том)»да нашр этилган.

«Асарлар-64» асосида чоп этилмоқда.

5 *Ложувард* — тўқ кўк тусли.

12 *Оҳангарон* — Тошкент областидаги дарё. Чатқол ва Қурама тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган бир қанча сойлардан ҳосил бўлади. Оҳангарон дарёсининг ирмоқлари жуда кўп. 1960 йилда Оҳангарон дарёсининг қуйи оқимида Тошкент денгизи деб ном олган Тошкент сув омбори қурилган.

12 *Бўз, Анҳор* — Тошкент шаҳридан оқиб ўтувчи дарёлар.

12 *Салор* — Тошкент областидаги канал. Ҳозир Салор Тошкент орқали Зангиота қишлоғининг жанубидан ўтиб, Янгийўл районида тугайди.

34 *Бир юз етмиш миллион қардошларга эш* — шеър ёзилган кезларда Совет Иттифоқи аҳолисининг сони шунча эди.

## АВВАЛ БАҲОР ЭДИ, ЕР ЭРДИ САБЗАПЎШ

(129-бет)

Санаси номаълум ушбу шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Шеър «Асарлар-70»нинг X томида нашр қилинган.

Қўлёзма асосида томга киритилди.

10—11 *Фарҳод тоғи, Ширин шаҳри* — Шарқ халқларининг қадимги тасаввурида тоғ ишларининг устаси сифатида шуҳрат топган Фарҳод, сув мўл-кўлчилиги ҳақидаги тасаввур билан таърифланиб келган Ширин кўпгина достонларнинг, жумладан, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг бош қаҳрамонларига айланди. Ўрта Осиё ва Кавказда қадимдан Фарҳод номи билан аталган тоғлар, Ширинсойлар кўпгинадир. Шундай манзиллар Бекобод ва Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) атроф-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида ҳам мавжуд. Шеърда шу мавзеларга ишора қилинади.

## ҚЎРИНУР

(130-бет)

1934 йилда ёзилган. Шеърнинг қўлёзма ва машинка нусхалари шоир архивида сақланади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 7-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

Шоир дўстларининг эслашича, бу шеърни Ғафур Ғулом Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев билан республика бўйлаб сафарларидан бирида унинг тавсиясига кўра классик ашулалар йўлида ёзган.

«Асарлар-70» матни асосида нашр қилинмоқда.

## БОҒ

(131-бет)

Шоир архивида дастхати ва лотин графикасидаги машинка нусхалари сақланмоқда бўлган ушбу шеър 1934 йилда ёзилган, биринчи марта «Машъала» журналининг ўша йил 2-сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Ўзбекистон чироғлари», «Шеърлар-47», «Ленин ва Шарқ», «Шеърлар-69» тўпламларида, «Асарлар-53, 56 (I том)»да ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларида нашр этилган.

Томга «Асарлар-64» тексти асосида киритилди.

10 *Чиллик* — эртапишар узум.

50 Шоир томонидан XIX аср форс-тожик адабиётининг забардаст намояндаси Мирзо Абдулқодир Бедил шеъриятидан келтирилган: «Бода бар ҳар табъ мебахшад жудо хосияте»,— мисраи «Май ҳар таб эгасига алоҳида бир таъсир кўрсатади», деган мазмунга эга.

Бедил (тахаллуси) Мирза Абдулқодир (1644—1721) — машҳур шоир, файласуф, мутафаккир ва ўз даврининг «Мирзо малик уш-шуаро»сидир. Бедил асарларининг асосий қисми унинг «Куллиёт»ида жамланган. Ўзбек диёрида «Абулмаоний» («Маънолар отаси») деган фахрли лақаб билан шуҳрат топган.

## ЯНГИ ИШҚ

(133-бет)

1934 йилда Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ биринчи съездига бағишлаб ёзилган, илк дафъа «Ёш ленинчи» газетасининг ўша йил 17 сентябрь сонида эълон қилинган. Сўнг «Асарлар-56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг I томларига ҳам киритилган.

«Асарлар-64» асосида чоп этилмоқда.

## ЎРДАҚ ВА ТУРҒУН

(134-бет)

1934 йилда ёзилган, шоир архивида тўлиқ бўлмаган лотин графикасидаги машинка нусхаси сақланади. Илк дафъа «Ленин учқуни» газетасининг 1935 йил 7 ноябрь сонида босилган. Кейин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

чалик «Мукофот», «Шеърлар», «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники» тўпламларида ва «Асарлар-56 (I том), 64 (III том), 70 (IV том)» да нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» тексти асосида киритилди.

## ДИКТАТУРА

(136-бет)

1935 йилда ёзилган. Дастхат ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша йил 13 январь сонида босилган. Сўнг «Шеърлар-47», «Ҳаёт байроғи» тўпламларида, «Асарлар-53, 63»да ва «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида қайта нашр қилинган.

Том учун «Асарлар-64» тексти асос бўлди.

2 *Урал* — Жанубий Урал ва Каспий бўйи пасттекислигидаги дарё.

2 *Чапаев В. И.* (1887—1919) — СССРда гражданлар уруши қаҳрамони. 1917 йилдан КПСС аъзоси. Биринчи жаҳон урушида (1914—1918) қатнашган. 1919 й. апрелдан 25-ўқчи дивизияси командири сифатида Шарқий фронтнинг Колчак қўшинларига қарши ҳужумида муваффақиятли қатнашган. Чапаев сафдошлари билан ҳамма патронларни отиб тугатгач, ярадор ҳолида Урал дарёсини кечиб ўтаётганида душман ўқидан ҳалок бўлган. Чапаевнинг афсонавий қаҳрамонлиги 25-дивизиянинг ҳарбий комиссари бўлган Д. Н. Фурмановнинг «Чапаев» повестида, «Чапаев» кинофильмида ва бошқа адабиёт ва санъат асарларида тасвирланган.

6 *Эргаш* — Қўқон атрофидаги районларда босмачиларга бошчилик қилган шахс.

17 *Шўрсув* — Фарғона область Ўзбекистон районидаги посёлка.

## АППАРАТ БОШИДА

(138-бет)

Шеър 1935 йил 26 январда Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби В. В. Куйбишевнинг вафоти муносабати билан ёзилган. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил 23 январь сонида, сўнг «Шеърлар-47»да ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр этилган.

«Шеърлар-47» тексти асосида босилмоқда.

2 *Куйбишев В. В.* (1888—1935) — Коммунистик партия ва Совет давлати арбоби. 1903 йилдан революцион ҳаракатда қатнашган. 1904 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1917 йил Самара революцион комитети ва губерна партия комитети раиси. Гражданлар уруши даврида Қизил Армия ташкилотчиларидан ва сиёсий раҳбарларидан бири. 1922 йил апрелдан РКП(б) МК секретари, 1923—26 йилларда Ишчи-деҳқон инспекцияси раиси, 1930 йил ноябрдан СССР Давлат план комиссияси раиси, 1927 йилдан ВКП(б) Сиёсий бюроси аъзоси.

3 *ЭКЛ* — Экаэл — радиоприёмник маркаси.

18 *Гавай* — Тинч океандаги Гавай ороллари.

20 *Калькутта* — Ҳиндистондаги шаҳар. Денгиз порти. Ғарбий Бенгалия штатининг маъмурий маркази.



www.ziyouz.com kutubxonasi

25 *«Акнун Теҳрон сухан мезанад»* — Энди Теҳрон гапиради.
26 *Ризо Паҳлавий* (1878—1944) — Эрон шоҳи.
43 *Монах* — роҳиб, диний гуруҳ вакили. Монахлар, роҳиблар «тарки дунё» қилиш, мол-мулкдан воз кечиш, қариндошлик ва ижтимоий алоқалардан холи бўлишни тарғиб қиладилар.
45 *Фокстрот* (ингл. тез йўртиш, тез одим) — бал рақси. 1912 йилда АҚШда яратилган.
57 *Бўғозимдан* (бўгзимдан) — вазн талаби билан шундай қўлланган.
81 *Астрахань* — РСФСР Астрахань областининг маркази. СССРдаги йирик порт шаҳарларидан бири.
93 *Ҳали унинг босган изи Фарғонамизнинг* — Куйбишев Валериан Владимирович — гражданлар уруши даврида 11-армия ва Туркистон фронти Ҳарбий Революцион Кенгаши аъзоси. 1934 йилнинг декабрида В. В. Куйбишев Ўзбекистонда бўлган эди. Шеърда шунга ишора қилинади.
102 *Яна мотам мунгларими тўлди уйимга* — 1934 йил 1 декабрда Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Сергей Миронович Кировнинг вафоти кўзда тутилади.

## БОҒДА

(141-бет)

1935 йилда ёзилган, «Гулистон» журналининг ўша йил, 7-сонида эълон қилинган, сўнг «Асарлар-56»га ва «Асарлар-64, 70»нинг 1-томларига ҳам киритилган.

Нашрга «Асарлар-64» асос қилиб олинди.

5 *Қамар* — ойнинг арабча номи.
5 *Зуҳра* — чўлпон юлдузи — Венера. Шарқ шеъриятида осмон чолғувчиси, созандаси сифати билан таърифланади.
5 *Ҳулкар* — Савр юлдуз туркумида жойлашган тарқоқ юлдуз тўдаси.

## КОЛХОЗ ҲАНГОМАСИ

(142-бет)

1935 йилда ёзилган ва илк дафъа «Муштум» журналининг ўша йил 15—16-сонларида эълон қилинган. Шеър андижонлик зарбдор кекса колхозчи аёл Рўзибиби Ёқубовага бағишлаб Собир Абдулла билан ҳамкорликда ёзилган. «Таниш башаралар» китобида «Ўртоқ Ёқубова» сарлавҳаси билан берилган. Кейинчалик «Асарлар-56, 70»нинг 1-томларида нашр этилган.

Томга «Асарлар-56» матни асосида киритилди.

13 *Собир Абдулла* (1905—1972) — атоқли ўзбек совет шоири ва драматурги, ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944), ЎзССР халқ шоири (1965).
114 *Ойна Юсуф эди, мен Зулайхоси* — бу ерда шарқ халқлари ўтмиш адабиётида машҳур «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасининг қаҳрамонлари билан боғлиқ сифатлар ташбиҳ ўрнида келтирилган. Кейинги мисрада Фарҳод ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ширин каби қаҳрамонларнинг образлари ҳам шу маънода эсланади.

## МАРСИЯ ЭМАС

(147-бет)

А. Барбюснинг вафоти муносабати билан 1935 йилда ёзилган. Дастхати шоир архивида сақланади. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша йил 2 сентябрь сонида босилган. Кейинчалик «Асарлар-56, 64, 70»нинг 1-томларига киритилган.
«Асарлар-64» тексти нашрга асос бўлди.

3 *Коммунар* — Париж коммунаси қатнашчиси.

13 *«Марсельеза»* — француз революцион қўшиғи, Франция давлат гимни.

22 *Барбюс Анри* (1873—1935) — француз ёзувчиси ва жамоат арбоби, 1923 йилдан Франция коммунистлар партиясининг аъзоси. Унинг «Олов» (1916) ва «Ёришув» (1919) асарлари Биринчи жаҳон урушига қарши норозилик руҳида ёзилган. «Кларте» адабий бирлашмасининг ташкилотчиси, 1933 ва 1935 йиллардаги антифашист конгрессларининг ташкилотчиларидан бири.

41 Ҳали тахтлар тубига «олов етмасдан» — шоир бу сатрларда А. Барбюснинг урушни қоралайдиган «Ўт» романини кўзда тутади.

## С. АЙНИЙГА

(149-бет)

Атоқли адиб С. Айнийнинг 1935 йил 13 декабрда Тошкентда ўтказилган юбилей кечасида Ғафур Ғулом томонидан ўқиб берилган. Дастхати шоирнинг архивида сақланмоқда. Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил 15 декабрь сонида, сўнгра «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида нашр этилган.
«Асарлар-64» матнига асосан чоп этилмоқда.

1 *Айний Садриддин Саидмуродович* (1878—1954) — тожик совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет адабиётининг бошловчиларидан. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва тўнғич президенти. «Дохунда» (1930), «Қуллар» (1934) романлари, «Одина», «Судхўрнинг ўлими» каби повестлар муаллифи. «Эсдаликлар» (1949—1954) мемуар асари учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган (1950).

3 *Субҳи содиқ* — чинакам тонг, тонг отиш пайти.

7 *Дохунда* — С. Айнийнинг «Дохунда» романи қаҳрамони.

9 *Ғуломлар* — қуллар. Бу ерда С. Айнийнинг «Қуллар» романи қаҳрамонлари кўзда тутилади.

12 *«Шоҳнома»* — форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсийнинг (940—1020) ривоят, афсоналардан иборат достони.

## ИККИ ЁШЛИК

(150-бет)

1935 йилда ёзилган, лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Шеър «Қизил Ўзбекистон» газетаси-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг 1935 йил 8 январь сонида босилган. Сўнг «Мукофот», «Шеърлар», «Тонготар қўшиғи» тўпламларида, «Асарлар-53, 56»да, «Асарлар-64 (I том), 70 (IV том)»да нашр қилинган.

«Асарлар-64» тексти асосида томга киритилди.

4 *Жевак* — аёлларнинг бўйнига тақадиган безаги.

7 Шамол, баҳринг камол, чўлоқ кетмонингни олиб кет!— халқ эътиқодига кўра шамол келмаганда, шамолни чақириш учун айтиладиган ибора.

29 *Планер* — ҳавода моторсиз учадиган аппарат.

ХОЛДОРОЙНИНГ НАКАЗИ

(152-бет)

1935 йилда ёзилган, дастхати шоир архивида сақланади. Шеър биринчи марта «Ленин учқуни» газетасининг 1935 йил 9 январь сонида «Ўзар ҳам Усарнинг адаси ёзган» имзоси билан эълон қилинган, кейинча «Асарлар-70»нинг IV томига ҳам киритилган.

Нашрга «Ленин учқуни» газетаси тексти асос қилиб олинди.

ҚУКЛАМ ШАМОЛИ

(156-бет)

1935 йилда ёзилган, қўлёзма ва машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Шеър дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 4 апрель сонида «Ўзарнинг дадаси» имзоси билан эълон қилинган. Кейинчалик «Асарлар-70»нинг IV томига ҳам киритилган.

Нашрга «Қизил Ўзбекистон» газетаси матни асос бўлди.

2 *Чимён* — Тошкент область Бўстонлиқ районидаги мавзе. Чимён тоғи этаклари. Чимён сойи атрофлари кенг дам олиш жойларидан иборат.

БАРИ СЕНИКИ

(157-бет)

1936 йилда ёзилган, дастхати ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Дастлаб «Ёрқин турмуш» журналининг 1937 йил 4—6-сонларида эълон қилинган. Сўнг «Шеърлар-46, 47», «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники» тўпламларида, «Асарлар-53» ва «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида чоп этилган.

Нашрга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

40 *Қадар* — бу ерда қудрат маъносида.

ҚУК БУСАҒАСИДА

(159-бет)

1936 йилда ёзилган, дастхатлари ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Шеър биринчи марта «Гулистон» журналининг 1936 йил 7—8-сонларида эълон қилинган. Сўнг «Шеърлар-47», «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида чоп этилган.

Шеър Москва — Франц-Иосиф ери маршрути бўйлаб 56 соат



www.ziyouz.com kutubxonasi

тўхтовсиз учган атоқли совет учувчилари Чкалов, Байдуков ва Беляковнинг қаҳрамонлигига бағишлаб ёзилган.

Нашрда «Асарлар-64» матни асосга олинди.

2 *Чкалов Валерий Павлович* (1904—1938) — совет синовчи учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 1936 йил 20—22 июлда Г. Ф. Байдуков ва А. В. Беляковлар билан бирга Москвадан Петропавловск—Камчатка орқали Удд оролигача (9374 км), 1937 йил 18—22 июнда Москвадан Шимолий Қутб орқали АҚШгача (12 минг км. дан зиёд) қўнмасдан учиб ўтган ва қўнмай узоқ учиш бўйича жаҳон рекорди ўрнатган.

2 *Байдуков Георгий Филиппович* (1907 й. туғ.) — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-лейтенанти.

2 *Беляков Александр Васильевич* (1897 й. туғ.) — авиация соҳасидаги совет арбоби, аэронавигация бўйича мутахассис, география фанлари доктори, проф. авиация генлейтенанти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

24 *Буртак* — бўлак маъносида.

## ШЕЪР ҲАМ СОБУН

(161-бет)

Лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Ғафур Ғулом 1936 йилда Татаристон АССРга ўзбек ёзувчилари бригадаси составида борганида мазкур шеърни татар халқининг атоқли революционери Мулланур Воҳидов номидаги совун заводининг ишчиларига атаб ёзган. «Қизил Татаристон» газетасининг 1936 йил 23 июль сонида, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 24 октябрь сонида чоп этилган. Кейинчалик «Шеърлар-69» тўпламида ва «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида нашр этилган.

«Асарлар-64» тексти асосида чоп этилмоқда.

8 *Учмох* — жаннат.
10 *Кирпич* — ғишт.
14 *Пичроқ* — кир, жирканч.
21 *Пучмоқ* — бурчак.
29 *Ифор* — хушбўй.
34 *Оритув* — тозалаш.

## СТАДИОН ОҚШОМИ

(162-бет)

1936 йил 16 сентябрда ёзилган, дастхатлари ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Шеър илк дафъа «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 18 сентябрь сонида босилган. Кейинчалик «Шеърлар», «Шеърлар-47», «Комсомол», «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники» тўпламларида, «Асарлар-53»да ва «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида нашр қилинган.

«Асарлар-64» асосида чоп этилмоқда.

28 *Муҳра* — шахмат донаси.
32 *Жунбуш* — ҳаяжон, тўлқинланиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚОНСТИТУЦИЯМИЗ

(163-бет)

1936 йилда ёзилган, дастхати ва лотин графикасидаги тўлиқ бўлмаган машинка нусхалари шоир архивида сақланмоқда. Шеър Ўзбекистон Советларининг фавқулодда 8-қурултойида ўқиб берилган ва дастлаб«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 18 ноябрь сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Шеърлар-47» ва «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларига ҳам киритилган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

8 *Хона бардўш* — кўчини орқалаган, яъни уй-жойсиз.

51 *Муҳит* — денгиз маъносида.

54 *Увадабанд* — увадага ўралган, жулдур кийимли.

## НОРТОЖИНИНГ ҚУРАҚ ТИШИ

(166-бет)

1936 йилда ёзилган, дастлаб «Ўсарбойнинг дадаси ёзган шеър» имзоси билан «Ленин учқуни» газетасининг 1936 йил 6 декабрь сонида, «Ёрқин турмуш» журналининг 1936 йил 5 сонида босилган. Сўнг «Мукофот», «Шеърлар», «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники» тўпламларида, «Асарлар-56, 64 (III том), 70 (IV том)»да нашр этилган.

Нашрда «Асарлар-64» асосга олинди.

## МАДРИД ҚУШИҚЛАРИ

(169-бет)

Дастхати ва тўлиқ бўлмаган машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 7 ноябрь сонида босилиб чиққан. Сўнг «Шеърлар-47», «Асарлар-64 (III том), 70 (I том)»да нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асосида чопга тайёрланди.

2—5 *Қайхусрав, Куруш, Кир* — қадимги Эрон шоҳи (мил. ав. 558—580). Ахоманийлар давлати асосчиси. Шеърда Ўрта Осиё халқлари эпоси саналмиш «Тўмарис» ҳақидаги афсонада мавжуд ўзга ўлкалар ғоратгари Қайҳусравнинг кесик бошини қон тўлдирилган меш (сув сақлаш учун теридан тикилган идиш)га солиниши эпизодига ишора бор.

10 *Ровий* — ривоят айтувчи, ҳикоя қилувчи.

12 *Модаркуш* — онасини ўлдирган.

12 *Франко Баамонда Франсиско* (1892—1975) — Испания диктатори. Испания республикасига қарши кўтарилган ҳарбий фашистлар исёни бошлиғи.

18 *Жабалториқ* — Гибралтар бўғози — Пиреней ярим оролининг жанубий чеккаси (Европа) билан Африканинг шимоли-ғарбий учи ўртасидаги бўғоз.

19 *Қибрис, Кипр* — Кипр Республикаси — Ғарбий Осиёдадаги давлат. Ўрта денгизнинг шарқий қисмида, Кипр оролида. Пойтахти Никосия шаҳри.

21 *Андалус* — қадимги шарқ манбаларида Испаниянинг номи; аслида Испаниянинг жанубидаги вилоят.

28 *Алхумро* — Альгамбра; Гренада шаҳри яқинида араб



www.ziyouz.com kutubxonasi

меъморчилигининг ажойиб намунаси бўлган қалъа. XIV—XV асрларда қурилган.

35 *Алам* — бу ерда байроқ маъносида.

42 *Қуртоба, Ғарнота* (арабча шакл) — Кордова, Гренада — Испаниянинг жанубидаги шаҳарлар.

59 *Муссолини Бенито* (1883—1945) — Италиядаги фашистлар партияси ва ҳукумати (1922—1943) бошлиғи.

## ЧАМАН

(171-бет)

1937 йилда ёзилган ва биринчи марта «Гулистон» журналининг 1937 йил 3-сонида босилган. Шеърнинг машинка нусхаси шоир архивида сақланмоқда. Шеър кейинчалик «Шеърлар-47, 69», «Ленин ва Шарқ» тўпламларида ва «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» асосида киритилди.

7 *Жўр* — тўрғайлар оиласининг бир тури. Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласи.

7 *Сож* — қушнинг номи.

8 *Ҳамроз* — сирдош.

11 *Кўзни боғловчи фаранг* — фокусчи.

14 *Дамсоз* — ҳамдард.

15 *Арғувон* — баҳорда очиладиган қизил гулли дарахт.

36 *Ком* — ният.

## САНЪАТИМ

(172-бет)

1937 йилда Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигининг муваффақиятли тугалланиши муносабати билан ёзилган. Шеърнинг қўлёзмаси ва машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Биринчи марта «Гулистон», «Ёрқин турмуш» журналларининг 1937 йил 5-сонида эълон қилинган. Кейинроқ «Асарлар-64»нинг III томида, «Асарлар-70»нинг I томида чоп этилган.

Нашрга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

8 *Гулсара* — Комил Яшин М. Муҳамедов билан ҳамкорликда яратган «Гулсара» музикали драмасидаги бош қаҳрамон.

15 *Ичкари* — революциядан олдин аёллар яшашига мўлжалланган алоҳида ҳовли.

19 *Носирова Ҳалима* (1913) — хонанда, ўзбек вокал санъатининг йирик намояндаси, опера солисткаси. СССР халқ артисти (1937), фаолиятини актриса сифатида 1927 йилдан Ўзбек Давлат намуна сайёр труппасида бошлаган. СССР Давлат мукофоти (1940, 1951), Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти (1971) лауреати.

19 *Эшонтўраева Сора Абдураҳмоновна* (1911) — атоқли ўзбек совет актрисаси, жамоат арбоби. СССР халқ артисти (1951), 1942 йилдан КПСС аъзоси. 1927 йилдан ўзбек давлат марказий драма труппаси (ҳозирги Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри) актрисаси. СССР Давлат мукофоти (1946, 1977), ЎзССР Ҳамза мукофоти (1967) лауреати.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НОМЗОД — МАШИНИСТ

(173-бет)

Шеър 1937 йилда СССР Олий Советига I сайловлар ўтказилиши муносабати билан М. Шайхзода ҳамкорлигида ёзилган. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 29 ноябрь сонида «Кандидат машинист» сарлавҳаси билан эълон қилинган. Кейинчалик «Ўн иккинчи», «Сайлов қўшиқлари» тўпламларида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр этилган.

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган.

«Сайлов қўшиқлари» тексти асос қилиб олинди.

2 *Емцов* — Ўрта Осиё темир йўли Тошкент депосининг илғор машинисти Василий Яковлевич Емцов.

24 *Кривонос Пётр Федорович* (1910) — транспорт соҳасида новатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1943). 1929 йилдан КПСС аъзоси. Паровоз машинисти сифатида у 1938 йилда юк ташувчи поездларнинг техник тезлигини икки марта ошириш ҳақидаги янги фикрнинг ташаббускори. 1953 йилдан жануби-ғарбий темир йўли бошлиғи вазифасида ишлади. 1937—62 йиллар СССР Олий Совети депутати.

## МАВЖУДА

(175-бет)

Шеър 1937 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиси Мавжуда Абдураҳмонованинг СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилиши муносабати билан М. Шайхзода ҳамкорлигида ёзилган. Дастлаб «Ёрқин турмуш» журналининг 1937 йил 10-сонида, сўнгра «Ўн иккинчи», «Сайлов қўшиқлари» тўпламларида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр этилган.

Шеър «Сайлов қўшиқлари» асосида босилмоқда.

10 *Моки* — тўқув станогида танда иплари орасидан арқоқни олиб ўтадиган мослама.

37 *Ҳавч (ҳовуч)* — қофия ва вазн талаби билан шу формада қўлланилган.

## САРАЛАНГАН ЎҒИЛ

(177-бет)

1937 йил 26 ноябрда ЎзКП(б) Марказий Комитетининг секретари Усмон Юсуповнинг СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилиши муносабати билан М. Шайхзода ҳамкорлигида ёзилган. У биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 26 ноябрь сонида, кейинчалик «Ўн иккинчи», «Шеърлар-47» тўпламларида ва «Асарлар-70»нинг биринчи томида қайта нашр қилинган.

Нашрда «Шеърлар-47» матни асос бўлди. 22-қатордаги «эрк» сўзи «Ўн иккинчи» асосида.

2 *Юсупов Усмон Юсупович* (1900—1966) — Коммунистик партия ва Совет давлати арбоби, 1926 йилдан КПСС аъзоси. 1929 йилдан Ўзбекистон КП(б) МК аъзоси ва МК секретари. 1931—34 йилларда У. Юсупов Бутуниттифоқ Касаба союзлари Совети Ўрта Осиё Бюросининг раиси. 1937—50 йилларда Ўзбекистон КП(б) МК биринчи



www.ziyouz.com kutubxonasi

секретари. 1950—53 йилларда СССР пахтачилик министри, 1953—55 йилларда УзССР Министрлар Советининг раиси, СССР Олий Совети ва Узбекистон Олий Совети Президиуми аъзоси (1937—50).

35 *Қуръа* — чек ташламоқ.

39 *Жашн* — байрам, тантана.

## БАХШИНИНГ ХОТИРАСИ

(179-бет)

Шеърнинг машинка нусхалари шоир архивида сақланади. СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Доғистоннинг машҳур халқ шоири Сулаймон Стальскийнинг вафоти муносабати билан 1937 йилда М. Шайхзода ҳамкорлигида ёзилган ва «Қизил Узбекистон» газетасининг 1937 йил 26 ноябрь сонида босилган. Кейинчалик «Ун иккинчи», «Сайлов қўшиқлари», «Шеърлар-47» тўпламларида, «Асарлар-53, 63»да ва «Асарлар-56, 64, 70» нинг биринчи томларида чоп этилган.

Шеър «Ун иккинчи» ва «Сайлов қўшиқлари» тўпламларида «Кандидатнинг хотираси» номи билан чоп этилган.

«Асарлар-64» асосида нашр қилинмоқда.

4 *Доғистон* — Автоном Совет Социалистик Республикаси. РСФСР таркибида 1921 йил 21 январда ташкил этилган.

5 *Асрдийда* — узоқ умр кўрган.

10 *Лазги* — лезгинлар — Доғистонда яшайдиган Кавказ халқларидан.

16 *Замона Гомери* — Гомер — қадимги Юнонистоннинг афсонавий шоири. Машҳур «Илиада» ва «Одиссея» эпик достонлари Гомер номи билан боғланади. Максим Горький С. Стальскийни «XX аср Гомери» деб атаган эди.

16 *Сулаймон* — Сулаймон Стальский (1869—1937) — атоқли лезгин шоири, оқини. Доғистон АССР халқ шоири.

## ҚУТБДА САЙЛОВ

(180-бет)

Шеърнинг лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. 1937 йилда биринчи «Шимолий қутб» кўчма қутб станциясининг бошлиғи И. Д. Папаниннинг СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилиши муносабати билан М. Шайхзода ҳамкорлигида ёзилган. Дастлаб «Ёш ленинчи» газетасининг 1937 йил 5 декабрь сонида эълон қилинган. Сўнг «Ун иккинчи», «Сайлов қўшиқлари», «Шеърлар-47» тўпламларида, «Асарлар-56, 64, 70»нинг биринчи томларида қайта нашр қилинди.

«Асарлар-64» тексти асосида чоп қилинмоқда.

2 *Папанин Иван Дмитриевич* (1894) — совет қутб тадқиқотчиси. География фанлари доктори (1938). Контр. адмирал (1943), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1937, 1940), 1919 йилдан КПСС аъзоси. 1937—38 йилларда Марказий Арктикада муз парчаси устида уюштирилган биринчи совет қутбий станция «Северный Полюс» («СП-1»)га раҳбарлик қилган. 1939—46 йилларда Шимолий денгиз йўли Бошқармасининг бошлиғи. 1951 йилда эса СССР ФАнинг Денгиз экспедициялари



www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлари бўлимининг бошлиғи, 1941—52 йилларда Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси. 1937—50 йилларда СССР Олий Совети депутати. «Муз устидаги ҳаёт» (1938) ва «Муз ва учқун» (1977) китобларининг автори.

5 *Тўртта қондош юрак* — станция бошлиғи И. Папанин; океанограф П. Ширшов (1905—1953); метеоролог Е. К. Федоров (1910); радист Э. Т. Кренкель (1903—1971) кўзда тутилади.

## САЙЛОВ ҚАСИДАСИ

(182-бет)

1937 йилда СССР Олий Советига сайловлар кунига бағишлаб М. Шайхзода билан ҳамкорликда ёзилган. Дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 12 декабрь сонида босилган. Сўнгра «Ўн иккинчи», «Сайлов қўшиқлари» тўпламларида эълон қилиниб, сўнг «Асарлар-70»нинг I томига қисқартишлар билан киритилган.

Шеър «Сайлов қўшиқлари» тексти асосида босилмоқда.

36 *Риё* — иккиюзламачилик.

57 *Чўкич* — учи ўткир пўлат асбоб.

57 *Сандон* — темирчи ва заргарларда ишлатиладиган темир кунда.

86 *Дасиса* — маккорлик, хиёнат.

94 *Парламент* — буржуа давлатларида олий ваколатли орган.

132 *Нарком* — халқ комиссари.

141 *«Асос қонун»* — Асосий қонун — СССР Конституцияси.

177 *Илк маршал* — Ворошилов Климент Ефремович (1881—1969) — совет партия, давлат ва ҳарбий арбоби. Совет Иттифоқи Маршали (1935), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1956, 1968), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1960), 1903 йилдан КПСС аъзоси.

180 *Меҳрибон оқсоқол* — Калинин Михаил Иванович (1875—1946) — Коммунистик партия ва Совет давлати арбоби. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1944). 1898 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Петербург «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш иттифоқи» аъзоси. 1905—1907 йиллар революцияси (Петербург) қатнашчиси. 1912 йилдан Марказий Комитет аъзолигига кандидат ва РСДРП Марказий Комитети Рус бюроси аъзоси қилиб сайланган. 1917 йил Февраль ва Октябрь революциялари қатнашчиси. 1919 йилдан РСФСР Марказий Ижроия Комитети ва 1922 йилдан СССР Марказий Ижроия Комитети раиси қилиб сайланган. 1938 йилдан 1946 йил мартгача СССР Олий Совети Президиуми раиси.

## ТУРСУНАЛИ НЕГА ВАРРАКДАН АЙНИДИ

(188-бет)

1937 йил 25 мартда ёзилган ва биринчи марта «Ленин учқуни» газетасининг 1937 йил, 3 апрель сонида босилган. Кейинчалик «Мукофот», «Шеърлар-46, 47», «Тонготар қўшиғи» тўпламларида,



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Асарлар-56 (I том), 64 (III том), 70 (IV том)»да қайта нашр қилинган.

Шеър шоир архивида лотин графикасидаги машинка нусхада, «Мукофот», «Шеърлар» тўпламларида «Турсуналининг варраги» сарлавҳаси билан берилган.

«Асарлар-64» матни асосида томга киритилди.

49 *Модель* — бирор нарсанинг кичрайтириб ёки катта қилиб ясалган нусхаси.

## ГУЛДАН ЧАМБАР ЎРДИ БОШИНГГА ВАТАН

(190-бет)

Шоир архивида шеърнинг машинка нусхаси сақланади. В. Гризодубова, П. Осипенко ва М. Раскованинг «Родина» самолётида 1938 йил 24—25 сентябрь кунлари Москвадан Узоқ Шарққа қўнмасдан учиб кўрсатган қаҳрамонликлари муносабати билан ёзилган. Шеър «Саодат» (1967, № 1), «Шарқ юлдузи» (1967, № 2) журналларида ва «Асарлар-70»нинг I томида чоп этилган.

Нашрда «Асарлар-70» матнига асосланилди.

6 *Зебуннисобегим* (1639—1702) — машҳур ўзбек шоираси, маърифатпарвари, Бобурнинг паннабираси.

10 *Меҳри Ҳиравий* — XV асрда яшаган истеъдодли шоира. Унинг номи Алишер Навоий асарларида ҳам зикр этилади.

17 *«Баёт», «Муножот», «Ушшоқ», «Наво»* — классик куйларнинг номлари.

22 *Фоли бад* — ёмонлик нишонаси.

24 *«Бастихон», «Таммат»* — ўтмишда қолоқ тушунчали кишилар оилада қиз туғилишига «чек қўйиш» учун қиз болага «Басти» (бас), «Таммат» (тамом), «Кифоят» (кифоя), «Хотима» (охиргиси) каби исмларни қўйганлар.

46 *Осипенко Полина Денисовна* (1907—1938) — Совет ҳарбий учувчиси, майор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1938).

47 *Зуҳал* — Сатурн планетаси.

## МЕҲНАТ ВА ҲУРМАТ

(192-бет)

1939 йилда ёзилган. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1939 йил 5 февраль сонида эълон қилинган. Сўнг «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида қайта нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асосида чопга тайёрланди.

8 *Аторуд* — Меркурий планетаси.

17 *Бу беш* — шундан юқоридаги икки мисрада келтирилган: ақл, билим, шижоат, виждон, меҳнат.

18 *Стахановчилик ҳаракати* — социалистик ишлаб чиқариш новаторлари — илғор ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимларнинг янги техникани ўзлаштириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошлаган оммавий ҳаракати. 1935 йил иккинчи беш йиллик даврида социалистик мусобақанинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди. Стахановчилик ҳаракати «Центральная —



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ирмино» шахтасининг коп қазувчиси А. Г. Стахановнинг номи билан боғлиқ.

ЯША, ДЕЙМАН, УҒЛИМ!

(193-бет)

1939 йил ноябрь ойида ёзилган, шоир архивида унинг машинка нусхаси сақланади. Шеър дастлаб «Ленин учқуни» газетасининг 1939 йил 20 ноябрь сонида, кейинчалик «Шеърлар», «Тонготар қўшиғи» тўпламларида, «Асарлар-56, 64 (III том), 70 (IV том)»да қайта нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асосида нашр қилинмоқда.

АЗИЗНИНГ ДАДАСИ НОС ЧЕКИШНИ ТАШЛАДИ

(194-бет)

1939 йил ноябрь ойида ёзилган. Дастхати ва лотин графикасидаги машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Биринчи марта «Ленин учқуни» газетасининг 1939 йил 20 ноябрь сонида босилган, кейин «Мукофот», «Шеърлар», «Тонготар қўшиғи» тўпламларида ва «Асарлар-70»нинг IV томида чоп этилган.

Томга «Тонготар қўшиғи» асосида киритилди.

«ҚУТЛУҒ КУН ҚЎШИҒИ»

(195-бет)

1940 йилда ёзилган. Шеърнинг дастхати ва машинка нусхалари шоир архивида сақланади. Даставвал «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1940 йил 3 январь сонида, кейинчалик «Муштум» журналининг 1969 йил 10-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилган.

Томга «Қизил Ўзбекистон» газетаси тексти асос бўлди.

Шеърнинг биринчи бандида 1939 йилда ЎзССРнинг тузилганига 15 йил тўлиши шарафига республикамизнинг Ленин ордени билан мукофотлангани айтилган.

15 *Мингдан ортиқ янги ордени бор* — юксак меҳнат унумдорлиги учун мукофотланган республика ишчилари ва қишлоқ хўжалиги ходимлари кўзда тутилади.

21 *Ҳумой* — афсонавий қуш, давлат қуши.

27 *Паргар* — бир учи шарнирли, бириктирилган икки оёқли чизмакашлик ва ўлчаш асбоби — циркуль.

36 *Маннергейм* — 1939—40 йилларда Финляндиянинг СССР га қарши урушида мағлубиятга учраган фин армиясининг қўмондони.

САРҲИСОБ

**(197-бет)**

1940 йил март ойида ёзилган. «Асарлар-56, 64, 70»нинг I томларида қайта нашр этилган.

«Асарлар-64» текстига асосан томга киритилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚАСИДАИ ШАМСИЯ

(198-бет)

1940 йил 4 майда С. Абдулла ғазалига ёзилган мухаммас. Шоир архивида машинка нусхаси сақланмоқда. Шеър «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1973 йил 18 май сонида ва «Асарлар-70» нинг X томида эълон қилинган.

«Асарлар-70» тексти асосида нашр қилинмоқда.

1 *Қасидаи шамсия* — қуёш мадҳи.
5 *Ҳазор сол* — минг йил.
13 *Қуёш кусуфи* — қуёш тутилиши.
37 *Ҳумро, ҳамро* — қизил.
38 *Бани башар* — бутун олам.

## АҲМАД ЁМОН БОЛА ЭМАС-КУ, АММО...

(200-бет)

1940 йил 21 апрелда ёзилган. Шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади. «Ленин учқуни» газетасининг 1940 йил 22 апрель сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Мукофот», «Шеърлар-46, 47», «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники» тўпламларида ва «Асарлар-56 (I том), 64 (III том), 70 (IV том)»да қайта нашр қилинган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

39 *«Скороход»* — Ленинграддаги «Скороход» пойафзал бирлашмаси маҳсулоти.

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ДОНГДОР ЧЕВАР ҚУЛЛАРИГА — УДДАБУРОНЛАРИГА «МУШТУМ» САЛОМИ

(206-бет)

Шеър 1941 йил январида ёзилган. Тўла бўлмаган дастхати, машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Биринчи марта «Муштум» журналининг 1941 йил 4-сонида босилган. Кейинчалик «Асарлар-64 (I том), 70 (II том)»да нашр қилинган.

Томга «Муштум» журнали матни асос қилиб олинди.

24 *Ойдин — Манзура Собирова* (1906—1953) — ўзбек совет ҳикоянависи, шоираси, драматурги ва жамоат арбоби. Ўзбекистон давлат нашриётида (ҳозирги «Ўзбекистон» нашриёти) бўлим бошлиғи (1931), Ўзбекистон ССР Ёзувчилари союзининг масъул секретари (1932—1937), «Ёрқин ҳаёт» журнали муҳаррири ўринбосари (1938—1941), «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг муҳаррири (1946—1953). Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.
25 *«Ёрқин ҳаёт»* — Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ойлик оммабоп журнали. ЎзКП(б) МКнинг органи, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг нашри. Илгари «Янги йўл» (1925 йил декабрдан 1936 йил июнгача), «Ёрқин турмуш» (1936 йил июндан) номларида чиққан. 1938 йил 1 январдан «Ёрқин ҳаёт» номи билан нашр этилган. 1950 йилдан «Ўзбекистон хотин-қизлари», 1966 йилдан эса «Саодат» номлари билан чиқа бошлади.
28 *Қурбон ота Исмоилов* (1866—1946) — хоразмлик ижод-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кор. 1940 йилда 70 ёшга тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон халқ достончиси» деган юксак унвонга сазовор бўлган.

71 *Луиза, Офелия, Дездемона* — СССР халқ артисти Сора Эшонтўраеванинг «Макр ва муҳаббат», «Хамлет», «Отелло» трагедияларида яратган образлари.

## СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

(209-бет)

Шеър 1941 йил 30 апрелда Биринчи май байрами муносабати билан ёзилган. Шоир архивида машинка нусхаси сақланади. Дастлаб «Ленин учқуни» газетасининг 1941 йил 1 май сонида босилган. Сўнгра «Мукофот», «Шеърлар-47» тўпламларида ва «Асарлар-53, 56 (I том), 64 (I том), 70 (IV том)»да нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

5 *Колонналар қобоғида* — саф олдида.

## БИЛИБ ТУРИБМАН

(210-бет)

1941 йил 2 майда Қўқон шаҳрида ёзилган. Шеърнинг бир саҳифали дастхати қораламаси (парчалар) ва машинка нусхаси шоир архивида сақланади.

«Ленин учқуни» газетасининг 1949 йил 11 май сонида, «Тонготар қўшиғи» тўпламида, «Асарлар-56 (I том), 64 (III том), 70 (IV том)»да нашр қилинган.

Томга «Асарлар-64» матни асосида киритилди.

7 *Яшар* (1935—1941) — шоирнинг ўғли.

15 *Ўсар* (1933) — Улуғ Ғуломов, ЎзССР Фанлар академияси Ядро институтининг бўлим мудири, физика-математика фанлари доктори, ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

20 *Низомий Ганжавий* — Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф (1141 — Озарбайжоннинг Ганжа ш.— 1209) — буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири. Тазкирачилар Низомий Ганжавийнинг 20 минг байтдан иборат шеърий девони бўлганини ёзадилар. Низомий Шарқда биринчи «Хамса»навис сифатида машҳурдир. Адибнинг ўз даврида «Панж Ганж» номи билан шуҳрат топган бу асари «Махзанул-асрор» (1170), «Хисрав ва Ширин» (1181), «Лайли ва Мажнун» (1188), «Ҳафт пайкар» (1196), «Искандарнома» (1199—1200) достонларидан иборат.

20 *Хисрав* (Хисрав Деҳлавий, 1253—1325) — ҳинд ва форс-тожик шоири, олими, музикашуноси. Келиб чиқиши ўртаосиёлик бўлган бу шоир форс, урду ва ҳинд тилларида асарлар ёзган. Амир Хисрав Деҳлавий кўплаб адабий, тарихий асарлар қолдирди. Унинг лирикаси беш девондан иборат. Хисрав Деҳлавий Низомийга жавобан «Хамса» ҳам яратган (1298—1301).

## БИЛИБ ҚУЙИНГ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

(211-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеър 1941 йил 14 майда Қўқон шаҳрида ёзилган. Машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Дастхати сақланмаган. «Ленин учқуни» газетасининг 1941 йил 19 май сонида «Билиб қўйки, сени дунё кутади» сарлавҳаси билан босилган. Сўнгра «Янги шеърлар», «Шеърлар», «Тонготар қўшиғи», «Бари сеники» тўпламларида, «Асарлар-53, 56 (I том), 63, 64 (III том), 70 (IV том)»да нашр этилган.

Томга «Асарлар-64» тексти асос қилиб олинди.

10 *Муаммо* — маъноси ҳарфлар ичига беркитилган сўз, жумбоқ, муаммо қоидаларига оид Алишер Навоийнинг «Муфрадот» асари маълумдир.

## НАВҚИРОН НАСЛИМИЗ СИНОВ ОЛДИДА

(212-бет)

Шеър 1941 йил 18 майда ёзилган.

Автор архивида шеърнинг дастхати (беш саҳифали қоралама ва бир саҳифали оқлама, парчалар) ва машинка нусхаси мавжуд. Шеър биринчи марта «Ёш ленинчи» газетасининг ўша йил 18 май, «Ленин учқуни» газетасининг 3 июнь сонларида босилган. Кейинчалик «Шеърлар-46, 47», «Бари сеники» тўпламларида, «Асарлар-53, 56 (I том), 63, 64 (III том), 70 (IV том)»да нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асосида чоп этилмоқда.

9 *Сократ, Суқрот* (мил. ав. 470—469 — Афшона, 399) — қадимги юнон файласуфи, фалсафий диалектиканинг асосчиларидан бири.

14 *Қонун* — Абу Али ибн Синонинг медицинага оид машҳур «Китоб ал-қонун фит-тиб» (Тиб қонунлари китоби) номли бешта катта жилддан иборат асари. 1956—1962 йиллар давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти томонидан рус ва ўзбек тилларида тўла нашр бўлган. 1980 йилда қайта чоп этилган.

15 *Сино* — Абу Али ибн Сино (980—1037) — буюк энциклопедист олим, табиатшунос, файласуф, астроном, математик, музикашунос, ахлоқшунос, филолог, ёзувчи ва шоир. Европада Авиценна номи билан машҳур.

20 *Ҳозиқ Жунайдулло* — XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган. Демократик тенденциядаги адабиёт намояндаси. У Бухоро амири Насруллонинг буйруғи билан 1842 йилда ўлдирилган.

Ҳозиқнинг «Юсуф—Зулайҳо» достони машҳур шарқ афсонаси сюжети асосида яратилгандир.

20 *Турди* (форс-тожик шеърларидаги тахаллуси Фароғий) — ўзбек демократ шоири (XVII аср Бухоро — тахминан 1699/1700, Хўжанд).

Субҳонқулихонга ва унинг амалдорларига қарши чиқиб, аччиқ танқидий шеърлар ёзган. 33 банддан иборат. «Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия» (1691) номли мухаммасида меҳнаткаш халқнинг феодаллар зулмига қарши норозилигини ифодалайди.

20 *Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий* (1889—1929) — ўзбек совет ёзувчиси, ўзбек совет адабиётининг асосчиси, композитор, режиссёр, педагог ва жамоат арбоби. ЎзССР халқ ёзувчиси (1926). 1920 йилдан КПСС аъзоси.

27 *Улуғбек* (Муҳаммад Тарағай, 1394—1449) — улуғ олим, атоқли астроном. «Зижи Кўрагоний» (Юлдузлар ҳақи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

даги жадвал) асари ва Самарқандда қурган обсерваторияси дунёга машҳурдир.

## СИЗНИКИ

(213-бет)

1941 йилда ёзилган, дастхати сақланмаган. «Ленин учқуни» газетасининг 1941 йил 3 июнь сонида босилган. Сўнг «Асарлар-56 (I том), 64 (III том), 70 (IV том)»да нашр этилган.

«Асарлар-64» матни асос қилиб олинди.

20 *Арслонбоб* — Қирғизистон ССР Ўш областининг Бозорқўрғон райони территориясида.

26 *Наркомпрос* — Маориф Халқ комиссарлиги. Ҳозир Маориф министрлиги.

## МЕНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

(217-бет)

1931 йилда Ўзбекистон ССР пролетар ёзувчилари уюшмаси учун ёзилган. «Тошкент оқшоми» газетасининг 1968 йил 10 май сонида босилган. Шоир архивида дастхати сақланади.

«Асарлар-70» матни асосида томга киритилди.

217-бет, 23 *«Маслак»* — шариат йўлларини — қонунларини ўргатадиган китоб.

218-бет, 46 *Райкоммол* — районный комитет молодёжи — район ёшлар комитети.

219-бет, 28 *Зиё Саид* (тахаллуси, асли исми Қосим, фамилияси Солиҳов, 1901—1938) — ўзбек совет драматурги, журналист ва танқидчи. Зиё Саиднинг «Тўралик сиртмоғи», «Офтоб» (1935) драмалари чоп этилган. Қатор публицистик, адабий-танқидий мақолалар автори.

220-бет, 15 *Бедний Демьян* (тахаллуси; исми Ефим Алексеевич Придворов, 1883—1945) — рус совет шоири. 1912 йилдан партия аъзоси. «Зайнабнинг қасами» достонида (1925) тутқунликка, эрксизликка қарши курашган ўзбек аёлининг жасоратини ифодалаган. «Шайтон арава» (1930), «Халқимга ишонаман» (1941), «Юксак ишонч» (1942), «Жой» (1943), «Ғалаба байрами» (1945) каби совет ватанпарварлиги руҳи билан суғорилган асарлари билан машҳур. Унинг «Шеърлар, масаллар, поэмалар» номли китоби ўзбек тилида ҳам нашр этилган (1963).

219-бет, 40 *«Шарқ ҳақиқати»* — Тошкентда 1928 йил 11 декабрдан (Тошкент округ партия комитети, округ ижроия комитети органи) нашр этила бошлади. Округлар тугатилиши муносабати билан 1930 йил 24 сентябрда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») газетасига бирлашди.

44 *«Аланга»* — ойда бир марта чиқадиган санъат ва адабиёт журнали. Самарқандда Ўзбекистон янги алифбе Марказий Комитети томонидан 1928—1930 йилларда нашр этилган. Ҳаммаси бўлиб 32 сони чиққан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МЕН СЕВАМАН ЮЛДУЗЛАРНИ

(221-бет)

Шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 23 август сонида «Н» имзоси билан босилган.

Қўлёзмаси сақланмаган.

Газета матни асосида томга киритилди.

## ҚУРУЛТОЙНИ ТИНГЛАРКАН...

(222-бет)

Мухбирлар қурултойи муносабати билан ёзилган ушбу шеър «Ёш ленинчи» газетасининг 1930 йил 3 февраль сонида «Н» имзоси билан нашр этилган.

Газета матни асосида томга киритилди.

## ЧАҚИРУВ

(223-бет)

Шеър 1930 йилда ёзилган деб тахмин қилинади, дастхати шоир архивида сақланади.

Дастхат асосида нашр қилинмоқда.

## МИЛТИЛЛАР КУР ҚОЛИПДАЙ ҲУЖРАНГДА НОБИНО ЧАРОҒ

(224-бет)

1930 йилларнинг ўрталарида ёзилган. Шеърнинг дастхати ва машинка нусхаси шоир архивида сақланади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1968 йил 1-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

Дастхат асосида босилмоқда.

4 *Зулмати ялдо* — қиш қоронғулиги.

10 *Нур бар ҳар табъ мебахшад жудо хосияте* — форсча-тожикча: «Нур ҳар бир нарсанинг табиатига яраша таъсир кўрсатади, Лекин нима учундир бу нурдан кўнгилга совуқлик тушди».

14 *Билмадим, аъроб қўнди сураи нур устига* — «Қуръон»да «нур» сураси бор. Шу сурани қоронғилик босди, деган ишора.

## ҲАСАН КУЛИ-КУ ЖУДА КИЧИК КУЛ ЭДИ

(225-бет)

Шоир архивида дастхати ва машинка нусхалари сақланмоқда. Дастхатга қуйидаги байт эпиграф сифатида келтирилган:

Бир хат келди Сахалиннинг қуйругидан,
Чўчиб кетди фил ўз думин буйруғидан.

Япон милитаристларининг Узоқ Шарқдаги Ҳасан кўли районида (1938 йил 29 июль — 11 август) ўз хуружларига жавобан қақшатғич зарбамизга учраган кунларда ёзилган. Шеър «Шарқ юлдузи» журналининг 1968 йил 1-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дастхат асосида томга киритилди.

5 *Самурайлар* — Япония феодаллари, шунингдек майда дворянларнинг ҳарбий-феодал табақаси. 1867—68 йиллардаги буржуа революцияси амалга ошмагач, бошқа табақалар каби бу табақа ҳам барҳам топди. Ҳозир «Самурайлар» термини япон ҳарбийларига нисбатан ишлатилади.

## АССАЛОМ, ЭЙ ШАҲРИ СИМ, БАҲРИ МУҲАББАТ МАРҒИЛОН!

(226-бет)

Шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади. 1939 йилда ёзилган ва дастлаб «Шарқ юлдузи» журналининг 1968 йил 1-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

Нашрда дастхатга асосланилди.

2 *Сим* — Фарғонанинг эски номи.
2 *Баҳри муҳаббат* — муҳаббат денгизи.
2 *Марғилон* — Фарғона областидаги шаҳар.
3 *Шош* — Тошкентнинг қадимги номи.
7 *Топмасин чуғз ошён* — бойўғли ин қўёлмасин.
8 *Файзи қудс* — муқаддас файз.
9 *Валвала* — овоза маъносида.
10 *Ҳиндиқуш* — Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистондаги тоғ тизмаси.

## УЗБЕКИСТОН ШАБЧАРОҒИ, ОЛМОСИ ФАРҒОНАДИР

(227-бет)

Шеър Қатта Фарғона канали ишга тушиши муносабати билан 1939 йилда ёзилган, шоир архивида дастхати сақланмоқда. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 12-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилган.

Дастхат нашрга асос қилиб олинди.

## МУШОИРА

(228-бет)

1940 йилда шоир Чустий билан ҳамкорликда Андижонда ёзилган, машинка нусхалари шоир архивида сақланмоқда. Шеър «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 6-сонида ва «Асарлар-70»нинг I томида босилган.

«Асарлар-70» матни нашрда асосга олинди.

## БУЛСИН МУБОРАК СЕНГА ШАРАФ ИЛА ШОН ДУСТ

(229-бет)

Шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади. Ёзилган йили номаълум.

Дастхат асосида чоп қилинмоқда.

## ОШИҚИ МАСТ ҲУШГА КЕЛМАС УМРЛАР УТМАК БИЛАН

(230-бет)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 12-сонида эълон қилинган, «Асарлар-70» нинг X томида нашр қилинган.

Дастхат асосида томга киритилди.

11 *Севгига мазҳар каби* — севгининг изҳори, ифодаси каби.

ҲАР ФАРАЗ

(231-бет)

Лотин графикасидаги машинка нусхаси шоир архивида сақланади. Тугалланмаган мазкур шеърнинг ёзилган йили номаълум.

Машинка нусха асосида томга киритилди.

МАЙИЗУ ТУРШАККИНА

(232-бет)

«Нуриниса» тахаллуси билан ёзилган, санаси номаълум ушбу парчанинг фотокопияси шоирнинг шогирди В. Рўзиматовда сақланади.

Фотокопия асосида илк дафъа нашр қилинмоқда.

ЧЎПОН

(233-бет)

Шеърнинг дастхати шоир архивида сақланади.

Дастхат асосида чоп қилинмоқда.

БИЗ ИШЧИМИЗ, МЕҲНАТЧИМИЗ, ДУНЁ БИЗНИКИ

(234-бет)

Қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Шеърнинг санаси номаълум.

Қўлёзма асосида нашр қилинмоқда.

БУ КУН МЕН, ДЎСТЛАР, ДИЛ МАЛҲАМИ ДИЛБАРНИ ИЗЛАРМАН

(235-бет)

Дастхати шоир архивида сақланади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 12-сонида босилган, «Асарлар-70»нинг I томида нашр қилинган.

Нашрда «Асарлар-70» матнига асосланилди.

16 *Уд* — оловга солганда хуш ис берадиган чўп.

16 *Заъфар* — сарғиш тусли хушбўй ўсимлик.

ЎН БИР, ЎН УЧ ҲИЖОЛИ, КЕНГ ҚОФИЯЛИ

(236-бет)

Дастхат шоир архивида сақланади, 1941 йилда ёзилган, деб тахминланади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 12-сонида босилган, «Асарлар-70»нинг III томида чоп этилган.

Дастхат асосида томга киритилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАХТ ҚИЛМАСИН ҲУЖУМ ДЕБ ЮЗДА НИҚОБ ЭДИ

(237-бет)

Шоир дастхати архивда сақланади, тахминан 1941 йилда ёзилган.

Дастхат асосида нашр қилинмоқда.

## АВВАЛ БАҲОР ЭДИ, УЗИ ТУЙМАС ЭДИ НАЗАР

(238-бет)

Дастхат шоир архивида сақланади, тахминан 1941 йилда ёзилган.

Нашрда дастхатга асосланилди.

## УПАЙ

(239-бет)

Дастхат шоир архивида сақланади, 1934—1935 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади.

Томга дастхат асосида киритилди.

## ЙИГИРМА УЧ ЙИЛИНГ БИЛАН ҚУТЛАЙМАН ХАЛҚИМ

(240-бет)

1940 йилда ёзилган деб тахмин қилинади, дастхати шоир архивида сақланади.

Нашрда дастхатга асосланилди.

## РАСМЛАР РУЙХАТИ


Ғафур Ғулом. Портрет. . . . . . . . . . 4
Ғафур Ғулом. 1923 йил. . . . . . . . . . 23
Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон. 1929 йил. . . . 88
«Тошкент» шеъри дастхати. 1934 йил . . . . . . 127
Ғафур Ғулом Бутуниттифоқ совет ёзувчилари I съезди делегатлари орасида. 1934 йил. . . . . . . . 135
«Мукофот» тўпламининг муқоваси. 1940 йил. . . . 167
Ғафур Ғулом қардош адабиётлар намояндалари билан. 1939 йил. . . . . . . . . . . . 208


www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА*


Таҳрир ҳайъатидан . . . . . . . . 5 — —
Кечмиш ва кечирмишларимдан . . . . . 11 — 279

Шеърлар

1923

Феликс болалари . . . . . . . . . 21 — 282
Гўзаллик нимада . . . . . . . . . 22 — 282

1924

Истакларим . . . . . . . . . . 24 244 283
«Муштум»га . . . . . . . . . . 25 — 283

1925

Бу ҳам бир ҳақиқат . . . . . . . 26 — 283
Қўрғонтеги . . . . . . . . . . 27 — 283

1926

Биз икков . . . . . . . . . . 28 — 284
Хон саройи . . . . . . . . . . 29 — 284
Қиши кўргилиги . . . . . . . . 30 — 284
Тилак . . . . . . . . . . . 31 — 284

1927

Сурнай . . . . . . . . . . . 32 245 284
Бўлсин . . . . . . . . . . . 34 — 285
Севдигим . . . . . . . . . . 35 — 285
Донгли шоирга . . . . . . . . 36 — 285
Олқиш . . . . . . . . . . . 37 — 286
Қизил байроқ . . . . . . . . . 38 — 286

1928

Фалак она . . . . . . . . . . 39 — 286
«Дўст, менга инонма!» . . . . . . . 40 — 286
Агар уруш бўлиб қолса... . . . . . . 41 — 286
Уйланиш . . . . . . . . . . 42 245 287


* Биринчи устундаги рақамлар асосий текст, иккинчи устундаги рақамлар вариантлар, учинчи устундаги рақамлар эса изоҳлар берилган саҳифаларни билдиради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| Кампиримнинг ҳийласи | 43 | — | 287 |
| Расм эгасига | 44 | — | 287 |
| Обаки дандон | 45 | 245 | 287 |
| Ганжинаи ҳикмат | 46 | — | 288 |

**1929**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қиш ва шоирлар | 47 | 245 | 288 |
| Паранжи | 48 | — | 289 |
| Валаҳу айзан | 49 | — | 289 |

**1930**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Турксиб йўлларида | 50 | 245 | 289 |
| Алкоголь | 56 | 246 | 290 |
| Тўқиниш | 59 | 246 | 291 |
| «Войдод, бормайман», деди | 62 | 247 | 291 |
| Яловбардорликка | 63 | 247 | 292 |
| Таклиф қиламан | 67 | 247 | 293 |
| Тўлқинлар олдида | 69 | 250 | 294 |
| Беьиқор қор | 71 | 250 | 294 |
| Тугасин такя | 73 | 251 | 294 |
| Қўлтиқланган калла тўғрисида қофияли ваъз | 76 | 251 | 295 |
| Тагдўзи | 78 | 251 | 295 |

**1931**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мижжа қоқиб улгура олмайсан | 82 | — | 296 |
| Маданий қатра | 83 | 251 | 296 |
| Ҳеч қандай бир қўрғон бормикан, большевиклар қўлга олмаган | 87 | 252 | 296 |
| Сельмашнинг бир дегрез шоири | 90 | 253 | 296 |
| Нефть | 92 | 254 | 297 |
| Олқиш | 94 | 254 | 297 |
| Сўзан, бигиздан машинага | 97 | 255 | 297 |
| Нон | 99 | 255 | 298 |
| Қалблар можароси | 101 | 256 | 298 |
| Биз бардам ҳой, шонли байрам! | 103 | — | 298 |
| Байрам тонгида | 104 | — | 298 |
| Кичик бир мушоира | 106 | — | 299 |
| Чўллар бўйлаб келаётирман | 107 | — | 299 |
| Ўпирилиш | 109 | — | 299 |

**1932**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қизил карвон қўшиғи | 111 | — | 299 |
| Обрў учун | 112 | — | 300 |
| Кўклам | 114 | 256 | 300 |
| Учинчи қўш | 116 | 257 | 300 |

**1933**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ётар май, рубоий ва анекдот | 118 | 257 | 300 |
| Кўклам марши | 120 | 258 | 301 |
| От | 121 | 258 | 301 |
| Қўмсаш | 123 | 259 | 301 |




www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1934

| | | | |
|---|---|---|---|
| Совет қаҳрамонларига | 124 | 259 | 301 |
| Тошкент | 126 | 260 | 302 |
| Аввал баҳор эди, ер эрди сабзапўш | 129 | — | 302 |
| Кўринур | 130 | 261 | 303 |
| Боғ | 131 | 261 | 303 |
| Янги ишқ | 133 | 262 | 303 |
| Ўрдак ва Турғун | 134 | 262 | 303 |

## 1935

| | | | |
|---|---|---|---|
| Диктатура | 136 | 263 | 304 |
| Аппарат бошида | 138 | — | 304 |
| Боғда | 141 | 264 | 305 |
| Колхоз ҳангомаси | 142 | 264 | 305 |
| Марсия эмас | 147 | 264 | 306 |
| С. Айнийга | 149 | 264 | 306 |
| Икки ёшлик | 150 | 264 | 306 |
| Холдоройнинг накази | 152 | 265 | 307 |
| Кўклам шамоли | 156 | — | 307 |

## 1936

| | | | |
|---|---|---|---|
| Бари сеники | 157 | 265 | 307 |
| Кўк бўсағасида | 159 | 267 | 307 |
| Шеър ҳам собун | 161 | 267 | 308 |
| Стадион оқшоми | 162 | 268 | 308 |
| Конституциямиз | 163 | 268 | 309 |
| Нортожининг курак тиши | 166 | 270 | 309 |

## 1937

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мадрид қўшиқлари | 169 | 270 | 309 |
| Чаман | 171 | — | 310 |
| Санъатим | 172 | 270 | 310 |
| Номзод — машинист | 173 | 271 | 311 |
| Мавжуда | 175 | 271 | 311 |
| Сараланган ўғил | 177 | 271 | 311 |
| Бахшининг хотираси | 179 | 271 | 312 |
| Қутбда сайлов | 180 | 272 | 312 |
| Сайлов қасидаси | 182 | 272 | 313 |
| Турсунали нега варракдан айниди | 188 | 272 | 313 |

## 1938

| | | | |
|---|---|---|---|
| Гулдан чамбар ўрди бошингга Ватан | 190 | — | 314 |

## 1939

| | | | |
|---|---|---|---|
| Меҳнат ва ҳурмат | 192 | 273 | 314 |
| Яша, дейман, ўғлим! | 193 | 273 | 315 |
| Азизнинг дадаси нос чекишни ташлади | 194 | 274 | 315 |

## 1940

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қутлуғ кун қўшиғи | 195 | — | 315 |
| Сарҳисоб | 197 | — | 315 |




www.ziyouz.com kutubxonasi

Қасидаи шамсия . . . . . . . . . 198 — 316
Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо... . . . . . 200 274 316
Республикамизнинг донгдор чевар қўлларига — уддабуронларига «Муштум» саломи . 206 — 316
Совет халқининг байрами . . . . . . 209 275 317
Билиб турибман . . . . . . . . . 210 — 317
Билиб қўйки, сени Ватан кутади . . . 211 — 317
Навқирон наслимиз синов олдида . . . 212 — 318
Сизники . . . . . . . . . . . 213 — 319

## Илова

Менинг таржимаи ҳолим . . . . . . . . 217 — 319
Мен, севаман юлдузларни . . . . . . . 221 — 320
Қурултойни тингларкан . . . . . . 222 — 320
Чақирув . . . . . . . . . . . 223 — 320
Милтиллар кўр қолипдай ҳужрангда нобино чароғ 224 — 320
Ҳасан кўли-ку жуда кичик кўл эди . . . 225 — 320
Ассалом, эй шаҳри Сим, баҳри муҳаббат Марғилон . . . . . . . . . . 226 — 321
Ўзбекистон шабчароғи, олмоси Фарғонадир . . 227 — 321
Мушоира . . . . . . . . . . . 228 — 321
Бўлсин муборак сенга шараф ила шон дўст . 229 — 321
Ошиқи маст хушга келмас умрлар ўтмак билан 230 — 321
Ҳар фараз . . . . . . . . . . 231 — 322
Майизу туршаккина . . . . . . . 232 — 322
Чўпон . . . . . . . . . . . 233 — 322
Биз ишчимиз, меҳнатчимиз, дунё бизники . 234 — 322
Бу кун мен, дўстлар, дил малҳами дилбарни изларман . . . . . . . . . . 235 — 322
Ўн бир, ўн уч ҳижоли, кенг қофияли . . . 236 — 322
Бахт қилмасин ҳужум деб юзда ниқоб эди . . 237 — 323
Аввал баҳор эди, ўзи тўймас эди назар . . 238 — 323
Ўпай . . . . . . . . . . . . 239 — 323
Йигирма уч йилинг билан қутлайман халқим . 240 — 323
Вариантлар . . . . . . . . . . 241
Изоҳлар . . . . . . . . . . . 277
Расмлар рўйхати . . . . . . . . . 323

www.ziyouz.com kutubxonasi

*На узбекском языке*

# ГАФУР ГУЛЯМ

## ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

**В 12 томах**

**том I**

СТИХИ

(1923—1940)

*Ўзбекистон ССР ФА А. С Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий совети, ЎзССР ФА тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *М. Алиева*
Рассом *В. Тий*
Техмуҳаррир *Л. Тюрина*
Корректор *М. Содиқова*

ИБ. № 2517

Теришга берилди 7.04.83. Босишга рухсат этилди 26.04.83. Р05602. Формати 84×108[1]/32. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 17,32. Ҳисоб нашриёт л. 13,0. (1 вкл.). Тиражи 5000. Заказ 97. Баҳоси 1 с. 65 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

www.ziyouz.com kutubxonasi